

**«БУХГАЛТЕР КУТУБХОНАСИ»**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ  
ҚЎМИТАСИ СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**Б. И. ИСРОИЛОВ**

**СОЛИҚЛАР ҲИСОБИ  
ВА ТАҲЛИЛИ: МУАММОЛАР  
ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

**Тошкент — «Ўзбекистон» — 2006**

---

## Таҳрир кенгаши:

Э. ВОҲИДОВ, Р. КАРИМОВ, Ф. ҚУРБОНБОВ,  
М. МЕЛИБОВ, М. ПЕРПЕР

## Илмий муҳаррир:

Самарқанд иқтисодий ва сервис институти «Статистика»  
кафедраси мудири, и.ф.д., профессор М.Қ.Пардаев.

## Тақризчилар:

Зайналов Ж.Р. — Самарқанд иқтисодий ва сервис институти  
«Молия» кафедраси мудири, и.ф.д., профессор;

Гадоев Э. — ЎзР Давлат солиқ қўмитаси Раисининг биринчи ўрин-  
босари, и.ф.н., доцент;

Мирзаев Т. — ЎзР Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси  
«Солиқлар ва солиққа тортиш» кафедраси мудири, и.ф.н., доцент.


## И 82 Исроилов Б.И.

Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва улар-  
нинг ечимлари / Б.И.Исроилов. ЎзР Давлат солиқ қўми-  
таси солиқ академияси, ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги, Самарқанд иқтисодий ва сервис институти. —  
Тошкент: «Ўзбекистон», 2006. — 272-бет. («Бухгалтер ку-  
тубхонаси». 1-чиқарилиши)

Монографияда бозор муносабатлари шароитида солиқлар,  
уларнинг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, ҳисоби ва  
иқтисодий таҳлилини ташкиллаштириш, солиқ юки, уни ифо-  
даловчи кўрсаткичлар, уларнинг тизими, таъсифи, аниқланиши,  
ҳисоблаш ва таҳлил қилиш йўллари назарий ва амалий жиҳатдан  
очиқ берилган. Деярли барча назарий тавсиялар аниқ амалий  
маълумотлар билан исботланган. Ишда муаллиф томонидан со-  
лиқ назорати, унинг объект ва субъектлари ҳамда уни ташкил  
этишнинг асосий йўналишлари тақлиф этилган.

Монография олий ўқув юрглари талаба ва ўқитувчиларига,  
магистрлар, аспирантлар ва докторантларга мўлжалланган. Ун-  
дан давлат солиқ хизмати органлари ходимлари, бухгалтерлар,  
менежерлар, аудиторлар ва бошқа иқтисодий иш билан шугул-  
ланувчи мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

С 1201000000  
351(04)2006



ББК 65.261.4

© «Норма» МЧЖ, 2006 й.  
© «Ўзбекистон» НМИУ, 2006 й.

1032321  
24

## КИРИШ

Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий тури — бу солиқ назорати бўлиб ҳисобланади. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатда давлат солиқ сиёсати иқтисодий ислохотларнинг туб моҳиятидан келиб чиққан ҳолда олиб борилмоқда.

Давлат ўз зиммасидаги конституцион вазифаларини бажариш мақсадида, зарур харажатларни молиялаштириш учун юридик ва жисмоний шахслар даромадларининг бир қисмини солиқ ва мажбурий йиғимлар тарзида ўз хазинасига қонуний йиғиб олади. Мамлакатимиз солиқ сиёсати мустақилликнинг ўтган даври давомида шаклланиб, узлуксиз такомиллашиб бормоқда.

Ҳар қандай давлат бозор муносабатлари шароитида мустаҳкам танланган солиқ тизимига эга бўлиши ва бу тизим бозор шароитида давлат бошқарувининг энг самарали усули бўлиб қолиши лозим.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Солиқлар тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадлари барқарор суратда тўлдириб турилишини таъминлайдиган, кичик ва хусусий корхоналарнинг, чет эл капитали иштирокидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантирадиган пишиқ-пухта солиқ сиёсатини олиб бориш керак».<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг қабул қилиниши муқим солиқ сиёсатини шакллантириш борасидаги асосий омиллардан ҳисобланади. Мазкур Кодекснинг 5-моддасига кўра мамлакатимиз солиқ тизими **умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлардан** иборат деб белгиланган.

**Умумдавлат солиқлари** — юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1995, 21-бет.

акциз солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни ўз таркибига олади.

**Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга эса** — юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки солиғи, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи, инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ, савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғимлар киради.

Бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда умумдавлат солиқларидан акциз, қўшилган қиймат, даромад (фойда) каби солиқларнинг салмоғи анча юқоридир.

Шу сабабли мазкур солиқлар олимлар ва амалиётчилар эътиборини ўзига тортиб, жуда кўп баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Солиқларнинг айрим жиҳатлари Р.Кэмпбелл, К.Макконнел, Г.Менкью, А.Лаффер, Лоренц, Д.Черник, А.Вознесенский, В.Глухов, Э.Тайт, В.Твердохлебов, С.Фишер, А.Шенк, Ё.Абдуллаев, Д.Фозибеков, Э.Гадоев, Ж.Р.Зайналов, Т.Маликов, В.Галкин, Ҳ.Собиров ва Ш.Тошматов каби олимлар томонидан ўрганилган.

Лекин солиқлар ҳисоби ва уларнинг солиқ тўловчилар молиявий ҳолатига таъсири масалалари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар етарли даражада эмас. Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимлар И.Т.Абдукаримов, А.Ф.Аксененко, М.А.Вахшурина, А.Д.Шеремет, В.Э.Керимов, В.Ф.Палий, М.Қ.Пардаев, Э.А.Акрамов, А.Х.Пардаев, М.М.Тўлахўжаева, А.К.Ибрагимов, А.Иброҳимов, А.Важобов, Н.Ю.Жўраев, О.М.Жуманов, Д.Қ.Қудбиев, Ҳ.Н.Мусаев, К.Б.Ўразов, Д.Ў.Ўроқов, Б.А.Ҳасанов, О.Бобожонов, Ш.Ҳайдаров, Ж.И.Исроилов ва З.Н.Қурбоновлар асосан корхона активлари, харажатлари ва молиявий натижалари ҳисоби таҳлили ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўлларига эътиборни қаратганлар.

Солиқларнинг иқтисодий мазмуни, объектлари, субъектлари, ставкаси, солиққа тортиш методологияси, солиқлар ҳисоби ва солиқ миқдорига таъсир этувчи омиллар, солиқларни ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатига таъсирини таҳлил қилиш масалалари етарли даражада олимларимиз томонидан ўрганилмасдан қолмоқда.

Шу сабабли мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланиши учун солиққа тортишда мавжуд муаммоларни аниқлаш, солиқларни бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида ҳисобга олиш, солиқлар миқдорига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилишни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарда солиқлар ҳисоби ва таҳлили молиявий ҳисоб ва иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлиб қолмоғи лозим.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, монографияда:

• айрим солиқ турларининг моҳияти, объектлари, субъектлари;

• солиқларни ҳисоблаш усуллари, уларни ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари, бюджетга ўтказиш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш;

• солиқ назорати, унинг турлари объект ва субъектлари ҳамда уни такомиллаштириш йўллари;

• солиқ миқдорига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни таснифлаш;

• солиқ миқдорига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш йўллари ва уларни такомиллаштириш;

• корхоналарга тўғри келадиган солиқ юки, уни аниқлаш ва ҳисоблаш йўллари;

• солиққа тортиш услубиятини такомиллаштириш каби масалалар ёритилди.

Солиқлар ва улар моҳиятини ўрганишнинг услубий жиҳати диалектик билиш назариясига асосланади, чунки улар ягона объектга боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки иқтисодий жараёнлар ва кўрсаткичлар тизимида намоён бўлади.

Солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлиliga бағишланган иш биринчи марта ёзилаётганлиги сабабли унда камчиликларнинг бўлиши муқаррар. Шу туфайли, Сиз азиз ўқувчиларнинг холис фикр ва мулоҳазаларингизни бажонидил кутиб қоламиз.

# **1-боб. СОЛИҚЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ, СОЛИҚҚА ДОИР МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

## **1.1. СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ ВА МАЗМУНИ**

Солиқ сиёсатини оптималлаштириш мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш ва корхоналар молиявий аҳволини мустаҳкамлашга оид муаммони ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Солиқлар давлат хазинасини тўлдирувчи асосий элементлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун солиқларга давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантирувчи, энг муҳим бўлган умумдавлат вазифаларини ҳал этиш учун зарур миқдордаги маблағни жамлантирувчи дастак сифатида қараш лозимдир.

Солиқ тизими аниқ мақсадга қаратилган молиявий сиёсат бўлиши билан биргаликда ялпи миллий маҳсулотнинг бир қисмини қайта тақсимлайди ва шу тарзда иқтисодиётнинг таркибий тузилишини ўзгартиришда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кафолатини таъминлашда бевоқифа иштирок этади. Шу сабабли ҳам юртбошимиз «Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси — ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишидир»<sup>1</sup>, деб бежиз таъкидламаган.

Солиқ тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад — корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришидир. Корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг енгиллаштирилиши орқали ишлаб чиқаришни жонлаш-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Тошкент: «Ўзбекистон», 359-бет.

тириш ва иқтисодий ётти барқарорлаштиришга эришиш мумкин.

Шу билан бир қаторда, хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоблашишлари, уларнинг ҳисоби, таҳлили ва назоратини такомиллаштириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Солиқлар моҳиятини очишда унинг демократик тўлов эканлигига эътиборни қаратиш лозим бўлади. Чунки бозор муносабатлари шароитида хилма-хил мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлардан ҳамда аҳолидан уларнинг мулкини давлат тўғридан-тўғри хоҳлаган вақти, хоҳлаган ставкада даромадларининг бир қисмини мажбурий тўлов сифатида ололмайди. Бундай усул маъмурий буйруқбозлик, марказлашган режалаштириш даврига хос эди. Чунки режали иқтисодий ёт даврида 95-97 фоиз мулк давлатники бўлганлиги туфайли, уларнинг мулкидан давлат истаганича фойдаланиши мумкин бўлган. Бунда корхоналарнинг 90 фоизгача фойдаси солиқли ва солиқсиз тўловлар орқали (ҳар хил ажратмалар номи билан) давлат бюджетига олиб қўйилар эди.

Бозор муносабатлари шароитида эса давлат турли хил мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар, аҳоли даромадининг муайян қисмини бюджетга ундириш учун Олий Мажлис томонидан тасдиқланган солиқ ставкаларига асосланади.

Юқорида баён этилганидек, солиқлар давлат бюджетига даромадининг асосий манбаи ҳисобланади. Лекин ҳанузгача бирор бир меъерий ҳужжатда солиққа унинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб таъриф берилмаган. Бир қатор хорижий ва ўзбекистонлик олимлар, мутахассислар, жумладан, Қ.Яҳёев, Т.Маликов, А.Жўраев, Т.Тошмуродов, И.Горский, Ш.Ғатаулин, И.Завалишина, Д.Шаулов, У.Канлар ўз ишларида солиққа таъриф берганлар. Масалан, профессор Қ.Яҳёев солиқларга «**Солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатлари**»<sup>1</sup>, деб таъриф беради. Бу таъриф солиқнинг иқтисо-

---

<sup>1</sup> Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. — Тошкент: «Фофур Фулом», 2000.

дий мазмунини ифода этсада, бизнинг фикримизча унинг айрим жиҳатлари ўз аксини топмаган. Профессор Қ.Яҳёев солиққа фақат мажбурий тўловни ифодаловчи пул муносабати сифатида қарайди. Мазкур таърифда, **биринчидан**, солиқ солишнинг мақсади, **иккинчидан**, солиқ объекти ва субъектлари каби асосий масалалар ўз ифодасини топмаган.

И.Горский эса солиқни «**Солиқлар — маълум маънода аниқ тарихий шарт-шароитларни ўзида ифодаловчи ижтимоий муносабатдир**»<sup>1</sup>, деб таърифлайди. Бу таъриф, профессор Қ.Яҳёев берган таърифга мазмунан яқиндир. Лекин, солиқларга фақат тарихий шарт-шароитни акс эттирувчи ижтимоий муносабат деб қараш ҳам унинг мазмунини тўлиқ ёритмайди. Чунки бу унинг бир элементи-дир холос. Бу таъриф ҳам солиқларнинг мақсади, объект ва субъектларини ўзида қамраб олмаган.

Д.Шаулов ва У.Кан эса «**Солиқ дейилганда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслардан уларга мулкчилик, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарув ҳуқуқида тегишли бўлган пул маблағларини давлат ва (ёки) муниципал тузилмаларни молиявий таъминлаш мақсадида бегоналаштириш шаклида ундириладиган мажбурий, якка тартибдаги қайтариб берилмайдиган тўлов тушувилади**»<sup>2</sup>, деб таъриф беради.

Муаллифлар солиққа кенгроқ таъриф беришга ҳаракат қилган. Чунки бунда солиқнинг кўп жиҳатлари ўз аксини топган. Лекин, фикримизча, бу таъриф ҳам солиқнинг мазмунини тўлиқ очиб бера олмайди. Чунки, **биринчидан**, муаллифлар солиқларга тадбиркорлардан ундириладиган мажбурий тўлов сифатида қараган, ҳолбуки улар фақат тадбиркорлар томонидан тўланмайди. **Иккинчидан**, муаллифлар солиқни юридик ва жисмоний шахслардан уларга мулкчилик, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарув ҳуқуқида тегишли бўлган пул маблағларини давлат ва (ёки) муниципал тузилмаларни молиявий таъминлаш мақсади-

<sup>1</sup> Горский И. Налоги: история и современность. В кн.: Налоговое планирование для руководителя и бухгалтера. Т.1. — М., 1997.

<sup>2</sup> Шаулов Д., Кан У. Солиқ қонунчилиги асослари. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999.



да бегоналаштириш, деб ҳисоблайди. Аслида эса жисмоний ва юридик шахслар даромадининг бир қисми давлат харажатларини қоплаш мақсадида давлат бюджетига мажбурий тарзда солиқ сифатида ундирилади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, «Солиқлар — давлат харажатларини молиялаштириш мақсадида, ваколатли орган томонидан қонун билан белгиланган миқдорларда жисмоний ва юридик шахслар даромадидан ва ресурсларидан бюджетга ундириладиган, иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларни ифодаловчи қайтарилмайдиган мажбурий тўловдир», деган таъриф берилса, солиқларнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий мазмуни аниқроқ бўларди, деб ҳисоблаймиз.

## **1.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА СОЛИҚҚА ДОИР МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ**

Кишилик жамиятининг ривожланиши охир-оқибатда давлатнинг шаклланишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида солиқлар ва солиқ муносабатларининг пайдо бўлиши учун замин яратди.

Мамлакатимизда давлатчилик ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда қабилаларнинг дастлабки сиёсий бирлашувлари туфайли пайдо бўлган. Натижада Бақтрия, Сўғд, Хоразм синфий жамиятлари давлатнинг дастлабки кўриниши сифатида вужудга келди. Мазкур синфий жамиятларнинг пайдо бўлиши дастлабки иқтисодий муносабатларнинг ҳам ўзгаришига сабаб бўлди. Чунки давлат, у қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, бошқаришни ва бошқариш эса маблағни талаб қилади. Ушбу зарурият дастлабки солиқларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Солиқнинг дастлабки тури пул ва натура тарзида жон бошига ва ер майдонига солинадиган солиқ сифатида пайдо бўлиб, фуқаролардан олинган. Бу давлат молиясининг дастлабки манбалари бўлиб ҳисобланган.

Мамлакатимиз ҳудуди Эрон давлати таркибига кир-

ган даврларда солиқларнинг йиллик хирож ва ҳарбий отрядлар етказиб бериш турлари амал қилган. Бунда саклар ва каспийлар икки юз талант (бир талант 25 килограмм 248 грамм соф олтинга тенг), парфияликлар, хоразмликлар, сўғд ва арейлар уч юз талант хирож тўлашган. Бундан ташқари қўшимча солиқлар ҳам мавжуд бўлиб, улар зўрлик ёки қўрқитиш, сув йўлларини тўсиб қўйиш каби усуллар билан мажбурий тарзда ундирилган ва шунга яраша солиқ тизими шаклланган.

Искандар Зулқарнайн томонидан мамлакатимиз ҳудуди истило қилинганч, солиқларни тўлаш Греция тартибларига асосланган. Қадимги Греция тартибларига асосан солиқлар даромад солиғи ва эҳсонлардан иборат бўлган. Даромад солиғи даромаднинг ўндан бир ёки йигирмадан бири ҳажмида ундирилган ва ушбу маблағлар жамоат мақсадлари учун сарф қилинган. Даромаддан ажратмалар миқдори Грек шаҳри Кенгаши (халқ йиғини) томонидан белгиланган. Грекча солиққа тортишнинг ўзига хос хусусияти озод фуқароларнинг солиқ тўлашлари ихтиёрий эканлиги билан характерланади. Греклар вакили Искандар ҳукмдорлик қилган даврда ҳам Аҳмонийлар барпо этган давлат аппарати тузилмаси сақлаб қолинган. Ушбу тузилмага мувофиқ ҳар бир вилоятда маҳаллий зодагонлардан тайинланган ноиб — сатрап тайинланган.

Ҷша даврларда солиқ ундиришнинг «откуп» тизими ҳам амал қилган, яъни ҳукумат билан бир киши солиқлар бўйича ҳисоб-китоб қилган. «Откуп» зиммасига юклатилган фуқаро хазина билан тузилган шартномага биноан фуқаролардан солиқлар ундирган. Ўз навбатида солиқ ундирувчи халқдан катта миқдорда солиқлар ундириб олган ва хазинага топширилган қисмидан ортиб қолган қисмини ўз фойдасига ўзлаштирган. Бу солиқ тизимида маълум норозиликларни келтириб чиқарган.

Давлатнинг ривожланиши, ҳукмдорларнинг алмашиши билан солиқлар ҳам ўзгариб борган. Хусусан, Марказий Осиё ҳудудида араблар ҳукмронлик қилган даврда солиққа тортиш тизими бирмунча такомиллашган.

Ушбу даврда ундириладиган солиқлар турлари қуйидагиларни ташкил этган:

- **закот — хайр-эҳсон эҳтиёжлари учун;**

- **вазифа** — ўлпон;
- **жузья** — жон солиғи;
- **хирож** — ер солиғи.

Ҳар бир солиқ ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, хирож солиғининг ўзи уч турда ундирилган. Ушбу солиқларни ундириш ҳам турлича шаклда бўлган, яъни ми-саҳа — ишлов бериладиган майдон бирлигидан қатъий ставкаларда, муқота — қатъий белгиланган суммада, му-қасама — ҳосилнинг муайян улушига қараб солинган. Бу солиқ асосан Наврўз байрамида йиғиб олинган. Жузья солиғини мусулмон бўлмаган фуқаролар (озод эркаклар) тўлаганлар. Хотин-қизлар, кексалар, камбағаллар, камба-ғал воизлар ва қуллар бу солиқни тўлашдан озод этил-ганлар. Солиқ ҳажми шартнома бўйича белгиланган.

Жузья солиғини ҳисоблашда фуқароларнинг ўзига тўқ даражаси, яъни даромади инобатга олинган. Солиқни пул ва натура шаклида ундириш мумкин бўлган, лекин, со-лиқ учун ўша пайтда вино ва сўйилган ҳайвонларнинг гўштини топширишга ижозат берилмаган. Бу эса солиқ ундириш бўйича маълум тартибнинг амал қилганлигидан далолат беради.

Қайд этилган солиқлардан ташқари чорвадорлар ўз чорва молларининг туёғига қараб натура ҳолида, ҳунар-манд ва савдогарлар солиққа тортилмайдиган даромади-дан ортган қисмидан солиқлар тўлаганлар. Худди шунинг-дек, бу даврда фойдали қазилмалардан фойдаланишдан олган даромаддан, мажбурий ишлаб бериш (каналлар қазиш, уларни тозалаш, янги йўллар қуриш, эскисини тузатиш, кўприклар қуриш, шаҳар ва қалъа деворларини барпо этиш ҳамда мустаҳкамлаш ишларида ишлаш) каби солиқ турлари мавжуд бўлган. Бундай йўллар билан обо-донлаштириш ишлари амалга оширилиб борилган.

Мамлакатимиз худудида VIII аср бошида Қутайба ибн Муслим ва Самарқанд ҳукмдори Гурак билан тузилган шартномага кўра солиққа тортишнинг янги тизими жо-рий этилган. Бу шартномага кўра бир йилда 2 200 000 дир-ҳам миқдоридан ва ибодатхоналардан қимматбаҳо нарса-лар кўринишида хирож олинган. Мазкур солиқ ундириш тизимининг киритилиши натижасида солиққа тортиш бирмунча соддалаштирилган. Демак, солиқ тизими мутта-

сил такомиллашиб борган. Ўша даврларда ҳам солиқлар бўйича имтиёзлар тизими мавжуд бўлган. Солиқ бўйича берилган имтиёзлар эса маълум бир мақсадни қўзлаган. Масалан, кишиларнинг ислом динига киришини рағбатлантириш мақсадида ислом динига янги кирган кишилар хирож ва жузъя солиғидан озод этилган.

Мовароуннаҳрда араб мустамлакачилигига барҳам берилгач, солиқлар тизими Исмоил ибн Аҳмад ҳукмронлиги даврида бирмунча янги характерга эга бўлган. Сомонийлар даврида асосий солиқ манбаси ер ҳисобланган. Ер бу даврда уч тоифага бўлинган:

- **мулки султоний (мулки девоний)**, бу ерлар султонга қаршли бўлиб, уларни назорат қилиш девон амалдорлари томонидан амалга оширилган. Бу тоифага қишлоқ жамоаси шароитида яшаган деҳқонлар асосий оммасининг ерлари кирган;

- **шаҳсан ҳукмрон сулоласининг айрим аъзолари, қадимий деҳқон зодагонлар, сайдлар, олий руҳонийлар, турк гвардиясининг айрим раҳбарлари, савдогарларга тегишли бўлган хусусий ерлар;**

- **мусулмон диний муассасаларга вақтинча ёки умрбод фойдаланиш учун берилган вақф ерлар.**

Ўша даврда амалда бўлган хирож солиғи учала тоифа ерлардан ҳам олинган, лекин олий мусулмон руҳонийларига, сайдларга тегишли ерлар тўлиқ ёки қисман солиқдан озод этилган. Бу солиқ имтиёзининг табақаланганлигини кўрсатади.

Аҳоли ерларидан олинадиган солиқ объекти бўлиб ердан ундирилган ҳосилнинг миқдори ҳисобланган. Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу даврда ҳам ёлланма меҳнатдан фойдаланиш, ерларни ижарага бериш тартиблари мавжуд бўлган. Бундай ҳолда солиқ базаси ижарачи олган даромаддан алоҳида, ер эгасининг даромадидан алоҳида ундирилган. Бу тартибга амал қилиниши солиққа тортини тизимида ҳозирги кунгача амал қилиб келмоқда.

Қорахонийлар ҳукмронлик қилган X аср бошларида ҳам ер солиққа тортини объекти ҳисобланган ва барча ерлар хон мулки ҳисобланган. Ерга эгалик қилишда иқто усулидан фойдаланилган. Ушбу тартибга кўра ерлар муайян муддатга иқтодорга олинган ер учун маълум миқдор-

даги даромадни тўлиқ ёки қисман олиш билан совға қилинган. Иқто соҳиблари эса деҳқонлардан махсус қарор билан белгиланган солиқларни олиши мумкин бўлган. Лекин олинадиган солиқлар миқдори иқто совға қилинган давргача бўлган миқдордан ошмаслиги лозим бўлган.

Бу даврда иқто объекти бўлиб нафақат ерлар, балки тегирмон, ҳаммом, бозордаги дўконлардан олинадиган солиқлар ва даромадлар ҳам берилиши мумкин бўлган.

Сомонийлар ва Қорахонийлар даврида давлат даромади ҳамда харажатлари юзасидан давлат назорати ўрнатилган бўлиб, бу вазифани муставий девони бажарган.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида мамлакат ҳудудида икки хил калон (ер солиғи) ва копчур (кўчманчилардан олинадиган солиқ) амал қилган. Калон солиғи ҳосилнинг 10 фоизи миқдорида, копчур солиғи эса подадаги ҳайвонлар туёқлари сонининг бир фоизи миқдорида ундирилган. Солиқларнинг тўлиқ ундирилишини таъминлаш мақсадида бу ишларга бой савдогарларни жалб этиш тартиби қўлланган. Масалан, Мовароуннаҳрда солиқларни йиғиш учун ўз даврининг энг бой савдогарларидан бири бўлган Маҳмуд Ялавоч вакил қилинган. Вакиллар хон хазинасига ўлпон ва бошқа тўловларни олдиндан тўлаш мажбуриятини олиб, бунинг эвазига ўз мақсадлари учун фуқаролардан алоҳида ўлпон йиғиш ва натура мажбуриятларини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Бу даврга келиб фуқароларга тўғри келадиган солиқ юки оғир бўлган, чунки фуқаролар ер солиқлари тўлашдан ташқари натура (ишлаб бериш) ва пайз (саёҳат қилувчини овқатлантириш, кийинтириш, жой бериш каби) мажбуриятларни ҳам бажаришлари лозим бўлган.

Амир Темур (Темурбек) мамлакат тепасига келгач, солиқлар ва солиқ тизимида кенг ислохотлар ўтказилган. Темурбек даврида аҳолидан ер солиғи (хирож, мол), жон солиғи (жузья), миниладиган ҳайвонлар етказиб бериш (улоқ), бегор мажбуриятлари ва баъзи бошқа фавқулоддаги солиқлар (авариозот) мавжуд эди. Темурбек ўзининг молия ва солиқ қонунларини ишлаб чиқишда ўзидан олдинги ҳукмдорлар, замондошлари тажрибасидан ҳамда ўзи истило қилган мамлакатлар солиқ тизимининг ижобий томонларидан кенг фойдаланган.

Темурбек фарзандларига қолдирган сиёсий васиятида «Солиқларни йиғишда халқни солиқлар билан эзиб қўйишдан ёки вилоятларни хонавайрон қилишдан эҳтиёт бўлиш зарур, зеро халқнинг хонавайрон бўлиши давлат хазинасининг қашшоқлашишига олиб келади, хазинанинг ночорлиги оқибатида эса ҳарбий кучлар пароканда бўлиб, бу эса ўз навбатида ҳокимиятни заифлантиради»<sup>1</sup> деб кўрсатади.

Темурбек солиқларни жорий қилишда аввало халқнинг манфаатини ҳисобга олиш ва ҳар бир алоҳида хўжаликда бой-бадавлатлик даражасини инобатга олиш ғоясига амал қилган.

Шу сабабли Темурбек ҳукмронлиги даврида бошқа даврдан фарқли равишда солиқларни ҳисоблаб чиқиш қоидалари ҳам жорий этилган. Масалан, агар деҳқон доимий ариқлар, сув қувурлари ёки оқимлар билан суғориладиган ерларга эга бўлса ва ана шу сув узлуксиз оқиб турсагина мазкур ерлардан олинadиган даромад уч қисмга тақсимланган, бунда учдан икки қисми ер эгасига, учдан бир қисми солиқ сифатида олинган. Ерлар фақат ёмғир суви билан суғорилса, улар икки қисмга тақсимланган, улардан ҳосилнинг учдан бир қисми ёки чораги солиқ сифатида олинган. Демак, бу ҳозирда солиқ қонунчилигида қўлланилаётган ер солиғи балл бонитетлари Темурбек давридан бошлангани ва солиқлар ставкасини ернинг унумдорлик даражасига қараб табақалаштириш сиёсати жорий этилганидан далолатдир.

Худди шунингдек, янги ер ўзлаштириш ҳам давлат томонидан рағбатлантирилган. Бўз ерга ишлов берган ва уни суғорган, унга кўчат эккан ёки қаровсиз ерларни ўзлаштирган деҳқон биринчи йили солиқлардан озод қилинган, иккинчи йили ўзи қанча ҳоҳласа, шунча солиқ тўлаган ва учинчи йили эса солиқлар тўғрисидаги умумий тартибга бўйсунган.

Бундан ташқари, фуқароларга солиқларни тўлаш тартибини танлаш ҳуқуқи ҳам берилган. Бунда фуқародан олинadиган натура солигининг бир қисми жорий нархлар бўйича баҳоланиб, пул билан олинган. Темурбекка қарам барча мамлакатларда унинг солиқ тизими амал қилган.

---

<sup>1</sup> Темур А. Темур тузуклари. — Тошкент.

Бироқ солиққа тортишнинг тарихан шаклланган тизим-ларига эга бўлган мамлакатларда аввал амал қилган солиқларни қолдирган.

Темурбек солиқ тизими билан бир қаторда давлат солиқ аппаратини ҳам ташкил этишга катта эътибор берган. Округлар, вилоятлар ва мамлакатларнинг бир қисми уларнинг илгариги соҳиблари, Темурбекнинг амирлари, ўғил ва невараларига суюрғол қилиб берилган. Суюрғол ҳуқуқи ҳукмдорга унинг эгасига мазкур ҳудуд аҳолисидан давлат томонидан белгиланган солиқлар ва ўлпонларни ундириш ҳуқуқини берган. Ушбу солиқ ва ўлпонларнинг бир қисми ёки барчаси суюрғол эгасига қолдирилган.

Бошқа вилоятлар тул ёки тархон бошқарув институти воситасида бошқарилган. Бунда фуқаролар алоҳида хизматлари учун ҳоким этиб тайинланган ва уларга солиқларни йиғиш ҳамда харажатлар ҳисобини юритиш ҳуқуқи берилган. Тархон бошқарув усулида суюрғолдан фарқли равишда ерлар тўлиқ мулк қилиб берилмаган. Мазкур ҳудудларда даромадларни йиғиш топширилган ҳар бир сипоҳий уч йил фаолият юритган. Уч йилдан сўнг вилоятда тафтиш ўтказилиб, тафтиш натижасида вилоятнинг ривожланиши ва аҳолиси сипоҳидан норози бўлмаса, амалдаги тартиблар ўзгаришсиз қолдирилган, акс ҳолда даромадлар ҳокимдан олиб қўйилган. Тархон бошқаруви юритилаётган вилоятларга аҳолини ҳокимларнинг зўравонлиги ва талон-тарожидан ҳимоя қилиш учун мудир ҳам тайинланган.

Темурбек солиқларни йиғиш бўйича муддатлар ҳам белгилаб қўйиш зарурлигини инобатга олган. Масалан, ғалла ҳосилини йиғишдан олдин ўлпон йиғиш тақиқланган. Ўлпонларни уч муддатда тўлаш белгиланган. Солиқ йиғувчи агар эҳтиёж туғилса, ўлпонни йиғишда сўз ва обрўсидан фойдаланиб ҳаракат қилиши белгиланган бўлиб, ўлпон йиғишда таёқ, арқон, қамчи ва занжирдан фойдаланиши тақиқланган.

Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида аҳоли асосий қисмидан ундириладиган ер солиғи миқдорини камайтирган.

Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлигида ҳам ер ва мулк солиқлари асосий солиқ сифатида хазинани тўлдирган.

Чор Россияси Туркистонни босиб олгандан кейин, 1868 йилда Туркистонда подшо ҳуқумати молия қўмитаси

сини ташкил этди. Давлат даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқди. 1869 йили эса Туркистон давлат палатаси таъсис этилди, унинг зиммасига давлат харажатлари ва даромадлари рўйхатини ҳамда улар ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни тузиш вазифаси юклатилди.

1886 йилда чор Россияси томонидан Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом жорий этилди. Ушбу низомга асосан барча ерлар (вақф ерларидан ташқари) хазинага тегишли, деб эълон қилинди. Айни пайтда хирож ва танобона солиқлари ўрнига қатъий ставка бўйича солиқ солиш, яъни «оклад тизими» жорий этилди. Солиқ оклади олти йилга белгиланиб, уни ҳисоблаб чиқишда ўртача ялпи даромад асос қилиб олинган. Солиқ ставкаси даромаднинг 10 фоизи миқдоридан белгиланган. Солиқ бўйича имтиёз ўша пайтда ҳам мавжуд эди. Туркистонда пахта етиштиришни рағбатлантириш мақсадида пахта экиладиган экинзорларга имтиёзли солиққа тортиш тартиби жорий этилган.

Аҳолининг муқим яшашини таъминлаш мақсадида кўчманчи аҳолини солиққа тортиш жорий қилинди. Бу шу ўлкани хом ашё базасига айлантириш учун қўйилган дастлабки қадам эди. 1867 йилда улар учун ҳар бир ўтовдан 2 сўм 75 тийин ҳажмда ўтов йиғими белгиланган. Кўп касблар учун Россия солиқлари жорий этилди. Ҳунармандлар ва савдогарлар учун божлар тўғрисидаги умумроссия низоми амал қиладиган бўлди. Шаҳарларда квартира солиғи, касалхона йиғими ва ит эгаларидан олинадиган солиқ каби бир қатор солиқлар жорий этилди.

Чор Россиясининг Туркистонда жорий этган солиқ тизими такомиллашиб борди. 1914 йил 12 ноябрда қонун бўйича темир йўл станциялари ва пристанларда тақдим этиладиган ҳар бир пуд пахтадан олинадиган 2 сўм 50 тийин миқдоридagi махсус вақтинча солиқ жорий этилди.

Мамлакатимиз ҳудудида Октябрь революциясидан сўнг солиқ ишини марказлаштириш, ягона солиқ сиёсатини белгилаш ва маҳаллий солиқлар яратиб фаолиятини тугатиш бўйича комиссия ташкил этилди. Ниҳоят, 1920 йилда янги солиқ тизими тўғрисида декрет эълон қилинди ва солиқ сиёсати бевосита давлат ихтиёрига ўтди.




1921 йилдан бошлаб эса қишлоқ хўжалик, деҳқончилик даромад, мулк ва рента солиқлари, герб йиғимлари, меросга доир ва бошқа божлар, аксиз ва божхона тўловлари амалга киритилди. Шундай қилиб, у-бу ўзгаришлар билан қаттиқ режага асосланган ягона солиқ тизими бўйича солиқ қонунчилиги мустақиллик қўлга киритилгунга қадар амал қилиб келди.

### 1.3. СОЛИҚЛАР ҲИСОБИНИНГ АҲАМИЯТИ

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ва мулкдорлар ўртасидаги муносабатлар қонунлар билан тартибга солиб борилиши зарурдир. Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ишлаб чиқилди. Мустақилликнинг ўтган ўн тўрт йили давомида иқтисодий ва сиёсий соҳаларда бир талай ютуқларга эришилди. Иқтисодиёт тубдан ўзгарди ва давлат мулки хусусийлаштирилиши натижасида минглаб мустақил хусусий корхоналар, тадбиркорлик субъектлари, тижорат банклари, суғурта компаниялари, фирмалар ташкил топди. Мамлакатда қимматли қоғозлар бозори вужудга келди. Энг асосийси — мамлакатда иқтисодий ва сиёсий барқарорликка эришилди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қонун устуворлигини таъминлаш фуқароларнинг ислоҳотларимизга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, унинг ҳаётийлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ислоҳотларни амалга оширишнинг бугунги босқичида иқтисодий қонунларга амал қилувчи фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ҳамда қонунларни четлаб фаолият кўрсатётган тадбиркорлар фаолиятини назорат қилишнинг йўллари билан бири — солиқлар ҳисобини тўғри ташкил этиш ва уни такомиллаштиришдир.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қатор сессияларида сўзлаган нутқларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислоҳ қилиш, моддий неъматлар ҳисобини такомиллаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва назоратнинг миллий стандартларини яратиш,



уларни муттасил равишда такомиллаштиришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқий фуқаролик давлати қуриш амалга ошириладиган ислохотлардан кўзланган асосий стратегик вазифадир. Лекин ўтиш даврида барча мамлакатларга хос бўлган яширин ишлаб чиқариш билан шуғулланиш, назорат қилинмайдиган даромад олиш мақсадида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бир қисмини ҳисобга қўймаслик, рўхсатсиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва солиқ объекти базасини яшириш каби йўллар билан ноқонуний даромад олиш мамлакатимизда ҳам мавжуд. Ушбу ҳуқуқбузарлар маълум вақт давомида олинган ноқонуний даромадлар эвазига бойиб боради. Ноқонуний назоратсиз даромадлар олаётган солиқ тўловчилар хатти-ҳаракатлари жамиятда қонунларга риоя этиб фаолият кўрсатаётган ва қонуний даромад олиб, белгиланган солиқларни тўлаб бораётган солиқ тўловчиларни яширин иқтисодий секторга ўтиш манфаатли деган тушунчага олиб келишга сабаб бўлади. Бундай турдаги қонунбузарликларнинг бош омили ҳисоб-китоб ишларини тўғри юритмаслик ҳисобланади. Шу тўғрисида солиқ тўловчиларда бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилишини назорат қилиш муҳим масалалардан биридир. Ушбу мақсадда мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатда мулкий манфаат кўриш мақсадида сохта корхона ва бошқа тадбиркорлик субъектлари ташкил этиб, солиқ ҳамда бошқа тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товладиган «тадбиркорлар» кўплаб учраб туради. Бундай «тадбиркорлар» ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш ва шу каби бошқа фаолият турлари билан қонун билан белгиланган тартибда шуғулланмай, кўрсатилмаган хизматлар учун сохта шартномалар эвазига келиб тушган маблағларни нақд пулга айлантириб, шериклар ва банклардан олинган мақсадли маблағларни ўз эҳтиёжига ишлатиш билан ўзлаштириб, олинган фойдага тўғри келадиган белгиланган солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товламақдалар.

Бу каби ҳуқуқбузарликлар оқибатида жамиятга ҳам маънавий, ҳам моддий зарар етказилиб, бюджетга солиқ

ва тўловларнинг ўз вақтида, тўлиқ тушиши таъминланмасдан қолмоқда.

Солиқларни тўғри ҳисоблаш, бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш, солиқ солиш бўйича амалдаги қонунчиликка риоя қилиниши учун жавобгарлик солиқ тўловчи юридик шахслар мансабдорлари зиммасига юклатилади.

Мамлакатимизда солиқларни бухгалтерияда ҳисобга олиш «Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари»да белгиланган тамойиллар асосида ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида-алоҳида олиб борилади. Солиқларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, энг аввало, солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топмоғи лозим.

Амалдаги қонунларда солиқ тўловчи юридик шахс мансабдор шахслари даромади ёки солиқ солишнинг бошқа объектлари ҳисобининг йўқлиги, бу ҳисобнинг белгиланган қонунчиликни бузган ҳолда юритилганлиги, шунингдек солиқ органларига солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш учун зарур бўлган ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмаганлиги, фойдани ёки бошқа солиқ солиш объектини яширганлиги (камайтириб кўрсатганлиги) учун жазога тортилиши белгилаб қўйилган.

Лекин қонунчилик солиқ тўловчиларни солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлар суммалари тўланмаган ёхуд бутунлай тўланмаганликка олиб келган хатоларини солиқ органининг текширувидан олдин аниқлаган, бухгалтерия ҳисобида ҳамда солиқлар ва тўловлар бўйича ҳисоб-китобларга тузатишлар киритган тақдирда уларни жазодан озод этишни назарда тутди.

Демак, юридик шахслар томонидан ҳисобланган солиқлар ва уларни бюджетга ўтказиш, амалга оширилган харажатлар, солиқлар ҳисобини бухгалтерияда аниқ ва тўғри ҳисобга олиш солиқ тўловчилар мажбурияти бўлиб қолмасдан, балки бундан уларнинг манфаатдорлигини ҳам келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида ҳужалик юритувчи субъектлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилиб борилиб, ислохотларни амалга ошириш истиқболлари ҳам белгилаб борилади.

Шу сабабли солиқларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри

ташқил этиш ва юритиш корхонанинг катта миқдорда жарималар тўлашининг олдини олишини, давлатга эса белгиланган тушумларни ўз вақтида бюджетга тушишини таъминлайди.

#### **1.4. СОЛИҚЛАР ТАҲЛИЛИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА УНДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН МАЪЛУМОТЛАР**

Ҳозирги шароитда амалдаги энг муҳим иқтисодий категориялардан бири молиядир. **Молияга, одатда, пул айланиши жараёнида пул захираларининг шаклланиши ва улардан фойдаланишни ифодаловчи пул муносабатлари тизимидир**, деб қаралади.

Ҳар қандай давлатда молиявий тизим амалда бўлиб, у ўзаро таркибий боғланган икки кичик тизимни: умум-давлат маблағлари ва хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари, яъни корхоналар, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта компаниялари ва бошқаларнинг маблағларини қамраб олади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари учта муҳим вазифани бажаради:

- пул захираларини (даромадларини) шакллантириш;
- бу захиралардан фойдаланиш;
- уларни шакллантириш ва ишлатилишини назорат қилиш.

Корхона молиявий ресурсларини тўғри ва моҳирона бошқариш учун биринчи навбатда, корхонанинг молиявий аҳволи ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги аниқланиши ва таҳлил қилиниши лозим бўлади.

Корхонанинг молиявий аҳволи деганда молиявий ресурсларнинг турлари бўйича мавжудлигини, рақобатбардошлик даражасини, давлат ва бошқа хўжалик субъектлари олдидаги мажбуриятларини бажариш қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар каби муҳим жиҳатлар мажмуаси тушунилади.

Корхона молиявий аҳволини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади. Буларга иқтисодий ва молиявий салоҳият; иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлик;

мулкий ҳолат; ликвидлилик; молиявий барқарорлик; солиқ юки; молиявий натижалар; иш ва бозор фаоллиги самарадорлиги каби кўрсаткичлар киради.

Корхона молиявий аҳволини таҳлил қилишнинг асосий вазифаси қуйидаги категория ва кўрсаткичларни баҳолаш ҳисобланади:

• **бухгалтерия баланси ва мулкий ҳолат кўрсаткичлари тузилмаси;**

• **иқтисодий ва молиявий салоҳият аҳволи, таъминланганлик ва фойдаланиш самарадорлиги;**

• **асосий ва айланма маблағлар аҳволи, таъминланганлик ва фойдаланиш самарадорлиги;**

• **иқтисодий ва молиявий барқарорлик ва мустаҳкамлик;**

• **ликвидлилик ва тўлов қобилияти;**

• **ҳўжалик фаолиятининг молиявий натижалари;**

• **иш ва бозор фаоллиги;**

• **солиқларнинг юки ва уларнинг тўланиш тартиби;**

• **банкротлик ҳолати.**

Бозор шароитида ҳар бир раҳбар иқтисодиётнинг асосий жиҳатлари моҳияти ва мазмунини, уларни тавсифловчи кўрсаткичларни аниқлаш ҳамда бошқарув қарорлари қабул қилишни яхши билишни даркор.

Асосий иқтисодий жиҳатларнинг бири — маблағлар обороти жараёнида пул фондлари шаклланиши ва сарфланишини кўрсатувчи пул муносабатлари тизими бўлиши молия ҳисобланади.

Корхонанинг молиявий ҳолати турлар бўйича молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражаси, рақобатбардорлик даражаси, молиявий барқарорлик, давлат ва бошқа ҳўжалик субъектлари олдидаги мажбуриятларини бажаришга қодирлигини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуини ўз ичига олади.

Айнан ушбу кўрсаткичлар таҳлил объекти ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай корхонанинг бюджет билан алоқаси узлуксиз содир бўлиб турувчи жараёндир. Чунки корхоналар, мулкчилик шаклидан қатъий назар, давлат бюджетига белгиланган солиқ ва йиғимлар тўлаб боришлари шарт. Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида давлат томонидан солиқ тўловчиларга солиқлардан турли имтиёзлар ҳам берилади. Бу

муносабатларни назорат ва таҳлил қилиб бориш жуда муҳим давлат аҳамиятига молик масаладир. Чунки давлат бюджетни шакллантириш билан бир пайтда иқтисодиётни соғломлаштириш ва ривожлантириш учун олиб бораётган ўз иқтисодий ислохотлари самарасини ҳам таҳлил қилиб бориши муҳимдир.

Мамлакатимизда бундай назоратнинг асосий тури солиқ назорати бўлиб ҳисобланади. Солиқ назоратини амалга оширишнинг асосий усули сифатида ҳозирда текширувлардан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуни 4-моддасига мувофиқ, статистик ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш ҳам давлат назоратининг усулларида бири сифатида эътироф этилган. Лекин давлат назорат органлари томонидан назорат фақат текширувлар усули билан амалга оширилмоқда. Натижада ўтказилаётган текширувларнинг кўпчилиги самарасиз бўлиб, текширувлар тадбиркорлик субъектлари вақтини асосий иш фаолиятдан четлатишга сабаб бўлмоқда.

Тадқиқотлар давомида Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган текширувлар самарадорлиги таҳлил қилинганда, текширувларнинг самарадорлиги йилдан-йилга ортиб борганлиги аниқланган бўлсада, лекин ўтказилган текширувларнинг ҳамон 10 фоиздан ортиқроғи самарасиз яқунлангани фикримизнинг далилидир. 2000-2004 йилларда давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган текширувлар самарадорлиги таҳлили тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (*1-жадвал*).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2004 йилларда давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами 182 921 та ҳужжатли текширувлар ўтказилган бўлиб, ҳамон текширувларнинг самарадорлиги паст даражада қолмоқда. Масалан, текширувлар самарадорлиги 2000-2004 йилларда 76 фоиздан 91 фоизга ўсган. Лекин қарийб 10 фоиз текширилган хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти таҳлил қилинмасдан ёки етарли даражада таҳлил қилинмасдан текшириш учун режалаштирилгани боис уларда камчиликлар аниқланмаган. Агарда давлат солиқ

**Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган  
текширувлар ва уларда аниқланган ҳуқуқбузарликлар  
даражаси**

Йиллар	Ўтказилган текширувлар сони	Аниқланган ҳуқуқбузарликлар сони	Ҳуқуқбузарликнинг аниқланиш даражаси (%)
2000	31863	24207	76
2001	36028	27780	77
2002	34983	29050	83
2003	43708	38640	88
2004	35439	32338	91
Жами	182921	152015	83,5

Манба: Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

хизмати органлари томонидан мазкур солиқ тўловчилар фаолияти етарли даражада таҳлил қилиниб, текширувлар режалаштирилганда эди, 2004 йилда текширувлар сони 3 190 тага камайган ва самарадорлик эса 2002 йилга нисбатан 12 фоизга ўсган бўлар эди. Бу эса солиқларни ўз вақтида тўлаб бораётган солиқ тўловчиларнинг унумли иш вақти тўлиқ қувватда маҳсулот ишлаб чиқариш ва даромад олиш имкониятини орттиришга эмас, текширувга жалб этилганидан далолатдир. Агарда текширув ўтказилган корхоналар фаолияти алоҳида таҳлил қилиниб, уларнинг текширувга кетган вақти эвазига олиши мумкин бўлган фойда миқдори аниқланса, бюджетга самарасиз текширувлар ўтказиш натижасида етказилган зарарни аниқлаш мумкин.

Шунинг учун текширувларни аниқ таҳлиллар асосида режалаштиришга ўтиш ҳам солиқ тўловчи, ҳам давлат учун манфаатли, деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, давлат солиқ хизмати органлари

томонидан ўтказилган текширувлар таҳлили солиқларни ҳисоблашда солиқ тўловчилар томонидан қўпол хатоларга йўл қўйилаётганини ҳам кўрсатмоқда. Бу эса солиқ тўловчиларнинг катта миқдорда молиявий жарима тўлашларига сабаб бўлиб, бу оборот маблағлари камайиши эвазига уларнинг фаолият юритишлари учун иқтисодий қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Тадқиқотлар натижасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган текширувларда аниқланган ҳуқуқбузарликлар сабаблари ҳам ўрганилди. Аниқланаётган камчиликларнинг асосий сабаблари:

- солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунларини мукамал билмаслиги;
- солиқ тўловларига қаратилган меъёрий ҳужжатларнинг тез-тез ўзгариб туриши;
- давлат солиқ хизмати органларида бюджет ва корхона ўртасидаги муносабатлар таҳлилининг етарли ташкил этилмагани;
- солиқ тўловчи корхоналарда иқтисодий таҳлилнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- солиқ тўловчи ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги тарғибот-ташвиқотга оид муносабатлар етарли даражада шаклланмагани;
- даромадлар ва солиқ солинадиган объектларнинг солиқ тўловчилар томонидан қасдан яширилишидан иборатдир.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2000-2004 йилларда ўтказилган текширувларда аниқланган ҳуқуқбузарликлар сабаблари таҳлили натижаларини қуйидаги жадвал маълумотларида кўриш мумкин (2-жадвал).

Жадвал маълумотларига асосланиб, солиқ тўловчилар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар асосан даромадлар ва солиқ базасини яшириш, солиқ органларида ҳисобдан ўтмаслик (44,3%) каби усуллар билан содир этилаётганини кўришимиз мумкин.

2002-2003 йилларда солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигини мукамал билмаслик, солиқ қонунчилигининг тез ўзгариши сабабли ҳамда даромадлар ва солиқ базасини яшириш, солиқ органларида ҳисобдан ўтмаслик натижасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар сони кўпайган. Бунинг сабаби, шу йилларда савдо ва умумий



**Солиқ тўловчилар томонидан содир этилган  
ҳуқуқ-бузарликлар сабабларининг  
2000-2004 йилларда ўзгариши**

Йил-лар	Ҳуқуқбузарликлар содир этилиш даражаси (фоизда)						жами (% да)
	солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунларини мукамал билмаслиги	солиқ тўловларига қаратилган меъёрий ҳужжатларнинг тез-тез ўзгариб туриши	бюджет ва корхона ўртасидаги муносабатларнинг таҳлили ташкил этилмагани	солиқ тўловчилар даромадлари ва солиқ ҳисобланган объектларни қасдан яширишлари	солиқ тўловчи ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги тарғиб-бот-ташвиқотга оид муносабатлар етарли даражада шаклланмагани	солиқ тўловчининг ўзида қам иқтисодий таҳлилнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги	
2000	10,5	2,0	42,6	45,1	—	—	100,0
2001	9,7	1,8	43,5	45,0	—	—	100,0
2002	10,9	6,5	35,4	47,2	—	—	100,0
2003	11,5	6,8	33,9	47,8	—	—	100,0
2004	11,9	6,5	31,2	44,3	0,8	5,3	100,0

Манба: Жадвал маълумотлари ва ўтказилган ўрганишлар асосида тадқиқотчи томонидан қилинган ҳисоб-китоблар.

овқатланиш корхоналарига нисбатан солиқ солиш тартибининг ўзгарганлиги ва яқка тадбиркорлик билан шуғулланиш бўйича амалдаги тартибларнинг тез-тез ўзгариши бўлган. Чунки бу йилларда тадбиркорлик субъектлари солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришларни ўзлаштириб улгурмасдан, тартиблар янгилашиб борилганини кузатиш мумкин.

Корхона ва бюджет ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиб боришнинг ташкил этилмагани сабабли содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар даражаси ҳамон юқори бўлиб

қолмоқда. Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил билан шугулланишга етарли эътибор берилмасдан келинмоқда. Бу эса бюджет ва мақсадли фондлар билан ўзаро ҳисоб-китоб аҳволининг назоратсиз қолишига олиб келади. Натижада корхона мулкдорлари ёки раҳбарлари бюджетдан қарзлари ёки ортиқча тўловлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлардан ўз вақтида хабардор бўлмайдилар.

Айниқса, кичик корхоналар ва яқка тартибдаги тadbиркорлар томонидан бухгалтерлар хизматидан фойдаланмаслик, фойдаланилаётган бухгалтерларнинг етарли малакага эга эмаслиги каби ҳолатлар бюджет ва корхона ўртасидаги муносабатларни тез-тез таҳлил қилиш, боқимандаларни ўтказиб бериш, ортиқча тўловларни солиқ турлари бўйича мавжуд қарздорликнинг бошқа турига ёки келгуси давр тўловлари ҳисобига ўтказиш чораларини кўрмасликка сабаб бўлмоқда. Натижада тadbиркорлик субъектлари катта миқдорда жарима ва устамалар тўлаб, катта миқдорда зарар кўрмоқдалар. Шу туфайли корхоналарда иқтисодий таҳлил ишларининг амалга оширилиши ҳам солиқ тўловчи, ҳам давлат манфаати учун муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарининг давлат бюджети билан алоқасини таҳлил қилишнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаб олиш мумкин:

- солиқ объектини аниқлаш;
- солиқ объектида унинг базаси миқдорини аниқлаш;
- солиқ базасидан чегириладиган харажатлар таркибини аниқлаш;
- солиқларнинг турлари бўйича суммасининг тўғри ҳисобланганлиги ва бюджетга тўлиқ ўтганлигини аниқлаш;
- солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказишда йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш;
- солиқ суммаси ўзгариши сабаблари ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
- ҳар бир омилларнинг солиқ суммаси ўзгаришларига таъсирини аниқлаш;
- солиқни давлат бюджетига ўз вақтида тўлалигича ўтказиш чора-tadbирларини ишлаб чиқиш кабилардир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат бюджети билан алоқасини таҳлил қилувчиларни икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ — солиқ тўловчилар:

• солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар бош бухгалтерлари;

• хўжалик юритувчи субъектлар муассислари ёки раҳбарлари томонидан ёлланган аудиторлик хизмати вакиллари.

Иккинчи гуруҳ — давлат органлари:

• давлат солиқ хизмати органлари;

• давлат статистика органлари;

• бошқа манфаатдор давлат органлари ва қизиқувчилар.

Иқтисодий таҳлил натижаларидан манфаатдорлар корхона молиявий-хўжалик фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиб, солиқ қонунлари бажарилишини ўрганиб, уларга асосан тегишли хулоса ёки ахборотлар тайёрлайди. Бу ўз навбатида таҳлил қилувчи мутахассиснинг ҳисоб-китобларни эмас, балки барча иқтисодий қонунлар, солиқ тўғрисидаги қонунлар ва йўриқномаларни, меъёрий ҳужжатларни яхши билишини тақозо қилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат бюджети билан алоқасини таҳлил қилишда маълумотлар базаси бўлиб бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлари ва ҳисоб-китоблари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг йўриқномалари, меъёрий характердаги ҳужжатлари ҳисобланади.

Корхоналарнинг давлат бюджети билан ҳисоб-китоблари ҳақидаги маълумот бухгалтерия балансининг актив ва пасив қисмларида кўрсатилади. Таҳлил учун зарур маълумотлар бухгалтерия баланси актив қисмининг иккинчи бўлимидаги дебиторлар таркибида «Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» (270-қатор) ва «Мақсадли давлат жамғармалари ва сугурталар бўйича бўнак тўловлари» (280-қатор)дан олинади.

Балансининг пасив қисмида корхонанинг бюджет билан муносабатлари бир қанча моддаларда, «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» (540-қатор), «Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» (650-қатор), «Бюджетга тўловлар бўйича қарз» (680-қатор), «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз» (700-қатор)ларда кўрсатилади.

Бундан ташқари, 6510-счёт бўйича «Суғурталар бўйича қарз» ҳам балансининг пассив қисмида, 690-қаторда кўрсатилади.

Корхоналарнинг бюджет билан алоқаси бухгалтерия ҳисоботининг «Молиявий натижалар ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот»да (2-шакл) ифодаланади. Бу ҳисоботнинг 2-қисми «Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот» деб аталади. Бунда давлат бюджетига тўланадиган даромад (фойда) солиғи, ялпи даромад солиғи, даромаддан ягона солиқ, ягона ер солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, экология солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, импорт бўйича божхона божи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, маҳаллий йиғимлар каби бюджетга тўланиши керак бўлган ва ҳақиқатда тўланган солиқ суммаси ўз ифодасини топади.

Бюджет билан ҳисоб-китобларни таҳлил қилишда солиқ инспекциясида юритиладиган ҳар бир корхонанинг алоҳида солиқ турлари бўйича шахсий счётларида кўрсатилган маълумотлардан ва таҳлил учун бошқа манбалардан олинadиган маълумотлардан ҳам фойдаланилади.

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш дастлаб молиявий ҳисобот билан ташқи фойдаланувчиларнинг танишиб чиқиши билан бошланади. Бундан сўнг бухгалтерия баланси моддаларини таҳлил қилиш асосида тўлиқ баҳоланишга ўтилади.

Корхона молиявий ҳолатини баҳолашда маблағлар суммаси ва уларнинг турлари бўйича манбалари, мулкый ҳолатининг таҳлили амалга оширилади. Уларга қуйидагилар киради:

- **Сармоянинг умумий ҳажми** — корхона ихтиёридаги ҳўжалик маблағлари суммаси.
- **Ўз маблағлари (сармояси)** — корхонанинг муайян санадаги ўз маблағлари.
- **Оборотдаги ўз маблағлари** — оборотда бўлган ўз маблағлари ҳажми.
- **Ҳаракатдаги маблағлар (сармоя)** — оборотда мунтазам қатнашадиган ўз оборот маблағлари ҳажми.
- **Жалб қилинган маблағлар (сармоя)** — узоқ муддатли (УМ) ва жорий мажбуриятлар (ЖМ) йиғиндисидир,

у корхонанинг ҳозирги пайтдаги қарзлари миқдорини кўрсатади.

- **Жорий активлар** — захира, харажат, пул маблағлари ҳамда дебиторлик қарздорлигида бўлган маблағларни акс эттиради.

- **Жорий ёки қисқа муддатли мажбуриятлар** — йил мобайнида тўланиши зарур бўлган қарздорлик.

- **Узоқ муддатли активлар** — асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар йиғиндиси бўлиб, улар оборот маблағлари (мобиль активлар)дан фарқли равишда секинроқ.

- **Узоқ муддатли мажбуриятлар** — бу узоқ вақт фойдаланишга мўлжаллаб олинган кредит ва қарзлар.

- **Ишлаб чиқариш захиралари ва харажатлари** — ишлаб чиқариш захиралари ва харажатларида бўлган оборот маблағлари.

- **Тез ликвидли активлар** — яқин вақт ичида қисқа муддатли мажбуриятларни қоплашга йўналтириладиган маблағлардир. Ликвидлик корхонанинг ўз жорий (айланма) активлари ҳисобидан қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларини бажариш қобилиятини кўрсатади.

Корхонанинг мол-мулкани нақд пулга айлантириш ҳамда узоқ муддатли ва қисқа муддатли мажбуриятларини қоплашга сарфлаш мумкин бўлганида баланс активи ликвидли (пулланадиган) бўлади.

Жорий мажбуриятларни бажариш учун корхонадаги ликвидлик маблағлардан, уларнинг айланиш тезлигидан, яъни нақд пулга айланиш тезлигига боғлиқ бўлган турли активлардан фойдаланиш мумкин. Корхона активлари ликвидлик даражасига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

**Ликвидлиги энг кучли активлар.** Улар жумласига барча пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий маблағлар, яъни қимматли қоғозлар кирази.

**Тез сотиладиган активлар.** Улар муддати ўтказиб юборилган қисмдан ташқари дебиторлик қарзларини ва бошқа активларни ўз ичига олади.

**Секин сотиладиган активлар.** Бунга баланс активи 2-бўлимнинг «Захиралар ва чиқимлар», «Бўлажак давр харажатлари», шунингдек, баланс активи 1-бўлимидан «Узоқ муддатли инвестициялар» деган моддалар кирази.

**Кийин сотиладиган активлар.** Булар асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган сармоя маблағлар, ускуна ва қурилмалар, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларидир.

Корхонанинг ликвидлилик ва тўлов қобилиятининг яхшиланишига қуйидаги йўллар билан эришилади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳажмини кўпайтириш;

- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот қолдиқларини қисқартириш;

- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ҳамда улар юзасидан муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш;

- ўз мажбуриятлари бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлаш;

- жорий активлардаги ўз айланма маблағлари улушини кўпайтириш;

- айланма маблағлар айланиш тезлигини ошириш.

Ликвидлилик ва тўлов қобилияти даражаси яхшила- ниши кўп жиҳатдан корхонанинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий бақувватлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Юридик шахслар молиявий ҳолатини таҳлил қилиш- дан асосий мақсад уларнинг юқорида таъкидланган та- лабларга жавоб беришини аниқлашдир.

Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилган- да солиқлар таҳлили унинг таркибий қисми сифатида ўрганилиши лозим. Аммо бу масала таҳлилга оид иқтисо- дий адабиётларда<sup>1</sup> деярли ёритилмаган. Шу туфайли биз

---

<sup>1</sup> Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. — Тошкент: «Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001; Оценка и анализ финансового состояния предприятия. — Тамбов: ТГУ, 2001; Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назария- си. — Самарқанд: «Зарафшон», 2001; Пардаев М.Қ. ва бошқ. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998; Иқтисодий таҳлил. I-II қисм. — Тошкент: «Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001; Корхоналар иқтисодий салоҳияти таҳлили. — Тошкент: «Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003; Иқтисодий таҳлил. — Тошкент: «Меҳнат», 2004; Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. — Тошкент, 2002; Вахобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Шарқ», 2002; Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Меҳнат», 1995; Волжин И.О., Эргашбоев В.П. Молиявий таҳ-

мазкур ишда солиқларнинг айрим турларига эътиборни қаратиб, уларни таҳлил қилиш усулларини, айниқса, солиқларнинг омилли таҳлилини ишлаб чиқишга жазм этдик.

---

дил. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998; Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. — Тошкент: «Молия», 2000; Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Рахимов М. Иқтисодий таҳлил. 100 савол-жавоб. — Тошкент, 1996; Тўлахўжаева М.М. Аудит финансового состояния предприятия. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996; Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш. — Тошкент, 1996; Шоалимов А.Х. Саноат корхоналари фаолиятининг таҳлили. — Тошкент: «Меҳнат», 1992.

## **2-боб. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ МАЗМУНИ, ҲИСОБЛАШ ЙЎЛЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАРИ**

### **2.1. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ МАЗМУНИ ВА УНИНГ СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 65-моддасида «Қўшилган қиймат солиғи — товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш), уларни реализация қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратишдир», деб таъриф берилди.

Лекин солиқ тўловчилар солиқларни, жумладан, қўшилган қиймат солиғини бюджетга ихтиёрий равишда ажратмайдилар. Бу ажратма мажбурий ҳуқуқий норма тарзида айрим товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқарувчилар, солиқ тўловчилар учун тааллуқли ҳолос. Агар солиқ тўловчилар тўловларни ихтиёрий равишда бюджетга ажратганларида, у солиқ эмас, балки хайрия ҳисобланар эди.

Маълумки, қўшилган қиймат солиғи билвосита солиқлар турига кириб, бу бўйича барча юридик ва жисмоний шахслар солиқ тўловчилар ҳисобланмайди. Шунинг учун қўшилган қиймат солиғига берилган таърифда бу ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир.

Бу солиқни юридик ҳамда жисмоний шахслар аввал ўз ҳисобларидан бюджетга тўлаб беради ва кейинчалик уларни ҳақиқий солиқ тўловчилардан ўз ҳисобларига йиғиб оладилар. Бу қўшилган қиймат солиғининг бошқа билвосита солиқлар каби ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Шунинг учун, фикримизча, Солиқ кодекси 65-моддасини «Қўшилган қиймат солиғи — солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишда, мамлакат ҳудудига товар (иш, хизмат) импортида улар нархлари устига




**қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга мажбурий ажратма сифатида ўтказишдир»** деган мазмундаги таҳрир-да ўзгартириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Юқорида таъкидланганидек, қўшилган қиймат солиғи истеъмолчилардан ундириладиган солиқ бўлиб, солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар уларни бюджетга йиғиб берувчилардир. Қўшилган қиймат солиғи айланишини чизма ёрдамида қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин (*1-чизма*).

Мазкур солиқнинг моҳиятини ўрганиш учун солиқ тўловчиларни ҳам аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Амалдаги меъёрий ҳужжатларда солиқ тўловчиларга берилган таърифларда чалкашликлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 66-моддасининг янги таҳририга кўра «**Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар, товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилувчи юридик шахслар, шунингдек ўз эҳтиёжлари учун товарларни божсиз олиб кириш нормала-**



*1-чизма. Қўшилган қиймат солиғи тўловининг айланиши.*

ридан ортиқча олиб келувчи жисмоний шахслар импорт қилинаётган ана шу товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи тўловчилари» ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 апрелда 1238-сон билан рўйхатга олинган «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг янги таҳририда эса «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини юритаётган юридик шахслар солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиққа тортишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахслар (ягона солиқни тўлашга ўтган кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ва ягона ер солиғини тўлашга ўтган қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари) бундан мустасно.

Асосий фаолияти билан бир қаторда қўшилган қиймат солиғига тортиладиган бошқа фаолият билан шуғулланадиган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари — ягона ер солиғи тўловчилар, мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда шу фаолиятдан қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланадилар» деб кўрсатилган.

Лекин, бизга маълумки, амалдаги қонунчилик меъёрларига мувофиқ тадбиркорлик билан шуғулланувчи барча юридик шахслар қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланмайди. Юқоридагилардан кўришиб турибдики, иккита меъёрий ҳужжатда нафақат солиққа, балки солиқ тўловчиларга ҳам икки хил мазмундаги таъриф берилган. Бу ўз навбатида солиққа тортиш амалиётида муаммо ва чалқанликларни келтириб чиқаради.

Шу сабабли, фикримизча, Солиқ кодекси ва «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномада қўшилган қиймат солиғи тўловчиларга «Амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиққа тортишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахслардан ташқари барча тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилувчи юридик шахслар ва ўз эҳтиёж-

лари учун товарларни божсиз олиб кириш нормаларидан ортиқча импорт қилаётган жисмоний шахслар қўшилган қиймат солиғи тўловчилардир» деб таъриф берилса, бу чалкашликларга барҳам берилади.

Қўшилган қиймат солиғи республикада жорий қилинган солиққа тортишнинг энг мураккаб, кўп қиррали ва доимо такомиллаштиришни талаб этадиган солиқ туридир.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига биноан, қўшилган қиймат солиғи ҳисобот даври (ойи) учун реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисоблаб чиқарилган қўшилган қиймат солиғи суммаси билан қиймати ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари (масалан, материаллар, хом ашё, бутловчи буюмлар, ёқилғини етказиб берган таъминотчиларга тўланган ҳақ)га қўшиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўланган ёки тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

Бу умумий тартиб мазкур солиқнинг қўшилган қийматга солинадиган солиқ сифатидаги моҳиятини очиб беради. Бу ўринда солиқ тўловчи корхона бир вақтнинг ўзиде таъминотчига солиқ тўловчи сифатида ҳам, товарларни сотиб олувчи, ишлар ва хизматларни истеъмол қилувчилардан солиқ олувчи сифатида ҳам майдонга чиқади.

Бундай аҳволда товарлар (ишлар, хизматлар) етишмовчилиги ёхуд уларга талаб ошган шароитларда, қўшилган қиймат солиғи корxonанинг молиявий натижаси (фойдаси)га нисбатан ҳақиқатдан нейтрал солиққа ҳам, мулкчилик шакллари ва хўжалик тармоғидан қатъий назар, барча корхоналар ва бирлашмалар томонидан тўланадиган универсал солиққа ҳам айланади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига кўра, қўшилган қиймат солиғи бўйича корхоналарга анчагина имтиёзлар берилган. Айрим корхоналар иқтисодий рағбатлантириш мақсадида қўшилган қиймат солиғини тўлашдан бутунлай озод қилинган. Масалан, қишлоқ хўжалик корхоналари ўзлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлардан қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилинган. Мана шундай шароитларда пахта тозалаш заводлари пахта хом ашёсини қўшилган қиймат солиғисиз олишади, ўзлари

эса тайёрланган пахта толасини қўшилган қиймат солиғи билан реализация қилишади. Бунда маҳсулот сотилаётганда солиқ суммаси корхонанинг бутун обороти (қишлоқ хўжалик корхонасидан олинган пахта хом ашёси қиймати билан бирга)дан ҳисоблаб чиқарилади. Бинобарин, шу жойда қўшилган қиймат солиғи бўйича етказиб берувчилар билан харидорлар ўртасидаги алоқа узилади.

Ушбу ҳолатда корхонада қўшилган қиймат солиғи — қўшилган қийматнинг бир қисми эмас (амалда шундай бўлиши керак), балки маҳсулот қийматига ҳисобланган ва бюджетга тўлалигича ўтказиладиган устама бўлиб қолмоқда. Қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилинган корхоналар эса материаллар, хом ашё, бутловчи буюмлар, ишлар ва хизматлар учун таъминотчилар томонидан тўланадиган солиқ суммасини тўлалигича ишлаб чиқариш сарф-харажатларига ўтказилади. Натижада таъминотчиларга тўланган солиқ суммасига сарф-харажатлар сунъий равишда кўпайтирилиб, корхонанинг молиявий ресурслари имобилизация қилинади.

Бундан ташқари, амалдаги солиқ қонунчилигига асосан, қўшилган қиймат солиғини тўловчи барча корхона ва ташкилотлар асосий воситалар харид қилиб олганда таъминотчиларга тўланган солиқлар суммасини асосий фондлар қийматига киритадилар. Бу мазкур харидор корхоналарнинг молиявий ресурслари имобилизацияси ва товарлар (ишлар, хизматлар) қийматининг ошишига олиб келади.

Қўшилган қиймат солиғи (акциз солиқлари билан биргаликда) олдин амал қилиб келган билвосита солиқлар — савдо ва оборотдан олинадиган солиқларнинг ўрнини тўлиқ алмаштирди. Аммо қўшилган қиймат солиғи ўзининг ўрни бўйича бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда давлат бюджетининг асосий манбаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Солиқ тўловчилар тушунчаси, кўриб ўтганимиздек, жуда кенг бўлиб, амалдаги солиқ қонунчилиги меъёрларига кўра, таъкидланганидек, барча юридик ва жисмоний шахслар ҳам қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланмайди. Давлат солиқ хизмати органлари солиқ назоратини амалга оширишлари учун қўшилган қиймат

солиғи тўловчиларини аниқлаб олиши ва ҳисобга қўйиши муҳим масала ҳисобланади. Юқорида берилган таъриф ва амалдаги қонунчилик меъёрларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини қуйидагича ифодалаб олиш мумкин, деган хулосага келдик (2-чизма).

Солиққа тортиш мақсадларида юридик шахслар деганда мулкчилигида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида мол-мулкка эга бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ана шу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек, мустақил баланс ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар тушунилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари асосий фаолиятдан ташқари ишлаб чиқариш ва бошқа хил фао-



2-чизма. Кўшилган қиймат солиғи тўловчи субъектлар таркиби.

лиятлар билан шуғулланса, улар ҳар бир фаолият тури бўйича алоҳида ҳисоб-китоблар олиб борадилар ва ҳар бир фаолият тури бўйича солиқ қонунчилигида белгиланган солиқларни тўлайдилар.

Товарлар, ишлар, хизматларни импорт қилаётган юридик ва жисмоний шахслар ана шу импорт қилинаётган товарлар, ишлар, хизматлар учун қўшилган қиймат солигининг тўловчилари ҳисобланадилар. Товарларни импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар давлат солиқ хизмати органларида қандай солиқ тўловчи сифатида рўйхатда туришларидан қатъий назар, импорт қилинган товарлар учун қўшилган қиймат солигини тўловчилар ҳисобланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация ва импорт қилиш обороти қўшилган қиймат солигининг объекти ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи объектларининг таркиби куйидаги чизмада ифодаланган (*3-чизма*).

Ушбу чизмада ифода этилишича, қўшилган қиймат солигининг объекти сотилган ва импорт қилинган маҳсу-



*3-чизма. Қўшилган қиймат солиғи объектларининг таркиби.*

лот (иш, хизмат)лар ҳажмидан иборатдир. Булар қуйидагича ифодаланади:

**Товарларнинг сотилиши ҳажмига:**

- истеъмол қилиш учун белгиланишига ва қийматига эга бўлган барча ашёларни (товар, маҳсулот, кўчмас мулк, электр энергияси, иссиқлик энергияси, газ, сув ва бошқалар) жўнатиш.

**Бажарилган ишлар таркибига:**

- қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари;
- илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлари;

- технологик ва лойиха-қидирув ишлари;

- бошқа ишлар қиймати киради.

**Хизматлар кўрсатиш ҳажмига эса:**

- йўловчи ва юк транспорти қиймати;
- газ ва нефтни узатиш қиймати;
- электр ва иссиқлик энергияларини узатиш қиймати;
- кўчмас мулкларни ва бошқа мулкларни ижарага бериш хизмати қиймати, шу жумладан лизинг хизмати;

- воситачилик хизмати қиймати;

- алоқа хизмати қиймати;

- маиший ва уй-жой коммунал хизмати қиймати;

- реклама хизмати қиймати;

- маълумотларни саралаш ва информация таъминоти ва бошқа хизматлар қиймати киради.

## **2.2. ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда ҳар бир солиқ объекти бўйича оборот алоҳида аниқлаб олинади. Бунда ҳар бир объект миқдорига кирувчи оборотларга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Амалиётда асосий муаммолар солиқ тўловчилар томонидан мана шу оборотларни аниқ белгилаб олишда йўл қўйилаётган чалкашликлар солиқ тўловчилар томонидан катта миқдорда жарималар тўлашга олиб келмоқда.

Товар айланмаси бўйича солиққа тортиладиган оборот ҳажмини аниқлашда сотилган товарларнинг жами суммасидан таъминотчиларга тўланган қўшилган қиймат солиғи миқдори чегирилади. Тўланган акциз солиғи миқдори қўшилган қиймат солиғи оборотини ҳисоблашда унинг базасидан чегирилмайди.

Товарлар текин берилган тақдирда солиққа тортиладиган оборотни аниқлашда улар нархлари хўжалик юритувчи субъектдаги товарнинг ишлаб чиқариш баҳосидан кам бўлмаган миқдордаги баҳосига қўшилган қиймат солиғини қўшмасдан ҳисобланади. Товарлар олди-сотдиси билан шуғулланувчи тайёрлов, таъмирлов-сотув ташкилотлари учун солиққа тортиладиган оборот истеъмолчиларга сотилган товарлар қийматида шартномавий баҳо-ларда қўшилган қиймат солиғисиз ҳисобланади.

Асосий воситалар ва номоддий активларнинг соти-лишида солиқ солинадиган оборот ҳажми уларни сотиш баҳоси ва қолдиқ қийматлар ўртасидаги нарх фарқи кўри-нишида аниқланади. Асосий воситалар ва номоддий ак-тивлар текин берилган тақдирда, солиққа тортиладиган оборот уларнинг бозор баҳоси ва қолдиқ қиймати ўрта-сидаги нархлар фарқидан иборат бўлади.

Товарлар, асосий воситалар ва номоддий активлар-нинг текин берилишида уларни текинга берувчи хўжалик юритувчи субъект солиқ тўловчи ҳисобланади.

Қайтариладиган таралар, шу жумладан, гаров қийма-тига эга шинна идишлар қиймати солиқ солинадиган обо-рот таркибига киритилмайди. Агар бундай таралар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотилса, улар қиймати солиққа тортиладиган оборот таркибига қўшилади.

Товарлар сотилиши бўйича қўшилган қиймат солиғи обороти таркибини қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин (4-чизма).

Хўжалик юритувчи субъект томонидан бажарилган ишлар бўйича қўшилган қиймат солиғи оборотини аниқ-лаб олишда ҳисоблаш буюртмачининг хом ашё ва мате-риалларини қайта ишлаб бериш қийматидаги оборот, қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, лойиҳа-қидирув ва илмий-текшириш ишлари бўйича ҳисобла-шиш ҳужжатларида кўрсатилган ҳамда буюртмачи томо-





**4-чизма. Товарлар сотилиши бўйича қўшилган қиймат солиғи ҳажмининг таркиби.**

нидан белгиланган тартибда тасдиқланиб тан олинган қиймат солиққа тортиладиган оборот таркибига киритилади. Корхонанинг ўз кучи билан, ўз мақсади учун бажарган қурилиш-монтаж ишлари солиққа тортиладиган оборот таркибига киритилмайди.

Қурилиш ишлари бажарилганда пудратчига буюртмачи томонидан етказиб берилган материаллар қиймати қўшилган қиймат солиғига тортиладиган оборотга киритилмайди. Бунда бажарилган ишлар қийматидан буюртмачи материаллари қиймати чиқарилиб, қолган сумма солиқ солинадиган оборот таркибига киритилади.

Моддий ресурслар, ёқилғи, иш бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси қурилиш объекти қийматига киритилади. Бажарилган ишлар бўйича солиққа тортиладиган оборот таркибига киритилмайдиган ишларни схемали тарзда қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин (*5-чизма*).

Кўрсатилган хизматлар бўйича солиққа тортиладиган оборотни аниқлашда унинг таркибига:

- банклар хизмати учун — банк томонидан кўрсатилган хизматлар қиймати;
- лизинг хизмати учун — лизинг фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг лизинг ставкаси, яъни лизингга берувчининг даромади қиймати;
- маиший хизмат учун — маиший хизмат кўрсатувчи субъектнинг жами хизмат суммасидан буюртмачи материали қиймати ўртасидаги фарққа;



*5-чизма.* Бажарилган ишлар бўйича қўшилган қиймат солиғи ҳажмининг таркиби.

- газ, нефть, электр ва иссиқлик энергияси узатиш хизмати учун — **мазкур фаолият билан шуғулланувчи корхоналар томонидан кўрсатилган газ, нефть, электр ва иссиқлик энергияси узатиш хизмати қиймати**;

- реклама, воситачилик ва алоқа хизмати учун — **кўрсатилган реклама, воситачилик ва алоқа хизмати қиймати**;

- транспорт ва юк ташиш хизмати учун — **кўрсатилган транспорт ва юк ташиш хизмати қиймати**;

- бошқа хизматлар учун — **хўжалик юритувчи субъектлар томонидан юқоридаги хизматлардан ташқари кўрсатилган хизматлар қийматлари суммаси киритилади.**

Кўрсатилган хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғига тортиладиган оборот таркибига кирувчи ишларни қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин (*6-чизма*).

Ишлаб чиқарилган товарлар реализацияси, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга қўшилган қиймат



*6-чизма.* Кўрсатилган хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи ҳажмининг таркиби.

солигини ҳисоблаш методологиясини қуйидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- солиққа тортиладиган оборот ҳажмини аниқлаш;
- ноли ставка бўйича солиққа тортиладиган оборот ҳажмини аниқлаб олиш;
- имтиёзли ставка билан солиққа тортиладиган оборот ҳажмини аниқлаш;
- бюджетга тўланадиган солиқ миқдорини ҳисоблашда ҳисобга (инобатга) олиннадиган солиқ суммасини аниқлаб олиш;
- корхонанинг бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи миқдорини аниқлаш.

Таъкидланган босқичлар билан солиқ тўловчининг қўшилган қиймат солиғига тортиладиган обороти аниқланиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставкалар асосида ҳисобланади.

Амалиётда бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси икки хил усулда аниқланади. Биринчи усулда солиқ суммаси қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$Сққс = \frac{С_0 \times С}{100} ;$$

бунда:

**Сққс** — истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси;

**С<sub>0</sub>** — солиққа тортиладиган оборот;

**С** — белгиланган қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Бу усул қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ҳамма товарлар (ишлар, хизматлар) оборотига нисбатан қўлланилади.

Иккинчи усулда бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Сққс = \frac{Тқ \times С}{С + 100} ;$$

бунда:

**Тқ** — қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товарлар (ишлар, хизматлар) жамининг умумий қиймати.

Демак, товарлар (ишлар, хизматлар) қўшилган қий-  
мат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича  
сотилганида бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ сум-  
маси иккинчи усулда аниқланади.

Бюджетга тўланадиган солиқ суммасини ҳисоблашда  
қўшилган қиймат солиғини тўлашдан ёки товарлар бўйи-  
ча қўшилган қиймат солиғидан озод бўлган юридик шах-  
слар, ягона солиқ тўловчи кичик корхоналар, ялпи даро-  
мад солиғи тўловчи савдо ва умумий овқатланиш ҳамда  
ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик корхоналари  
эркин баҳо ва тарифларга қўшилган қиймат солиғи сум-  
масини қўшмайдилар.

Мамлакатимиз солиқ қонунчилигида ишлаб чиқари-  
лаётган маҳсулотлар таннархини пасайтириш ва экспор-  
тни рағбатлантириш мақсадида қўшилган қиймат солиғи  
тўловчилар оборотини имтиёзли солиққа тортиш, яъни  
солиққа тортиладиган оборотга ноль ставка бўйича солиқ  
ҳисоблаш амалиёти ҳам кенг қўлланилиб келмоқда.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ юридик шахслар-  
нинг қуйидаги оборотлари нолли ставка бўйича солиққа  
тортилади:

- агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартно-  
маларида бошқача қонда назарда тутилмаган бўлса, товар-  
ларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан  
ташқарида бажариладиган ишларнинг (кўрсатиладиган хиз-  
матларнинг) эркин конвертация қилинадиган валютадаги  
экспортга, шу жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўст-  
лиги мамлакатларига етказиб берилишига;

- чет эл тарафи томонидан ўзаро дўстлик принци-  
пи қўлланган тақдирда, чет эл дипломатик ваколатхоналари  
ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий  
фойдаланиши учун, шунингдек бу ваколатхоналар дипло-  
матик ва маъмурий-техник ходимларининг, шу жумладан  
улар билан биргаликда яшаётган оила аъзоларининг, агар  
улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмасалар ҳамда  
республикада доимий яшаётган бўлмасалар, шахсий фой-  
даланиши учун реализация қилинаётган товарларга (иш-  
ларга, хизматларга);

- божхона ҳудудида «қайта ишлаш» божхона режими-  
га жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича эркин

конвертация қилинадиган валютада бажариладиган ишларга (кўрсатиладиган хизматларга);

- чет мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган юкларини (транзит юкларни) ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматларга;

- сув, иссиқлик, газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар.

Товарлар экспортига нолли ставка бўйича солиқ солишда товарнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқилиши белгиловчи омил ҳисобланади. Товарлар экспортида ноль ставка билан солиққа тортиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос сифатида қабул қилинади:

- товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш бўйича тузилган контракт;

- товарнинг божхона расмийлаштируви ўтказилганлигини тасдиқловчи божхона органининг белгилари қўйилган божхона юк декларацияси;

- экспорт қилинаётган товарларга хорижий шахс ҳақ тўлаганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатлари ва банк кўчирмаси;

- товарларнинг контрактда кўрсатилган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқлайдиган товарга илова қилинувчи ҳужжатлар.

Экспорт қилинган ишлар, хизматларга солиқ солишда белгиловчи омил бўлиб ишлар, хизматлар сотилган жой ҳисобланади.

Солиққа тортишда қуйидагилар маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиладиган жой деб ҳисобланади:

- агар ишлар (хизматлар) бевосита кўчмас мол-мулк билан боғлиқ бўлса, кўчмас мол-мулк жойланган жой. Бундай ишларга (хизматларга) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш, реставрация ишлари, кўкаламзорлаштириш ишлари, мол-мулкни ижарага бериш каби ишлар ва хизматлар киреди;

- агар хизматлар маданият, санъат, таълим, жисмоний тарбия ёки спорт соҳасида ёки шунга ўхшаш бошқа фаолият соҳасида кўрсатилса, хизматларнинг ҳақиқатда кўрсатилган жойи;

- агар улар кўчар мол-мулк билан боғлиқ бўлса, ишлар (хизматлар) ҳақиқатда бажарилган (кўрсатилган) жой.

Транспорт хизматлари бўйича эса — ташишлар ҳақиқатда амалга оширилган жой. Бунда ҳудудига барча ўтилган масофанинг ярмидан кўпи тўғри келадиган тараф бундай ишларни (хизматларни) сотиш жойи ҳисобланади;

- агар ушбу хизматлар харидори бир мамлакатда, сотувчи эса бошқасида жойлашган бўлса, хизматлар харидорининг иқтисодий фаолият жойи тан олинади.

Бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларни бажарилган жойни тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлиб:

- хорижий шериклар билан контрактлар;
- бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар сотувчиси ва харидори томонидан ишлар ёки хизматларни қабул қилиш юзасидан улар имзолаган далолатномалар, маълумотномалар ёки бошқа ҳужжатлар;
- хорижий шахс томонидан бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси аэропорти ва ҳаво маконида хорижий ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш, шу жумладан аэронавигация хизматлари эркин алмаштириладиган валютада ҳақ тўланиб кўрсатилганда, бу экспорт хизматларига тенглаштирилади ва уларга нолли ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Корхоналар нолли ставка бўйича солиққа тортиладиган маҳсулотларга қўшилган қиймат солиғини «0» ставкаси бўйича ҳисоблайдилар ва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган моддий ресурслар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш учун қабул қиладилар.

### **2.3. ИМПОРТ ҚИЛИНАДИГАН ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)ГА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ**

Импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га солинадиган қўшилган қиймат солиғи объектларини ҳисоблашда товарлар, ишлар ва хизматлар импорти тушунчаларини аниқлаб олиш муҳим масала ҳисобланади.

Товарлар импорти деганда, Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунлари ва белгиланган божхона режимларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан маҳсулотлар олиб келиш тушунилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, товар деганда истеъмолга мўлжалланган ва қийматга эга (ишлар, хизматлардан ташқари) ҳамма нарса (ускуналар, маҳсулотлар, хом ашё, материаллар, электр, иссиқлик ва энергиянинг бошқа турлари, транспорт воситалари ва товар-моддий бойликлар) тушунилади.

Божхона қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга қўшилган қиймат солиғи бўйича оборотни ҳисоблаш учун белгиланган божхона қиймати асос бўлиб ҳисобланади. Товарлар импорти бўйича солиқ солинадиган оборот ҳажмига киритиладиган божхона қиймати таркибига божхона божи суммаси ва акциз тўланадиган товарларга тўланган акциз солиғи суммаси киритилади.

Демак, солиққа тортиладиган оборот таркибига киритиладиган божхона қийматини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин бўлади:

$$\text{БҚ} = \text{Тбқ} + \text{Бб} + \text{Ас};$$

бунда:

**БҚ** — товарларнинг белгиланган божхона қиймати;

**Тбқ** — товарларнинг белгиланган қиймати;

**Бб** — божхона божи суммаси;

**Ас** — акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи суммаси.

Юқоридаги формулани қўллаб, импорт қилинадиган товарлар бўйича бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$\text{Сққс} = \frac{(\text{Итб} + \text{Бб} + \text{Ас}) \times \text{С}}{100};$$

бунда:

**Сққс** — импорт товарлар бўйича бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси;

**Итб** — импорт қилинадиган товарнинг божхона қиймати;



**Бб** — божхона божи суммаси;

**Ас** — акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи суммаси;

**С** — импорт товарлар бўйича қўшилган қиймат солигининг фоиз ставкаси.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси танланган божхона режими шартларига мувофиқ 20 фоизли ставкада юқоридаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқарилади ва товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинишида божхона декларацияси қабул қилинишига қадар ёки у билан бир вақтда бюджетга тўланади.

Агар божхона декларацияси Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига белгиланган муддатда топширилмаса, қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатлари божхона декларациясини топшириш муддати тугаган кундан бошлаб ҳисобланади.

Жисмоний шахслар солиқ суммасини белгиланган тартибда нақд пул билан божхона органи ёки божхона пости кассасига тўлашлари мумкин.

Импорт товар (иш, хизмат)лар бўйича қўшилган қиймат солиғи Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигида 1999 йил 8 апрелда 697-сон билан рўйхатдан ўтган «Божхона тўловларини тўлашни кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича» Йўриқномага мувофиқ божхона органининг қарорига кўра солиқ суммаси тўлови кечиктирилишига ёки бўлиб-бўлиб тўланишига рухсат этилади.

Импорт қилинган товар (иш, хизмат)лар бўйича ортиқча тўланган ёки ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммаси солиқ тўловчининг қўшилган қиймат солиғини ортиқча тўланганлик (ундирилганлик) сабаблари ва пул маблағлари қайтарилиши керак бўлган банк реквизитларини кўрсатиб берган ёзма аризасига мувофиқ ўттиз кун ичида қайтарилиши ёки аризага биноан бўлғуси тўловлар ҳисобига ўтказилиши мумкин.

Бунда аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

• **қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқарилган ва ундирилган божхона юк декларацияси;**

• ижро этилиши тўғрисида ваколатли банк белгиси қўйилган, тегишли қўшилган қиймат солиғи суммаларини тулашга доир тўлов ҳужжати;

• товарларнинг чегарадан ҳақиқатда олиб ўтилганлиги тўғрисида чегара божхонасининг белгиси қўйилган ҳужжатлар нусхалари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ишлар, хизматларни импорт қилувчи юридик шахслар ана шу импорт қилинадиган ишлар, хизматларга қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланади.

**Импорт қилинадиган ишлар ва хизматлар деб** — Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар жойи Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди бўлган ишлар ва хизматлар эътироф этилади.

Қонунчилик талабларига мувофиқ тузилган шартномалар (контрактлар)га асосан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига импорт қилинадиган ишлар ва хизматлар қиймати қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотлар таркибига киритилади.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи ишлар, хизматлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (далолатнома, маълумотнома ёки бошқа ҳужжатлар)га кўра аниқланган солиққа тортиладиган оборот асосида қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$Сққс = \frac{Иих \times Н}{100};$$

бунда:

**Сққс** — импорт қилинган ишлар ва хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси;

**Иих** — ҳужжатлар билан тасдиқланган, импорт қилинган ишлар, хизматлар қиймати;

**Н** — импорт қилинган ишлар ва хизматлар учун қўшилган қиймат солигини белгилаш бўйича фоиздаги ставкаси.


Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга оид қўшилган қиймат солиғи уларни бажарилгани ва кўрсатилганини тасдиқловчи далилий ҳужжатлар тасдиқланган кундаги Марказий банк курси бўйича қайта ҳисобланган

ишлар, хизматлар қийматидан келиб чиққан ҳолда миллий валютада ҳисоблаб чиқарилади.

Монтаж қилиш, ишга тушириш, созлаш, маслаҳатлар бериш, ўқитиш ва бошқа ишлар, хизматларга доир импорт қилинадиган ишлар ва хизматларга қўшилган қиймат солиғи тузилган шартномалар (контрактлар)га мувофиқ белгиланган ишлар ва хизматларнинг қиймати асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Импорт қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиз миқдорда белгиланган.

Импорт қилинадиган ишлар ва хизматларни қўшилган қиймат солиғига тортиш бўйича бир қатор имтиёзлар мавжуд. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган бажарилган ишлар ва хизматларнинг қийматини қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин (7-чизма).



**7-чизма. Импорт бўйича бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга қўшилган қиймат солиғи бўйича берилган имтиёзлар.**

Юқорида таъкидлаганимиздек, импорт қилинган товарлар учун қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун уларнинг боғжона қиймати асос қилиб олинади. Боғжона юк декларацияси товарларни Ўзбекистон Республикаси боғжона ҳудудига киритилишида тўлдирилиб, товарларнинг импортини ёки уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонунчиликда белгиланган тартибларга мувофиқ киритилганлигини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Импорт қилинган товарлар бўйича ундириладиган қўшилган қиймат солиғига тегишли маълумотлар корхоналар томонидан товарларни импорт қилишда боғжона органларида расмийлаштириладиган боғжона юк декларациясининг 47-устунида акс эттирилади. Бунда:

«**Тури**» тўғрисидаги қаторида «29» — ҚҚСнинг коди;

«**Ҳисоблаб ёзиш асоси**» қаторида қонунчилик талабларига кўра ҳисобланган солиқ солинадиган оборот суммаси;

«**Ставка**» қаторида белгиланган солиқ ставкаси миқдори;

«**Сумма**» қаторида солиққа тортиладиган оборот асосида ҳисобланиб тўланиши дозим бўлган солиқ суммаси кўрсатилади;

«**ТУ**» қаторида тўлов усулининг ҳарфдаги коди, бунда:

«**бн**» — нақдсиз ҳисоб-китоб;

«**кт**» — нақд пулда тўлаш;

«**оп**» — боғжона тўловларини тўлаш кечиктирилди;

«**рп**» — боғжона тўловлари бўлиб-бўлиб тўланади;

«**оо**» — боғжона тўловларсиз расмийлаштирув.

«**Ҳисоб-китоб қилиш тафсилотлари**» «В» қаторида тўлов коди, қўшилган қиймат солиғи тўловининг умумий суммаси, шунингдек солиқ тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатларининг рақамлари ва санаси кўрсатилади.

Боғжона юк декларациясининг 48-«Тўловларни кечиктириш» устунида олти рақамли сонлар акс эттирилиб, улар тўловларни тўлаш санаси, ойи ва йилини билдиради. Декларациянинг 36-«Преференция» деб номланган устунида «Преференция, имтиёз ва боғжона тўловларини тўлаш бўйича классификаторлар»га мувофиқ белгиланган рақам кодлари билан тўлдирилади. Бунда биринчи рақам «боғжона йиғими», иккинчи рақам «боғжона божи», «акциз со-

лиги» ва «қўшилган қиймат солиғи» тўловлари турининг қандай амалга оширилишини ифода этади.

Қўшилган қиймат солиғи, таъкидланганидек, билвосита солиқлар турига киради. Чунки, бундай қараганда унинг тўловчилари маҳсулот ишлаб чиқарувчи, иш ва хизматларни бажарувчи корхона, ташкилот, бирлашма-дек туюлади. Ана шу корхоналар солиқнинг ҳуқуқий тўловчилари бўладилар. Солиқ идоралари солиқни ўз вақтида ва тўлиқ бюджетга ўтказишни улардан талаб қиладилар. Аслида эса мазкур корхона, ташкилот ва бирлашмалар қўшилган қиймат солиғини маҳсулот, иш, хизматни сотиб олувчи корхона, ташкилот ва бирлашмалар сотиб олган маҳсулот, иш, хизмат устига қўйиб юборадилар. Демак, солиқнинг ҳақиқий тўловчилари шу маҳсулот, иш ва хизматни истеъмол қилувчилардир.

Бюджетга тўланадиган солиқ суммасини ҳисоблашда ҳисобот даври мобайнида ҳисобварақ-фактуралар бўйича ҳақиқатда солиқ тўловчига келиб тушган товарлар (ишлар, хизматлар), шу жумладан, импорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун, ноль ставкаси бўйича оборот билан биргаликдаги солиқ солинадиган оборот учун фойдаланиладиган солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинади. Буни қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин (8-чизма).

$$\text{Бюджетга тўланадиган ҚҚС} = \text{Харидорлардан ундирилган ҚҚС} - \text{Таъминотчиларга тўланган ҚҚС}$$

**8-чизма.** Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасининг ҳисоб-китоби.

Бунда харидорлардан ундирилган ва таъминотчиларга тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаларини бюджетга тўланадиган солиқ суммасини ҳисоблашда инобатга олиш учун улар солиққа тортиш методологияси шартларига мос келиши лозим. Бу шартларни қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин (9-чизма).



**9-чизма. Бюджетга тўланадиган солиқ суммасини ҳисоблашда инобатга олинадиган солиқ суммаси учун зарур бўлган шартлар.**

Ҳисобот даври мобайнида хўжалик юритувчи субъектлар шартномаларининг шартларига кўра хорижий валютага эквивалентда ёзилган ҳисобварақ-фактуралар бўйича келиб тушган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича бюджетга тўланадиган солиқни ҳисоблашда ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси бўлиб, ҳисобварақ-фактура ёзилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича Ўзбекистон Республикаси пул бирлигига қайта ҳисобланган сўмлардаги солиқ суммаси ҳисобланади.

Импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича божхона юк декларацияси, шунингдек божхона декларацияси қиймати, божхона қийматининг тузатилиши (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар далолатномалари) ва қўшилган қиймат солиғининг амалда тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари солиқ суммаларини ҳисобга олиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Импорт қилинган товарлар бўйича ҳисобга киритиладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси бўлиб импортчи баёнот берган божхона қийматидан келиб чиқиб белгиланган тартибга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган, сотиш чоғида солиқ солинадиган оборотга қўшилган солиқ суммаси ҳисобланади.

Агар қўшилган қиймат солиғи товарларни импорт қилишда импортчи баёнот берган божхона қийматидан эмас, балки божхона тўловларини тўлаш учун божхона органлари ҳисоблаб чиқарган божхона қийматидан келиб чиқиб ҳисобланса, божхона расмийлаштируви чоғида ҳақиқатда тўланган солиқ билан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган асосий воситалар ва номоддий активлар сотиб олиш қиймати бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳам қўшилган ҳолда акс эттирилади ва ҳисобга олинadиган солиқ ўртасидаги фарқ импорт қилинган товарларнинг харид қийматига киритилади.

**Масалан.** Импортёр олиб кириладиган товарлари бўйича 10 млн. сўмга божхона қиймати баёнотини берган. Товар импорти чоғида божхона тўловларини тўлаш учун ҳисоб-китобли божхона қийматини божхона органлари 20 млн. сўм миқдорида белгиллаган. Божхона расмийлаштируви чоғида божхона тўловларининг ҳисобланган суммалари: божхона божи — 6 млн. сўм, акциз — 4 млн. сўм, ҚҚС 20 фоизда — 6 млн. сўмни  $(20 + 6 + 4) \times 20 : 100$  ташкил этган.

Ҳисобга киритилadиган ҚҚС суммаси — 4 млн. сўм  $[10$  (импортчи баёнот берган божхона қиймати)  $+ 6$  (божхона божи)  $+ 4$  (акциз)  $\times 20 : 100]$ .

2 млн. сўм (6 млн. — 4 млн.) фарқ импорт қилинган товарнинг харид қийматига киради.

Божхона органи ёки ҳукумат органининг қарорига кўра импорт қилишда қўшилган қиймат солиғини тўлов муддатлари узайтирилган ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилган тақдирда бюджетга тўланадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқнинг ҳақиқатда тўланган суммаси ҳисобга олинади.

Экспортга етказиб берилadиган маҳсулот бўйича ҳисобга олинadиган қўшилган қиймат солиғи суммаси бу товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилганлиги ва экспортдан валюта тушуми корхонанинг ҳисоб рақамига келиб тушганлигини асословчи ҳужжатларда тасдиқланган суммаси ҳисобланади.

Қуйидагилар бўйича солиқ суммаси бюджетга тўланадиган солиқлар миқдорини ҳисоблаб чиқишда инобатга олинмайди:

- қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган корхоналар томонидан ўзларида ишлатиш мақсадида, шунингдек, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарувчи корхоналардан сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

- солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиши бўйича;

- харид қилинган, ҳисобда дастлабки қиймати бўйича акс эттириладиган асосий воситалар (шу жумладан етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, фойдаланишга топшириш ҳамда ундан вазифасига кўра фойдаланиш учун активни ишлаш ҳолатига келтириш билан бевосита боғланган ҳар қандай бошқа хизматлар) ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган номоддий активлар бўйича;

- корхонанинг устав жамғармасига улуш сифатида киритилган товарлар (ишлар, хизматлар) ва моддий ресурслар сотилиши ёки улар кейинчалик солиққа тортиладиган ва тортилмайдиган оборотлар сифатида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган фаолиятда ишлатилганда.

Бунда корхонанинг устав жамғармасига улуш сифатида киритилган импорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси ушбу товарлар (ишлар, хизматлар) кейинчалик сотилганда ёки солиққа тортиладиган айланмалар бўйича ишлатилганда умумий белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

Агар харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобот ойида ҳисобга олинган бўлса, кейинчалик эса ушбу моддий ресурслар тадбиркорлик фаолиятида ва солиқ тўловчининг солиқ солинадиган етказиб беришлари учун ҳам фойдаланилмаган бўлса, у ҳолда ушбу (кейинги) даврларда солиқ солинадиган айланма ва ҳисобга олиш учун қабул қилинган солиқ суммалари белгиланган тартибда тузатилади.

Мазкур қоида солиқ солишнинг алоҳида турига ўтган ягона солиқ (кичик корхоналар), ягона ер солиғи, ялпи тушумдан ягона солиқ тўловчи юридик шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Бунда юқорида таъкидланган солиқларни тўлашга ўтгунга қадар қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий



сальдоси бор солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғи бўйича охириги ҳисоб-китобнинг 1-бандидаги бу суммага тузатиш қиладилар ва уни ишлаб чиқариш (муомала) харажатларига, савдо, таъминот-сотиш ва тайёрлаш корхоналари бўйича — харид қилинган қийматга олиб бориш йўли билан ҳисобдан чиқарадилар.

Корхона қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва бундай солиқдан озод қилинган оборотларга эга бўлганида қўшилган қиймат солиғига тортиладиган маҳсулот етказиб беришларга (ноль даражали ставка бўйича солиқ солиш кирган ҳолда) тўғри келадиган бундай солиқ суммаси қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олиш учун қабул қилинади.

Бундай тартибдан истисно тариқасида, коммунал хўжалик корхоналари аҳолига ёки истеъмолчи-корхоналарга кўрсатадиган коммунал хизматларидан қатъий назар, қўшилган қиймат солиғини фақат ижобий сальдо мавжуд бўлганида, яъни кўрсатилган хизматлар учун олинган қўшилган қиймат солиғи тушумлари умуман фаолият бўйича фойдаланилган моддий ресурслар учун маҳсулот етказиб берувчиларга тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасидан ортиқ бўлганида қўшилган қиймат солиғини тўлайдилар. Бунда мазкур корхоналар аҳолига хизматларни кўрсатишда фойдаланилган моддий ресурслар учун таъминотчиларга тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ишлаб чиқариш харажатларига киритмайди, балки ҳисобга олиш учун қабул қилади.

Агар ҳисобот давридан олдинги давр учун ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобот даври учун ҳисобланган солиқ суммасидан ортиқ бўлса, мавжуд ортиқча сумма ҳисобот давридан кейинги давр учун ҳисобга олинади.

Корхона ҳисобга олиниши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи бўйича нолю ставкасини қўллаган ҳолда ушбу ҳисобот даври учун ҳисобланган солиқ суммасидан ортиқ бўлган суммага эга бўлса, унда бундай ортиқча сумма ўрнатилган тартибда қайтарилади.

Солиқ тўловчилар томонидан ортиқча тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси, солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзлар мавжуд бўлмаган тақдирда, бўлғуси тўлов-

лар ҳисобига киритилади ёки солиқ тўловчининг ёзма аризасига биноан ўттиз кун ичида қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 10-моддасига асосан юридик шахсларнинг даромадлари ва солиқни ҳисоблаб чиқариш учун улар бўйича тегишли chegирмалар, тўлов тўланган вақт ва пул келиб тушган санадан қатъий назар, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акс этирилади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, солиққа тортишда бажарилган ишларнинг сотилиши деб ишларнинг бажарилиши, хизматларнинг кўрсатилиши ҳисобланади. Қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш (хизмат кўрсатиш) вақти бўлиб ушбу ишлар бажарилган (хизматлар кўрсатилган) пайтда расмийлаштириладиган бирламчи ҳужжат ҳисобланади. Агар бу ҳужжатни расмийлаштириш имкони бўлмаса, ишлар ва хизматлар сотилиши вақти бўлиб операция тугаган пайт олинади.

Маҳсулотларнинг сотилишида ўзи ишлаб чиқарган ва четдан сотиб олган барча маҳсулотларнинг сотилишига доир оборотлар солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

Қуйидагилар солиқ солинадиган оборот миқдорига киритилмайди:

- **корхонанинг бир таркибий бирликлари томонидан ушбу корхона бошқа таркибий тузилмаларининг бажарадиган ишлар ва хизматларга доир оборотлар;**

- **ҳўжалик юритувчи субъектлар тугатилганида улар мол-мулкнинг муассислари ўртасида тақсимланишига доир оборотлар.**

Лекин корхона тугатилганда унинг мол-мулки муассислардан бошқа шахсларга сотилса, бу оборот ҳам солиққа тортиладиган оборот таркибига киритилади.

Солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган шакл бўйича ўсиб борувчи якун билан ўзлари солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмасдан ва йил якунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботни топшириш муддатида тақдим этадилар.

Ҳисобланган солиқлар учун бюджет билан ҳисоб-китоблар солиқ тўловчилар томонидан ҳисобот давридан

кейинги ойнинг 15 санасидан кечикмасдан бир ойда бир мартаба амалга оширилади.

Агар корхона маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни барқарор бўлмаган тарзда ишлаб чиқарадиган бўлса ёки корхонада кейинги ҳисобот даврида солиқ солинадиган оборот мавжуд бўлмаса, бу ҳақда давлат солиқ хизмати органларига ёзма равишда хабар бериши лозим.

Янгидан ташкил қилинган корхоналар, шунингдек, илгари солиқ тўловчи бўлмаган корхоналар фаолиятнинг биринчи ойи учун солиқни амалдаги оборот ҳажмига нисбатан асосланиб тўлайдилар. Фаолиятнинг кейинги ойларида қўшилган қиймат солиғи умумий белгиланган тартибда ҳисобланади ва тўланади.

## **2.4. ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР**

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвесторлар маблағларини мамлакат иқтисодиётига жалб этиш, корхоналарни ўз маблағларини инвестиция учун сарф этишга қизиқтириш давлат солиқ сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, солиқ тўловчи юридик шахсларга бир қатор қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар берилган.

Солиқ кодексининг 71-моддасига мувофиқ ишлаб чиқарилган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича қуйидагилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган:

- суғурта қилиш ва қайта суғурта қилишга доир операциялар, шу жумладан суғурта бўйича воситачилар ва агентлар амалга оширадиган операциялар билан боғлиқ хизматлар;
- ссудаларнинг берилиши ва ўтказилиши;
- пул омонатлари, жорий ҳисобварақлар, тўловлар, ўтказмалар, чеклар ва бошқа қимматли қоғозларга тегишли операциялар;
- хорижий валюта ва қонуний тўлов воситалари бўлган пуллар муомаласига тааллуқли операциялар, нумизматик мақсадларда фойдаланиладиганларидан ташқари;

- қимматли қоғозлар муомаласига тегишли операциялар, уларнинг тайёрланиши ва сақланишига доир операциялардан ташқари;
- махсус ваколат берилган органлар томонидан бажариладиган ва давлат божи, йиғимлар ундириладиган хатти-ҳаракатлар;
- болаларнинг мактабгача тарбия муассасаларида сақланиши, касаллар ва қарияларни парвариш қилишга доир хизматлар;
- дафн қилиш бюрolari ва қабристонларнинг маросим хизматлари;
- интеллектуал мулк объектларини харид қилиш ҳуқуқи учун патент божлари, рўйхат йиғимлари ва рухсатнома тўловлари;
- протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқариш ва ногиронларга ортопедик протез қўйиш хизматларини кўрсатишга ихтисослашган корхоналарнинг маҳсулотлари, даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари маҳсулотлари;
- почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркаланган откриткалар ва конвертларнинг сотилиши;
- алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича хизматлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар марказининг илмий-техника дастурлари доирасида давлат контрактлари бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари;
- шаҳар йўловчи транспортининг хизматлари (такси, шу жумладан йўналишлар оралигида қатнайдиган таксидан ташқари), шунингдек умумий йўналишдаги темир йўл ва автомобиль транспортида (такси, шу жумладан йўналишлар оралигида қатнайдиган таксидан ташқари) шаҳар агрофига йўловчиларни ташишга доир хизматлар;
- аҳолига кўрсатиладиган уй-жой-коммунал ва фойдаланишга доир хизматлар;
- халқ таълими соҳасидаги ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хизматлар, шунингдек олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги таълим учун ҳақ;

- сақлаш учун ваколатли давлат органига қимматбаҳо металлларни сотишдан олинган айланмалар;
- диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг удум ва маросимларни ўтказишга доир тадбирлари;
- диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг маросимлар учун ва диний мақсаддаги буюмларни тайёрлаши ва сотиши ҳам қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади;
- тиббий, санаторий-курорт ва соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари, болалар дам олиш лагерларининг асосий фаолиятига доир хизматлари;
- хусусийлаштириладиган давлат мол-мулки қиймати;
- гидрометеорология ва аэрология ишлари;
- геология ва топография ишлари;
- нашриётлар, газета ва журналлар таҳририятлари, матбаа корхоналари, телерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир маҳсулотлари ва хизматлари;
- ваколатли давлат ташкилотлари ўтказадиган экологик экспертиза хизматлари;
- давлат тилини ўқитишга ва давлат тилида иш юритишни ўргатишга оид хизматлар;
- экспорт қилинадиган товарларни ташиш, органиш, туришириш, қайта органиш бўйича хизматлар;
- ишловчилар умумий сонининг камида эллик физини ногиронлар ташкил этган ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» уюшмасининг мулкида бўлган, товарларни (четдан келтириладиган ва акцизланадиганлари бундан мустасно) ишларни ва хизматларни (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов бундан мустасно) ишлаб чиқарадиган ва сотадиган юридик шахслар;
- ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари хизматлари;
- гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия олган юридик шахслар;
- китоб маҳсулотларини, ўқувчилар ўқув қуроллари ва кўргазмаларни ўқув қуролларини, дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи сотувчилар;
- мол-мулкни лизингга беришдан лизинг тўловлари.

Амалдаги солиқ қонунчилиги солиқ тўловчиларнинг сотилган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғига тортилган оборотига белгиланган тартибларда ўзгартириш киритиш ҳуқуқини беради. Солиқ тўловчилар томонидан даъво қилишнинг бир йиллик муддатига риоя қилинган тақдирда, харидорлар ҳисоб-китоб ва йўлда юриш ҳужжатлари ҳақини тўлаганларидан сўнг товарларни қайтарса, ёхуд буюртмачилар илгари ҳақи тўланган ишлар ёки хизматлардан воз кечса, товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш бўйича солиққа тортиладиган оборотга, шундай операцияларга, яъни, сотилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳажмига қўшилган қиймат солиғи суммаси миқдоридан ўзгартиш киритилади.

Агар кафолатли хизмат муддати белгиланган товарлар ушбу муддат доирасида уларни тайёрлаган корхонага қайтарилса, бундай товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олиниши ёки қайтарилиши, харидорларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатларига дастлабки ҳақ тўлаши ва солиқнинг бюджетга тушиш муддатидан қатъий назар, амалга оширилади.

### **3-боб. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ВА АКЦИЗ СОЛИҚЛАРИНИНГ ҲИСОБИ ҲАМДА ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ<sup>1</sup>**

#### **3.1. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ ҲИСОБИ**

Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни бажа-риш ва хизматлар кўрсатиш, товарларни сотиш ҳамда Ўзбе-кистон ҳудудига товарларни импорт қилиш жараёнида улар қийматиغا янги қиймат қўшилади. Бу қўшилган қийматнинг бир қисми солиқ сифатида бюджет даромадига олинади.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ва солиқ объекти юқорида батафсил баён этилгани боис, бу параграфда ушбу объектларни бухгалтерияда ҳисобга олиш тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг 21-миллий стандартида белгиланган счётлар режасида қўшил-ган қиймат солиғини ҳисобга олиш учун айнан бир счёт белгиланмаган. Лекин бюджет билан ҳисоб-китоблар бўйи-ча бир қатор счётлар мавжуд. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига кўра хўжалик юритувчи субъект-лар ўзининг ҳисоб сиёсатини белгилашда ҳар бир солиқ тури бўйича мустақил счёт очиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет билан бўладиган муносабатларини бухгалтерия ҳисобида ҳисоб-га олиб бориш учун **4400-«Бюджетга бўнак тўловларни ҳисобга олувчи счётлар»** ва **6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар»** даги счётлардан фойдаланилади.

**4400-«Бюджетга бўнак тўловларни ҳисобга олувчи счётлар»**ининг ҳар бир солиқ тури бўйича счётлар кейин-ги параграфда берилди. Шу сабабли ушбу параграфда ҳам баён этилган счётлар режасидан фойдаланамиз.

**6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар»**ни, бюджет билан хўжалик юритувчи субъект

---

<sup>1</sup> Ушбу бобнинг 1, 2, 3-параграфлари З.Қурбонов билан ҳамкорликда ёзилди.

ўртасидаги тўловларга оид ҳисоб-китобларни аниқ ва тўғри юритишни ташкил этиш мақсадида қуйидаги тартибда счётларга бўлиб олинган тавсия этилади (10-чизма).

<b>6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар»</b>				
6410- «Юридик шахслардан олинган даромад (фойда) солиғи бўйича бюджетга қарз счёти»	6411- «Жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқ бўйича бюджетга қарз счёти»	6412- «ҚҚС бўйича бюджетга қарз счёти»	6413- «Акциз солиғи бўйича бюджетга қарз счёти»	6414- «Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун олинган солиқ бўйича бюджетга қарз счёти»
6415- «Экология солиғи бўйича бюджетга қарз счёти»	6416- «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун олинган солиқ бўйича қарз счёти»	6415- «Мол-мулк солиғи бўйича бюджетга қарз счёти»	6416- «Ер солиғи бўйича бюджетга қарз счёти»	6417- «Инфра-тузилмани ривожлантириш солиғи бўйича бюджетга қарз счёти»
6418- «Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинган солиқ бўйича бюджетга қарз счёти»	6419- «Савдотик ҳуқуқи учун йиғим бўйича бюджетга қарз счёти»	6420- «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим бўйича бюджетга қарз счёти»	6421- «Ялпи даромад солиғи бўйича бюджетга қарз счёти»	

**10-чизма. 6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар» режаси.**



Мазкур солиқ тури бўйича хўжалик жараёнларини бухгалтерияда ҳисобга олиб боришни аниқ мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчи хўжалик юритувчи субъектда 2004 йилнинг январь ойида қуйидаги молиявий-хўжалик жараёнлари амалга оширилди:

1. Мол етказиб берувчилардан 250 000 сўмга хом ашё ва материаллар олинди, шундан ҚҚС суммаси 50 000 сўмни ташкил этган.

Дебет	1010-«Хом-ашё ва материаллар»	200000 сўм
	4412-«Бюджетга қўшилган қиймат солиғи бўйича бўнак тўловларни ҳисобга олиш» счёти	50000 сўм
Кредит	6010-«Мол-етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»	250000 сўм

2. Мол етказиб берувчилар билан олинган маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилинди.

Дебет	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»	250000 сўм
Кредит	5110-«Ҳисоб-китоб» счёти	250000 сўм

3. Ижара харажатлари учун 20 000 сўм кўчириб берилди, шундан ҚҚС 4 000 сўмни ташкил этади.

Дебет	2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти	16000 сўм
	4412-«Бюджетга қўшилган қиймат солиғи бўйича бўнак тўловларни ҳисобга олиш» счёти	4000 сўм
Кредит	5110-«Ҳисоб-китоб» счёти	20000 сўм

4. Алоқа хизмати учун 5 000 сўм кўчириб берилди, шундан ҚҚС 1 000 сўмни ташкил этади.

Дебет	9420-«Маъмурий харажатлар» счёти	4000 сўм
	4412-«Бюджетга қўшилган қиймат солиғи бўйича бўнак тўловларни ҳисобга олиш» счёти	1000 сўм
Кредит	5110-«Ҳисоб-китоб» счёти	5000 сўм

5. Коммунал хизмат харажатлари учун 3 000 сўм берилди, шундан ҚҚС 600 сўмни ташкил этади.

Дебет	9420-«Маъмурий харажатлар» счёти	2400 сўм
	4412-«Бюджетга қўшилган қиймат солиғи бўйича бўнақ тўловларни ҳисобга олиш» счёти	600 сўм
Кредит	5110-«Ҳисоб-китоб» счёти	3000 сўм

6. Шахсий хўжаликдан ёрдамчи материаллар сотиб олинди — 8 000 сўм.

Дебет	1090-«Бошқа материаллар» счёти	8000 сўм
Кредит	5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти	8000 сўм

7. Хўжалик юритувчи субъект тайёр маҳсулотларни сотишдан 480 000 сўм даромад олди.

$$\text{ҚҚС} = \frac{480\,000 \times 20}{100 + 20} = 80\,000 \text{ сўм.}$$

Тайёр маҳсулотни сотиш эвазига корхона томонидан олинган даромадга ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммасига бухгалтерияда қуйидаги ёзув қайд этилади:

Дебет	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»	480000 сўм
Кредит	9010-«Тайёр маҳсулотни сотишдан олинadиган даромад» счёти	400000 сўм
	6412-«Қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджетга қарздорлик» счёти	80000 сўм

8. Хўжалик юритувчи субъект томонидан мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланган қўшилган қиймат солиғини инобатга олган ҳолда бюджетга тўланадиган ёки бюджетдан олинadиган солиқ суммаси 4412 ва 6412-счётлар ўртасидаги фарқдан иборат бўлади. Бунда қўшилган қиймат солиғи суммаси:

$$4412\text{-счёт бўйича} \\ 50\,000 + 4\,000 + 1\,000 + 600 = 55\,600 \text{ сўм}$$

### 6412-счёт буйича

$$\text{ҚҚС} = \frac{480\,000 \times 20}{100 + 20} = 80\,000 \text{ сўмни ташкил этди.}$$

Бюджетга туланидиган солиқ суммаси:

$$80\,000 - 55\,600 = 24\,400 \text{ сўмдан иборатдир.}$$

Хўжалик юритувчи субъект томонидан мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланган қўшилган қиймат солиғини инобатга олишда қуйидаги бухгалтерия ёзуви қайд этилади:

<b>Дебет</b>	<b>6412-«Қўшилган қиймат солиғи буйича бюджетга қарздорлик» счёти</b>	<b>55600 сўм</b>
<b>Кредит</b>	<b>4412-«Бюджетга қўшилган қиймат солиғи буйича бўнак тўловларни ҳисобга олиш» счёти</b>	<b>55600 сўм</b>

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси кўчириб берилганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви қайд этилади:

<b>Дебет</b>	<b>6412-«Қўшилган қиймат солиғи буйича бюджетга қарздорлик» счёти</b>	<b>24400 сўм</b>
<b>Кредит</b>	<b>5110-«Ҳисоб-китоб» счёти</b>	<b>24400 сўм</b>

### 3.2. АКЦИЗ СОЛИҒИНИНГ ҲИСОБИ

Бозор муносабатлари шароитида товарлар инсон эҳтиёжини қондиришига қараб икки гуруҳга бўлинади. **Биринчи** гуруҳ инсон эҳтиёжи учун ҳар кун истеъмол қилинадиган товарлардир. **Иккинчи** гуруҳ аҳоли эҳтиёжи учун кундалик зарур бўлмаган товарлардир.

Инсон эҳтиёжи учун унча зарур бўлмаган товарларнинг баъзи турларига акциз солиғи белгиланади. Булар жумласига ароқ, вино, коньяк, пиво, тамаки маҳсулотлари, нефть маҳсулотлари, пахта ёғи, гилам ва гилам бу-

юмлари, табиий газ, хрусталь буюмлар, мебель, олтин, видео- ва аудиотехника ва бошқа товарлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 81-моддасига кўра акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарадиган ёки бундай товарларни импорт қиладиган юридик ва жисмоний шахслар бюджетга акциз солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Акциз солиғининг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, акциз солиғи тўланадиган товарлар учун уларнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган (акциз солиғи суммасини ўз ичига олган) ҳақиқий қиймати ёки товарнинг физик ҳажми ҳисобланади.

Импорт қилинган акциз солиғи тўланадиган товарлар учун солиқ солиш объекти бўлиб божхона қонунчилигида белгиланган тартибда аниқланадиган бож қиймати ҳисобланади.

Акциз солиғи ставкалари товарларни жўнатиш баҳосига нисбатан фойда белгиланади. Акциз солиғи бюджетга ойнанинг акциз тўланадиган, товар реализация қилинган ўн кунлиги тугагандан кейин, уч кундан кечиктирмай ўтказиб берилиши лозим. Солиқ тўловчи акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органига ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнанинг 20-кунигача тақдим этиб боради.

Акциз тўланадиган импорт товарлар учун акциз солиғи божхонада расмийлаштирилгунга қадар ёки расмийлаштириш пайтида тўланади. Акциз солиғи тўловчи ҳужалик юритувчи субъектлар бюджет билан муносабатларни аниқ ва тўғри юритишлари учун мазкур тур солиқлар бўйича ҳисобланган ҳамда бюджетга тўланган акциз солиқлари миқдорини бухгалтерия ҳисобида белгиланган тартибда ҳисобга олиб боришлари лозим.

Бунинг учун юқорида тавсия этилган счётлардан фойдаланиш тавсия этилади (10-чизма).

Юқорида келтирилган счётлар режасига мувофиқ акциз солиғини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун 6413-«Акциз солиғи бўйича бюджетга қарздорлик» счёти режалаштирилган.

Ҳўжалик юритувчи субъект томонидан сотилган маҳсулотларга тўғри келадиган акциз солиғи суммаси бухгалтерия

терияда ҳисобга олинишини аниқ мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

Акциз солиғи тўловчи юридик шахс томонидан со-  
тилган маҳсулотга тўғри келадиган солиқ суммаси бухгал-  
терияда қуйидаги ёзувлар билан расмийлаштирилади:

**Дебет 9010-«Тайёр маҳсулотни сотишдан 200000 сўм  
олинган даромадлар» счёти**

**Кредит 6413-«Акциз солиғи бўйича бюджетга 200000 сўм  
қарздорлик» счёти**

Корхона томонидан бюджетга тўлаш учун ҳисоблан-  
ган акциз солиғи суммаси тўлов топшириқномасига асо-  
сан белгиланган муддатда бюджетга ўтказилганда бухгал-  
терия ҳисобида қуйидагича ёзувлар билан акс эттирилади:

**Дебет 6413-«Акциз солиғи бўйича бюджетга 200000 сўм  
қарздорлик» счёти**

**Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти 200000 сўм**

Ҳўжалик юритувчи субъектга акциз солиғи тўланган  
товарлар импорт қилинганда боғхона қонунчилигида  
белгиланган тартибда 500 000 сўм акциз солиғи ҳисоб-  
ланди. Бу молиявий жараён бухгалтерия ҳисобида қуйида-  
ги ёзувлар билан расмийлаштирилади:

**Дебет 2910-«Омбордаги товарлар» счёти 500000 сўм**

**Кредит 6413-«Акциз солиғи бўйича бюджетга 500000 сўм  
қарздорлик» счёти**

Мазкур ҳисобланган акциз солиғи суммаси импортёр  
корхона томонидан белгиланган муддатда бюджетга ўтқа-  
зилганда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари расмийлаштири-  
лади:

**Дебет 6413-«Акциз солиғи бўйича бюджетга 500000 сўм  
қарздорлик» счёти**

**Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти 500000 сўм**

Ўзбекистон Республикаси амалдаги солиқ қонунчи-  
лигига мувофиқ корхоналар ҳисобланган акциз солиғи  
суммаларини бюджетга ўтказиб беришни таъминламаса,  
белгиланган тартибда молиявий жарима тўлайдилар.

### 3.3. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ЁҚИЛҒИ ИШЛАТИЛГАНЛИК УЧУН УНДИРИЛАДИГАН СОЛИҚЛАРНИНГ ҲИСОБИ

Президент И.А.Каримовнинг «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш — бош йўлимиз» асарига: «Жорий йилда солиқ ва бюджет соҳаларини ислоҳ этиш, республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, бюджетдан ташқари фондлар родини ошириш борасидаги ишлар давом эттирилади. Биз бундан буён ҳам солиқлар миқдорини камайтириш сиёсатини изчиллик билан олиб боришимиз керак»<sup>1</sup> деб таъкидлаган эди. Шу асосида 2002 йил 1 январдан бошлаб солиқ юкини енгиллаштириш бўйича солиқ тизимига бирмунча ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунига асосан 2002 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун солиқ ундириш жорий қилинди. Бу солиқ жисмоний шахслар транспорт воситаларига солинадиган мол-мулк солиғи ўрнига киритилди.

Ушбу солиқларнинг тўловчилари бўлиб бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни жисмоний шахсларга чакана сотувчи, мулк шаклидан қатъий назар, ёқилғи қуйиш шохобчалари (АЁҚШ) ҳисобланади.

Солиқ солиш объекти бўлиб жисмоний шахсларга сотилган ёқилғининг натурал ҳажми ҳисобланади.

Шу ўринда мазкур солиқ республикада мавжуд солиқларнинг қандай турига (бевосита ёки билвосита солиқми) кириши тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу солиқни тўловчилар бўлиб юқорида таъкидлаганимиздек, бензин, дизель ва суюлтирилган газ ёқилғи-

<sup>1</sup> «Солиқлар ва божхона хабарлари», 396-сон, 2002 йил 22 февраль, 3-бет.

сини аҳолига чакана сотувчи юридик шахслар ҳисобланади. Лекин солиқ суммаси ҳақиқатда бензин ва суюлтирилган газ ёқилғиси сотиб олувчи жисмоний шахслардан, яъни истеъмолчилардан ундирилади. Солиқ тўловчи юридик шахслар бу ўринда солиқларни бюджетга йиғиб берувчилар сифатида намоён бўлади ва улар ушбу муносабатларни бузган тақдирда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Шунинг учун бу солиқ турини билвосита солиқлар турига киритиш мазмунан тўғри бўлади, деб ўйлаймиз.

Мазкур солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади ва республиканинг барча ҳудудлари учун ягона ҳисобланади. Солиқ ставкаси 2004 йил учун бензин ва дизель ёқилғиси учун ҳар бир литрига 35 сўм, суюлтирилган газнинг ҳар бир килограмми учун 35 сўм миқдорда белгиланган.

Солиқ суммаси солиқ тўловчи юридик шахс томонидан ҳисобот даврида сотилган бензин, дизель ва суюлтирилган газнинг натурал ҳажмини белгиланган солиқ ставкасига кўпайтириб аниқланади.

**Масалан: АЁҚП томонидан 2004 йил январь ойида 10 500 литр бензин аҳолига сотилган. Бунда бюджетга тўлашиши лозим бўлган солиқ суммаси:**

$$Z = 10\,500 \times 35 \text{ сўм} = 367\,500 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

Бухгалтерия ҳисобининг 4-сонли «Товар-моддий захиралар» миллий стандартига асосан сотиб олинган ёқилғининг таннархи шаклланиши лозим. Сотиб олинган ёқилғининг таннархи маҳсулотнинг сотиб олиш қийматига транспорт харажатлари суммасини кўшиш йўли билан аниқланади.

Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинган солиқни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун **6418-«Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинган солиқ бўйича бюджетга қарз»** счётини юритиш тавсия этилади.

Мазкур солиқ тури бўйича солиқ тўловчи бўлган хўжалик юритувчи субъектда амалга оширилган молиявий-хўжалик жараёнларини бухгалтерияда ҳисобга олишни қўйидаги мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз:

1. АЁҚШ нефть маҳсулотлари базасидан 10 000 литр бензин сотиб олган (1 литр бензиннинг сотиб олиш баҳоси 270 сўм), бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қайд этилади:

<b>Дебет</b>	<b>2920-«Чакана савдодаги товарлар» счёти</b>	<b>2700000 сўм</b>
<b>Кредит</b>	<b>6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счётлар»</b>	<b>2700000 сўм</b>

2. 10 000 литр бензин автотранспорт воситасида олиб келиш учун 50 000 сўм транспорт харажатлари қилинди, бу харажатлар бухгалтерия ҳисоби счётларида қуйидагича акс эттирилади:

<b>Дебет</b>	<b>2920-«Чакана савдодаги товарлар» счёти</b>	<b>50000 сўм</b>
<b>Кредит</b>	<b>6990-«Бошқа мажбуриятлар» счёти</b>	<b>50000 сўм</b>

Ушбу бухгалтерия ёзувидан кейин сотиб олинган бензиннинг таннархи 2 750 000 сўмни ташкил қилди.

3. Ҳар бир литр бензин учун 10 сўм (285 – 275) устама кўйилди, бу молиявий жараён бухгалтерияда қуйидаги тарзда акс эттирилади:

<b>Дебет</b>	<b>2920-«Чакана савдодаги товарлар» счёти</b>	<b>100000 сўм</b>
<b>Кредит</b>	<b>2980-«Савдо устамаси» счёти</b>	<b>100000 сўм</b>

4. Чакана сотилган 1 000 литр бензин суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тарзда акс этирилади (1 литр бензиннинг сотиш баҳоси 320 сўм, шундан 35 сўм солиқ миқдори):

<b>Дебет</b>	<b>9120-«Сотилган товарларнинг таннархи» счёти</b>	<b>3100000 сўм</b>
	<b>9020-«Товарларни сотишдан даромад» счёти</b>	<b>100000 сўм</b>
<b>Кредит</b>	<b>2920-«Чакана савдодаги товарлар» счёти</b>	<b>2850000 сўм</b>
	<b>6418-«Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлаганлик учун олинадиган солиқ буйича бюджетга қарз» счёти</b>	<b>350000 сўм</b>



5. Аҳолидан ёқилғи учун тушган нақд пул хўжалик юритувчи субъектнинг кассасига кирим қилинганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

**Дебет 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти 3200000 сўм**

**Кредит 2920-«Чакана савдодаги товарлар» счёти 3200000 сўм**

6. Хўжалик юритувчи субъект кассасига кирим қилинган нақд пул банкдаги ҳисоб-китоб счётига топширилганда бухгалтерия регистрларида қуйидаги ёзувлар қайд этилади:

**Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти 3200000 сўм**

**Кредит 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти 3200000 сўм**

7. Хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳисобланган солиқларнинг давлат бюджетига ўтказилиши қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

**Дебет 6418-«Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлаганлик учун олинадиган солиқ бўйича бюджетга қарз» счёти 385000 сўм**

**Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти 385000 сўм**

Хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисоби счётларида тавсия этилаётган методикада акс эттириш хўжалик фаолиятининг молиявий натижасини аниқлашни осонлаштиришнинг қулай усули ҳисобланади.

### **3.4. ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мамлакатимиз бюджетига алоҳида ўринга эга бўлган солиқларнинг энг асосий турларидан бири қўшилган қиймат солиғидир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда барча солиқлар бўйича уларнинг ставкаларини пасайтириш тенденцияси ҳукм

сурмоқда. Бироқ солиқ ставкасининг қандай томонга ва қанча ўзгаришидан қатъий назар, уларни таҳлил қилиш усули доимий қолиши лозим. Аммо мамлакатимизда солиқларни, хусусан, қўшилган қиймат солигини таҳлил қилиш усули ҳам таҳлилига оид адабиётларда<sup>1</sup> тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли бу масала ҳозирги кунда ўта долзарб бўлиб ҳисобланади. Чунки давлат билан корхона ўртасида иқтисодий муносабатлар асосан солиқ орқали амалга оширилади, назорат қилинади. Солиқни тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида тўлаш эса давлат аҳамиятига эга бўлган фоят муҳим масала эканлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Солиқлар ва улар моҳияти, солиқ миқдорига таъсир этувчи омиллар, солиқ ставкаларини оширмасдан бюджетга тушумларни кўпайтириш йўллари очиқ беришда иқтисодий таҳлилнинг роли беқиёсдир.

Ҳар қандай таҳлил учун биринчи галдаги вазифа маълумотлар манбаини аниқлаб олишдан иборатдир. Қўшилган қиймат солигини таҳлил қилиш учун асосий маълумотлар манбаи бўлиб корхоналарнинг 2-сонли «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» ва 1-сонли «Бухгалтерия баланси» маълумотлари ҳисобланади. Булардан ташқари, таҳлил жараёнида бухгалтерия ҳисоби маълумотларига қўшимча равишда қўшилган қиймат солиғи бўйича давлат солиқ хизмати ва божхона хизмати органларига тақдим этилган ҳисоб-китоблардан ҳам кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур солиқ тури таҳлилин қуйидаги босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

---

<sup>1</sup> Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001; Оценка и анализ финансового состояния предприятия. — Тамбов: ТГУ, 2001; Вахобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Шарқ», 2002; Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Меҳнат», 1995; Волжин И.О., Эргашбоев В.П. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998; Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. — Тошкент: «Молия», 2000; Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Рахимов М. Иқтисодий таҳлил. 100 савол-жавоб. — Тошкент, 1996; Тўлаҳўжаева М.М. Аудит финансового состояния предприятия. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996; Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш. — Тошкент, 1996; Шоалимов А.Х. Саноят корхоналари фаолиятини таҳлили. — Тошкент: «Меҳнат», 1992.

- қўшилган қиймат солиғи бўйича тегишли ахборотларни тўплаш;
- мазкур солиқни тўлаш бўйича корхона мутахассиси ва солиқ назорати ходимининг ҳисоб-китобини таққослаш;
- солиқ суммасининг ўтган даврларга нисбатан ўзгаришини аниқлаш ва уларнинг динамикасига баҳо бериш;
- солиқ суммаси ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш;
- омилли таҳлил натижасида мавжуд ички имкониятларни аниқлаш ва уларни амалиётга сафарбар қилиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш.

Қўшилган қиймат солиғини иқтисодий таҳлил қилиш учун тавсия қилинган барча босқичлар кетма-кет равишда амалга оширилиши лозим. Аммо солиқ суммасига омиллар таъсирини аниқлаш учун унинг омиллар билан боғлиқлигини аниқлаш зарур бўлади.

Қўшилган қиймат солиғи суммасига (**Сққс**), энг аввало, ишлаб чиқарилиб истеъмолчиларга сотилган қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган маҳсулот миқдори (**М**) ва солиқ ставкаси (**Ст**) таъсир қилади. Бу омиллар таъсирини ҳисоблаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Сққс = М \times Ст.$$

Ушбу боғлиқликка қайта ҳисоблаш усулини қўллаб, солиқ суммасига тегишли омиллар таъсирини аниқлаш мумкин.

1. Солиқ суммасига маҳсулот миқдорининг таъсири, яъни унинг ошиши ёки камайиши эвазига солиқ суммаси ўзгаришини ( $\Delta C_m$ ) аниқлаш учун унинг қайта ҳисобланган миқдоридан ( $C_{кх}$ ) режадаги миқдорини ( $C_0$ ) айириш лозим бўлади. Буни қуйидаги формула ёрдамида амалга ошириш мумкин:

$$\Delta C_m = C_{кх} - C_0 = (M_1 \times C_{т0}) - (M_0 \times C_{т0}).$$

2. Солиқ суммасининг солиқ ставкаси ўзгариши эвазига ўзгарганлигини ( $\Delta C_{ст}$ ) аниқлаш учун солиқ суммасининг ҳақиқий миқдоридан ( $C_1$ ) қайта ҳисобланган ( $C_{кх}$ ) миқдори айрилади:

$$\Delta C_{ст} = C_1 - C_{кх} = (M_1 \times C_{т1}) - (M_1 \times C_{т0}).$$

Икки омилнинг умумий таъсири натижанинг жами фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta C_{\text{ккс}} = \Delta C_{\text{м}} \pm \Delta C_{\text{ст}}.$$

Ушбу формулага аниқ маълумотларни қўллаб, солиқ суммасининг юқорида қайд этилган омиллар эвазига ўзгаришини аниқлаш мумкин.

Бунинг учун қуйидаги жадвалдан фойдаланишни тавсия қиламиз (3-жадвал).

3-жадвал

**«Янгиқўрғон» акциядорлик жамиятида қўшилган қиймат солигининг ўзгаришига маҳсулот ҳажми ва солиқ ставкаси таъсирининг 2005 йил натижаси бўйича ҳисоб-китоби**

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Қайта ҳисобланган	Фарқи (+; -)		
					жами	шу жумладан	
						маҳсулот эвазига	солиқ ставкаси эвазига
1	Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган жами сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	5300	5540	5540	+240	48	0
2	Солиқ ставкаси, фоизда	20	20	20	—	0	0
3	Солиқ суммаси, минг сўм	1060	1108	1108	+48	+48	0

Манба: «Янгиқўрғон» акциядорлик жамиятининг молиявий натижалари, солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ва меъърий ҳужжатлар.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ҳисобот йилида қўшилган қийматдан олинадиган солиқ суммаси 48,0 минг сўмга кўпайган. Бу фақат сотилган маҳсулотнинг кўпайиши эвазига содир бўлган, чунки солиқ ставкаси ўзгармасдан қолган.

Демак, кўшилган қиймат солиғи бўйича бюджетга тушумни кўпайтиришнинг асосий йўлларида бири бу — маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишни кўпайтиришдир. Маҳсулотнинг ўсиши эса корхона ишининг самарадорлигига боғлиқ. Демак, самарадорлиқнинг ошиши кўшилган қиймат солиғи суммасининг кўпайишига ҳам бевосита таъсир қилар экан. Бу омилларнинг таъсирини ҳисоблаш учун уларни иқтисодий мазмуни жиҳатидан уч гуруҳга бўлиб ўрганишни тавсия этамиз:

- меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ омиллар;
- асосий капиталнинг самарадорлиги билан боғлиқ омиллар;
- айланма маблағларнинг самарадорлиги билан боғлиқ омиллар.

Меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ омилларга ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони ( $X$ ), уларнинг меҳнат унумдорлиги ( $M_y$ ) ва солиқ ставкаси ( $C_T$ ) киради. Натижага ушбу омиллар таъсирини ҳисоблаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$C_{\text{ққс}} = X \times M_y \times C_T.$$

Ушбу формулага амалий маълумотларни қўллаб, занжирли алмаштириш усулидан фойдаланган ҳолда солиқ суммасининг ўзгаришига таъсир қилаётган меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин бўлади.

1. Солиқ суммасининг ходимларнинг рўйхатдаги сони таъсири эвазига ўзгаришини ( $\Delta C_x$ ) аниқлаш учун натижа шу омилнинг ҳақиқий ( $X_1$ ) ва қолган икки омилнинг режадаги миқдори ( $M_{y0}$ ,  $C_{T0}$ ) билан қайта ҳисоблаб олинади ва чиққан натижадан солиқ суммасининг режадаги миқдори ( $C_0$ ) айрилади, яъни:

$$\Delta C_x = (X_1 \times M_{y0} \times C_{T0}) - C_0.$$

2. Солиқ суммасининг меҳнат унумдорлигининг ошиши эвазига ўзгаришини ( $\Delta C_{my}$ ) топиш учун натижани ходимларнинг рўйхатдаги сонининг ҳақиқий ( $X_1$ ) меҳнат унумдорлигининг ҳам ҳақиқий миқдорига ( $M_{y1}$ ) ва солиқ ставкасининг режадаги ( $C_0$ ) миқдорига кўпайтирилган қисмидан ўзидан олдинги қайта ҳисобланган суммадан айириш йўли билан аниқланади, яъни:

$$\Delta C_{\text{мy}} = (X_1 \times M_{y1} \times C_{\text{тo}}) - (X_1 \times M_{y0} \times C_{\text{тo}}).$$

3. Солиқ суммасининг унинг ставкаси эвазига ўзгарганлигини ( $C_{\text{ст}}$ ) аниқлаш учун солиқ суммасининг ҳақиқий миқдоридан ( $C_{\text{ккe1}}$ ) ундан олдинги қайта ҳисобланган миқдор айрилади:

$$\Delta C_{\text{ст}} = C_{\text{ккe1}} - (X_1 \times M_{y1} \times C_{\text{тo}}).$$

Умумий фарқи шу учала омил йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

$$\Delta C_{\text{ккс}} = \Delta C_{\text{х}} \pm \Delta C_{\text{мy}} \pm \Delta C_{\text{ст}}.$$

Ушбу формуланинг амалда қўлланилишини исботлаш учун ушбу жадвални тузиш тавсия қилинади (4-жадвал):

4-жадвал

**«Янгиқўрғон» акциядорлик жамиятида қўшилган қиймат солиғи суммасининг 2005 йилги ўзгаришига меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ омиллар таъсирини ҳисоблаш**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+; -)	Занжирли алмаштириш		
				1	2	3
Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони, киши	130	133	+3	133	133	133
Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	40,77	41,66	0,89	40,77	41,66	4,66
Солиқ ставкаси, %	20	20	—	20	20	20
Солиқ суммаси, минг сўм	1060	1108	+48	1084,4	1108,0	1108,0

Манба: «Янгиқўрғон» акциядорлик жамиятининг молиявий натижалари, солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ва меъёрий ҳужжатлар.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобот йилида 48,0 минг сўмга ошган. Бу қуйидаги омиллар эвазига содир бўлган:

1. Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонининг 3 кишига кўпайиши солиқ суммасини 24,4 минг сўмга (1 084,4 – 1 060,0) кўпайтирган.

2. Меҳнат унумдорлигининг 0,89 минг сўмга ошиши эвазига солиқ суммаси 23,6 минг сўмга (1 108,0 – 1 084,4) кўпайган.

Кўшилган қиймат солиғи ставкаси ҳисобот йилида ўзгармасдан қолган. Шу туфайли солиқ суммасига бу омил таъсир қилмаган. Демак, ҳисобот даврида солиқ суммасининг 48,0 минг сўмга умумий ўзгариши кўриб чиқилган иккита омил эвазига содир бўлган:

$$24,4 + 23,6 = 48,0 \text{ минг сўм.}$$

Солиқ суммасига таъсир қилувчи иккинчи гуруҳ омиллар, яъни асосий капиталнинг самарадорлиги билан боғлиқ омилларга асосий капиталнинг йиллик ўртача миқдорининг ўзгариши ( $A_k$ ) ва уларнинг самарадорлиги ( $C_{ак}$ ) киради. Ушбу омилларнинг натижа билан боғлиқлигини қуйидаги формула орқали ифодалашни тавсия қиламиз:

$$C_{ққс} = A_k \times C_{ак} \times C_T.$$

Ушбу формулага индекс усулини қўллаб ҳам натижа ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш мумкин.

1. Солиқ суммаси ўзгаришининг асосий капитал йиллик ўртача миқдори ўзгариши эвазига ўзгарганлигини ( $\Delta C_{ак}$ ) индекс усулини қўллаб аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta C_{ак} = C_0 \times I_{ак} - C_0;$$

бунда:

$I_{ак}$  — асосий капиталнинг яқка (индивидуал) индекси.

Агар уни индексда аниқлайдиган бўлсак, қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$I_{ак} = \frac{C_0 \times I_{ак}}{C_0}.$$

2. Солиқ суммасининг асосий капиталнинг самарадорлиги эвазига ўзгарганлигини ( $\Delta C_{сак}$ ) аниқлаш учун

солиқ суммасининг режадаги миқдори ( $C_0$ ) асосий капиталнинг якка индивидуал индекси ( $I_{ак}$ ) ва асосий капитал самарадорлигининг якка индивидуал индексига ( $I_{сак}$ ) кўпайтирилиб, чиққан натижадан солиқ суммасининг асосий капитал индекси ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ( $C_0 \times I_{ак}$ ) айрилади:

$$C_{сак} = (C_0 \times I_{ак} \times I_{сак}) - (C_0 \times I_{ак}).$$

Агар ушбу омил таъсирини индексда аниқлайдиган бўлсак, бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$I_{сак} = \frac{C_0 \times I_{ак} \times I_{сак}}{C_0 \times I_{ак}}.$$

3. Солиқ суммаси ўзгаришига солиқ ставкасининг таъсирини ( $C_{ст}$ ) аниқлаш учун солиқ суммаси ҳақиқий миқдоридан ( $\Delta C_{кксл}$ ) унинг асосий капитал ва асосий капитал самарадорлигининг якка индивидуал индекси билан қайта ҳисобланган миқдори ( $C_0 \times I_{ак} \times I_{сак}$ ) айрилади:

$$\Delta C_{ст} = C_{кксл} - (C_0 \times I_{ак} \times I_{сак}).$$

Агар ушбу омил таъсирини индексда аниқлаш лозим бўлса, қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta I_{ст} = \frac{C_{кксл}}{C_0 \times I_{ак} \times I_{сак}}.$$

Шу учала омилнинг таъсири умумий натижага тенг бўлиши керак.

Индексда эса умумий индекс миқдори ( $I_c$ ) барча якка индекслар кўпайтмасига тенг бўлади.

1. Суммада:  $\Delta C = \Delta C_{ак} \pm \Delta C_{сак} \pm \Delta C_{ст}.$

2. Индексда:  $I_c = I_{ак} \times I_{сак} \times I_{ст}.$

Ушбу кўриб ўтган усулларни амалиётга бемалол қўллаш мумкин. Буни аниқ мисоллар ёрдамида кўриш мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун қуйидаги жадвал маълумотларини келтирамиз (5-жадвал):



**«Янгиқўрғон» акциядорлик жамиятида қўшилган қиймат солиғи суммасининг 2005 йилги ўзгаришига асосий капиталнинг самарадорлиги билан боғлиқ омиллар таъсирини индекс усули билан аниқлаш**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Якка (индивидуал) инд.	Омилларнинг солиқ суммасига таъсири ни ҳисоблаш
Асосий воситаларнинг йиллик ўртача миқдори, минг сўм	4274,2	4429,3	1,036	$1060 \times 1,036 - 1060 = 38,2$ минг сўм
Асосий воситаларнинг самарадорлиги, сўм	1240,0	1251,0	1,009	$1060 \times 1,036 \times 1,009 - 1060 \times 1,036 = 9,8$ минг сўм
Солиқ ставкаси, %	20	20	1,000	—
Солиқ суммаси, минг сўм	1060,0	1108,0	1,045	$38,2 + 9,8 = 48$ минг сўм

Манба: «Янгиқўрғон» акциядорлик жамиятининг молиявий натижалари, солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ва меъерий ҳужжатлар.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, қўшилган қиймат солиғи суммасининг умумий индекси 1,045 ни ( $1\ 108 : 1\ 060$ ) ташкил қилади. Бу барча омилларнинг якка индексига тенг бўлиши керак:

$$1,036 \times 1,009 \times 1,0 = 1,045 \text{ ёки } 104,5 \text{ фоизга тенг.}$$

Демак, солиқ суммаси ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 48 минг сўм ёки 4,5 фоизга кўпайган. Бу қуйидаги омиллар таъсирида вужудга келган:

1. Асосий капиталнинг йиллик ўртача миқдорининг 3,6 фоизга кўпайганлиги солиқ суммасини 38,2 минг сўмга кўпайтиришга сабаб бўлган:

$$1\ 060 \times 1,036 - 1\ 060 = +38,2 \text{ минг сўм.}$$

У ҳолда ушбу омилнинг индекси 1,036 ни ташкил қилади ( $1060 \times 1,036 : 1060$ ). Демак, асосий капиталнинг 3,6 фоизга кўпайганлиги солиқ суммасини ҳам шунга мос равишда 3,6 фоизга кўпайтирган.

2. Кўшилган қиймат солиғи суммасининг кўпайишига асосий капитал самарадорлигининг ошиши ҳам сабаб бўлган. Бу омил таъсирининг миқдори 9,8 минг сўмни ( $1060 \times 1,036 \times 1,009 - 1060 \times 1,036$ ) ёки 0,9 фоизни ташкил қилади:

$$\frac{(1060 \times 1,036 \times 1,009) : 100}{1060 \times 1,036} = \frac{1108}{1098,2} = 100,9\%.$$

Бу боғлиқликда ҳам солиқ ставкаси ўзгармасдан қолган. Шу туфайли солиқ суммасининг ўзгариши қайд этилган иккита омил эвазига вужудга келган. Бу:

1. Суммада  $38,2 + 9,8 = +48,0$  минг сўмни.

2. Индексда  $1,036 \times 1,009 \times 1,0 = 1,045$  ташкил этади.

Агарда бизнинг солиқ таҳлилига оид тавсияларимиз амалиётда қўлланилса, аниқланган мавжуд ресурслар корхоналар иқтисодий самарадорлигини оширишга йўналтирилса, биринчидан, корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигига, иккинчидан эса бюджет даромад қисмига солиқ тушумлари кўпайишига олиб келади.

Солиқ суммасига таъсир қилувчи учинчи гуруҳ омиллар айланма маблағлар самарадорлиги билан боғлиқ омиллардир. Бунга:

- айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати ( $A_m$ );
- айланма маблағлар фаол қисмининг умумий айланма маблағлардаги ҳиссаси ( $Y_{фам}$ );
- фаол айланма маблағларнинг самарадорлиги ( $C_{фам}$ );
- солиқ ставкаси ( $C_T$ ) киради.

Бу омиллар билан солиқ суммаси ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги формула орқали ифодалаш тавсия қилинади:

$$C_{ккс} = A_m \times Y_{фам} \times C_{фам} \times C_T.$$

Солиқ суммасига алоҳида омиллар таъсирини индекс усулини қўллаб аниқлаш мумкин. Бу ҳисоб-китоб қуйидагича амалга оширилади:

1. Солиқ суммасига айланма маблағлар суммасининг

ўртача йиллик қиймати ўзгариши ( $\Delta C_{ам}$ ) таъсирини топиш учун солиқ суммаси режадаги (асос йилидаги) миқдорини ( $C_0$ ) айланма маблағлар умумий суммаси индивидуал индексига ( $I_{ам}$ ) кўпайтириб, чиққан натижадан солиқ суммасининг режадаги миқдори айрилади. Яъни:

$$C_{ам} = (C_0 \times I_{ам}) - C_0.$$

Агар ушбу омилнинг таъсири эвазига натижанинг ўзгаришини индексда аниқлаш лозим бўлса, қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$I_{сам} = \frac{C_0 \times I_{ам}}{C_0}.$$

2. Солиқ суммасига айланма маблағлар фаол қисмининг (пул маблағлари ва тез пулга айланадиган маблағлар) умумий айланма маблағлардаги улуши ўзгаришининг таъсирини ( $\Delta C_{уфам}$ ) аниқлаш учун режадаги (асос йилидаги) солиқ суммасини бирданга икки омилнинг индивидуал индексига кўпайтирамиз, яъни айланма маблағларнинг индивидуал индекси ( $I_{ам}$ ) ва фаол айланма маблағлар улушининг индивидуал индексига ( $I_{уфам}$ ). Чиққан натижадан режадаги солиқ суммасининг биринчи омил индекси билан ҳисобланган миқдори ( $C_0 \times I_{ам}$ ) айрилади. Буни қуйидаги тарзда формула билан ифодалаш мумкин:

$$\Delta C_{уфам} = (C_0 \times I_{ам} \times I_{уфам}) - (C_0 \times I_{ам}).$$

Бу омил таъсирининг индексда ифодаланиши қуйидагича бўлади:

$$I_{уфам} = \frac{C_0 \times I_{ам} \times I_{уфам}}{C_0 \times I_{ам}}.$$

3. Айланма маблағлар фаол қисми самарадорлигининг таҳлил қилинаётган солиқ суммасига таъсирини ( $\Delta C_{фамс}$ ) аниқлаш учун солиқ суммаси режадаги (асос йилидаги) миқдорини ( $C_0$ ) кетма-кет учта омилнинг индивидуал индексига кўпайтирамиз ( $C_0 \times I_{ам} \times I_{уфам} \times I_{фамс}$ ) ва чиққан натижадан ушбу сумманинг иккита олдинги омиллар таъсирида ҳисобланган миқдори ( $C_0 \times I_{ам} \times I_{уфам}$ ) айрилади. Буни формула тарзида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Delta C_{\text{фамс}} = (C_0 \times I_{\text{ам}} \times I_{\text{уфам}} \times I_{\text{сфам}}) - (C_0 \times I_{\text{ам}} \times I_{\text{уфам}}).$$

Солиқ суммасига ушбу омил таъсирининг индексда ифодаланиши қуйидагича ҳисобланади:

$$i_{\text{фамс}} = \frac{C_0 \times I_{\text{ам}} \times I_{\text{уфам}} \times I_{\text{сфам}}}{C_0 \times I_{\text{ам}} \times I_{\text{уфам}}}.$$

4. Солиқ суммасига солиқ ставкасининг таъсирини ( $\Delta C_{\text{ст}}$ ) индекс йўли билан аниқлаш учун солиқ суммаси ҳақиқий миқдоридан ( $C_{\text{ккел}}$ ) унинг режадаги миқдорининг олдинги учта омил индивидуал индекси билан қайта ҳисобланган миқдори айрилади. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta C_{\text{ст}} = C_{\text{ккел}} - (C_0 \times I_{\text{ам}} \times I_{\text{уфам}} \times I_{\text{сфам}}).$$

Бу омилнинг индексдаги ифодаси учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$I_{\text{ст}} = \frac{C_{\text{ккел}}}{C_0 \times I_{\text{ам}} \times I_{\text{уфам}} \times I_{\text{сфам}}}.$$

Ушбу усулнинг афзалликларидан бири шундаки, барча омиллар таъсири бирданига ҳам мутлақ, ҳам нисбий миқдорларда аниқланади. Натижанинг умумий ўзгариши эса:

$$\text{Суммала} \quad \Delta C = \Delta C_{\text{ам}} \pm \Delta C_{\text{уфам}} \pm \Delta C_{\text{фамс}} \pm \Delta C_{\text{ст}}.$$

$$\text{Индексда} \quad I_c = I_{\text{ам}} \times I_{\text{уфам}} \times I_{\text{сфам}} \times I_{\text{ст}}.$$

формулалар ёрдамида аниқланади.

Ушбу назарий тавсиялар амалиётда бемалол қўлланилиши мумкин. Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланишни тавсия қиламиз (*6-жадвал*).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қўшилган қиймат мужассамлашган маҳсулот ҳажми ҳисобог йилида ўтган йилга нисбатан 241,1 минг сўмга ёки 4,5 фоизга ошган. Шу билан бирга айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати 5,2 фоизга, уларнинг фаол қисми эса 7,2 фоизга ошган. Айланма маблағлар фаол қисмининг тез кўпайганлиги унинг улушини ҳисобот йилида 45,4 фоиздан 46,3 фоизгача кўпайтирган. Лекин

**«Янгиқўрғон» акциядорлик жамиятида қўшилган қиймат солиғи ўзгаришига 2005 йилда таъсир қилувчи айланма маблағлар самарадорлиги билан боғлиқ омилларнинг ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+; -)	Индекс
Маҳсулот ҳажми, минг сўм	5300	5541,1	+241,1	1,045
Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм (Ам)	6943,7	7304,8	+361,1	1,052
Фаол айланма маблағлари (пул маблағлари ва бошқа тез пулга айланадиган маблағлар), минг сўм (Фам)	3154,4	3381,9	+227,5	1,072
Фаол айланма маблағларнинг умумий айланма маблағдаги улуши, % (Уфам)	45,43	46,30	+0,87	1,019
Фаол айланма маблағларининг самарадорлиги, сўм (Сфам)	1,68	1,64	-0,04	0,976
Қўшилган қиймат солиғи ставкаси, коэффициентда (Ст)	0,1525	0,1525	—	1
Солиқ суммаси, минг сўм	1060	1108	+48	1,045

Манба: «Янгиқўрғон» акциядорлик жамиятининг молиявий натижалари, солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ва меъерий ҳужжатлар.

фаол қисми суммасининг жадал суръатлар билан ўсиши унинг самарадорлигини 2,4 фоизга (100 – 97,6) камайтириб юборган. Ана шу иқтисодий кўрсаткичлар солиқ суммасининг ўзгаришига таъсир қилмасдан қолмаган, албатта.

Солиқ суммасининг 48,8 минг сўмгача ёки 4,5 фоизга ўсиши қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлган:

1. Айланма маблағлар ўртача йиллик қийматининг 5,2 фоизга кўпайиши солиқ суммасини 55,1 минг сўмга оширган:

$$(1060 \times 1,052) - 1060 = 1115,1 - 1060 = 55,1.$$

Бу омилнинг индекси 1,052 ни ташкил қилади.

$$1\ 060 \times 1,052 : 1\ 060 = 1,052$$

яъни, айланма маблағлар суммасининг ошганлиги солиқ суммасини 5,2 фоизга оширган.

2. Айланма маблағлар фаол қисми улушининг 0,87 пунктга ёки 1,9 фоизга ошганлиги солиқ суммасини 21,2 минг сўмга кўпайтирган.

$$(1\ 060 \times 1,052 \times 1,019) - (1\ 060 \times 1,052) = 21,2 \text{ минг сўм.}$$

Бу омилнинг индекси 1,019 ни ташкил қилади:

$$(1\ 060 \times 1,052 \times 1,019) : (1\ 060 \times 1,052) = 1,019.$$

Демак, айланма маблағлар фаол қисмининг кўпайиши солиқ суммасининг 1,9 фоизга кўпайишига олиб келган.

3. Ҳисобот даврида айланма маблағлар фаол қисмининг самарадорлиги 0,04 сўмгача ёки 2,4 фоизга пасайиб кетган. Бу омил солиқ суммасининг ҳам 28,3 минг сўмга камайишига сабаб бўлган:

$$1\ 108,0 - (1\ 060 \times 1,052 \times 1,019) = 28,3 \text{ минг сўм.}$$

Бу омилнинг индекси 0,975 ни ташкил қилади:

$$[1\ 108 : (1\ 060 \times 1,052 \times 1,019)] = 0,975.$$

Кўришиб турибдики, айланма маблағлар самарадорлигининг пасайиши солиқ суммасини 28,3 минг сўмга ёки 2,5 фоизга камайтириб юборган. Барча омиллар таъсири солиқ суммасининг умумий ўзгаришига тенг.

$$55,1 + 21,2 - 28,3 = +48,0 \text{ минг сўм.}$$

Унинг индекси ҳам барча омиллар индекси кўпайтмасига тенг:

$$1,052 \times 1,019 \times 0,975 \times 1,0 = 1,045.$$

Аммо шуни таъкидлаш лозимки, ушбу параграфда солиқ суммасига таъсир қилувчи уч гуруҳ омиллар таъсирини кўриб чиқдик. Уларнинг ҳар бирида солиқ суммасининг умумий миқдори аниқланди. Агар ушбу ҳисоб-китоблар орқали хулоса қиладиган бўлсак, натижа биринчи гуруҳ омиллар эвазига 48,8 минг сўмга, иккинчи ва учин-

чи гуруҳ омиллар эвазига ҳам худди шундай миқдорга кўпайган. Демак, уч гуруҳ омил эвазига солиқ 48,8 минг сўм эмас, балки 144 минг сўмга (48×3) ортганлигини кўрамиз. Бу, албатта, нотўғри хулосага олиб келиши мумкин. Омилларни ҳисоблашнинг бу усулидаги камчиликни бартараф қилиш учун ҳар бир гуруҳ омилларининг салмоғини инобатга олиш лозим. Бу бўйича айрим тавсиялар мавжуд<sup>1</sup>.

Бизнинг тадқиқотлар ва эксперт хулосамиз шуни кўрсатадики, меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ омиллар 0,4 га, асосий воситалар ва айланма маблағлар самарадорлиги билан боғлиқ омиллар тенг равишда 0,3 га тенг экан. Агар шу салмоқларни омиллар таъсирига кўпайтирадиган бўлсак, умумий натижа ўзгаришига омиллар таъсирининг ҳақиқий миқдорини аниқлаш мумкин бўлади. Бу учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Y = Y_x \times X;$$

бунда:

$Y$  — натижа ўзгаришига таъсир этган омиллар ҳақиқий миқдори;

$Y_x$  — гуруҳ омилларининг анъанавий усуллар билан ҳисоблангандаги ҳақиқий миқдори;

$X$  — омилнинг салмоғи.

Агар қилинган ҳисоб китобларни ҳар бир гуруҳ омилнинг салмоғига кўпайтирсак, қуйидаги натижага эга бўлинади (*7-жадвал*).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, натижа ўзгаришига омиллар таъсирининг таҳлилини, анъанавий усуллар билан аниқлайдиган бўлсак, уч гуруҳнинг таъсири натижаси ўзгаришига нисбатан уч марта кўп бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Агар ҳар бир омилнинг салмоғини инобатга оладиган бўлсак, омилларнинг ҳақиқий таъсири келиб чиқади.

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, ходимлар сонининг ўзгариши солиқ суммасини 24,4 минг сўмга эмас,

<sup>1</sup> Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. ЎзР Банк-молия академияси. — Тошкент, 2004, 13-14-бет.

**«Янгиқўрғон» акциядорлик жамиятида 2005 йилда  
қўшилган қиймат солиғининг натижасига омиллар  
таъсирининг ҳақиқий миқдорини аниқлаш  
ҳисоб-китоби**

Натижага таъсир қилувчи омиллар	Омилларнинг одатдаги усул билан аниқланган таъсири	Ҳар бир омилни салмоқлилик коэффициенти	Омилларнинг таъсири салмоқлилик коэффициенти қўллаб аниқланган, сўм
Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони ўзгаришининг таъсири, млн. сўм	+24,4	0,4	+9,76
Меҳнат унумдорлиги ошишининг таъсири, млн. сўм	+23,6	0,4	+9,44
Асосий капиталнинг йиллик ўртача қиймати ўзгаришининг таъсири, млн. сўм	+38,2	0,3	+11,46
Асосий воситалар самарадорлиги ошишининг таъсири, млн. сўм	+9,8	0,3	+2,94
Айланма маблағлар ўртача йиллик қиймати ўзгаришининг таъсири, млн. сўм	+55,1	0,3	+16,53
Фаол айланма маблағлар улуши кўпайишининг таъсири, млн. сўм	+21,2	0,3	+6,36
Фаол айланма маблағлар самарадорлигининг таъсири камайиши, млн. сўм	-28,3	0,3	-8,49
<b>ЖАМИ</b>	<b>+144,0</b>	<b>x</b>	<b>+48,0</b>

Манба: «Янгиқўрғон» акциядорлик жамиятининг молиявий натижалари, солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ва меъёрий ҳужжатлар, олинган жадваллар маълумотлар.



балки 9,76 минг сўмга оширибди, меҳнат унумдорлигининг ошиши эса 23,3 минг сўм эмас, балки 9,44 минг сўмга ва ҳ.к. Шу тариқа ҳар бир гуруҳ омиллар таъсирини ҳисоблайдиган бўлсак, солиқ суммасининг 48 минг сўмга ошиши қўйидаги омиллар гуруҳи эвазига таркиб топганлигини кўриш мумкин:

1. Меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ омиллар таъсири эвазига 19,2 минг сўм.

2. Асосий воситалар (капитал) самарадорлиги билан боғлиқ омиллар таъсири эвазига 14,4 минг сўм.

3. Айланма маблағлар билан боғлиқ омиллар таъсири эвазига эса 14,4 минг сўм. Ҳисобот даврида солиқ миқдори жами 48 минг сўмга кўпайганлиги ана шу учта омил эвазига ошганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу тавсиялардан амалиётда фойдаланиш солиқ таҳлилининг яхшиланишига, бюджетга тўловларни ошириш бўйича ички имкониятларнинг топилишига олиб келади. Давлат бюджетига тушумларнинг кўпайиши ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг кўпайиши ҳамда самарадорликнинг ошиши эвазига амалга ошганлигини кўраемиз.

## 4-боб. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИНГ МАЗМУНИ, ОБЪЕКТИ, СУБЪЕКТЛАРИ ВА ҲИСОБЛАШ ЙЎЛЛАРИ

### 4.1. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИНГ МАЗМУНИ, ОБЪЕКТИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ

Давлатнинг пайдо бўлиши давлат (подшоҳлик) мулкнинг шаклланишига олиб келди. Давлатнинг моддий жиҳатдан таъминланиш эҳтиёжи аҳолидан давлат хазинасига тўловлар, яъни солиқларни ундириш заруриятини туғдирди. Шу сабабли солиқлар ижтимоий зарурият сифатида пайдо бўлган.

Ҳаттоки муқаддас «Қуръони Карим»нинг 8-«Анфол» («Ўлжалар») сураси 41-оятда **«билингизки, ўлжа қилиб олган нарсаларингизнинг бешдан бири Оллоҳ учун, пайгамбар учун ва у зотнинг қариндош-уруғи, етимлар, мискинлар ва мусофирлар учундир»<sup>1</sup>** дея солиқ тўлаш зарурлиги хусусида зикр этилган.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи ҳам амал қилиб келмоқда. Мол-мулк солиғини ўрганиш учун аввало мол-мулк тушунчаси, унинг турлари, объекти ва субъектлари таркибини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 83-моддасига кўра **«Мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчмас ва кўчар мулкка»<sup>2</sup>** бўлиниши белгилаб қўйилган.

Ўз навбатида, кўчмас мулк ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, шунингдек, бинолар ва иншоотлардан иборатдир. Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулклар эса кўчар мулк ҳисобланади.

<sup>1</sup> Қуръони Карим. Алоуддиг Мансур таржимаси. — Тошкент: «Чўлпон», 1992. — 120-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. — Тошкент: «Адолат», 1994. — 45-бет.

Мол-мулк турларини қуйидаги тарзда ифодалани мумкин (11-чизма):



11-чизма. Мол-мулк турларининг схемаси.

Ўзбекистон Республикаси «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни 3-моддасига мувофиқ:

«Ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, иморатлар ва иншоотлар, маҳсулотлар, турар жой ва квартиралар, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, интеграл микросхема-ларнинг топологияси, селекция ютуқлари, маҳсулот белгилари, асбоб-ускуналар, моддий ва маънавий маданият буюмлари, пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар; инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти»<sup>1</sup> мулккий ҳуқуқ объектлари бўлиб ҳисобланади.

Мазкур қонун билан белгиланган мол-мулк объектлари таркиби бозор иқтисодиёти шароитида мол-мулк

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни. — Тошкент: «Адолат», 2003.

объектлари тушунчасининг кенг қамровли эканидан далолат беради. Бундан ташқари, бозор муносабатлари ша-роитида инсоннинг интеллектуал меҳнати натижаси, яъни номоддий неъматлар ҳам мулк сифатида тан олинади. Ин-теллектуал мулк объектларини келиб чиқиш мазмуни бўйича икки турга бўлиш мумкин.

Бу, **биринчидан, ижод намуналари**, яъни шахснинг ақлий меҳнат фаолияти натижасида яратилган неъмат-лардир. Булар таркибига патентлар, селекция, ихтиро, дастурий маҳсулот ва шу каби ижод намуналари тарзида-ги номоддий неъматлар киради.

**Иккинчидан, фуқаролик муомаласи иштирокчилари-**нинг товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломат-ларини акс эттирувчи воситалари бўлиб ҳисобланади. Маъкур турдаги интеллектуал мулк таркибига фирма номи, товар белгиси ва товар ишлаб чиқариладиган жой номла-ри каби номоддий ашёлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1031-моддасига мувофиқ:

- фан, адабиёт ва санъат асарлари;
- эшиттириш ташкилотларининг ижролари, фонограм-малари ва эшиттиришлари;
- электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;
- ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;
- селекция ютуқлари;
- ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чи-қариш сирлари (ноу-хау);
- фирма номлари;
- товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);
- товарлар чиқарилган жой номи;
- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда интеллек-туал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалари интел-лектуал мулк объектлари бўлиб ҳисобланади.

Интеллектуал мулк объектлари таркибини қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (12-чизма).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-



*12-чизма. Интеллектуал мулк объектлари таркиби.*

моддасида «**Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли**»<sup>1</sup> эканлиги белгилаб кўйилган.


Бу жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига эга бўлиш ҳамда уни қонунларда белгиланган тартибда эркин тасарруф этиш ҳуқуқларининг асосидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жамоалар, уларнинг бирлашмалари, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг оилавий ва ўзга бирлашма-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2001. — 13-бет.

лари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, халқ депутатларининг барча бўғиндаги кенгашлари ҳамда улар ваколат берган давлат бошқаруви идоралари, ташқи давлатлар, халқаро ташкилотлар, бошқа уларнинг юридик шахслари ва фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар мулкний ҳуқуқ субъектларидир. Турли юридик шахслар ва фуқаролар, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар муайян мулкнинг субъектлари бўлиб ҳисобланадилар.

Юқоридагиларга асосланиб, мол-мулк субъектларини схемали тарзда қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин (13-чизма):



13-чизма. Мол-мулк субъектлари таркиби.

Юқоридагиларга асосланиб, «Мол-мулк бу — қонунчиликда белгиланган меъёрлар асосида жисмоний ва юридик шахсларга эгалик ҳуқуқи билан тегишли бўлган кўчар ҳамда кўчмас ашёлар, номоддий неъматлардир» деган таъриф бериш мол-мулк тушунчаси мазмунини тўлиқ акс эттиради, деб ҳисоблаймиз.

Бозор муносабатлари шароитида хусусий мулк даромад олиш мақсадида ўз мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Ҳозир хусусий мулкнинг икки кўриниши эътироф этилган. Биринчи кўринишда бевосита фуқароларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этиши натижасида вужудга келадиган хусусий мулк. Бунда фуқаро ўзига тегишли

ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланади, унинг шахсан иштирокида олинган даромадлари хусусий мулкни ташкил этади. Бунда олинган даромадларнинг бир қисми ишлаб чиқариш ва хом ашёга сарфланади.

Иккинчи кўринишда хусусий мулкнинг тўлиқ моҳияти очилади. Унга кўра хусусий мулк эгаси ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмай, балки ёлланма меҳнатни жалб этади, ишлаб чиқарилган маҳсулотга эгалик қилади ва келган даромадни ўзи тақсимлайди. Хусусий мулкнинг ҳар иккала кўриниши ҳам ишлаб чиқариш харақтерига эга.

Хусусий мулк объектлари жуда кенг. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 209-моддасига кўра: **«Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан таниқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин»<sup>1</sup>.**

Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

• корхоналар, устахоналар, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, савдо, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳалари ва бошқа тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ соҳаларнинг мулклар йиғиндиси, уй-жойлар, бинолар, қурилишлар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё воситалари, хом ашё материаллари, ишлаб чиқариш ва истеъмол учун мўлжалланган бошқа мулклар, довдарахтлар, ҳар хил қишлоқ хўжалик экинлари, маҳсулдор моллар ва ишда фойдаланиладиган чорва моллари, паррандалар, олинган ҳосил ва даромадлар, акция ва бошқа қимматли қоғозлар, интеллектуал меҳнат натижалари, ихтиролар, мерос мулки ва бошқа ашёлар бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларидан бири ҳисобланади.

**«Тадбиркорлик — тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ўз мулкий жавобгарлиги ва таваккалчилиги эвазига амалдаги қонунлар доирасида фойда олиш мақсадидаги тапаббускор фаолиятидир»<sup>2</sup>.**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. — Тошкент, 1996 йил 29 август.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари тўғрисида»ги қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида:

- қонун билан тақиқланмайдиган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг ўзига тегишли мол-мулкидан фойдаланиш эркинлиги;

- тадбиркорларнинг, мулк шаклидан қатъий назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги;

- тадбиркорлар солиқ ва кредит мажбуриятларини ўз вақтида бажариши каби ҳуқуқий бир қатор нормалар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ҳар тарафлама ривожлантириш учун солиқ ва кредит сиёсати, тадбиркорлик капиталларидан унумли фойдаланиш ва улар ривожланишини рағбатлантирадиган барча имкониятларнинг қонуний асослари яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролик кодекси», «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Интеллектуал мулк тўғрисида»ги қонунлар мамлакатимизда мол-мулкнинг ҳуқуқий асослари бўлиб ҳисобланади.

Бозор муносабатларининг муҳим талабларидан бири хусусий мулкни жорий этишдир. Хусусий мулк шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулкдир. У инсоннинг табиат бойликларини ўзлаштириши ҳосиласидир. Республикаимизда хусусий мулк шакли ҳам қонуний мустаҳкамланган бўлиб, у бошқа мулк шакллари билан тенг эътироф этилади ва давлат томонидан ҳимоя қилинади. Бу ҳақда Конституциянинг 53-моддаси 2-бандида «**Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир**»<sup>1</sup>, деб белгилаб қўйилган. Шунинг асносида ижтимоий-иқтисодий жараён барча бойликларни, жумладан, ҳар бир хўжалик субъектларининг мол-мулкни ҳам тўғри ҳисобга олиб боришни тақозо қилади. Ҳар бир хўжалик субъектининг мулки муайян давлат ҳудудида шаклланганлиги туфайли мазкур давлатга дахлдордир. Демак, хусусий мулк мамлакат умуммулкнининг бир қисми. Шу туфайли давлат хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъ-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2001. — 15-бет.



минлаши ва унинг қонунийлигини назорат қилини лозим бўлади. Давлат хусусий мулкни солиққа тортиш йўли билан фуқаролар мулкининг қонунийлиги ва унинг ҳаракатини назорат қилиб боради. Бу эса давлат ҳудудидаги барча мол-мулкнинг тўғри ҳисоб-китобини юритиш ва улардан тегишли миқдорда солиқ ундириб бориш механизмини яратишни тақозо этади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкдан солиқ ундириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 89-моддасига кўра, солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар мол-мулк солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши мулкчилик шаклларининг ўзгаришига, турли мулк шаклларининг ривожланишига олиб келди. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида «**Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг, Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқчилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилишини кафолатлайди**»<sup>1</sup> деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунига мувофиқ республикамиз иқтисодиётида бир қанча мулк шакллари:

- **фуқароларнинг яқка тартибдаги «шахсий» ва «хусусий» мулки;**
- **жамоа (ширкат) мулки.** Бу мулк ўз ичига оила, маҳалла, кооператив мулкни, ижарага олинган корхона мулкни, акцияли, жамоа корхоналар, концернлар, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар, шунингдек, юридик шахс бўлмаган турли хўжалик жамиятлари, уюшмалари мулкни олади;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2001. — 15-бет.

- давлатлараро, республика мулкидан, Қорақалпоғистон Республикаси, маъмурий-ҳудудий тузилмалар (коммунал) мулкидан иборат давлат мулки;

- аралаш мулк;

- қўшма корхоналар, чет эл фуқароларига дахлдор ташкилотлар, давлатлар, шунингдек, чет эл юридик шахсларининг мулки иқтисодиётнинг турли тармоқларида актив фаолият билан шугулланиб келмоқда.

Мулкчилик тўғрисидаги қонуннинг 1-моддаси 2-бандида «Мулкдор ихтиёрига кўра ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади»<sup>1</sup> деб кўрсатилган. Ваҳоланки, эски қонунларда бу сўзлар ўрнига фақат «Қонунда белгиланган доираларда» деб кўрсатилган эди. Бундан кўриниб турибдики, илгариги қонун ҳужжатларида мулкдорнинг ҳуқуқий имкониятлари маълум даражада чегараланган эди.

Фуқароларнинг якка тартибдаги моддий бойликларини ўзлаштириш турли иқтисодий муносабатлар воситасида амалга оширилиши мумкин. Фуқаролар мулки шахсий мулк билан бирга якка тартибда меҳнат фаолияти ёки ёрдамчи хўжалик юритиш билан ҳам вужудга келади ва ортиб боради. Бундан хўжаликлар фуқароларнинг меҳнатига асосланадиган бўлсада, аммо ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат воситалари индивидуал — ўзига тегишли бўлади. Бунда олинган даромад нафақат фуқаронинг эҳтиёжини қондириш учун, балки ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни таъмирлаш учун сарфланиши билан бирга давлат бюджетига солиқ тарзида тушиб ҳам туради. Бу ҳолат социализм даврида шахсий мулкнинг бир кўриниши деб қараларди. Унда фуқароларнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эгаллиги кўзда тутилмаган ва эътиборга олинмаган эди.

Фуқаролар мулки уларнинг ишлаб чиқаришдаги иштирокидан, ўз хўжалигини юритишдан, кредит муассасаларига қўйилган маблағларидан, акция ва бошқа қимматли қоғозлардан, ўз ишлаб чиқаришига ёлланма меҳнатни жалб қилишидан олинган даромадлари ҳисобига вужудга келади ва кўпайиб боради.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни. — Тошкент: «Адолат», 2003.

Фуқаролар мулки жисмоний шахсларга тегишли бўлиб, у табиат бойликларининг турли иқтисодий муносабатларда ўзлаштирилиши билан характерланади. Мулк инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади. Ўзбекистонда фуқаролар мулкнинг миқдори ва турлари чекланмаган (муомаладан чиқарилган ашёлар бундан мустасно). Бу мулк меҳнат қилиб топилган, бошқа биров томонидан ҳады этилган, ютуқли ўйинларда ютиб олинган ёки бошқа томондан рухсат этилган қонуний йўллар орқали орттирилган бўлиши мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида нархларнинг кескин ўзгариши натижасида асосий воситалар қиймати ҳам ўзгариши табиий. Аммо бу ўзгариш фақат корхона миқёсида эмас, балки жамият миқёсида ҳам тўғри ҳисобга олиб борилиши зарур. Бу ўз навбатида ҳар бир субъект (жисмоний ва юридик шахс)нинг мол-мулки қийматини қайта баҳолаш ва солиққа тортишда шу ўзгаришларни инобатга олишнинг зарурлигини тақозо қилади.

Мол-мулк солиғининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти яна шунда намоён бўладики, бу мустақил республикамиз бюджетининг шаклланишида унинг даромад қисмини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ижтимоий йўналтирилган социал бозорни шакллантириш учун бюджет даромадларининг мазкур тури ҳам маълум салмоққа эга.

Мол-мулк солиғининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига тўхталсак, унинг аҳамияти солиқнинг мазмунидан келиб чиқади.

**Биринчидан**, жамият бойлиги, у кимга тегишли бўлишидан қатъий назар (жисмоний ёки юридик шахсга), солиққа тортиш механизми билан ҳисоб-китоб қилиб борилади. **Иккинчидан**, бойликнинг муайян қисми давлат бюджетига унинг харажатларини молиялаштириш мақсадида қонунларда белгиланган тартибда қайта тақсимланади.

Давлат юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкнинг ортишидан манфаатдор. Шу туфайли давлат ушбу мулклар дахлсизлигини таъминлашни, унинг бутлигига кафолат беришни ўз зиммасига асосий вазифалардан бири сифатида олади. Бу Ўзбекистон Республикасининг Кон-

ституцияси ва бошқа қонунларида ўз аксини топган. Юридик ва жисмоний шахслар эса ўз мол-мулкларининг дахлсизлигидан манфаатдор бўладилар, бунинг эвазига ўз мол-мулкидан давлатга белгиланган тартиб ва миқдорларда солиқ тўлаб борадилар.

Республикамик солиқ тизими бевосита ва билвосита солиқлардан таркиб топган. Бевосита солиқлар корхона даромадини камайтиради. Шунинг учун ҳам корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти бевосита ана шу солиқлар билан боғлиқ. Бунга мол-мулк солиғини мисол тариқасида назарда тутиш мумкин. Мол-мулк солиғи давлат бюджетида барча солиқлар сингари ўзига хос салмоққа эга бўлган солиқ ҳисобланади.

2004 йилда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкларидан олинган солиқ жами бюджет тушумларининг 4,69 фоизини ташкил этган. Бизга маълумки, мол-мулк солиғи тушумлари маҳаллий бюджетга ўтказилади. Бу маблағлар маҳаллий ҳокимиятлар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш каби тадбирларга сарф-харажат қилинмоқда. Мол-мулк солиғи ўзига хос характерга эга.

**Биринчидан**, унинг объекти сифатида нафақат мол-мулк қиймати, балки ўз муддатида тугалланмаган қурилиш ва белгиланган муддатда ўрнатилмаган ускуналарнинг қийматини ҳам қўшиб ҳисоблайди. Шу сабабли ҳам мол-мулк солиғининг тўловчилари ўзларида мавжуд кераксиз ва ортиқча ускуналар ҳамда мулкларнинг сақланишига чек қўйиш, корхоналарда товар обороти жараёнини жадаллаштириш кабилардан манфаатдор.

**Иккинчидан**, мол-мулк солиғи ҳам солиқнинг бошқа турлари каби мажбурий тўловларга киради. Унинг солиқлар тизимидаги ўрни давлат бюджетидаги улушидан ташқари иқтисодий моҳияти билан ҳам белгиланади.

**Учинчидан**, солиқни ундириб олиш учун давлат бутун мол-мулкни ҳисобга олиб боради. Мол-мулк давлатнинг, мамлакатнинг моддий неъматини, моддий бойлигини сифатида намоён бўлади.

## 4.2. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Мол-мулк солиғи деганда фақат мол-мулк учун тўланадиган солиқ тушунилади. Бу солиқнинг объекти сифатида юридик шахснинг балансидаги ва жисмоний шахснинг қонунчиликда белгиланган мол-мулклари назарда тутилади. Юридик ва жисмоний шахснинг мол-мулк учун фақат мол-мулк солиғи тўлаши бу солиқ турининг ўзига хос иқтисодий чегарасидир.

Мол-мулк солиғининг иқтисодий чегараси унга солиқ ҳисобланган пайтда ҳам аниқланади. Юридик ва жисмоний шахслар барча мол-мулклари қийматидан солиқ тўлайдилар. Шунинг учун унинг солиққа тортиладиган мол-мулк қиймати аниқланади. Бунинг учун эса солиқдан озод ва чегириладиган мол-мулклар инобатга олинади.

Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган объекти куйидагича аниқланади. Хўжалик юритувчи субъект барча мол-мулкининг қиймати (**Мжм**) жами суммаси аниқланиб, ундан солиққа тортилмайдиган мол-мулк қиймати (**Мим**) айрилади. Қолган натижа солиқ солинадиган мол-мулк қийматини ифодалайди (**Мсм**). Бунинг учун куйидагича формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Мсм = Мжм - Мим;$$

бунда:

**Мсм** — солиқ солинадиган мол-мулк қиймати;

**Мжм** — жами мол-мулк қиймати;

**Мим** — имтиёзли (солиққа тортилмайдиган) мол-мулк қиймати.

Аниқланган мол-мулк қийматига асосан белгиланган солиқ ставкалари бўйича бюджетга тўланадиган солиқ суммаси ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектлар мол-мулкига солинадиган солиқ суммасини куйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$Смм = Мсм \times Ст;$$

бунда:

**Смм** — мол-мулк учун тўланадиган солиқ суммаси;  
**Мсм** — солиқ солинадиган мол-мулк қиймати;  
**Ст** — мол-мулк солиғининг ставкаси.

Мазкур солиқнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз муддатида бюджетга ўтказиб борилиши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 11 мартдаги 1107-сон ва 2002 йил 5 мартдаги 1103-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги ва «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномаларга асосан давлат солиқ хизмати органлари томонидан назорат қилиниб борилади.

Юқоридагиларга асосланиб, мол-мулк солиғининг муайян йўналишлар бўйича қуйидаги иқтисодий чегараларини белгилаш мумкин:

- 1. Унинг фақат мол-мулк учун тўланиши.**
- 2. Мол-мулк солиғининг фақат солиққа тортиладиган объектдан тўланиши.**
- 3. Қатъий белгиланган ставкада тўланиши.**
- 4. Қатъий белгиланган муддатда тўланиши.**

Ана шу иқтисодий чегаралар солиқнинг тўғри тўла-нишини аниқлабгина қолмай, унинг иқтисодий моҳияти-ни ҳам ёритиш имконини беради.

Жисмоний шахслар учун уларнинг мулки бўлган уй-жойлар, квартиралар, чорбоғ ва дала ҳовли, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар қиймати Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 90-моддасига мувофиқ мол-мулк солиғининг объектидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 182-моддасига мувофиқ, фуқароларда мулк ҳуқуқи:

- меҳнат фаолияти натижасида;
- мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бонқа хўжалик фаолияти, шу жумладан мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш;
- давлат мол-мулкни хусусийлаштириш;
- мерос қилиб олиш;
- эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат;

• қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асосларда пайдо бўлади<sup>1</sup>. деб кўрсатилган.

Демак, жисмоний шахслар юқоридаги асосларда қўлга киритган мол-мулклари учун уларга эгалик ҳуқуқи пайдо бўлгандан бошлаб солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ солиш ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси солиқ тўловчиларга белгиланган тартибда мол-мулк солиғи тўғрисидаги маълумотларнинг етказилишини таъминлайдилар.

Мол-мулк солиғига доир тўловлар солиққа тортилган объект жойлашган ёки рўйхатга олинган манзилдаги маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш тартиби бошқа солиқ турларидан фарқ қилади. Бошқа солиқ турларининг объекти ва миқдори бевосита солиқ тўловчи юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан ҳисобланиб, давлат солиқ хизмати органларига солиқлар объекти ва миқдори кўрсатилган ҳисобот ҳолатида топширилади. Ўзбекистон Республикаси амалдаги солиқ қонунчилиги меъёрларига мувофиқ, белгиланган ставкалар бўйича мол-мулкнинг қийматига асосланган ҳолда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси давлат солиқ хизмати идоралари масъул ходимлари томонидан белгиланган шаклларда ҳисобланган маълумотлар, белгиланган муддатларда бюджетга тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга етказилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йилнинг 1 январидаги ҳолати бўйича, шаҳар ва туман техник инвентаризациялаш ҳудудий кадастр бюросида мавжуд бўлган иморат эгалари тўғрисидаги маълумотлар ва маҳаллий ҳокимиятлар маълумотларига кўра ўтказилади.

Иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи йилнинг 1 январдаги ҳолати юзасидан техник инвентаризациялашнинг ҳудудий кадастр бюролари томони-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. — Тошкент, 1996 йил 29 август.

дан баҳоланган инвентаризация қиймати маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилади. Бу каби маълумотларга эга бўлинмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган, қайта баҳоланганидан кейин ҳисоб-китоб қилинган мол-мулкнинг шартли қиймати солиқ солиш объекти сифатида қабул қилинади. Бунда агар жисмоний шахслар ўз мол-мулкларини тегишли тартибда ҳудудий кадастр идораларида ҳақиқий инвентаризациядан ўтказиб, маълумотларни давлат солиқ хизмати идораларига тақдим этсалар, мол-мулк солиғи ҳисоб-китоби ҳақиқий маълумотлар асосида қайта ҳисобланади.

Бир неча мулкдорнинг улушбай умумий мулки бўлган иморат, бино ва иншоотлар учун ҳар бир мулкдорнинг мазкур объектдаги улушига мутаносиб равишда мол-мулк солиғи тўланади. Янги иморат, бино ва иншоотлар мулкдорлари бўлган жисмоний шахслар ушбу объектлар барпо этилган ёки солинган йилдан кейинги йилнинг бошидан эътиборан мол-мулк солиғини тўлайдилар.

Мерос мулкдан солиқ меросхўрлар томонидан мерос амалга ошган пайдан бошлаб тўланади. Мол-мулк жисмоний шахс томонидан йўқ қилинган (бузилган) ёки турли табиий офатларга кўра барбод бўлган ҳолларда мулкнинг барҳам топган ойдан эътиборан мол-мулк солиғи ундириш тўхтатилади.

Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ўзга шахсга кўчган ҳолларда аввалги (собиқ) мулкдор эгалик қилиб турган тақвим йилининг сўнгги оғи бошига қадар муддатгача, янги мулкдор эса мулк ҳуқуқини қўлга киритган ойдан эътиборан мол-мулк солиғини тўлайдилар.

**Масалан, мулкдор Н.Ҳолиқов 2004 йил 5 февралда ўзига қарашли бўлган Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Богдон кўчаси, 27-хонадонни олди-сотди шартномасига мувофиқ О.Исаевга сотди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 185-моддасига мувофиқ кўчмас мулк олди-сотди шартномаси белгиланган тартибда нотариал ва давлат идораларидан 2004 йил февраль ойида рўйхатдан ўтказилди. Шу сабабли Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Богдон кўчаси, 27-хонадонга эгалик ҳуқуқи 2004 йил февраль ойидан эътиборан О.Исаев шахсига кўчирилди. О.Исаев шу ойдан бошлаб сотиб олган мол-мулки учун солиқ тўловчи ҳисобланади. 2004 йил январь оғи учун эса**



**Н.Ҳолиқов Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Бөгдон кўчаси, 27-хонадонга ҳисобланган бир йиллик мол-мулк солиғи суммасининг ўн иккидан бир қисмини тўлайди.**

Бундан ташқари, жисмоний шахслар ўзлари мерос тарзида қўлга киритган мол-мулклари учун ҳам мулк солиғининг тўловчилари ҳисобланади. Меросхўрлардан мерос бўлиб ўтган иморат, хонадон, иншоотлар учун солиқ меросхўрлик бошланган пайтдан эътиборан меросхўрлардан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 93-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ солишда бир қанча имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, қуйидаги жисмоний шахсларнинг:

- «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шўҳрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг;

- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлари, уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибида хизмат қилган шахсларнинг;

- ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахсларнинг;

- Ленинград шаҳри қамалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунларининг;

- хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган кўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг;

- қаҳрамон-оналар, шунингдек, ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг;

- Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан, у ерда вақтинча ёки хизмат сафарига юборилган фуқароларнинг);

- пенсионерларнинг, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг;

- муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг хизматни ўташ даврида;

- ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва бошқа турмуш қурмаган рафиқалари (эрлари);

- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазириликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари жумласидан бўлган ногиронларнинг, ички ишлар органларининг хизмат вазифаларини адо этаётганда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ногирон бўлиб қолган шахсларнинг ихтиёридаги бўлган иморатлари, бинolari ва иншоотларига солиқ солинмайди.

Агарда мазкур имтиёздан фойдаланувчи жисмоний шахслар икки ва ундан ортиқ мол-мулкка эга бўлсалар, уларнинг бир мол-мулкигина солиқдан озод этилади ва қолган мулки солиқ қонуңчилиги меъёрларига мувофиқ белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Мол-мулк солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи мазкур шахсга бекор қилинган ойдан эътиборан ўз кучини йўқотади, ҳамда назарда тутилган шахс имтиёз ҳуқуқидан озод этилган календарь йилининг ойдан мол-мулк солиғини тўлайди.

Жисмоний шахслар мол-мулк солиғига оид муносабатлар Солиқ кодексининг 89-90; 91-93; 95-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги ва Давлат солиқ қўмитасининг «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги томонидан 1103-сон билан 2002 йил 5 мартда рўйхатга олинган йўриқнома асосида тартибга солинади.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 89-моддасига кўра юридик шахслар ҳам мол-мулк солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасига мувофиқ «Хўжалик юриштида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар

бўла оладиган, мустақил баланс ҳамда ҳисоб рақамига эга ташкилот юридик шахс ҳисобланади»<sup>1</sup>, деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 90-моддасига мувофиқ асосий воситаларнинг (қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ернинг қиймати бундан мустасно) ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, шунингдек белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектларининг қиймати юридик шахслар мол-мулкани солиққа тортиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Солиқ солишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган айрим тоифадаги юридик шахслар мол-мулк солиғи тўловчилар ҳисобланмайди. Агар солиқ солишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган юридик шахслар фаолиятнинг асосий тури билан бир қаторда қўшимча фаолият турлари билан шуғуллансалар, бунинг учун улар алоҳида ҳисоб юритадилар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулк солиғини тўлайдилар.

Амортизация ажратмалари ҳисобланадиган асосий воситаларнинг ижараси:

- ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатининг саксон фоизидан ошса;
- ижарачи асосий воситаларни қатъий нархда ёки ижара тугаши бўйича белгиладиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;
- ижарага олинadиган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ижаранинг тугашида уларнинг ижара бопланишидаги қийматининг йигирма фоизидан камни ташкил этса;
- тўловларнинг жорий суммаси бутун ижара даври учун ижарага олинadиган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ошса лизинг ҳисобланади ва шу туфайли улар солиқ объектига кирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 31 март 2003 йилда 1107-2-рақам билан рўйхатдан ўтган «Юридик шахслар тўладиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномада солиққа тортишда мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматини аниқлаш учун ҳисобот йилининг 1 январидаги ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидаги мол-мулк қолдиқ қийматининг ярмини қўшишдан олинган суммани

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. — Тошкент, 1996 йил 29 август.

ҳамда ҳисобот даври қолган барча ойлари ҳар бир дастлабки кундаги мол-мулк қолдиқ қиймати суммасини 12 га бўлиш йўли билан аниқлаш ва бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилган:

$$A_{\text{ўк}} = \frac{A_{\text{дк1}} + A_{\text{об2}} + \dots + A_{\text{об12}} + \frac{A_{\text{ок13}}}{2}}{12};$$

бунда:

$A_{\text{ўк}}$  — асосий воситаларнинг йиллик ўртача қиймати;

$A_{\text{дк}}$  — асосий воситаларнинг йил бошидаги қиймати;

$A_{\text{об}}$  — асосий воситаларнинг ой бошидаги қиймати;

$A_{\text{ок}}$  — асосий воситаларнинг йил охиридаги (келгуси йил 1 январь ҳолатидаги) қиймати.

Солиққа тортиладиган асосий мол-мулк ўртача йиллик қийматини аниқлашнинг бу усули амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ эмас.

Чунки, тавсия этилган формулада фақат асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматини аниқлаш кўрсатилиб, номоддий активларнинг ўртача қийматини аниқлаш инobatта олинмаган. Бундан ташқари, мазкур формулада мол-мулк солиғи объекти бўлган белгиланган муддатларда қурилиши тугалланмаган ва ўрнатилмаган ускуналар қиймати ифода этилмаган.

Худди шунингдек мол-мулк ўртача қийматини аниқлашда имтиёзли мол-мулк қиймати ҳам чегирилиши эътибордан четда қолган.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб, юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган асосий воситалар ва номоддий активлар ўртача қийматини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия этамиз:

$$M_{\text{ўк}} = \frac{M_{\text{дк1}} + M_{\text{об2}} + \dots + M_{\text{об12}} + \frac{M_{\text{ок13}}}{2}}{12};$$

бунда:

$M_{\text{ўк}}$  — асосий восита ва номоддий активларнинг йиллик ўртача қиймати;

$M_{\text{дк}}$  — асосий восита ва номоддий активларнинг йил бошидаги қиймати;

$M_{\text{об}}$  — асосий восита ва номоддий активларнинг ой бошидаги қиймати;

$M_{\text{ок}}$  — асосий восита ва номоддий активларнинг йил охиридаги (келгуси йил 1 январь ҳолатидаги) қиймати.

Шуни эътиборга олиш лозимки, солиқ қонунчилигига кўра, мол-мулк (номоддий активлар) ойнанинг биринчи ярмида амалга киритилган бўлса, мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматини ҳисоблаб чиқаришда киритиш ойна тўлиқ ой дея қабул қилиниши, агар мол-мулк (номоддий активлар) ойнанинг иккинчи ярмида амалга киритилган бўлса, ўртача йиллик қолдиқ қиймат амалга киритилган ойдан кейинги ойнанинг биринчи кунидан бошлаб ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Солиқ солинадиган базани аниқлаш учун баланс активида акс эгитириладиган бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги счётларининг суммалари ҳисобга олинади (*8-жадвал*). Бунда асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган эскириш суммалари чегирилади.

*8-жадвал*

**Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари»га асосан юридик шахслар мол-мулки солиги объектларини ҳисобга олувчи бухгалтерия СЧЁТЛАРИ**

Счёт номери	Счёт номи
<b>0100</b>	<b>АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>
0120	Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар
0130	Машина ва асбоб-ускуналар
0140	Мебель ва офис жиҳозлари
0150	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси
0160	Транспорт воситалари

Счёт номери	Счёт номи
0170	Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар
0180	Кўп йиллик ўсимликлар
0190	Бошқа асосий воситалар
0199	Консервация қилинган асосий воситалар
0300	Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар
<b>0400</b>	<b>НОМОДИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>
0410	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау
0420	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари
0430	Дастурий таъминот
0440	Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари
0450	Ташкилий харажатлар
0460	Франчайз
0470	Муаллифлик ҳуқуқлари
0480	Гудвилл
0490	Бошқа номоддий активлар
0700	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар
0810	Тугалланмаган қурилиш

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари Солиқ кодексининг 91-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади. Бунда белгиланган муддатларда ўрнатилмаган ускуна учун мол-мулк солиғи икки барабар кўпайтирилган ставка бўйича ундирилади.

Мамлакатимизда экспорт маҳсулоти ишлаб чиқариш ва четга сотишни рағбатлантириш мақсадида вазирлик, корпорация, компания таркибига кирувчи корхоналар учун табақалаштирилган солиқ ставкалари белгиланган.

Амалдаги қонунчилик меъёрларига мувофиқ экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарадиган ва уни мустақил равишда ёки ихтисослашган ташқи савдо бирлашмалари ва фирмалари орқали сотадиган вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланган корхоналар учун қуйидаги миқдорларда сотишнинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг экспорт улушига боғлиқ ҳолда мол-мулк солиғининг табақалаштирилган ставкалари қўлланилади. Бунда:

- экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлган ҳолларда — белгиланган ставка 30 фоизга;
- экспорт улуши 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда эса, белгиланган ставка 2 мартага камайтирилади.

Лекин шунини таъкидлаш лозимки, бу имтиёз савдо воситачи корхоналарга, шунингдек эркин алмаштириладиган валютага хом ашё товарлари — пахта толаси, ип газлама, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металлларни экспорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 92-моддаси юридик шахслар мол-мулкини солиққа тортишда бир қатор имтиёزلарни назарда тутди. Бундан кўзда тутилган мақсад ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишни, хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришдир. Амалдаги қонунчилик меъёрларида мол-мулк солиғига оид имтиёزلарни иккига бўлиш мумкин. **Биринчидан**, юридик шахслар мол-мулкини тўлиқ солиққа тортишдан озод қилиш; **иккинчидан**, солиққа тортиш базасидан мол-мулк қийматининг муайян қисмини чегиришдир.

Қуйидаги ҳолатларда юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди. Булар:

- **нотижорат ташкилотларнинг мол-мулкига, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулқдан ташқари;**
- **халқ таълими ва маданият муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулк;**
- **уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятта молик шахар хўжалигининг мол-мулк;**

- ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» уюшмасининг мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган (савдо, вочитачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиганларидан ташқари) юридик шахсларнинг мол-мулки;

- янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулки, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида;

- қайтариш муддати беш йилдан ортиқ бўлмаган хорижий кредит ҳисобига харид қилинган асбоб-ускуналарга — ушбу кредитни сўндириш муддатигача.

Бундан ташқари, қонунчилик ижро ва маҳаллий ҳокимият органларига солиқ тўловларини кўпайтириш, солиқ тўловчиларни рағбатлантириш ва бошқа мақсадларни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органларига ўз ҳудудида мол-мулки жойлашган солиқ тўловчиларга нисбатан қўшимча имтиёзлар бериш ваколатини ҳам беради.

Юридик шахслар мол-мулкига солиқ миқдорини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базасидан чегириладиган имтиёзли мол-мулклар қиймати:

- солиқ тўловчининг балансида бўлган уй-жой-коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа объектлари қиймати;

- табиатни муҳофаза қилиш органлари маълумотларига мувофиқ шу мақсадда фойдаланиладиган объектлар қиймати;

- санитария-тозалаш мақсадида фойдаланиладиган объектлар қиймати;

- ёнғинга қарши хавфсизлик учун фойдаланиладиган объектлар қиймати;

- қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларнинг селекцияси, балиқ егиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган объектлар қиймати;

- маҳсулот ўтказгичлар, алоқа йўллари (шу жумладан автомобиль йўллари), алоқа ва энергия узатиш линияларининг, шунингдек уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотлар қиймати;



- алоқа йўлдошлари қиймати;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;
- шаҳар йўловчилар транспортининг (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти қиймати (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари);
- йўл хўжалиги корхоналарининг йўлларни таъмирлаш ва сақлаш ишларида банд бўлган транспорт воситалари қиймати;
- давлат дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситалари қиймати;
- лизингга олинган мол-мулк қиймати (лизинг шартномасининг амал қилиш муддатигача).

Бунда:

- фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, тасдиқланган сметалар доирасида харажатларни қоплаш учун бюджетдан дотациялар оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;
- хайрия бирлашмалари, уюшмалар ва жамғармалар, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;
- ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадларда барпо этилган, тадбиркорлик фаолияти учун даромад олишни кўзламаслиги таъсис ҳужжатларида қайд этилган ташкилотлар;
- молиявий ва бошқа маблағларни мазкур ташкилотнинг ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари учун тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиган (меҳнат учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдирлашлардан ташқари) муассаса ва ташкилотлар солиқ солиш мақсадида нотижорат ташкилотлар бўлиб ҳисобланади.

Солиқ қонунчилигида қурилиш муддатини белгиланган муддатларда тугатмаган ва ускуналарни белгиланган муддатларда ўрнатмаган юридик шахслар ҳам мол-мулк

солигининг тўловчилари бўлиб ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Бу мол-мулк солиғини тўловчилар қурилишни амалга оширувчи юридик шахслар, буюртмачилардир.

Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектининг қиймати — сметалар, смета-молия ҳисоб-китоблари ва капитал қурилиш титуллари рўйхатида кўзда тутилган бино ва иншоотларни қуриш, ускуналар, асбоблар, асбоб-ускуналарни ва бошқа предметларни сотиб олиш харажатлари (қурилиш пудрат ёки хўжалик усули билан қурилишидан қағъи назар), яъни буюртмачи томонидан Ф-3 шаклида (бажарилган ишлар ва харажатлар ҳажми тўғрисида маълумотнома) расмийлаштирилган статистика ҳисобига объект бўйича киритилган ва тугалланмаган қурилиш счётида ҳисобланадиган ҳамма ишлар ва харажатлар (белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектлари қисмида) ҳажми солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Қурилишни ташкил қилиш лойиҳаси таркибида «Корхоналар, бинолар ва иншоотларни қуриш муддати меъёрлари»га мувофиқ ваколатли ташкилот томонидан белгиладиган объект қурилишининг меъёрий муддати қурилишнинг белгиланган муддати деб ҳисобланади.

Лойиҳалаш ташкилотлари лойиҳа-смета ҳужжатларида тайёрлаш муддатларини ажратган ҳолда қурилиш муддати меъёрини кўрсатадилар. Лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилиш муддати меъёри кўрсатилмаган тақдирда, буюртмачи лойиҳалаш ташкилотидан муайян объект бўйича қурилиш муддатининг меъёри тўғрисида хулоса олиниши зарур.

Капитал маблағлар ҳисобига қайта жиҳозладиган объектларда монтаж қилиш талаб қилинадиган ва ўрнатиш учун технологик, энергетик ва ишлаб чиқариш ускуналари бўлган юридик шахслар белгиланган муддатда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғини тўловчилар бўлиб ҳисобланади.

Ўрнатишга режалаштирилган ускуналар қиймати ҳисобланади, улар қаторига монтаж қилишни талаб қиладиган, фақат қисмларини йиғиш ва пойдеворга ёки ус-тунларга, полга, қаватлараро тўсиқларга ва бошқа бино ва иншоотларни кўтариб турувчи конструкцияларга ўрнатилмаган ускуналар ҳамда ускуналарни ҳисобга олиш счётларида ҳисобладиган шундай ускуналарнинг эҳтиёт қис-

млар тўплами (меъёрдаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар қисмида) белгиланган муддатда ўрнатилмаган ускуналар учун солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади. Ушбу ускуналар таркибига ўрнатиладиган ускуналар қаторида монтаж қилиш учун белгиланган назорат-ўлчов аппаратураси ёки бошқа асбоблар ҳам киради.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилишида тасдиқланган қурилиш муддати ва тайёрлаб қўйилган захиралар меъёрига мувофиқ ҳар бир объект бўйича технологик ёки бошқа ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвали белгиланади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвалида қуйидаги муддатларда топшириш назарда тутилади:

- **йирик технология ва энергетика ускуналари** — уларни номма-ном рўйхатлари бўйича монтаж қилиш ва етказиб бериш жадвалларининг режадаги муддати ўтиб кетгандан кейин;

- **технология ускуналари, технология линиялари, қурилмалар ва бошқа умумзавад ускуналари** — ускуналарни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда;

- **комплект импорт ускуналари** — уларни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтиб кетгандан кейин, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, агар техник шарт-шароитларга кўра ускунани қисмлар бўйича монтаж қилиш мумкин бўлмаса, уларни монтажга топшириш муддати ускуналар бутун комплектининг келиб тушиши пайтидан ҳисобланади;

- **қисмларга ажратилган импорт ускуналари, шунингдек кабель маҳсулоглари, симлар ва трослар** — уларни монтажга топширишнинг режадаги муддати ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда;

- **ускуналарни монтаж қилиш ва ўрнатиш учун меъёрлар ва жадваллар бўлмаган ҳолатларда солиқ қуйидаги муддатлардан тўлана бошланади:**

- **ишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган ускуналарнинг ўрнатилмаганлиги учун** — сотиб олинганига бир йиллик муддат тўлганидан кейинги ойдан бошлаб;

- **ноншлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар бўйича** — сотиб олинганига олти ой тугагандан кейин;
- **монтажни талаб қилмайдиган хўжалик инвентарлари ва ускуналари бўйича** — сотиб олинган кундан бошлаб.

Юридик шахслар бюджетга жорий тўловлар суммасини ҳисобот йили мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб мустақил равишда ҳисоблайдилар.

Солиқ тўловчилар томонидан бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 20-кунидан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Бир йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми ойлик солиқ тўлаш миқдори бўлиб ҳисобланади.

Юридик шахслар ўзлари ҳисобдан ўтган давлат солиқ хизмати органларига жорий йилнинг 10 январигача жорий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш учун солиқ тўловчилар мол-мулкнинг тегишли йилга ўртача йиллик қолдиқ қиймати ва белгиланган солиқ ставкаси асосида қуйидаги шаклдаги ҳисоботни тақдим этадилар:

**2005 йилнинг сентябрь ойи бўйича  
мол-мулк солиғи суммасининг  
ҳисоб-китоби**

Т/р	Кўрсаткичлар	Маълумотлар
1	Асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҳисобот даври учун ўртача қолдиқ қиймати, минг сўм	50540,0
2	Солиқ ставкаси, %	3,5
3	Асосий воситалар ва номоддий активлар учун солиқ суммаси, минг сўм (1-сатр × 2-сатр : 100)	1768,9
4	Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	10345,0
5	Солиқ ставкаси, %	7,0
6	Меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун солиқ суммаси, минг сўм (4-сатр × 5-сатр : 100)	795,6

Т/р	Кўрсаткичлар	Маълумотлар
7	Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектларининг ўртача йиллик ҳажми, минг сўм	7584,0
8	Солиқ ставкаси, %	3,5
9	Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объекти учун солиқ суммаси, сўм (7-сатр × 8-сатр : 100)	265,4
10	Солиқнинг умумий суммаси, минг сўм (3-сатр + 6-сатр + 9-сатр)	2829,9
11	Ўтган даврлар учун ҳисобланган солиқ суммаси, минг сўм	2520,2
12	Кўшимча тўланади, минг сўм	309,7
13	Камайтирилади, минг сўм	—

Солиқ тўловчилар мол-мулк солиғи бўйича ҳисоботларига ҳар чорак ва йил якуни билан ҳисобот давридаги мол-мулкнинг ҳақиқий ўртача қолдиқ қийматидан келиб чиқиб, йил бошидан ўсиб бориш тарзида мустақил равишда тузатишлар киритиб борадилар. Якуний ҳисоботлар давлат солиқ хизмати органларига молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган муддатларда тақдим этилади. Солиқ тўловчилар тақдим қилинган ҳисоб-китоблар асосида ҳисобланган мол-мулк солиғи суммасини чорақлик ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатдан беш кун кейин бюджетга ўтказиб беришни таъминлашлари лозим.

Бундан ташқари, солиқ тўловчилар мол-мулкнинг қолдиқ қиймати, имтиёз тақдим этиш муддатини кўрсатган ҳолда корхона мол-мулки ўртача қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби ва солиқ ундирилмайдиган мол-мулк рўйхатини мол-мулк солиғининг ҳисоб-китобига илова қилган ҳолда ҳисоботларни топшириш муддатларида давлат солиқ хизмати идораларига тақдим этадилар.

Маҳсулот экспортини амалга оширадиган экспортчи корхоналар эса давлат солиқ хизмати органларига мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этаётганларида экс-

порт қилинадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)га доир маълумотномани ҳам ҳисоботга қўшиб топширадилар.

Ҳисобот даври учун тақдим этилган якуний ҳисоб-китоблар асосида мол-мулк солиғи бўйича ортиқча тўланган солиқ суммалари аниқланса, агар бошқа солиқ турлари ва йиғимлар бўйича боқиманда қарзлар мавжуд бўлмаса, тўловчининг ёзма аризасига кўра кейинги тўловлар ҳисобига қайд этилади ёки 30 кун муддатда қайтарилиши лозим.

#### **4.3. МОЛ-МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Юқорида мол-мулк тушунчаси, унинг турлари, объект ва субъектлари тўғрисидаги ҳуқуқий меъёрлар, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкни солиққа тортиш объектларини кўриб ўтдик. Бунда амалдаги қонунчиликда мол-мулк объекти жуда кенг қамровли эканлиги маълум бўлди. Солиққа тортиш амалиётида эса мол-мулк солиғи объекти қонунчилик билан белгиланган меъёрлардан бирмунча фарқ қилишини кўрсатмоқда.

Бу фарқларни куйидаги жадвал ёрдамида аниқ кўриш мумкин бўлади (*9-жадвал*):

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ер, ер ости бойликлари, сув ва ҳаво ҳавзалари мол-мулк объекти ҳисобланар экан. Амалиётда мазкур мулклар давлат мулки ҳисобланиб, юридик ва жисмоний шахслар улар учун қонунчиликда белгиланган солиқ ва тўловларни тўлайдилар.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахсларнинг бир гуруҳ мулклари, жумладан қимматли қоғозлари ва бошқа мулклари солиққа тортилмасдан қолмоқда. Натижада мулкнинг тўлиқ ва тўғри ҳисоб-китобини юритиш ва назорат қилиш қоидаси бузилмоқда.

Шунинг учун, фикримизча, жисмоний ва юридик шахслар мол-мулки солиғи объектига қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулкларни киритиш ҳамда ижтимоий одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, улар қийматини со-

**Ўзбекистон Республикаси «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни ва солиқ қонунчилигида меъёрлари бўйича мол-мулк объектларини аниқлаш**

«Мулкчилик тўғрисида»ги қонун бўйича мол-мулк объектлари	Солиқ қонунчилиги бўйича мол-мулк объектлари	Фарқи
<p>Ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, иморатлар ва иншоотлар, маҳсулотлар, турар жой ва квартиралар, ихтиролар, фойдали моделлар, санонат намуналари, интеграл микросхемаларнинг топологияси, селекция ютуқлари, маҳсулот белгилари, асбоб-ускуналар, моддий ва маънавий маданият буюмлари, пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар.</p>	<p>Жисмоний шахсларга қарашли уй-жойлар, квартиралар, чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар, юридик шахсларда асосий воситаларнинг (қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ер бундан мустасно) ва номоддий активларнинг, шунингдек белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектлари.</p>	<p>1. Ер, ер ости бойликлари, ички сув ҳавзалари, ҳаво ҳавзалари — бу мулк объектлари учун алоҳида солиқ турлари мавжуд. 2. Қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар — Солиққа тортилмасдан қолаётган мол-мулклар.</p>

лиққа тортиладиган базадан тўлиқ чегиришни тавсия эта- миз. Яъни, жисмоний шахслар жами йиллик даромадла- рини декларациялашда мол-мулклари қаторига қимматли қоғозлари ва бошқа мол-мулклари тўғрисидаги маълумот- ларни кўрсатиб, кейин уни солиқ базасидан чегиришла- ри лозим деб ҳисоблаймиз. Худди шундай юридик шахс- лар ҳам юқорида таъкидланган маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этадиган ҳисоботла- рига илова қилишлари лозим бўлади.

Бунинг натижасида давлатнинг мол-мулк ҳисобини тўғри юритиш вазифаси аниқ бажарилиши таъминланади.

## **5-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИНГ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

### **5.1. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИНГ ҲИСОБИ**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига кўра, солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар мол-мулк солиғи тўловчилардир.

Юридик шахслар солиққа тортиладиган мол-мулкларига тегишли мол-мулк солиғини амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида ҳисоблаб, ўзлари рўйхатдан ўтган давлат солиқ хизмати органига белгиланган тартибда ва муддатларда ҳисобот топшириб боради.

Давлат ва бюджет ўртасидаги муносабатларни аниқлаштириш мақсадида ҳисобланган ва бюджетга тўланган мол-мулк солиғи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобида белгиланган тартибда ҳисобга олиб борилади.

Бухгалтерия ҳисобининг 21-миллий стандартига асосан хўжалик юритувчи субъектнинг бюджетга ҳисобланган ва тўланган солиқларини ҳисобга олиш учун бир қатор счётлар белгилаб берилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга солиқлар юзасидан бўнак тўловлари 4400-счётда ҳар бир солиқ турлари бўйича ҳисобга олиниши лозим. Мазкур счётда солиқни турлари бўйича ҳисобга олиш белгиланган бўлиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, хўжалик юритувчи субъект ўзининг счётлар режасида ҳар бир солиқ тури учун аниқ счётлар режасини белгилаб олади.

Биз бу счёт бўйича счётлар режасини белгилаб олишни Солиқ кодексига белгиланган солиқ тизими тамойиллари асосида амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки бу ҳолда бюджетга бўнак тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини олиб бориш ихчамлашади.



Шунинг учун мазкур сётни куйидаги тартибда бўлиб олиш тавсия этилади (14-чизма):

4400-Бюджетга бўнак тўловларни ҳисобга олувчи сётлар				
4410- «Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи бўйича бўнак тўловлари»	4411- «Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича бўнак тўловлари»	4412- «ҚҚС бўйича бўнак тўловлари»	4413- «Акциз солиғи бўйича бўнак тўловлари»	4415- «Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ бўйича бўнак тўловлари»
4416- «Экология солиғи бўйича бўнак тўловлари»	4417- «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ бўйича бўнак тўловлари»	4420- «Мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловлари»	4421- «Ер солиғи бўйича бўнак тўловлари»	4422- «Инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича бўнак тўловлар»
4423- «Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлаганлик учун олинадиган солиқ бўйича бўнак тўловлари»	4424- «Савдо-сотиқ ҳуқуқи учун йиғим бўйича бўнак тўловлари»	4425- «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим бўйича бўнак тўловлари»	4426- «Бюджетга бошқа бўнак тўловлари»	

14-чизма. 4400-Бюджетга бўнак тўловларни ҳисобга олувчи сётлар режаси.

Хўжалик юритувчи субъект мол-мулк солиғи бўйича I-чорак учун бюджетга ўз ихтиёри билан 100 минг сўм

бунак тўловлари ўтказиб берган. Мазкур молиявий жараёнга тавсия этилаётган счётлар режасига мувофиқ қуйидаги бухгалтерия ёзуви қайд этилади:

**Дебет 4420-«Мол-мулк солиғи бўйича бунак тўловлари» счёти 100000 сўм**

**Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти 100000 сўм**

Давлат солиқ хизмати органига 1-чорак учун мол-мулк солиғи бўйича ҳисоб-китоблар тақдим этилгандан сўнг солиқ тури бўйича жорий йил январь ойида бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ миқдори 120 минг сўмни ташкил этди. Бу молиявий жараёнга қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қайд этилади:

**Дебет 9400-«Давр харажатларини ҳисобга олувчи» счётлар 120000 сўм**

**Кредит 6420-«Мол-мулк солиғи бўйича бюджетга қарз» счёти 120000 сўм**

Бюджетга тўланган 100 минг сўм бунак тўлови бюджетга мол-мулк солиғи бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётга қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали ўтказилади:

**Дебет 6420-«Мол-мулк солиғи бўйича бюджетга қарз» счёти 100000 сўм**

**Кредит 4420-«Мол-мулк солиғи бўйича бунак тўловлари» счёти 100000 сўм**

Корхона томонидан бюджетга тўланиши лозим бўлган қарз суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви қайд этилади:

**Дебет 6420-«Мол-мулк солиғи бўйича бюджетга қарз» счёти 100000 сўм**

**Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти 100000 сўм**

## **5.2. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

Юқорида юридик ва жисмоний шахслардан бюджетга ундириладиган мол-мулк солиғи, унинг моҳияти, иқти-

содий чегараси, солиқ объекти ва субъектлари, солиқларни ҳисоблаш ҳамда бюджетга ундириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғлиқ муносабатлар тўғрисида сўз юритдик.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз солиқ тизими ва уни шакллантириш ҳамда солиқ юкни мутаносиблаштириш борасида ҳуклатимиз томонидан одилона солиқ сиёсати юритилмоқда.

Лекин таъкидлашимиз жоизки, мутасадди идоралар, олимлар томонидан солиқларнинг ҳўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар молиявий ҳолатига таъсирини таҳлил қилиш орқали уни янада оптималлаштириш масалалари ҳамон етарли даражада ўрганилган эмас.

Шунингдек, мол-мулк солиғи ва унинг юридик шахслар молиявий ҳолатига таъсирини, мол-мулк солиғи миқдорига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш усуллари ҳанузгача тўлиқ ишлаб чиқилмаган, уларнинг таъсири аниқланиб, тегишли баҳо берилмаган. Шу тўғрисида бу борада анча камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу мазкур бўлимда мол-мулк солиғи таҳлилини кўриб чиқишни тақозо қилмоқда.

Мол-мулк солиғининг объекти юридик ва жисмоний шахслар тасарруфидаги солиқ солинадиган мол-мулк қиймати ҳисобланади. Шу сабабли мол-мулк солиғига таъсир этувчи омиллар бўлиб биринчи ўринда:

- солиқ солинадиган мол-мулк қиймати ( $M_{mc}$ );
- мол-мулк учун олинадиган солиқ ставкалари ( $C_T$ ) ҳисобланади.

Демак, натижа, яъни ҳисобланадиган мол-мулк солиғи суммасига ( $C$ ) тўғридан-тўғри таъсир этувчи юқоридаги омиллар ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$C = M_{mc} \times C_T.$$

Буни қайта ҳисоблаш йўли билан аниқлайдиган бўлсак, олдин натижани, яъни солиқ суммасининг қайта ҳисобланган ҳажмини аниқлаб олиш зарур. Бу кўрсаткич қуйидагича ифодаланади:

$$C^{xx} = M_{mc}^x \times C_T^p;$$

бунда:

$C^{кx}$  — қайта ҳисобланган мол-мулк солиғи суммаси;

$M_{мс}^x$  — солиққа тортиладиган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати;

$C_{т}^p$  — солиқ ставкасининг ўтган даврдаги миқдори.

Ушбу формулалар ёрдамида натижага алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин.

Солиқ суммасига биринчи омил, яъни солиққа тортиладиган мол-мулк қийматининг таъсирини ( $\Delta C_{mmc}$ ) аниқлаш учун натижанинг қайта ҳисобланган миқдоридан ( $C^{кx}$ ) режадаги миқдори ( $C^p$ ) айрилади.

$$\Delta C_{mmc} = C^{кx} - C^p = (M_{мс}^x \times C_{т}^p) - (M_{мс}^p \times C_{т}^p).$$

Натижага иккинчи омил, яъни мол-мулк солиғи суммасининг миқдорига солиқ ставкасининг таъсирини ( $\Delta C_{ст}$ ) аниқлаш учун натижанинг ҳақиқий миқдоридан ( $C_c^x$ ) қайта ҳисобланган ( $C^{кx}$ ) миқдори айрилади.

$$\Delta C_{ст} = C^x - C^{кx} = (M_{мс}^x \times C_{т}^x) - (M_{мс}^x \times C_{т}^p).$$

Ана шу иккала омил таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг бўлиши лозим. Бунинг учун қуйидаги формулани келтириш мумкин:

$$\Delta C_{mmc} = \Delta C_{mmc} + \Delta C_{ст}.$$

Ушбу формулаларни амалиётда қўллаш, ундаги ҳолатни яхшилаш учун асосий дастак бўлиб ҳисобланади, чунки солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий аҳволини яхшилаган тақдирдагина солиқ суммасининг кўпайишига эришилади.

Энди мол-мулк солиғи суммасига алоҳида омиллар таъсирини қайта ҳисоблаш йўли билан аниқлашни кўриб чиқамиз. Бунинг учун қуйидаги жадвалдан фойдаланишни тавсия қиламиз (*10-жадвал*).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мол-мулкдан олинадиган солиқ суммаси таҳлил қилинаётган объектда ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 15 657,6 минг сўмга кўпайган. Бу миқдор ушбу жадвалда келтирилган икки омил эвазига содир бўлган.

**Биринчи омил** — солиққа тортиладиган мулкнинг қий-

**«Янгиқўрғон» акциядорлик жамиятида 2005 йил учун мол-мулк солиғи суммасининг ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини қайта ҳисоблаш йўли билан аниқлаш**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Қайта ҳисобланган	Фарқи (+; -)		
				жами (+)	мол-мулк суммаси эвазига	солиқ ставкаси эвазига
Солиққа тортиладиган мол-мулк қиймати, минг сўм	45749,2	552416,1	552416,1	506666,9	+10133,4	0
Солиқ ставкаси, %	2	3	2	+1	0	+5524,2
Солиқ суммаси, минг сўм	914,9	16572,5	11048,3	+15657,6	+10133,4	+5524,2

Манба: «Янгиқўрғон» акциядорлик жамиятининг молиявий натижалари, солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ва меъёрий ҳужжатлар.

мати 506 666,9 минг сўмга кўпайган. Бу мол-мулк қийматини индексация қилиш натижасида амалга оширилган. Ушбу ҳолат солиқ суммасини 10 133,4 минг сўмга кўпайтириш (11 048,3 – 914,9) имконини берган.

**Иккинчи омил** — таҳлил қилинаётган даврда солиқ ставкаси ҳам ўтган йилга нисбатан бир фоизга ошган. Бу омил таъсирида солиқ суммаси 5 524,2 минг сўмга (16 572,5 – 11 048,3) ошган.

Шу икки омил таъсири волиқ суммасининг умумий ўзгаришига тенг.

$$10\ 133,4 + 5\ 524,2 = +15\ 657,6 \text{ минг сўм.}$$

Юқорида кўриб ўтдикки, мол-мулк солиғи суммаси ( $Y$ ) ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилар экан. Буларга мол-мулкнинг умумий суммаси ( $x_1$ ), солиққа тортиладиган мол-мулкнинг умумий қийматдаги ҳиссаси ( $x_2$ ) ва ушбу солиқ бўйича белгиланган ставка ( $x_3$ ) киради. Булар ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$Y = \sum_{i=1}^3 x_i = x_1 \times x_2 \times x_3.$$

Ушбу формулага индекс усулини қўллаб, натижага омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин бўлади.

Биринчи омил бўйича мол-мулк солиғи суммасининг мол-мулкнинг умумий суммаси ўзгариши таъсирида ўзгарган қисмини аниқлаш учун ( $\Delta Y_{x_1}$ ) режадаги натижанинг биринчи омилнинг индивидуал индекси билан ўзгаришини ҳисоблаб ( $Y^p \times I_{x_1}$ ), чиққан миқдордан натижанинг режадаги миқдори ( $Y^p$ ) айрилади.

$$\Delta Y_{x_1} = (Y^p \times I_{x_1}) - Y^p.$$

Иккинчи омил — мол-мулк солиғи суммасига солиққа тортиладиган мол-мулкнинг умумий суммадаги ҳиссаси ўзгаришининг таъсири ( $\Delta Y_{x_2}$ ) режадаги натижани иккита кетма-кет омилнинг индивидуал индекси билан қайта ҳисоблаш орқали аниқланади ( $Y^p \times I_{x_1} \times I_{x_2}$ ) ва шу миқдордан биринчи омил таъсири билан қайта ҳисобланган натижанинг миқдори ( $Y^p \times I_{x_1}$ ) айрилади.

$$\Delta Y_{x_2} = (Y^p \times I_{x_1} \times I_{x_2}) - (Y^p \times I_{x_1}).$$

Учинчи омил — юқорида таъкидлаганимиздек, мол-мулк солиғи суммаси бевосита солиқ ставкаси ўзгаришига боғлиқ. Ушбу омилнинг натижага таъсирини ( $\Delta Y_{x3}$ ) аниқлаш учун мол-мулк солиғининг ҳақиқий миқдоридан ( $Y^x$ ) ўзидан олдинги икки омил индивидуал индекси билан қайта ҳисобланган миқдорини ( $Y^p \times I_{x1} \times I_{x2}$ ) айириш лозим бўлади.

$$\Delta Y_{x3} = Y^x - (Y^p \times I_{x1} \times I_{x2}).$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлади. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta Y = \Delta Y_{x1} \pm \Delta Y_{x2} \pm \Delta Y_{x3}.$$

Таъкидланганидек, аниқланган учта омилнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши керак.

Энди омиллар таъсири аниқлангач, солиқ суммасини корхона фаолиятига салбий таъсир қилмаган ҳолда кўпайтириш йўллариини белгилаш мумкин бўлади. Агар мол-мулкнинг умумий қиймати камайса, албатта солиқ суммаси камаяди. Таҳлил қилувчи мутахассис бу ҳолни синчиклаб ўрганиб кўриши лозим. Мол-мулк қийматининг камайиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бунинг сабабларини аниқлаш ўта муҳимдир, чунки мол-мулк қийматининг камайиши моддий бойликларнинг камайишидир, шу туфайли бунга йўл қўйиб бўлмайди. Бу масала албатта давлат солиқ хизмати органларининг назоратида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Амалиётда шундай ҳоллар ҳам учрайдики, мол-мулк корхона ҳисобида бўла туриб, улардан самарасиз фойдаланилади. Бу, албатта, корхона учун ҳам, жамият учун ҳам салбий ҳолдир. Барча мол-мулкдан ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўта самарали фойдаланишни таъминлаши лозим. Унда маҳсулот ҳам, самара ҳам, солиқ ҳам кўп бўлади. Бу жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан юксалиш омилларидан биридир.

Ушбу назарий тавсияларга амалий маълумотларни қўллаб, унинг амалиётда қўлланишини кўриш мумкин. Бунинг учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш тавсия қилинади (*II-жадвал*):

**«Янгиқўрғон» акциядорлик жамияти 2005 йил  
учун мол-мулкдан олинадиган солиқ суммасига  
алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш учун  
асосий кўрсаткичларни аниқлаш**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+: -)	Ўсиш суръати, индексда
1. Корхона жами мол-мулкининг қиймати, минг сўм	55148,2	660907,9	+605759,7	11,9
2. Корхонанинг солиққа тортиладиган мол-мулки қиймати, минг сўм	45749,2	552416,1	+506666,9	12,1
3. Солиққа тортиладиган мол-мулкнинг умумий суммасидаги ҳиссаси, %, (2 × 100 : 1)	82,9	83,6	+0,7	1,01
4. Солиқ ставкаси, фоиз	2,0	3,0	+1,0	1,5
5. Мол-мулкдан олинадиган солиқ суммаси, минг сўм	914,9	16572,5	+15657,6	18,1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мол-мулк солиғи суммаси бир йилда 15657,6 минг сўмга ёки 18,1 мартага кўпайган. Солиқ суммасининг ошишига ўз навбатида бир қанча омиллар таъсир этган.

**Биринчидан**, корхона мол-мулкининг жами қиймати ўтган йилга нисбатан 11,9 мартага ошган, бу эса солиқ суммасининг **9 972,4 минг сўмга [(9 14,9 × 11,9) – 914,9]** ошишига сабаб бўлган.

**Иккинчидан**, корхонанинг жами мол-мулкдан солиққа тортиладиган мол-мулк қийматининг ҳиссаси ўтган йилга нисбатан 1,01 мартага ошган. Бу ўзгариш эса 2003 йил учун солиқ суммасининг **108,8 минг сўмга [(914,9 × 11,9 × 1,01) – (914,9 × 11,9)]** ёшишига сабаб бўлган.



**Учинчидан**, жорий йилда мол-мулк солиғи ставкаси ўтган йилга нисбатан 1,5 мартага ошган. Бу омил ҳам ўз навбатида солиқ суммасининг ошишига олиб келади. Солиқ ставкасининг ошиши эвазига мол-мулк солиғи суммаси **5576,4** минг сўмга **[16572,5 – (914,9 × 11,9 × 1,01)]** кўпайган.

Барча омиллар таъсири натижанинг, яъни мол-мулк солиғининг умумий фарқига тенг бўлади:

**Индексда:**  $11,9 \times 1,01 \times 1,5 = 18,1$ .

**Суммада:**  $9972,4 + 108,8 + 5576,4 = +15657,6$  минг сўм.

Ҳисоб-китоблардан кўришиб турибдики, солиқ суммасининг ошиши ёки камайишига турли омиллар таъсир қилар экан. Ушбу ҳисоб-китоблар омилларнинг таъсири-ни, назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган тавсияларнинг тўғрилигини кўрсатади.

Ушбу тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши солиқ тизимини такомиллаштириш, давлат бюджетига тушадиган солиқ тушумларини корхона фаолиятига салбий таъсир қилмасдан кўпайтириш йўлларини ишлаб чиқиш имконини беради.

## **6-боб. ЕР СОЛИҒИНИНГ МАЗМУНИ, ҲИСОБЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **6.1. ЕР СОЛИҒИНИНГ МАЗМУНИ, ОБЪЕКТИ, СУБЪЕКТЛАРИ, СОЛИҚНИ ҲИСОБЛАШ ВА БЮДЖЕТГА ЎТКАЗИШ ЙЎЛЛАРИ**

Бозор муносабатлари шароити давлат ўз сиёсатини иқтисодий механизмларни қўллаган ҳолда амалга ошириши зарурлигини тақозо этади. Бу маълум даражада солиқ тизимида ўз ифодасини топади. Давлат солиқ воситаси орқали иқтисодиётдаги маълум мувозанатларни сақлаб туриши ва уни тартибга солиб бориши лозим. Шу туфайли бозор муносабатлари шароитида солиқ сиёсати энг муҳим иқтисодий механизмлардан бирига айланмоқда.

Солиқлар давлатнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар даромадлари, даромад манбалари ҳамда мол-мулк қонун билан белгиланган бир қисмининг давлат бюджетига мажбурий ажратилишидир. Қисқа қилиб айтганда, солиқлар фақат бюджетга тушадиган мажбурий тўлов бўлиб, давлат билан солиқ тўловчилар ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий демократик тақсимлаш муносабатларидир.

Солиққа тортиш механизми орқали иқтисодиётни бошқариш ва назорат қилиш замонавий молиявий бошқаришнинг энг етакчи усулларидан бири бўлиб қолди. Солиқ тизими, қолаверса, давлатнинг барча турдаги молиявий ресурсларини шакллантиришда етакчилик қилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётини бошқаришнинг энг самарали шакли кредит ва пул воситалари билан биргаликда солиқлар орқали бошқарилишидир. Солиқлар ҳозирги тараққий этган мамлакатларда ҳам давлат даромадларининг асосий шакли ҳисобланади.

Солиқ тизимини шакллантириш ва уни такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган

туб иқтисодий ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бюджет даромадларини тўлиқ ва ўз вақтида сафарбар қилиш билан бирга солиқ тизими ишлаб чиқариш ва истеъмолга ўз таъсирини ўтказиши, солиққа тортиш тизимининг ўзгарувчан ва ҳаракатчанлигини таъминлаши муҳимдир. Мана шу ўринда айнан солиқнинг фискал моҳияти ва унинг иқтисодий жараёнларни рағбатлантириш воситаси сифатидаги вазифалари ўртасидаги мувозанат қирраларини белгилаб олиш зарур бўлади. Чунки бу мувозанатнинг бузилиши иқтисодиётни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай солиқ тури моҳиятини очишда, энг аввало, уларнинг мажбурий тўловлар эканлигини инобатга олиш жоиздир. Лекин, бунда солиқларнинг мажбурий миқдорлари ҳуқуқий-демократик меъёрлар асосида Олий Мажлис томонидан киритилиши ҳам назарда тутилиши лозим. Солиқлар мажбурийлик билан бир қаторда демократик тўлов ҳам ҳисобланади. Чунки бозор муносабатлари шароитида турли мулк шаклидаги корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалардан ва аҳолидан уларнинг мулкани тўғридан-тўғри солиқсиз мажбурий тўлов қилиб ола олмайди. Бунинг учун, юқорида таъкидланганидек, солиқ турлари ва ставкалари қонунчилик ҳокимияти ёки у ваколат берган ижро ҳокимияти томонидан тасдиқлаб берилиши зарур. Демак, солиқлар бозор иқтисодиётининг таркибий қисми, унинг иқтисодий қонунлар талаби билан демократик асосда амалга ошириладиган ҳуқуқий муносабатларини ифодалайди.

Мамлакатимизда чоп этилаётган солиққа оид ўқув қўлланма, дарслик ва меъёрий ҳужжатларда солиқ турлари тўғрисидаги тушунчага таъриф берилмаган. Барча чоп этилаётган асарларда фақат солиқ тушунчасига таъриф бериш билан чегараланилади. Фикримизча, ҳар бир солиқ тури нафақат фискал мақсадларни эмас, балки маълум бир мақсадлар гуркумини кўзлаб жорий этилади. Шунинг учун ҳар бир солиқ тури ўз мазмунига эга бўлиши, бунинг учун эса ҳар бир солиқ турининг таърифи бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Солиқ турига берилган таъриф демократик тамойиллар асосида белгиланган қонуний мажбурий тўловлигидан ташқари, унинг мақсадлар туркумини ҳам ўзида мужассамлаштириши лозимдир.

Ҳатто Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида ҳам солиқлар тушунчасига таъриф берилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ер солиғи тушунчасига қуйидаги таъриф берилса мақсадга мувофиқ бўлади:

**Ер солиғи — ердан самарали фойдаланиш, тупроқ унмдорлигини ошириш, ерни ўзлаштириш ва қўриқлашни рағбатлантириш ҳамда турли шароитда ердан фойдаланувчиларнинг иқтисодий аҳволини тенглаштиришни кўзда тутиб, ердан фойдаланувчилар томонидан бюджетга тўланадиган мажбурий тўлов туридир.**

Мазкур таърифда ер солиғи жорий этилишидан кўзланган мақсадлар нафақат бюджетга маблағ йиғиш, балки ердан самарали фойдаланиш, тупроқ унмдорлигини ошириш, ерни ўзлаштириш ва унинг қўриқланишини давлат томонидан рағбатлантириш омили эканлиги муҳим бўлган деб ўйлаймиз.


Ер солиғининг иқтисодий чегараси бу — солиқ турининг ҳар бир зона бўйича ставкалар белгиланишидир. Ушбу белгиланган ставкалардан ортиқ ёки кам ставкада солиқ ҳисоблаш ва ундириш ноқонуний ҳаракат бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ер солиғини ҳисоблаш ва ундириш бўйича ҳуқуқий асос бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 октябрдаги 539-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 19 февралда 1118-1 ва 5 мартда 1102-рақамлар билан рўйхатга олинган «Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ишлаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 96-моддасига кўра ўз мулкда, эгаллигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи тўловчилари ҳисобланади. Демак, амалдаги қонунчилик меъёрларига асосан ҳам жисмоний шахслар, ҳам юридик шахслар ер солиғи субъектлари бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига му-

вофиқ ер солиғи тўловчи субъектларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин. **Биринчи гуруҳ** — ер солиғи тўловчи юридик шахслар, **иккинчи гуруҳ** — ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи юридик шахслар, **учинчи гуруҳ** — ер солиғи тўловчи жисмоний шахслар. Бу солиқ тўловчи субъектларни схема ёрдамида қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин (*15-чизма*):



*15-чизма.* Ер солиғи тўловчи субъектлар.

Бунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган юридик шахслардан ташқари барча юридик шахслар бошқа солиқ турлари билан бирга ер солиғини ҳам тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи юридик шахслар эса:

- даромад (фойда) солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- экология солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ер солиғи;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;

- мол-мулк солиғи;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига бюджетга ягона ер солиғи тўлайдилар.

Ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар деганда қишлоқ хўжалиғи ширкатлари (кооперативлари), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар тушунилади. Таъкидланган юридик шахслар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бир қаторда, бошқа хўжалик фаолияти билан шугулланишидан қатъий назар, ягона ер солиғи тўловчилар ҳисобланадилар. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар деганда шакли ва ихтисослашувига кўра кўп сонли юридик шахс ҳуқуқига эга хўжаликлар, акциядорлик, фермерлик ва ширкат хўжаликлари уюшмалари, паррандачилик, турли тизимдаги бўрдоқчилик хўжаликлари, инакчилик ва асаларичилик хўжаликлари ҳамда юридик шахс бўлган ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари тушунилади.

Амалдаги солиқ қонунчилиғига мувофиқ, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ўз ихтиёрларига кўра давлат солиқ хизмати органларидан ягона ер солиғи тўловчиси ёки кичик корхоналар учун ўрнатилган ягона солиқ тўловчиси ёки умумий тартибдаги солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жисмоний шахслар ҳам ер солиғи тўловчилардир. Лекин, шуни эътиборга олиш лозимки, барча жисмоний шахслар ер солиғи тўловчилар ҳисобланмайдилар. Баяки фақат ўз мулкида, эғалиғида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахсларгина белгиланган ставкаларда бюджетга ер солиғи тўловчилар бўлади.

Юқорида кўрсатилган гуруҳ ер солиғи тўловчилар учун қонунчиликда солиқ объектлари ҳам турлича белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 97-моддасига кўра юридик шахсларнинг:

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;
- қишлоқ ёки ўрмон хўжалиғини юритиш учун эғалик қилишга берилган ер участкалари;

- **корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ёки қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилган ер участкалари;**

- **корхоналар, бинолар ёки иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтиши билан бирга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари ер солиғи объектлари бўлиб ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 22 январда 1102-1-рақам билан рўйхатдан ўтган «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага кўра, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи юридик шахслар учун:

- **қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш берилган;**

- **қишлоқ хўжалигини юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси майдони ягона ер солиғи солиш объекти ҳисобланади.**

Ягона ер солиғини тўлаш бўйича тартиб:

- **ўрмончилик, балиқчилик, овчилик хўжаликларига;**
- **мустақил юридик шахс бўлмаган ёрдамчи қишлоқ хўжаликларига;**

- **деҳқон хўжаликларига нисбатан татбиқ этилмайди.**

2004 йил 1 январидан бошлаб Самарқанд, Андижон, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро ва Тошкент вилоятларида ерларга белгиланган норматив қийматини ер солиғи объекти қилиш амалиёти босқичма-босқич жорий этилиб келинмоқда. Ернинг норматив қиймати ҳар бир хўжалик бўйича Давлат ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастр қўмитаси томонидан аниқланиб, ҳар бир солиқ тўловчига 2004 йил 1 апрелигача стазилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 98-моддасига мувофиқ жисмоний шахслар учун:

- **турар жойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;**

- **якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;**

- **жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва поллизчилигини юритиш учун берилган ер участкалари;**

- хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлар;
- мерос бўйича, ҳады қилиниши ёки сотиб олинishi натижасида уй-жой, дала ҳовли билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;
- тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари ер солиғи объектлари бўлиб ҳисобланади.

Солиқ кодексининг 99-моддасига кўра ер солиғи бўйича ставкаларни белгилаш ваколати ижро ҳоқимияти — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига берилган. Солиқ ставкаларидан ташқари Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солиғининг базавий ставкалари, маъмурий туманлар ва шаҳарлар бўйича суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ягона ер солиғининг базавий ставкалари, шунингдек ягона ер солиғининг базавий ставкаларига тузатиш коэффициентларини ҳам тасдиқлайди.

Ер солиғи бўйича солиқ ставкаси ўзгарувчан характерга эга бўлиб ҳисобланади. Чунки, Солиқ кодекси қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда ер солиғи ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилишини ҳам назарга тутди.

Худди шунингдек, солиқ қонунчилиги шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларга нисбатан икки баравар ортиқ ставкада, жисмоний шахслар томонидан уларга берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланилмаган тақдирда, улардан ер солиғи суммасини белгиланган ставканинг уч баравари миқдорида ҳисоблаб ундириш меъёрларини белгилайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғи ставкасини белгилашда солиқ солинадиган қишлоқ хўжалиги ер майдонлари, ер участкала-




рининг жойлашиши, тупроқ бонитети ва ер мулкининг бошқа тавсифлари, ер кадастри маълумотлари инobatта олинади.

## 6.2. ЕР СОЛИҒИ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ИМТИЁЗЛАР ВА УЛАРНИНГ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Мамлакатимизда солиққа тортишнинг жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, солиқ тўловчиларга қарийб барча солиқ турларидан бир қатор имтиёзлар берилиб келинмоқда. Бу тажриба ер солиғи бўйича ҳам кенг қўлланилмоқда. Юқорида мамлакатимизда юридик шахслар томонидан икки турдаги ер солиғи ва ягона ер солиғи тўлаш амалиёти қонунчилик билан белгиланганлигини кўриб ўтдик. Ер солиғи бўйича амалдаги қонунларга мувофиқ берилган имтиёзларни икки турга бўлиш мумкин. Булар, биринчидан, **солиқ тўловчи юридик шахсларга**; иккинчидан, **солиққа тортишдан озод қилинган ер участкаларига** берилган имтиёзлардир.

Ер солиғи бўйича солиқ тўловчиларга нисбатан берилган имтиёзларни қуйидагича ифодалаш мумкин бўлади (16-чизма):



16-чизма. Ер солиғи бўйича берилган имтиёзлар таснифи.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 101-моддасига мувофиқ қуйидаги ер участкаларига солиқ солинмайди:

- шаҳарлар, шаҳар қўرғонлари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари, яъни майдонлар, кўчалар, йўллар, суғориш тизимлари, маданий-маиший ва дам олиш учун фойдаланадиган ерлар ва бошқа шу каби умум эҳтиёжи учун фойдаланиладиган ер участкалари;

- жамоа боғдорчилик, узумчилик, полизчилик, гаражлари учун ажратилган умумий фойдаланишдаги ерлар, улар йўллари, суғориш тизими ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар;

- табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда махсус мақсадлар учун берилган, ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

- тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;

- сув фонди ерлари;

- электр узатиш линиялари, подстанциялар, умумдават алоқа линиялари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

- темир йўлларнинг умумий тармоғи ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

- умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари;

- спорт объектлари ва уларга ажратилган ерлар, зоналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-маншқ базалари эгаллаган ерлар;

- магистрал сув қувурлари, магистрал канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, шунингдек сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар эгаллаган ерлар;

- магистрал газ ва нефть қувурлари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

- магистрал иссиқлик трассалари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

- самолётларнинг учиб-қўниш майдонлари, шу жум-

ладан уларни ерда бошқариш йўлқалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш усқуналари жойлашган ерлар;

- Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар;

- гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

- илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари;

- янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар (лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга);

- захирадаги ерлар;

- рекреацион аҳамиятга молик ерлар;

- соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар;

- якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида берилган ерлар — ер участкалари берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

- қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотларининг ўрмонлар ва ихотазорлар, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари, шунингдек спорт иншоотлари эгаллаган ерлари;

- қишлоқ хўжалик корхоналарининг янги ўтқазилган боғ ва узумзорлари — улар мева қилиш даврига киришигача, кўчатзорлар — қонунчиликда белгиланган муддатгача;

- солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар эгаллаган ерлар.

Юқорида таъкидланган ер солиғи бўйича берилган имтиёзларни ҳам мақсадли ва муддатли имтиёзларга бўлиш мумкин. Чунки бунда берилган баъзи имтиёзлар доимий характерга эга бўлса, баъзилари маълум муддатларга берилганлиги билан характерланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 102-моддасига мувофиқ қуйидаги юридик шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

- тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, ер участкаларидан тadbиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганларидан ташқари;

- ижтимоий-хайрия ёки таъсис ҳужжатларида қайд этилганидек, тadbиркорлик фаолиятдан даромад олишни назарда тутмайдиган, бошқа мақсадлар учун барпо этилган юридик шахслар;

- молиявий ва бошқа маблағларни мазкур ташкилот ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари йўлида тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиган юридик шахслар;

- маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, қайси идорага бўйсунганидан қатъи назар, улар зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун ажратилган ер участкалари учун;

- маориф муассасалари;

- соғлиқни сақлаш муассасалари;

- меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари;

- деҳқон хўжаликлари — давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

- ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» уюшмаси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камидан эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно).

Жисмоний шахсларга тааллуқли ер участкаларини ҳам ер солиғига тортишда имтиёзлар мавжуд. Солиқ кодексига мувофиқ қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғи тўлашдан озод қилинган:

- яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

- «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахс-

лар, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қағнашчилари;

- хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган кўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

- ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари — хизмат муддатига. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар учун уларни чақириш санаси туман ва шаҳар ҳокимиятларининг мудофаа ишлари бўлимлари маълумотларига кўра қабул қилинади. Хизматдан қайтган фуқаронинг мудофаа ишлари бўлими томонидан ҳисобга қўйилган куни ҳарбий хизматнинг тугаш санаси деб қабул қилинади. Муқобил хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга мазкур кичик банд томонидан белгиланган имтиёзлар татбиқ этилмайди;

- I ва II гуруҳ ногиронлари;

- ёлғиз пенсионерлар;

- боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар;

- концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

- кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича — ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилга;

- илгари шахсий пенсия тайинланган шахслар.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг имтиёзга эга бўлган (ер солиғи тўланмайдиган) ер участкаларининг майдонлари солиқ тўловчилар томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларга биноан аниқланади.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган имтиёз ҳуқуқи ер солиғини тўлашдан озод этилган шахслар яшайдиган ва биргаликда ҳўжалик юритадиган бутун оиллага нисбатан татбиқ этилади.

Солиқ солиш мақсадида нотижорат ташкилотлари бўлиб:

- фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молия-

ланадиган, харажатларни қоплашга бюджетдан тасдиқланган сметалар доирасида дотация оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

• хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва жамғармалари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар ҳисобланади.

Жисмоний ва юридик шахсларга берилган ер солиғи бўйича имтиёзларни муддатли ва мақсадли имтиёзларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Чунки юқорида таъкидланган муддатли имтиёзлар солиқ тўловчиларга маълум шартлар асосида берилади. Агарда солиқ тўловчилар томонидан ушбу шартлар бажарилмаса, имтиёзли даврда берилган имтиёзли солиқ суммалари ҳам бюджетга белгиланган тартибда ундириб олинади.

Масалан, солиқ қонунчилигига мувофиқ янги тут кўчатлари ўтказилган ер участкалари 3 йил муддатга солиқ тўлашдан озод қилинади. Агар солиқ тўловчи томонидан солиқ солинмайдиган ер участкасидан мақсадга кўра фойдаланилмаса, ушбу майдон учун ер солиғи имтиёз қўлланган давр учун ҳам белгиланган тартибда ундирилади. Бундай ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларни парваришlash учун фойдаланилса, солиқ қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади.

Доимий характердаги имтиёзлар эса маълум категория ер участкаларига берилганлиги сабабли бу турдаги имтиёзда шартлар бўлмайди. Масалан, амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгалланган ерлар солиққа тортиладиган объект ҳисобланмайди. Бу турдаги ер ва ер участкаларидан, қанча муддат ўтишидан қатъий назар, имтиёз қўлланган давр учун солиқ ундирилмайди.

Ер солиғи тўловчи юридик шахслар ҳар йили 1 январь ҳолатига ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкалари учун мустақил равишда ер солиғи миқдори-

ни белгиланган ставка ва тузатиш коэффициентлари асосида ҳисоблаб чиқариб, ер участкаси жойлашган ҳудуддаги давлат солиқ хизмати органига қуйидаги шакллардаги ҳисоб-китобларни жорий йилнинг 1 февралига қадар тақдим этишлари лозим. Бунда ерлар миқдори тегишли давлат органлари ҳужжатлари асосида, қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга ерлар эса ер тузиш хизмати органлари маълумотлари ва бошқа ўрнатилган тартиблар бўйича асослантирилган бўлиши зарур.

Ер солиғи тўловчи юридик шахслар қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлмаган ерлар учун қуйидаги шаклдаги ҳисоботни топширадилар (1-илова).

Ҳисоботнинг биринчи қатори, биринчи устунда солиқ тўловчининг мулки, эгаллиги ёки фойдаланишидаги ер участкалари жойлашган манзил, иккинчи устунда унинг ўлчов бирлиги ва учинчи устунда ер участкасининг ҳажми мазкур ерларга мулк, эгаллик ёки фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларга мувофиқ тўлдирилади. Ер солиғи суммасини ҳисоблаб чиқишда ер участкасининг жойлашган жойи муҳим ҳисобланади. Чунки, биринчидан, солиқ ставкалари ер участкаси жойлашган манзилларга боғлиқдир, иккинчидан эса, солиқ суммаси тўланадиган маҳаллий бюджетни аниқлаш учун бу қатор маълумотлари муҳимдир.

Ҳисоботнинг иккинчи қаторида ҳақиқатда фойдаланишдаги ер участкасининг умумий майдони миқдори кўрсатилади. Амалиётда солиқ тўловчига ажратилган ва унинг фойдаланишидаги ерлар миқдори турли бўлиб чиқиши ҳоллари кўплаб учраб туради. Шунинг учун бу қатор маълумотлари солиқни ҳисоблаб чиқиш учун асос ҳисобланади. Ҳисоботнинг кейинги қаторлари биринчи ва иккинчи қатор маълумотлари асосида ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади. Солиқ тўловчи томонидан аниқланган солиқ суммаси тенг равишда тўрт қисмга бўлиниб, ҳисоботнинг еттинчи қаторида акс эттирилади.

Қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ерлар учун ер солиғини тўловчи юридик шахслар ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларни мустақил равишда ҳисоблаб белгиланган муддатларда давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги шаклда топширадилар (2-илова).

Бўшатиб олинаётган маблағлардан муайян мақсадлар

учун фойдаланиш шарти билан, яъни мақсадли имтиёзлар олган юридик шахслар ҳам солиқ тўловчилар категорияси учун белгиланган шакл ва муддатларда ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига топшириб борадилар.

Ҳисоботда ер участкаларининг умумий майдонлари тўғрисидаги маълумотлар ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ёки ерларни инвентаризациялаш далолатномалари асосида тўлдирилиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги аҳамиятига молик ер мулклари майдонлари, улар сифатининг ҳолати ер кадастри ҳужжатларига мувофиқ инobatга олинади, бунда улардаги маълумотлар ерлардан ҳақиқатда фойдаланиш маълумотларига мувофиқ келиши муҳимдир.

Юридик шахс ҳисобланган деҳқон хўжаликлари ҳисобланган ер солиғи умумий суммасининг 95 фоизини бюджетга, 5 фоизини Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар. Шу сабабли ҳисоб-китобларда жамғармага тўланадиган сумма алоҳида қаторда акс эттирилади.

Ҳисобот йили даврида юридик шахсларнинг ер участкаларига мулк, эгалик ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи йўқолган (бекор бўлган) ёки уларда шундай ҳуқуқлар вужудга келган бўлса, шунингдек улар фойдаланаётган ер майдони кенгайган (камайган) ёки ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари тугаган, тўхтатиб қўйилган (пайдо бўлган) ҳолларда солиқ тўловчилар ер участкаси ажратилган (олиб қўйилган) ёки имтиёзлар тугаган, тўхтатилган (пайдо бўлган) кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органларига ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларни қайта ҳисоблаб топширишлари шарт ҳисобланади.

Ҳисобот йили давомида ер мулклари таркибида ўзгаришлар юз берган юридик шахслар давлат солиқ органларига ҳисобот йилининг 1 ноябрига қадар ер солиғининг қайта ҳисобланган ҳисоб-китобини тақдим этишлари зарур.

Ижарага олинган ерлар учун юридик шахслар ер солиғи ўрнига Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан белгиланган миқдорларда бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар.



Томонларнинг келишувига биноан ижара ҳақи бирдан-уч солиқ ставкаси миқдоригача белгиланади. Ижара тўловлари бўйича ҳисоб-китоблар тузиш, ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш ва бюджет билан ҳисоблашишлар ер солиғини тўлаш бўйича ўрнатилган тартибларда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари, юридик шахслар ҳисобланган ер солиғи суммаларини ҳар чоракда, чорак иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушлар билан ер участкалари жойлашган маҳаллий бюджетта тўлашлари лозим. Юридик шахс ер участкасини ҳисобот чораги учун солиқ тўлаш муддати тугаганидан кейин олган бўлса, ушбу давр учун солиқни тўлаш муддати бўлиб кейинги чорак учун солиқ тўлаш муддати ҳисобланади.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғини йилда бир маротаба, ҳисобот йилининг 15 декабригача тўлайди.

Юридик шахслар йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқни ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлайди. Масалан, маҳаллий ҳокимият органи 20 январда юридик шахс учун қарори билан ер ажратди. Мазкур ер учун ер солиғи 1 февралдан бошлаб тўланади.

Юридик шахсга тегишли ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган тақдирда солиқ ундириш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи (камайтирилиши) тўланган ер миқдорида камайтирилиши лозим. Масалан, юридик шахс ер участкаси бир қисми ваколатли орган ёки суд қарорига асосан 20 ноябрдан олиб қўйилган бўлса, солиқ тўловчи 1 декабрдан бошлаб мазкур ер участкаси учун ер солиғи тўламайди.

Юридик шахсларга ер солиғи бўйича имтиёз белгиланганда улар имтиёз ҳуқуқи пайдо бўлган ойдан бошлаб солиқ тўлашни тўхтатади, агарда имтиёз ҳуқуқи тўхтатилган бўлса, ушбу ҳуқуқ тўхтатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб мазкур ер участкалари учун ер солиғини тўлайдилар.

Солиқ тўловчи томонидан ер солиғи бўйича ортиқча тўланган солиқ суммалари, бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз мавжуд бўлмаса, солиқ тўловчига унинг ёзма

аризасига асосан ўттиз кун ичида қайтарилади ёки унинг бўлғуси тўловлари ҳисобига ўтказилади.

Жисмоний шахсларга ер солиғи ҳисоблаш тартиби юридик шахсларникидан фарқ қилади. Юридик шахслардан ер солиғи суммаси солиқ тўловчи томонидан мустақил ҳисобланиб, давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

Жисмоний шахслар учун эса ер солиғи суммасини ҳисоблашда давлат солиқ хизмати органлари томонидан ер солиғи объектлари бўйича мавжуд маълумотларга текширув йўли билан аниқлик киритилади. Шундан сўнг давлат солиқ хизмати органлари масъул ходимлари томонидан маҳаллий ҳокимиятлар қарорлари, ер фонди маълумотлари ва текширувлар асосида аниқлаштирилган солиққа тортиладиган объектларга белгиланган ставкаларда солиқ суммаси ҳисобланиб, ҳисобот йилининг 1 майдан кечикмасдан солиқ тўловчиларга шахсан етказилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ер участкалари мулкдорлари, ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилар ёки ижарачилар бўлган жисмоний шахсларнинг мунтазам ҳисобини юритадилар.

Юридик шахсни ташкил этмасдан фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари учун ҳисобланган ер солиғи умумий суммасининг 95 фоизини бюджетга, 5 фоизини деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар. Шу сабабли мазкур солиқ давлат солиқ органлари томонидан ҳисобланиб, деҳқон хўжалиқларига етказиладиган тўлов хабарномаларида бюджетга ва жамғармага тўланадиган ер солиғи суммаси алоҳида кўрсатилади.

Жисмоний шахслар ер участкалари майдони ўзгарганда ва уларда йил давомида имтиёз ҳуқуқи пайдо бўлганда (бекор қилинганда) давлат солиқ хизмати органлари бир ой давомида солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиб, солиқ тўловчига тўлаш миқдори ўзгарганини ҳисобга олган ҳолда янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини етказишлари шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари ҳар йили 1 январь ҳолатига ер участкаларининг мулкдорлари, ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилар ёхуд ижарачилар бўлган жисмоний шахсларни қайта ҳисобга оладилар.

Фуқароларга жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун берилган ер участкалари, шунингдек шахсий гаражлар эгаллаган майдонлар миқдорлари солиққа тортиш мақсадида ушбу ташкилотлар бошқарувлари маълумотлари бўйича олинади.

Жисмоний шахс якка тартибда уй-жой қурилиши ёки шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун берилган ер участкасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса ёки ердан мақсадли фойдаланишни ўзгартирмасдан ўз уйини офис сифатида расмийлаштирса, бунда у якка тартибда уй-жой қурилиши ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлар учун белгиланган ставкаларда ер солиғи тўлайди.

Кўп қаватли турар жойларда яшайдиган жисмоний шахслардан ер солиғи ундирилмайди. Хонадондан ёки кўп қаватли турар жойлар бир қисмидан одамлар яшаши билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланилганда, ушбу қисмдан белгиланган тартибда хонадоннинг умумий майдонидан келиб чиқиб ер солиғи ҳисобланиб, бюджетга ундирилади.

Меросхўрлардан мерос бўйича ер участкалари учун ер солиғи мерос қолдирувчининг солиқ мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда ундирилиши лозим.

Жисмоний шахслар ер солиғи суммасини тенг улушларда — 15 июндан ва 15 декабрдан кечиктирмай тўлашлари лозим. Солиқ суммасини бир йўла бир муддатда тўлаш тақиқланмайди. Лекин мазкур муддатларда тўланмаган солиқ суммалари учун белгиланган тартибда пеня ҳисобланади.

Солиқ тўланадиган йил давомида жисмоний шахсларга ер участкалари ажратилган ёки бошқа тартибда эгалликка олинган тақдирда улар ер участкаси ажратилган ёки бошқа тартибда эгалликка олинган ойдан кейинги ойдан бошлаб солиқ тўловчи ҳисобланадилар ва солиқларни белгиланган тартибда бюджетга тўлашга мажбурдилар.

Жисмоний шахс ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи тўлаб қайтариб олинган, сотилган тақдирда солиқ ундириш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган), ҳақи (камайтирилиши) тўланган ер миқдоридан камайтирилиши лозим. Масалан, ер участкаси бир қисми

ваколатли орган ёки суд қарорига асосан 20 сентябрдан олиб қўйилган бўлса, солиқ тўловчи 1 октябрдан бошлаб мазкур ер участкаси учун солиқ тўловчи ҳисобланмайди.

Солиқ тўловчи жисмоний шахслар ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи пайдо бўлган ойдан бошлаб солиқ тўладан озод бўлади, агарда солиқ тўловчига нисбатан имтиёз ҳуқуқи тўхтатилган бўлса, у ушбу ҳуқуқ тўхтатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб ер солиғини тўлайди.

Солиқ тўловчининг ер солигидан мавжуд ортиқча тўловлари унинг ёзма аризасига биноан бошқа солиқлардан қарзига ўтказилади ёки ўттиз кун ичида қайтарилади.

Ер солиғининг бошқа солиқ ва йиғимлардан фарқи бу — уларни тўловчи жисмоний шахслар қайси манзилда истиқомат қилиши, юридик шахслар эса қайси манзилда давлат рўйхатидан ўтганидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган давлат солиқ хизмати органида ер солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтишидир. Бундай тартиб бошқа солиқ турлари бўйича мавжуд эмас.

Шунинг учун солиқ тўловчи бир ёки бир неча давлат солиқ хизмати органида шу ҳудудда турган ер участкаси учун ер солиғи тўловчи сифатида ҳисобга олинади. Солиқ тўловлари ҳам солиқ тўловчининг ер участкалари жойлашган ҳудуддаги туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади. Агар солиқ тўловчининг ер участкалари бир неча туман ёки шаҳарлар ҳудудида жойлашган бўлса, солиқ ҳам худди шу туманлар ёки шаҳарлар бюджетга тўланади.

Масалан, Самарқанд шаҳрида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахснинг шаҳар ҳудудида, Оқдарё ва Самарқанд туманлари маъмурий чегарасида ер участкалари мавжуд бўлса, юридик шахс ер солиғини Самарқанд шаҳридаги ер участкалари учун шаҳарга белгиланган ставкалар бўйича ер солиғи ҳисоб-китобини Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясига топшириб, солиқ суммасини шаҳар бюджетига тўлайди. Оқдарё ва Самарқанд туманлари маъмурий чегарасидаги ер участкалари учун солиқ ҳисоб-китобларини қишлоқ жойлари учун белгиланган ставкаларда ҳисоблаб, мазкур туманлар давлат солиқ инспекциясига топширади ва солиқни ушбу туманлар бюджетига тўлайди.

Шундай қилиб, ер солиғи тўловчилари қаерда яшаганлиги ёки фаолият юритаётганидан қатъи назар, ер

солигини ер участкаси қайси давлат солиқ инспекцияси худудида жойлашган бўлса, ўша жойга тўлайдилар. Бу солиқ ҳам солиқ тизимида ўзига хос ўринга эга. Бундан кўзда тутилган мақсад — солиқ тўловчиларнинг ердан мақсадга мувофиқ фойдаланишини назорат қилиш ва ердан мақсадли ҳамда унумли фойдаланувчи солиқ тўловчиларни рағбатлантиришдан иборатдир.

### **6.3. ЕР СОЛИГИНИНГ ҲИСОБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Юқорида баён этилган параграфларда баён этилгандек, ҳисобланган ва бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа ҳисоб-китоб ишларини аниқ ва тўғри ташкил этишнинг энг самарали йўли бухгалтерия ҳисобидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга мос равишда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ер солигининг мамлакатда амал қилиб келаётган бошқа солиқ турларидан фарқли хусусиятлари мавжудки, бу ушбу солиқ тури бўйича бухгалтерия ҳисобини юриштида ҳам намоён бўлади.

Чунки бошқа солиқ турларидан фарқли ўлароқ, ер солигини ҳисоблаш тартиби турли категориядаги солиқ тўловчилар учун турличадир. Масалан, умумий тартибда солиқ тўловчилар учун ернинг балл бонитети ва жойлашган жойига қараб солиқ ставкалари белгиланса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун умумий ер ҳажмига нисбатан, Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд, Андижон, Бухоро ва Хоразм вилоятлари солиқ тўловчилари учун ернинг қийматига нисбатан ер солиғи ҳисоблаб чиқарилади. Бу тартибда солиққа тортишнинг амал қилиши солиқ тўловчилар учун ҳам, давлат солиқ хизмати органлари учун ҳам солиқ объекти ва миқдорини ҳисоблашда бирмунча ноқулайликларни келтириб чиқармоқда.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳисобланган ер солиғи суммаси ишлаб чиқариш ёки давр харажатлари таркибига олиб борилади. Ер солигини ҳисоблаш билан

боғлиқ молиявий муносабатларни аниқ маълумотлар асосида кўриб чиқамиз.

Юридик шахслар томонидан ҳисобланган солиқ суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви қайд этилади:

**Дебет 9400-«Давр харажатларини ҳисобга 150000 сўм олувчи» счётлар**

**Кредит 6416-«Ер солиғи бўйича бюджетга 150000 сўм қарз» счёти**

Ҳисобланган ер солиғи суммаси бюджетга ўтказилганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви қайд этилади:

**Дебет 6416-«Ер солиғи бўйича бюджетга 120000 сўм қарз» счёти**

**Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти 120000 сўм**

Мамлакатимизда амал қилаётган барча солиқ турларининг объекти бухгалтерия ҳисобида моддий активлар ёки номоддий активлар сифатида маълум бир счётларда ҳисобга олинади. Бу турда солиқ объектларининг ҳисобини юритиш уларни ҳисоб-китоб қилиш ва назорат қилиш имкониятини беради.

Лекин, ер солиғи бўйича унинг объекти ернинг натурал ҳажми эканлиги, уни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш имконининг йўқлиги уни ҳисоблаш ва назорат қилишни қийинлаштиради.

Шу сабабли ер солиғи объектларини бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасида ерни ҳисобга олиш учун режалаштирилган 0110-счётда унинг сотилган ёки норматив қийматида ҳисобга олиш ва ер солиғи объекти сифатида ушбу қийматни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

#### **6.4. ЕР СОЛИҒИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

Юридик ва жисмоний шахслардан бюджетга ундириладиган ер солиғи, солиқ объекти ва субъектлари, солиқларни ҳисоблаш ҳамда бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш ва солиқларнинг ҳисобини юритиш билан боғлиқ масалаларни юқоридаги параграфларда кўриб ўтдик.

Солиқларнинг хўжалик юритувчи субъектлар ва тadbиркорлар молиявий ҳолатига таъсири ва солиқ юкани оптималлаштириш масалалари ҳар доим жуда долзарб бўлиб келган.

Шу сабабли ер солиғи, унинг юридик шахслар молиявий ҳолатига таъсирини, ер солиғи миқдорига таъсир этувчи омилларни таснифлаш ҳамда уларни таҳлил қилиш усуларини ишлаб чиқиш бугунги кунда жуда муҳим вазифалардан биридир. Фикримизча, ер солиғи ва унга таъсир этувчи омиллар тўлалигича аниқланиб, уларга старлича баҳо берилмаган. Шу туфайли амалиётда ер солиғи ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ишлари талаб даражасида эмас. Бундан келиб чиқиб, ушбу бўлимда ер солиғи ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш усуларини кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Ер солигининг объекти юридик ва жисмоний шахслар тасарруфидаги солиқ солинадиган (улар мулкида, эгаллигида ёки фойдаланишидаги) ер участкалари ҳисобланади. Шу сабабли ер солиғига таъсир этувчи омиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- солиқ солинадиган ер участкаси миқдори ( $E_{га}$ );
- ер солиғи ставкалари ( $C_{т}$ );
- ер солиғи бўйича тузатиш коэффициенти ( $K_{т}$ ).

Демак, ер солиғи суммасига ( $C$ ) тўғридан-тўғри таъсир этувчи юқоридаги омиллар ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$C = E_{га} \times C_{т} \times K_{т}.$$

Ер солиғига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш учун занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун солиқ суммасини омиллар ўзгариши бўйича ҳисоблаб олиш зарур. Натижага биринчи омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$C^{кx} = E_{га}^x \times C_{т}^p \times K_{т}^p;$$

бунда:

$C^{кx}$  — биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган ер солиғи суммаси;

$E_{га}^x$  — солиққа тортиладиган ер участкасининг ҳақиқий миқдори;

$Ст^p$  — ўтган йилдаги солиқ ставкаси;

$Кт^p$  — ўтган йилдаги тузатиш коэффициенти.

Шу тариқа занжирли алмаштириш усулини қўллаб, ер солиғи миқдорига алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин.

Солиқ суммасига биринчи омил — солиққа тортиладиган ер участкаси миқдори таъсирини аниқлаш ( $\Delta C_{era}$ ) учун натижанинг солиққа тортиладиган ер участкаси ҳақиқий миқдори ( $E_{га}^x$ ) билан қайта ҳисобланган суммасидан ( $C^{kx}$ ) солиқ суммасининг ўтган йилдаги миқдори ( $C^p$ ) айрилади:

$$\Delta C_{era} = C^{kx} - C^p = (E_{га}^x \times Ст^p \times Кт^p) - (E_{га}^p \times Ст^p \times Кт^p).$$

Ер солиғи миқдорига иккинчи омил — солиқ ставкаси таъсирини ( $\Delta C_{ст}$ ) аниқлаш учун натижани солиққа тортиладиган ер участкаси ( $E_{га}^x$ ) ва солиқ ставкаси ҳақиқий миқдорлари ( $Ст^x$ ) билан қайта ҳисобланган ( $C^{kx1}$ ) миқдоридан бундан олдинги қайта ҳисобланган миқдори ( $C^{kx}$ ) айириш лозим. Буни қуйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$\Delta C_{ст} = C^{kx1} - C^{kx} = (E_{га}^x \times Ст^x \times Кт^p) - (E_{га}^x \times Ст^p \times Кт^p).$$

Ер солиғи миқдорига учинчи омил — тузатиш коэффициенти ўзгаришининг таъсирини ( $\Delta C_{кт}$ ) аниқлаш учун натижанинг ҳақиқий миқдоридан ( $C^x$ ) солиққа тортиладиган ер участкаси ( $E_{га}^x$ ) ва солиқ ставкаси ҳақиқий миқдорлари ( $Ст^x$ ) билан қайта ҳисобланган ( $C^{kx1}$ ) миқдор айрилади:

$$\Delta C_{кт} = C^x - C^{kx1} = (E_{га}^x \times Ст^x \times Кт^x) - (E_{га}^x \times Ст^x \times Кт^p).$$

Ана шу учала омил таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг бўлиши лозим. Буни ифодалаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta C = \Delta C_{era} + \Delta C_{ст} + \Delta C_{кт}.$$

Ушбу формулаларни амалиётда қўллаш солиқ миқдори таъсир этувчи омилларни аниқлаш имконини беради.

Энди аниқ маълумотлар асосида ер солиғи миқдори алоҳида омиллар таъсирини занжирли алмаштириш йўли билан аниқлаш усулини кўриб чиқамиз.



Бунинг учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш тавсия қилинади (12-жадвал):

12-жадвал

**«Янгиқўрғон» акциядорлик жамиятининг ер солиғи миқдорига алоҳида омиллар таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисоб-бот йили	Занжирли алмаштиришлар		
			I	II	III
Солиққа тортиладиган ер майдони, га	10	15	15	15	15
Солиқ ставкаси, I га/сўм	250085	300102	250085	300102	300102
Тузатиш коэффициенти, %да	1,30	1,30	1,30	1,30	1,30
Солиқ суммаси, минг сўм	3251105	5851989	4876657,5	5851989	5851989

Манба: «Янгиқўрғон» акциядорлик жамияти молиявий ҳисоб-ботлари ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблари.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ер солиғи миқдори таҳлил қилинаётган объектда ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 2 600 884 сўмга кўпайган (5 851 989 – 3 251 105). Бу ушбу жадвалда келтирилган учта омил эвазига содир бўлган.

**Биринчи омил** — солиққа тортиладиган ер майдони 5 га кўпайган. Бунинг натижасида ер солиғи миқдори 1 625 552,5 сўмга кўпайган (4 876 657,5 – 3 251 105).

**Иккинчи омил** — таҳлил қилинаётган даврда солиқ ставкаси ҳам ўтган йилга нисбатан 50 017 сўмга ошган. Бу омил таъсирида солиқ суммаси 975 331,5 (5 851 989 – 4 876 657,5) сўмга ошган.

**Учинчи омил** — таҳлил қилинаётган даврда солиқ ставкаси тузатиш коэффициенти ҳам ўтган йилга нисбатан ошмаган. Шу сабабли бу омил солиқ миқдорига таъсир қилмаган.

Шу аниқланган омиллар таъсири солиқ суммасининг умумий ўзгаришига тенг, яъни:

$$1\ 625\ 552,5 + 975\ 331,5 = +2\ 600\ 884 \text{ сўм.}$$

Юқорида ер солиғи миқдори ( $y$ ) ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилишини кўриб ўтдик. Булардан ташқари, унинг ўзгаришига ер участкасининг умумий миқдори ( $x_1$ ), солиққа тортиладиган ер майдони ҳиссаси ( $x_2$ ), солиқ ставкаси ( $x_3$ ) ва солиқ ставкасининг тузатиш коэффициентлари ( $x_4$ ) ҳам таъсир қилади. Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги формулада ўз аксини топади:

$$Y = \sum_{i=1}^y x_i = x_1 \times x_2 \times x_3 \times x_4.$$

Ушбу формулага индекс усулини қўллаб, натижага омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин.

Ер солиғи суммасига ер участкасининг умумий миқдори ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун асос (ўтган) йилдаги натижани биринчи омилнинг индивидуал индекси билан ўзгариши ҳисоблаб олинади ( $Y^p \times I_{x_1}$ ), чиққан миқдордан натижанинг ўтган йилдаги миқдори ( $Y^p$ ) айрилади:

$$\Delta Y_{x_1} = (Y^p \times I_{x_1}) - Y^p.$$

Ер солиғи суммасига иккинчи омил, яъни солиққа тортиладиган ер участкасининг умумий ер майдонидаги ҳиссаси ўзгаришининг таъсирини ( $\Delta Y_2$ ) аниқлаш учун асос йилдаги натижани иккита кетма-кет омилнинг индивидуал индекси билан қайта ҳисоблаб ( $Y^p \times I_{x_1} \times I_{x_2}$ ), шу миқдордан биринчи омил таъсири билан қайта ҳисобланган натижа миқдори ( $y^p \times I_{x_1}$ ) айрилади:

$$\Delta Y_{x_2} = (Y^p \times I_{x_1} \times I_{x_2}) - (Y^p \times I_{x_1}).$$

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ер солиғи суммасига бевосита таъсир этувчи омиллардан яна бири бу солиқ ставкаси ўзгаришидир. Ушбу омилнинг натижага таъсирини ( $\Delta Y_{x_3}$ ) аниқлаш учун натижани учта кетма-кет омилнинг индивидуал индекси билан қайта ҳисоблаб ( $Y^p \times I_{x_1} \times I_{x_2} \times I_{x_3}$ ), шу миқдордан иккита омил таъсири билан қайта ҳисобланган ( $Y^p \times I_{x_1} \times I_{x_2}$ ) натижа миқдоридан айириш йўли билан аниқланади:

$$\Delta Y_{x_3} = (Y^p \times ix_1 \times ix_2 \times ix_3) - (Y^p \times ix_1 \times ix_2).$$

Бундан ташқари, ер солиғи миқдорига солиқ ставка-сига белгиланган тузатиш коэффициенти таъсирини ( $\Delta Y_{x_4}$ ) аниқлаш учун натижанинг ҳақиқий миқдоридан уч омил индивидуал индекси билан қайта ҳисобланган миқдорни ( $Y^p \times ix_1 \times ix_2 \times ix_3$ ) айириш йўли билан ҳисобланади:

$$\Delta Y_{x_4} = Y^x - (Y^p \times ix_1 \times ix_2 \times ix_3).$$

Аниқланган тўртта омилнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши керак:

$$\Delta Y = \Delta Y_{x_1} \pm \Delta Y_{x_2} \pm \Delta Y_{x_3} \pm \Delta Y_{x_4}.$$

Тавсия этилаётган усуллар ёрдамида солиқ суммасига омиллар таъсирини аниқлаб, корхона фаолиятига салбий таъсир қилмаган ҳолда солиқ миқдорини кўпайтириш йўллари белгилаб олиш мумкин бўлади. Агар ер участкасининг умумий миқдори камайса, албатта солиқ суммаси камаяди. Таҳлил қилишда бу ҳолатга алоҳида эътибор бериш, солиққа тортиладиган ер участкаси миқдорининг камайиши сабабларини аниқлаш ўта муҳимдир.

Солиқ қонунчилиги давлат солиқ хизмати органларига фойдаланилмаган ва мақсадсиз фойдаланилган ер участкаларидан оширилган миқдорда солиқ ундириш ҳуқуқини беради. Бу ҳуқуқдан фойдаланиш натижасида, биринчидан, бюджетга солиқ тушуми ортади, иккинчидан эса, солиқ тўловчини ердан самарали ва мақсадли фойдаланишга ундайди.

Ушбу назарий тавсияларга амалий маълумотларни қўллаб, унинг амалиётда қўлланилишини кўриш мумкин. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (*13-жадвал*).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ер солиғи суммаси ўтган йилга нисбатан 2 600 884 сўмга ёки 1,3 мартага кўпайган. Солиқ суммасининг ушбу ўзгаришига ўз навбатида бир қанча омиллар таъсир этган.

**Биринчидан**, корхона ер участкаси ҳисобот йилида жами ўтган йилга нисбатан 1,05 мартага ошган, бу эса солиқ суммасининг **162 555 [(3 251 105 × 1,05) – 3 251 105] сўм** ошишига сабаб бўлган.

**«Янгиқурғон» акциядорлик жамиятининг ер солиғи суммасининг ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+; -)	Ўсиш суръати, индекса
1. Корхонанинг жами ер участкаси, га	10	15	+5	1,05
2. Корхонанинг солиққа тортиладиган ер участкаси миқдори, га	10	15	+5	1,05
3. Корхонанинг солиққа тортиладиган ер участкаси ҳиссаси (2×100:1)	100	100	—	1,0
4. Солиқ ставкаси, сумда	250085	300102	50017	1,2
5. Солиқ ставкасига тузатиш коэфф.	1,30	1,30	—	1,0
6. Ер солиғи суммаси, минг сўм	3251105	5851989	+260088	1,3

**Иккинчидан**, жорий йилда ер солиғи ставкаси ўтган йилга нисбатан 1,2 мартага ошган. Бу омил таъсири эвазига солиқ суммаси **2 438 329 [5 851 989 – (3 251 105 × 1,05 × 1,0 × 1,2 × 1,0)] сўмга** кўпайган.

Барча омиллар таъсири натижанинг, яъни ер солиғи суммаси ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлади:

**Индекса:**  $1,05 \times 1,2 = 1,3$

**Суммада:**  $162\,555 + 2\,438\,329 = +2\,600\,884$  сўм.

Мазкур ҳисоб китоблар ер солиғи миқдорига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш бўйича берилган назарий тавсиялар тўғрелигини амалий жиҳатдан исботлайди.

Ушбу тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши натижасида солиқ тизимида таҳлилий ишларни ташкил этиш ва давлат бюджетига тушадиган солиқ тушумларини корхона фаолиятига салбий таъсир қилмасдан кўпайтириш йўлларини аниқлаш мумкин.

## **7-боб. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИФИ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИ**

### **7.1. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД (Фойда) СОЛИФИНИНГ ҲИСОБИ<sup>1</sup>**

Мулк шаклидан қатъи назар, молия йилида солиқ солинадиган даромадга (фойдага) эга бўлган юридик шахслар даромаддан солиқ тўловчилар ҳисобланади. Корхоналар даромад (фойда) солиғи бўйича бюджет билан ҳисобкитобларни мустақил равишда амалга оширадилар. Жами даромад билан чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган даромад (фойда) солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Жами даромадга сотилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради.

**Бу даромадларга қуйидагилар киради:**

- товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум;
- асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк, материаллар ва бошқа активларни сотишдан келадиган даромадлар;
- фоизлар кўринишидаги даромадлар;
- дивидендлар;
- текинга олинган мол-мулк;
- ижарадан олинган даромад;
- роялти;
- текин молиявий ёрдам;
- даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;
- илгари чегириб ташланган харажатлар, зарарлар ва шубҳали қарзларнинг ўрнини қоплаш тариқасида олинган даромадлар;

---

<sup>1</sup> Ушбу параграф 3.Қурбонов билан ҳамкорликда ёзилди.

- валюта счёти курси бўйича мусбат фарқ;
- фавқуллодда олинган даромадлар;
- бошқа даромадлар.

Солиқ солинадиган даромадни аниқлаш мақсадида жами даромаддан чегирмалар чиқариб ташланади.

**Бу чегирмалар қуйидагилардан иборат:**

— қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, божхона божи суммалари;

— банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг қисқа муддатли кредитлари бўйича фоиз тўловлар суммалари, тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссуда фоизлари бундан мустасно;

— ходимларга иш ҳақи бўйича харажатлар (банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар, видеокўрсатувлар, видео- ва аудиоёзув пунктлари, аукционлар, казино, пул ютуғи қўйилган ўйин автоматлари, давлатга қарашли бўлмаган органлар томонидан ўтказиладиган лотерея ўйинлари ҳамда оммавий концерт-томоша тадбирларининг харажатлари бундан мустасно);

— белгиланган тартибда киритиладиган рента тўловларининг суммаси;

— ижара ҳақи;

— асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

— чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий харажатлари ва кўрсатган хизматларининг қиймати;

— мажбурий суғурта тўловлари бўйича ўтказиладиган, иш ҳақига нисбатан ҳисобланган ажратмалар суммаси;

— маҳсулотларни сертифицикатлаш ишларига ҳақ тўлаш харажатлари суммалари;

— норма бўйича хизмат сафари харажатлари суммалари;

— норма бўйича реклама харажатлари суммаси;

— норма бўйича вакиллик мақсадларидаги харажатлар суммалари;

— белгиланган норма бўйича кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш учун харажатлар суммалари;

— солиқ тўловчи балансидаги соғлиқни сақлаш, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, дам олиш лагерлари, маданият ва спорт

объектлари, халқ таълими муассасалари, уй-жой фондини сақлашга маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тасдиқланган нормативларга мувофиқ қилинадиган харажатлар суммалари;

— лизинг объектини сотиб олиш учун олинган кредитлар фоизлари ва бошқа белгиланган тўловлар суммалари;

— лизинг берувчининг лизинг шартномаси бўйича лизинг тўлови тартибида олинган даромади;

— қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган нормалар бўйича ихтиёрий суғурта турлари бўйича харажатлар суммаси.

**Бундан ташқари, жами даромаддан қуйидаги ажратма ва харажатлар ҳам чегирилиши лозим:**

Банклар бўйича:

- кредит ресурслари учун тўловлар, операция харажатлари, пул маблағлари ва бойликларни ташиш харажатлари;

- миқозларнинг ҳисобварақлари, шу жумладан жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар;

- таваккалчилик операциялари бўйича ҳисобдан ўчирилган умидсиз суда суммалари.

Суғурта ташкилотлари бўйича:

- қайта суғурта шартномалари бўйича берилган тўлов суммалари;

- амал қилини ҳисобот даврида тугамаган суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича тўлов суммалари;

- суғурта ва қайта суғурта мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ва ҳисобланган тўлов суммалари;

- ўтган йиллардаги суғурта ҳодисалари бўйича тугалланмаган тўлов суммалари, шу жумладан даъво муддати доирасидаги мажбуриятлар суммалари;

- суғурта ҳолатининг рўй берганлиги ҳақида маълум қилинган, лекин зарар миқдори тақдим этилмаган шартномалар бўйича суғурта суммалари;

- суғурта ташкилоти суғурта ҳодисалари рўй беришини бартараф этиш ва унинг олдини олишга доир тадбирларни молиялашга сарфланадиган маблағлар суммалари;

- суғурта ташкилотларининг захира фондлари бу таши-

килотлар устав фондининг йигирма беш фоизига етгунга қалар суғурта ташкилотлари ўз даромадларининг 25 фоизи миқдорида қиладиган ажратмалари суммалари.

Жами даромаддан чиқариб ташланадиган харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмаларни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига асосан барча корхоналар ва компаниялар хўжалик фаолиятининг ҳисобини 1999 йил 1 январдан кучга кирган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозлари» (БҲМА) асосида олиб борадилар.

«Корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси»га (21-БҲМА, Адлия Вазирлигида 1181-рақам билан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтган) асосан солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби 6400-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорни ҳисобга олувчи» счётларида ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида олиб борилади.

Солиқ солинадиган даромадни аниқлаш ва бухгалтерия ҳисоби бўйича фойдани аниқлаш бир-биридан фарқ қилади.

Солиқ солинадиган даромад (Солиқ кодексига асосан аниқланади) ва бухгалтерия ҳисоби бўйича даромад суммалари ўртасидаги фарқ бўлишининг сабаби уларни аниқлашда ҳисоб-китобларнинг ҳар хиллигидир. Солиқ кодексига асосан солиқ солинадиган даромадни аниқлашда баъзи харажатлар солиқ базасидан чиқарилмайди, бухгалтерия ҳисоби бўйича даромадни (фойдани) аниқлашда бу харажатлар чегирилади. Бундай фарқлар доимий фарқ деб аталади.

Амортизацияни ҳисоблашда Солиқ кодексига асосан тўғри чизиқли усул қўлланилади, ҳисоб сиёсатида корхона қайси усулни қўллашини эркин танлаши белгиланган. Бу ҳолда ҳам ҳисобланган амортизация суммалари фарқ қилиши мумкин. Бундай фарқ вақтинчалик фарқ деб аталади.

Бу фарқларнинг таъсирини аниқлаш мақсадида компания даромад (фойда) солиғи бўйича таққослаш ўтказади ва қуйидаги жадвал тузилади. Бу жадвалдаги ҳисоб-китоблар бўйича даромад (фойда) солигининг ҳисобланган суммасига қуйидаги бухгалтерия ҳисоб-китоби тузилади:



## Даромад (фойда) солиғи бўйича таққослаш ҳисоб-китоби

Давлат солиқ инспекциясига _____	
Корхонанинг номи _____	
Идентификация рақами _____	
Соф даромад (молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга асосан) (БҲМА асосида) _____	11023
Доимий фарқ учун соф фойдага коррективровка _____	
— Амортизация ± _____	
— Жарима, неустойка ± _____	+1000
— Бошқалар ± _____	
_____ ± _____	
Коррективровка қилинган _____	
Соф даромад (фойда) _____	12023
Солиқ ставкаси _____	18%
Тўланадиган даромад солиғи _____	2164 сўм
Вақтинчалик фарқ бўйича соф даромадга коррективровка _____	
ТМЗ баҳолаш ± _____	
Амортизация ± _____	
Таъмирлаш ± _____	
Фоиз бўйича харажатлар ± _____	
Шубҳали қарз бўйича харажатлар ± _____	+150
Бошқалар ± _____	
Солиқ солинадиган соф даромад _____	12173
Солиқ ставкаси _____	18%
Тўланадиган даромад солиғи _____	2191 сўм
Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи _____	(2191–2164) 27 сўм

Мазкур таққослаш далолатномасига асосан бухгалтерияда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

<b>Дебет</b>	<b>9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар»</b>	<b>2164 сўм</b>
	<b>0950-«Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи»</b>	<b>27 сўм</b>
<b>Кредит</b>	<b>6411-«Бюджетга тўловлар бўйича даромад (фойда) солиғидан қарз»</b>	<b>2191 сўм</b>

Солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан белгиланган муддатда ҳисобланган солиқ суммаси корхонанинг тўлов топшириқномасига асосан бюджетга ўтказилганда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қайд этилади:

<b>Дебет</b>	<b>6411-«Бюджетга тўловлар бўйича даромад (фойда) солиғидан қарз»</b>	<b>2191 сўм</b>
<b>Кредит</b>	<b>5110-«Ҳисоб-китоб» счёти</b>	<b>2191 сўм</b>

## 7.2. ЯЛПИ ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ ҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 30 июндаги Фармонига асосан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад ва мол-мулк солиғи тўлайдилар. Бу Фармонга асосан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари умумдавлат ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг қуйидаги турларни тўлашдан озод қилинган:

- экология солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ер солиғи;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Ялпи даромаддан тўланадиган солиқ савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун даромад (фойда) ва қўшилган қиймат солиқлари ўрнини алмаштиради.

Агар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари фаолиятида ишлаб чиқариш ҳам бўлса, у ҳолда улар фаолият турлари бўйича алоҳида бухгалтерия ҳисобини юритишлари зарур.

Давлат статистика органларида рўйхатга олинган корхона фаолиятининг кодига асосан ялпи даромад солиғи тўловчилари аниқланади.

Ялпи даромад солиғи объекти бўлиб корхонанинг ялпи даромади ҳисобланади.

**Ялпи даромад таркибига қуйидагилар киради:**

- сотилган товарларнинг сотиб олинган ва сотиш қийматлари ўртасидаги фарқ;
- операцион даромадлар (кирим);
- молиявий фаолият бўйича даромадлар ва харажатлар (сальдо);
- фавкулотдаги даромадлар.

Ялпи даромад солигининг ставкалари Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан корхонанинг фаолият тури (улгуржи, чакана, умумий овқатланиш), даромадлилиқ даражаси ва жойлашган манзили бўйича табақалаштирилган ҳолда белгиланади.

Солиқ солини мақсадида даромадлилиқ даражасини аниқлашда товар обороти таркибига қуйидаги счётларнинг кредит оборотлари суммасини киритиш кўзда тутилган:

- 9020-«Товарларни сотишдан олинган даромадлар»;
- 9310-«Асосий воситаларнинг чиқими»;
- 9320-«Бошқа активларнинг чиқими»;
- 9330-«Ундирилган пеня, жарима ва бурдсизликлар»;
- 9340-«Ўтган йиллар фойдалари»;
- 9440-«Қисқа муддатли ижарадан даромадлар»;
- 9360-«Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромад»;
- 9380-«Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам»;
- 9390-«Бошқа операцион даромадлар».

Ялпи даромад солиғи махсус ҳисоб-китобга асосан ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 15 санасидан кечиктирмасдан тўловчи томонидан давлат солиқ инспекцияга топширилади.

Ялпи даромад солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан 2004 йил январь ойи учун 500 минг сўм ялпи даромад солиғи ҳисобланди. Бу молиявий жараёнда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қайд этилади:

<b>Дебет</b>	<b>9820-«Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар» счёти</b>	<b>500000 сўм</b>
<b>Кредит</b>	<b>6421-«Бюджетга тўловлар бўйича ялпи даромад солиғидан қарз» счёти</b>	<b>500000 сўм</b>

Ҳисобланган ялпи даромад солиғи хўжалик юритувчи субъект томонидан бюджетга тўлов топшириқномасига асосан ўтказилганда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қайд этилади:

Дебет	6421-«Бюджетга тўловлар бўйича ялпи даромад солиғидан қарз» счёти	500000 сўм
Кредит	5110-«Ҳисоб китоб» счёти	500000 сўм

### 7.3. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД (ФОЙДА) СОЛИҒИНИНГ ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛИ<sup>1</sup>

Ҳозирги пайтда турли мулк шаклида фаолият кўрсатётган деярли барча корхоналар даромад солиғи тўламоқдалар. Аммо мазкур солиқни таҳлил қилиш усуллари ҳам таҳлилга оид адабиётларда<sup>2</sup> ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Давлат солиқ органлари ходимлари ушбу солиқнинг тўғри тўланишини текшириш учун олдин унинг ҳолатини таҳлил қилиб олини зарур. Албатта, аудиторлар аудиторлик хулосасини берганда ушбу солиқ таҳлил қилинади. Бироқ, улар солиқ тўланишининг қонунийлигига кўпроқ аҳамият берадилар. Ҳақиқатда эса солиқлар масаласига ҳам қонуний, ҳам иқтисодий жиҳат-

<sup>1</sup> Ушбу параграф М.Пардаев билан ҳамкорликда ёзилди.

<sup>2</sup> Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001; Оценка и анализ финансового состояния предприятия. — Тамбов: ТГУ, 2001; Вахобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Шарқ», 2002; Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Меҳнат», 1995; Волжин И.О., Эргашбоев В.П. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998; Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. — Тошкент: «Молия», 2000; Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Рахимов М. Иқтисодий таҳлил. 100 савол жавоб. — Тошкент, 1996; Тўлахўжаева М.М. Аудит финансового состояния предприятия. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996; Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш. — Тошкент, 1996; Шоалимов А.Х. Саноат корхоналари фаолиятининг таҳлили. — Тошкент: «Меҳнат», 1992.

дан ёндашмоқ лозим. Иқтисодий ёндашиш ўз навбатида таҳлил йўли билан амалга оширилади.

Таҳлил учун маълумотлар манбаидан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Даромаддан олинадиган солиқ суммаси корхонанинг «Бухгалтерия баланси» (1-шакл), «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-шакл) ҳисоботининг «Бюджетга тўловлар тўғрисидаги маълумот»да кўрсатилади.

Шу ҳисоботга илова қилинадиган солиқ бўйича ҳисобкитобларда «Даромаддан олинадиган солиқ бўйича бериладиган имтиёزلарни ҳисоблашда инobatга олинадиган сарф-харажатлар» кўрсатилади. Шунингдек бухгалтерия ҳисоботи таркибида даромаддан олинадиган солиқнинг aloҳида ҳисоб-китоби ҳам кўрсатилади. Буларнинг ҳаммаси таҳлил учун тегишли маълумотларни ўзида ифодалайдиган ҳисоботлардир, яъни таҳлил қилиш учун маълумотлар манбаларидир.

Таҳлил оdatда ҳисобот даврида эришилган натижаларнинг бошқа давр ва режа (меъёр) кўрсаткичларидан фарқини аниқлашдан бошланади. Таҳлил натижасида тегишли фарқ аниқланади. Бу фарқ таҳлил қилувчига ижобий ёки салбий хулоса чиқариш учун асос бўлади. Аммо, таҳлилнинг тўлиқ бўлиши учун бу хулоса етарли эмас. Ушбу кўрсаткичнинг қатор йиллар давомида ўзгариши тенденциясини аниқлаш таҳлил қилувчи хулосасини янада бойитади. Шу туфайли таҳлил жараёнида ўрганилаётган кўрсаткичнинг динамикасини ҳам таҳлил қилиш лозим.

Кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилганда иқтисодий жараёнларнинг диалектик боғлиқлигидан келиб чиқмоқ лозим. Масалан, солиқ кўрсаткичининг динамикаси ўрганилса, албатта уни шу билан боғлиқ кўрсаткичларга солиштирган тарзда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, даромад солигини унинг объекти бўлган даромад (фойда) динамикаси билан солиштириб қаралса, солиқ йилдан-йилга ошганлиги ёки камайганлиги нима эвазига содир бўлаётганлигини билиш мумкин. Иложи бўлса динамикани келтириш керак.

Таҳлилнинг муҳим босқичларидан бири ўрганилаётган натижа кўрсаткичига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаб

топишдан иборатдир. Аммо, бу таҳлилнинг энг мураккаб қисми, чунки олдин натижа кўрсаткичига қандай омиллар таъсир қилишини, сўнгра уларнинг қай даражада таъсир қилганлигини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш лозим. Бу эса кўрсаткичларга мантиқий ёндашишни, амалиётнинг сир-асрорларини яхши ўрганишни талаб қилади.

Шундай қилиб, таҳлил жараёнида натижа ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаш унинг ўта муҳим босқичи ва соҳасидир.

Даромаддан олинадиган солиқ суммасига ( $C_d$ ) бир қанча омиллар таъсир қилади. Буларга даромаднинг солиқ тўланадиган қисми ( $D_c$ ) ва солиқ ставкасини ( $C_t$ ) кири-тиш мумкин. Натижа ва бу омиллар ўртасидаги боғлиқ-ликни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$C_d = D_c \times C_t.$$

Ушбу формуладаги омиллар таъсирини фарқли усул билан аниқлаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги амаллар бажарилади:

1. Солиқ суммасининг даромадлар ўзгариши эвазига ўзгарганлигини ( $\Delta C_{d_0}$ ) аниқлаш учун даромадларнинг ҳисобот давридаги фарқи ( $D_{c_1} - D_{c_0}$ ) солиқ ставкасининг режадаги миқдорларига ( $C_{t_0}$ ) кўпайтирилади:

$$\Delta C_{d_0} = (D_{c_1} - D_{c_0}) \times C_{t_0}.$$

2. Солиқ суммасининг солиқ ставкаси эвазига ўзгаришини ( $\Delta C_{c_t}$ ) ҳисоблаш учун солиққа тортиладиган даромад суммасининг ҳақиқий миқдори ( $D_{c_1}$ ) солиқ ставкасининг ўзгаришига ( $C_{t_1} - C_{t_0}$ ) кўпайтирилади:

$$\Delta C_{c_t} = D_{c_1} \times (C_{t_1} - C_{t_0}).$$

Икки омил таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta C_d = \Delta C_{d_0} + \Delta C_{c_t}.$$

Келтирилган омилли таҳлил усулига амалий маълумотларни қўллаб ечиш учун қуйидаги жадвални (14-жадвал) тузини тавсия қилинади. Жадвал ёрдамида даромад солиғи ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаймиз.

**Даромад солиғи ўзгаришига солиққа тортиладиган даромад ва солиқ ставкасининг таъсирини фарқли усул билан аниқлаш**

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Қайта ҳисобланган	Фарқи (+; -)		
				жами	шу жумладан	
					даромаднинг ўзгариши эвазига	солиқ ставкасининг ўзгариши эвазига
1. Солиққа тортиладиган даромад, минг сўм	1374,0	1611,0	1611,0	+237,0	+47,4	0
2. Солиқ ставкаси, %	20,0	20,0	20,0	0	0	0
3. Солиқ суммаси, минг сўм (1-қ × 2-қ : 100)	274,8	322,2	322,2	+47,4	+47,4	0

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, даромаддан олинadиган солиқ суммаси 47,4 минг сўмга кўпайган. Бунга икки омил таъсир қилган:

1. Солиққа тортиладиган даромад суммасининг 237 минг сўмга кўпайганлиги солиқ суммасини 47,4 минг сўмга ( $237 \times 20 : 100$ ) кўпайтирган.

2. Солиқ суммасининг ставкаси давлатимиз томонидан шу икки йил давомида бир хил даражада сақланиб турди. Бу эса ушбу омил эвазига солиқ суммасининг ўзгармасдан қолишига сабаб бўлган.

Одатда, шу икки омил таъсири солиқ суммасининг умумий фарқига тенг бўлиши керак эди. Аммо, бизда натижанинг барча фарқи фақат битта омил эвазига содир бўлди:  $47,4 + 0 = 47,4$  минг сўм.

Ҳар бир омиллар таъсирининг улушини топиш учун алоҳида омиллар суммасини 100 га кўпайтириб, натижанинг умумий фарқига бўлиш кифоя. Бизнинг мисолимизда даромад солиғи 100 фоизи солиққа тортиладиган даромад эвазига ошганлигини кўрамиз:  $47,4 \times 100 : 100$ .

Таҳлил жараёнида омиллар таъсирини кенгайтириш мумкин.

Масалан, даромаднинг солиққа тортиладиган қисми (Дс) ялпи даромад (Яд) ва солиққа тортиладиган даромаднинг улушига (Удс) кўпайтирилганига тенг. Бу боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:

$$Дс = Яд \times Удс.$$

Агар формуладаги Дс ни формуладаги боғлиқликка алмаштирсак, биринчи формула қуйидаги шакл-га эга бўлади:

$$Сд = Яд \times Удс \times Ст.$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, даромаддан тўланадиган солиқ суммасининг ўзгаришига учта омил таъсир қилмоқда. Бу омиллар таъсирини ҳисоблаш учун занжирли алмаштириш, фарқлаш, индекс, интеграл усулларидан фойдаланиш мумкин.

Солиқ суммасига омиллар таъсирини фарқлаш усулини қўллаган ҳолда аниқлаш тартибини тавсия қиламиз:

1. Солиқ суммасининг ялпи даромад таъсири эвазига ўзгаришини ( $\Delta С_{Яд}$ ) аниқлаш учун ялпи даромад фарқини ( $\Delta Яд$ ) солиқ тўланадиган даромад улушининг ўтган (асос) йилдаги миқдорига ( $Удс_0$ ) ва солиқ ставкасининг ҳам асос йилидаги ҳажмига ( $Ст_0$ ) кўпайтирилади:

$$\Delta С_{Яд} = \Delta Яд \times Удс_0 \times Ст_0.$$

2. Солиқ суммасининг солиқ тўланадиган даромадлар улуши таъсири эвазига ўзгаришини ( $\Delta С_{Удс}$ ) аниқлаш учун ялпи даромаднинг ҳисобот давридаги ҳажмини ( $ЯД_1$ ) солиқ тўланадиган даромад улушининг ўзгаришига ( $\Delta Удс$ ) ва солиқ ставкасининг асос йилдаги ҳажмига ( $Ст_0$ ) кўпайтирилади:

$$\Delta С_{Удс} = ЯД_1 \times \Delta Удс \times Ст_0.$$

3. Солиқ суммасининг ставкаси таъсири эвазига ўзгаришини ( $\Delta С_{Ст}$ ) аниқлаш учун ялпи даромаднинг ҳисобот давридаги ҳажмини ( $ЯД_1$ ) солиқ тўланадиган даромад улушининг ҳисоботдаги миқдори ( $Удс_1$ ) ва солиқ ставкасининг фарқига ( $Ст$ ) кўпайтирилади:



$$\Delta \text{СДст} = \text{ЯД}_1 \times \text{Удс}_1 \times \Delta \text{Ст.}$$

Агар солиқ ставкаси ўзгармай қолган бўлса, натижанинг ўзгариши фақат юқоридаги икки омил эвазига ўзгарганлигидан далолат беради. Бу омилларнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши керак:

$$\Delta \text{СД} = \Delta \text{СДяд} + \Delta \text{СДуде} + \Delta \text{СДст.}$$

Ушбу ҳисоб-китобни амалий маълумотларни қўллаб ечиш йўлини кўриб чиқамиз (15-жадвал).

15-жадвал

**Даромад солигига алоҳида омиллар таъсирини фарқли усул билан аниқлаш йўллари**

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+; -)	Натижа ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаш
1. Ялпи даромад, минг сўм	999,0	1252,3	+253,3	$253,3 \times 88,6 \times 20 = +44,9$
2. Солиққа тортилдиган даромаднинг ялпи даромаддаги улуши, %	88,6	81,5	-7,1	$1252,3 \times (-7,1) \times 20 = -17,8$
3. Солиққа тортилдиган даромад, минг сўм	885,1	1020,6	+135,5	
4. Солиқ ставкаси, %	20,0	18,0	-2,0	$1252,3 \times 81,5 \times (-2) = -20,4$
5. Солиқ суммаси, минг сўм	177,0	183,7	+6,7	$+44,9 - 17,8 - 20,4 = +6,7$

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, солиқ суммаси 6,7 минг сўмга кўпайган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Ялпи даромад суммасининг 253,3 минг сўмга кўпайганлиги солиқ суммасини 44,9 минг сўмга кўпайтирган:

$$253,3 \times 88,6 \times 20,0 = +44,9 \text{ минг сўм.}$$

2. Солиққа тортиладиган даромад суммасининг улуши ҳисобот даврида 7,1 фоизга камайган. Бу омил эвазига солиқ суммаси 17,8 минг сўмга камайган:

$$1252,3 \times (-7,1) \times 20,0 = -17,8 \text{ минг сўм.}$$

3. Солиқ ставкаси ўтган йилга нисбатан 2 фоизга камайган. Бу эса солиқ суммасини 20,4 минг сўмга камайтган:

$$1252,3 \times 81,5 \times (-2) = -20,4 \text{ минг сўм.}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$$44,9 - 17,8 - 20,4 = 6,7 \text{ минг сўм.}$$

Таҳлил орқали солиқни кўпайтиришнинг имкониятларини топиш мумкин. Хусусан, бизнинг таҳлил қилаётган объектда солиққа тортиладиган даромаднинг улуши камаймаганда эди, давлат бюджетига тўланадиган солиқ суммаси яна 17,8 минг сўмга кўпайган бўлар эди. У ҳолда ҳақиқий солиқ суммаси 183,7 минг сўм эмас, балки 201,5 минг сўмни ( $183,7 + 17,8$ ) ташкил қилган бўлар эди. У ҳолда солиқ суммасининг ўтган йилга нисбатан фарқи 6,7 минг сўм эмас, 24,5 минг сўмни ( $201,5 - 177,0$ ) ташкил қилган бўлар эди. Демак, ялпи даромад суммасини кўпайтириш билан биргаликда унинг солиққа тортиладиган қисмини ҳам кўпайтириш лозим экан.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, корхона даромадларининг кўпайишидан корхона билан биргаликда давлат бюджети ҳам манфаатдор экан. Бу ерда манфаатдорлар муштараклиги айнан таъминланади. Корхонанинг даромади хўжалик фаолияти самарадорлигининг ошишига бевосита боғлиқ. Бу эса ўз навбатида солиқ суммасининг ҳам ошишига олиб келади.

Даромаддан олинадиган солиқ суммасининг ўзгаришига фақат баъзи омиллар таъсирини аниқлаш йўлларини кўрсатиб ўтдик. Амалда бу солиқ суммасининг ўзгаришига яна бир қанча омиллар таъсир қилади. Масалан, даромад билан боғлиқ бўлган омилларнинг барчаси солиқ суммасига таъсир қилади. Бунга корхоналардаги иш ҳажмининг

кенгайиши, ундаги самарадорликнинг оширилиши, тежамкорлик ва бошқа бир қанча омилларни киритиш мумкин. Бу омиллар таъсирини аниқлашда ҳам таҳлилнинг анъанавий усуллари билан биргаликда иқтисодий математик усулларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу тавсияларимиз амалда қўлланиладиган бўлса, давлат солиқ хизмати органлари ходимлари, аудиторлар учун солиқларни тўғри ҳисоблашда, корхона мутахассисларига амалий ёрдам беришда анча қулайликлар туғилади. Энг муҳими, корхоналарнинг самарадорлиги ошиши билан биргаликда давлат бюджетининг маблағи ҳам ошади. Бу эса корхонанинг молия-хўжалик фаолиятига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда юз беради. Бундай ҳол корхоналар фаолиятини кенгайтириш зарурати туғилиб турган ҳозирги даврда ўта муҳимдир.

Таҳлил жараёнида шундай тавсиялар ишлаб чиқиш лозимки, давлат бюджетига тушадиган солиқлар корхонага солиқ юкни оғирлаштириш, ставкаларини кўтариш эвазига емас, балки иш ҳажмини кўпайтириш, корхона самарадорлигини ошириш эвазига амалга ошсин. Шунда давлат ҳам, корхона жамоаси ҳам, иш кучи эгаси бўлган ходимлар ҳам бой бўлади. Бу турли манфаатлар муштараклигини таъминлайди.

#### **7.4. ЯЛПИ ДАРОМАД СОЛИҒИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

Савдо корхоналари ҳам, мулк шаклидан қатъи назар, ялпи даромад солиғи тўловчилар ҳисобланадилар. Солиққа тортиладиган ялпи даромад суммаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган йўриқнома асосида аниқланади.

Аммо, савдо соҳасида ялпи даромаднинг шаклланиши ишлаб чиқариш ёки хизмат соҳасига нисбатан бироз фарқ қилади. Бунда ялпи даромад сотилган маҳсулот, яъни товарлар устига қўйилган устама эвазига шаклланади. Шу сабабли ялпи даромад товар оборотини даромадлиликнинг ўртача даражасига кўпайтириш ёки товар обороти

ҳажмидан товарларнинг харид нарҳини айириш йўли билан аниқланади.

Савдо корхоналари даромад солиғини таҳлил қилиш учун бир қанча маълумотлар манбаларидан фойдаланилади. Бу манбаларга асосан Солиқ кодекси, йўриқномалар, бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари, солиқни ҳисоблаш жадвали, аудиторлар хулосаси, давлат солиқ инспекторининг далолатномалари киради.

Ялпи даромад солиғи таҳлили ҳам солиқ ҳажмининг фарқини, ўзгариш суръатини, динамикасини, унга таъсир қилувчи омилларни, уларнинг ҳисобланиш йўллари-ни аниқлаш орқали амалга оширилади. Савдо корхоналарида ялпи даромаддан олинadиган солиққа бир қанча омиллар таъсир қилади. Хусусан, булар товар обороти, ялпи даромад, даромадлилик даражаси, солиқ ставкаси каби омиллардир. Улар ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$\text{ЯДС} = \text{Т} \times \text{Дд} \times \text{Ст};$$

бунда:

**ЯДС** — ялпи даромаддан олинadиган солиқ суммаси;

**Т** — товар обороти;

**Дд** — даромаднинг товар оборотига нисбатан даражаси;

**Ст** — даромаддан олинadиган солиқ ставкаси.

Натижа ўзгаришига ушбу омиллар таъсирини ҳисоблаш учун таҳлилнинг бир қанча усулларидан фойдаланиш мумкин. Биз натижа билан омиллар ўртасидаги ушбу боғлиқликни аниқлаш учун таҳлилнинг анъанавий усулларидан бири — индекс усулини қўллашни тавсия этамиз. Бу ҳолда натижа ўзгаришига омиллар таъсири қуйидагича ҳисобланади:

1. Солиқ суммасининг товар обороти эвазига ўзгаришини ( $\Delta\text{СС}_{\text{то}}$ ) аниқлаш учун бизнес режадаги солиқ суммасини ( $\text{СС}^0$ ) товар оборотининг индивидуал индекси ( $i_t$ ) кўпайтириб, у режадаги натижа билан солиштирилади:

$$\Delta\text{СС}_{\text{то}} = (\text{СС}^0 \times i_t) - \text{СС}^0.$$

2. Натижа, яъни даромаддан олинadиган солиқ суммаси ўзгаришига савдо корхоналари ялпи даромади дара-

жаси (Дд) ўзгаришининг таъсирини ( $\Delta CC_{дд}$ ) аниқлаш учун натижанинг биринчи омил индекси билан қайта ҳисобланган миқдори ( $CC^p \times i_T$ ) иккинчи омил, яъни ялли даромад даражасининг биринчи омил индекси билан қайта ҳисоблаб олинади ( $CC^p \times i_T \times i_{дд}$ ) ва чиққан натижадан натижанинг биринчи омил таъсирида қайта ҳисобланган миқдори ( $CC^p \times i_T$ ) айрилади:

$$\Delta CC_{дд} = (CC^p \times i_T \times i_{дд}) - (CC^p \times i_T).$$

3. Натижа ўзгаришига учинчи омил таъсирини аниқлаш учун ( $\Delta CC_{ст}$ ) натижанинг иккита омил индивидуал индекси ( $i_{ст}$ ) билан қайта ҳисобланади ( $CC^p \times i_T \times i_{дд} \times i_{ст}$ ) ва чиққан натижадан унинг иккинчи омил индивидуал индекси билан қайта ҳисобланган миқдори ( $CC^p \times i_T \times i_{дд}$ ) айрилади ёки натижанинг ҳақиқий миқдоридан ( $CC^x$ ) унинг икки омил таъсирида қайта ҳисобланган миқдорини айриш тавсия этилади:

$$\Delta CC_{ст} = (CC^p \times i_T \times i_{дд} \times i_{ст}) - (CC^p \times i_T \times i_{дд});$$

ёки:  $\Delta CC_{ст} = CC^x - (CC^p \times i_T \times i_{дд}).$

Бу ҳолда ҳам барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta ЯДС = \Delta CC_{то} + \Delta CC_{дд} + \Delta CC_{ст}.$$

Агар уларнинг умумий индексини оладиган бўлсак, у ҳар бир омилнинг индивидуал индексига тенг бўлади:

$$J_{cc} = I_{то} \times I_{дд} \times I_{ст}.$$

Кўриниб турибдики, ушбу усул билан натижа ўзгаришига омиллар таъсирининг фақат миқдорини аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, балки нисбий ўзгаришини ҳам аниқлаш мумкин. Бундай ҳолатни умумий индексни қўллаган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Масалан, ушбу ҳолатда натижанинг умумий индекси қуйидагича ифодаланади:

$$J_{cc} = \frac{T_1 \times ДД_1 \times Ст_1}{T_0 \times ДД_0 \times Ст_0}.$$

Бу формула орқали уни 100 га кўпайтириб, натижа-

нинг қанча фоизга кўпайганлигини ёки камайганлигини аниқлаш мумкин. Агар суратидан махражини айирадиган бўлсақ, натижа умумий ўзгаришининг миқдори ҳисобланади:

$$\Delta \text{СС} = (T_1 \times \text{ДД}_1 \times \text{СТ}_1) - (T_0 \times \text{ДД}_0 \times \text{СТ}_0).$$

Ушбу боғлиқликларга асосан натижа ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш мумкин.

1. Натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири ( $\Delta \text{ССт}$ ) қуйидагича ҳисобланади:

Нисбий ўзгариши:

$$\text{Жс.т} = \frac{T_1 \times \text{ДД}_0 \times \text{СТ}_0}{T_0 \times \text{ДД}_0 \times \text{СТ}_0}.$$

Мутлақ ўзгариши:

$$\Delta \text{ССт} = (T_1 \times \text{ДД}_0 \times \text{СТ}_0) - (T_0 \times \text{ДД}_0 \times \text{СТ}_0).$$

2. Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири ( $\Delta \text{ССд}$ ) қуйидагича ҳисобланади:

Нисбий ўзгариши:

$$\text{Жс.дс} = \frac{T_1 \times \text{ДД}_1 \times \text{СТ}_0}{T_1 \times \text{ДД}_0 \times \text{СТ}_0}.$$

Мутлақ ўзгариши:

$$\Delta \text{ССдд} = (T_1 \times \text{ДД}_1 \times \text{СТ}_0) - (T_1 \times \text{ДД}_0 \times \text{СТ}_0).$$

3. Натижанинг охириги учинчи омил эвазига ўзгарган қисмини ( $\Delta \text{ССст}$ ) қуйидагича аниқлаш мумкин:

Нисбий ўзгариши:

$$\text{Жс.сс} = \frac{T_1 \times \text{ДД}_1 \times \text{СТ}_1}{T_1 \times \text{ДД}_1 \times \text{СТ}_0}.$$

Мутлақ ўзгариши:

$$\Delta \text{ССст} = (T_1 \times \text{ДД}_1 \times \text{СТ}_1) - (T_1 \times \text{ДД}_1 \times \text{СТ}_0).$$

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлади:

$$\Delta \text{СС} = \Delta \text{Сст} \pm \Delta \text{ССдд} \pm \Delta \text{ССст}.$$

Ушбу формулага тегишли амалий маълумотларни қўллаб, солиқ суммасининг ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин.

## **8-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА СОЛИҚ ЮКИНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **8.1. КОРХОНАЛАРДА СОЛИҚ ЮКИ ВА УНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

Мамлакат иқтисодий сиёсатининг асосий негизини солиқ сиёсати ташкил қилади. Солиқлар нафақат давлатнинг, балки солиқ тўловчиларнинг ҳам манфаатларини ўзида мужассам этади. Шу жиҳатдан ушбу масалага ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамият берилиб, уларнинг мазмун-моҳияти чуқур таҳлил қилинмоғи лозим. Солиқ муаммолари таркибида солиқ юки муҳим аҳамият касб этади. Зеро, солиқ юки мамлакат иқтисодий қудратига, аҳолининг ижтимоий аҳволига, корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига бевосита боғлиқдир. Улар бир-бирига ўзаро таъсир қилувчи омиллардир. Булар инобатга олинадиган бўлса, солиқ юкини таҳлил қилганда солиқларга фақат давлат ёки солиқ тўловчилар нуқтаи назаридан қараб бўлмайди. Уларга ҳар қандай вазиятда атрофлича ва тизимли ёндашмоқ лозим.

Маълумки, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида макро ва микро иқтисодиётни ҳам давлат ўзининг молиявий дастаклар орқали бошқариб боради. Солиқлар ушбу молиявий дастакларнинг энг асосий унсурларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкининг оптималлиги мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг барометри ҳисобланади.

Корхонага солиқ солинди, у мунтазам тўлаб бормоқда. Аммо ушбу солиқ миқдори кўпми ёки камми? Бундай хулоса чиқариш учун корхоналардаги солиқ юкини баҳолашни билиш лозим. Бу эса солиқ юкини қандайдир мезонга ёки меъёрга солиштиришни тақозо қилади. Аммо

бундай мезон, ушбу масаланинг адабиётларда ёритилиши бўйича хулоса қиладиган бўлсак, ҳамон хорижда ҳам, мамлакатимизда ҳам ишлаб чиқилмаган.

Макро- ва микроиқтисодий даражасида солиқ юкини ҳисоблаш бўйича олимларимиз томонидан бир қанча усуллар таклиф этилган. Бундай солиқ юкини аниқлаш усуллари мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларга мос тарзда ишлаб чиқилмоқда. Чунки солиқ юкини аниқлашда ҳар бир давлатнинг олиб бораётган иқтисодий аҳволи ва шу мамлакатнинг солиқ сибсатидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Солиқ юкини назарий жиҳатдан таҳлил қилганда унга иқтисодийнинг макро ва микродаражаси нуқтаи назардан қараш лозимдир. Макродаражада солиқ юкига ушбу соҳанинг етакчи олимларидан бири Т.Малиқовнинг<sup>1</sup> фикри етарли даражада асосланганлиги боис ушбу соҳага тўхталмадик.

Бироқ шуни эътироф этиш керакки, ҳозирги пайтда солиққа тортиш назарияси ва солиқни режалаштириш амалиётида хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини ҳисоблаш, дунё миқёсида, энг муҳим ҳамда баҳсли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шу туфайли ушбу муаммонинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Мазкур масалани таҳлил қилганда унга ҳам давлат, ҳам солиқ тўловчилар манфаатлари нуқтаи назаридан қараб, ушбу субъектларнинг манфаатларини мувофиқлаштирувчи ҳолатга олиб келишга ҳаракат қилинмоғи лозим.

Мамлакатимизда солиқ юки қай аҳволда ёки корхоналарда солиқ юкининг даражаси қандай деган саволларга жавоб бериш учун, энг аввало, ушбу атаманинг мазмуни нималигини таҳлил қилиш лозим, деб ўйлаймиз. Солиқ юки бўйича нашр қилинган адабиётларда турли қарашлар мавжуд. Буларнинг айримларига тўхталамиз.

Ғарб олимларидан С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензилар солиқ юки солиқ тўловчилар билан бирга шу маҳсулотни истеъмол қилувчиларга ҳам тушади, деб таъки-

---

<sup>1</sup> Малиқов Т. Солиқ юки оғирлигини кескин камайитириш керакми? ЎзР ДСҚ Солиқ академияси. — Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. — 32-бет.



лайди. Хусусан: «Солиқ юки бозорда ўз товарини таклиф қилганга ҳам ва уни харид қилганга ҳам тушади. Бошқача айтганда, солиқ ҳисобига фирманинг фойдаси камайганлиги ва охириги истеъмолчи даромадининг бир қисми харид қилинган товарга ортиқча тўланганлиги билан белгиланади (*Таржима муаллифники — Б.И.*)»<sup>1</sup>. Ҳақиқатда, ҳар қандай солиқ юки пировардида маҳсулотни истеъмол қилувчиларга келиб тушади. Бизнинг фикримизча солиқ юкига, бу ерда бевосита, солиқ тўловчилар нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқдир.

Агар шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, солиқ юкига А.Н.Азрилиян раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган катта иқтисодий оид луғатда келтирилган таъриф тўғрироқ бўлади. Унда айтилишича: «Солиқ юки деганда солиқ тўловчиларнинг бошқа йўналишлардан ажратиб солиқ тўлашга йўналтирилган маблағлари билан боғлиқ иқтисодий чегаралаш даражаси тушунилади (*Таржима муаллифники — Б.И.*)»<sup>2</sup>.

Бизнинг фикримизча, ушбу таъриф бевосита солиқ тўловчилар нуқтаи назарига тўғри келсада, муаллифларнинг ўзлари таъкидлаганидек, маълум даражада чегараланган. Биринчидан, солиқлар демократик мажбурий тўловдир. Иккинчидан, солиқ тўловчилар маълум даражада иш натижасида олинган даромаднинг бир қисмини тўлайдилар. Шу жиҳатдан солиқларни «иқтисодий чегаралаш даражаси» деб бўлмайди.

Ушбу таърифлардан фарқли ўлароқ профессор Қ.Яхёев ушбу тушунчага қуйидагича таъриф беради: «Солиқ юки — тўловчининг ҳамма солиқлар ва йиғимлар йиғиндисини бюджетга тўлашдир. Солиқ юки фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсида ҳамма тўланган солиқ ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди»<sup>3</sup>. Мазкур таъриф солиқ юкининг макро- ва микроиқтисодий даражасида

---

<sup>1</sup> Фишер С., Дорнбуш, Р., Шмалензи Р. Экономика. — М.: «Дело», 1999. — 386-бет.

<sup>2</sup> А.Н.Азрилиян раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси. Большой экономический словарь. — М.: Институт новой экономики, 1999. — 89-бет.

<sup>3</sup> Яхёев Қ. Солиққа тортин назарияси ва амалиёти. Дарслик. — Тошкент: «Ф.Фулом», 2000. — 16-бет.

ҳисоблаш учун асос бўладиган жиҳатларини ўз ичига олган. Бироқ ушбу таъриф ҳам бизнинг фикримизча айрим камчиликлардан холи эмас.

Биринчидан, тўловчилар кимлигига ва қайси бюджетга тўланиши бўйича аниқлик киритилмаган. Иккинчидан, таърифда турли йиғимлар хусусида гап бор. Аммо уларнинг бир қисми бюджетларга эмас, балки турли жамғармаларга ўтказилади. Учинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағларини турли жамғармаларга ўз ихтиёрлари билан хайрия сифатида ўтказишлари ҳам мумкин. Лекин булар солиқларга кирмайди ва солиқ юкини ҳисоблаганда инobatга олинмайди. Тўртинчидан, солиқлар ва бошқа тўловлар оддий тўлов бўлиб қолмасдан, улар мажбурий қатъий белгиланган ставкада ва тартибда тўланадиган бўлиши лозим.

Мазкур талаблар солиқ юкининг таърифига бошқачароқ қарашни тақозо қилади. Хусусан, у солиқ ва бошқа тўловларнинг табиатидан келиб чиқмоғи лозим. Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Т.Тошмуродовнинг таърифи анча такомиллашгандир. Бунда айтилишича: «Солиқ юки — хўжалик юритувчи субъект ёки фуқаро тўлайдиган барча солиқлар ва тўловлар йиғиндисининг даромадга нисбати»<sup>1</sup>. Ушбу таърифда солиқ ва тўловларнинг табиати очиб берилган бўлсада, юқорида таъкидланган камчиликлардан холи эмас. Бунда ҳам тўловчилар кимлигига ва қайси бюджетга тўланиши бўйича аниқлик киритилмаган. Турли йиғимлар хусусида гапирилгани билан уларнинг бир қисми бюджетларга эмас, балки турли жамғармаларга ўтказилиши хусусида таъкиланмаган. Солиқлар ва бошқа тўловларнинг мажбурий қатъий белгиланган ставкада ва тартибда тўланадиган тўлов эканлиги хусусида ҳам эслатилмаган. Шундай қилиб, солиқ юкининг таърифи бўйича ҳали олимларимиз ва амалиётчиларимиз бир тўхтамга келишган эмас.

Солиқ юкининг таърифи бўйича мавжуд камчиликларни инobatга олиб, ушбу масалани назарий ва амалий жиҳатдан атрофлича ўрганиб, унга қўйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик:

---

<sup>1</sup> Тошмуродов Т. Солиқлар изоҳли лугат. — Тошкент: «Меҳнат», 2003. — 116-бет.

Солиқ юки деганда хўжалик юритувчи субъект ёки фуқароларнинг давлат, маҳаллий бюджетга ҳамда турли жамғармаларга қатъий белгиланган ставка, тартибда тўлайдиган барча солиқлар ҳамда тўловлар йиғиндисининг тўловчилар иш ҳажмига, даромадга ёки бошқа солиқ объектига нисбати тушунилади.

Солиқ юки бўйича олимларнинг қарашларини жамлаган ҳолда қуйидаги жадвални келтирамиз (16-жадвал).

16-жадвал

### Солиқ юки бўйича айрим олимларнинг қарашлари

Муаллифлар	Солиқ юкига берилган таъриф	Манба
С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи	Солиқ юки бозорда ўз товарини таклиф қилганга ҳам ва уни харид қилганга ҳам тушади. Бошқача айтганда, солиқ ҳисобига фирманинг фойдаси камайганлиги ва охириги истемолчи даромадининг бир қисми харид қилинган товарга ортиқча тўланганлиги билан белгиланади. (Таржима муаллифники — Б.И.)	Экономика. — М.: «Дело», 1999. — 386-бет.
А.Н.Азрилиян раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси	Солиқ юки деганда солиқ тўловчиларнинг бошқа йўналишлардан ажратиб солиқ тўлашга йўналтирилган маблағлари билан боғлиқ иқтисодий чегаралаш даражаси тушунилади. (Таржима муаллифники — Б.И.)	Большой экономический словарь. — М.: Институт новой экономики, 1999. — 89-бет.
Қосим Яҳёев	Тўловчининг ҳамма солиқлар ва йиғимлар йиғиндисини бюджетга тўлашдир. Солиқ юки фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсида ҳамма тўланган солиқ ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди.	Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. — Тошкент: Ғ.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. — 16-бет.

Муаллифлар	Солиқ юкига берилган таъриф	Манба
Т.Тошмуродов	Хўжалик юритувчи субъект ёки фуқаро тўлайдиган барча солиқлар ва тўловлар йиғиндисининг даромадга нисбати.	Солиқлар изоҳли луғат. — Тошкент: «Меҳнат», 2003. — 116-бет.
Б.И.Исроилов	Солиқ юки деганда хўжалик юритувчи субъект ёки фуқароларнинг давлат ёки маҳаллий бюджетга ҳамда турли жамғармаларга қатъий белгиланган ставкада ва тартибда тўлайдиган барча солиқлар ва тўловлар йиғиндисининг тўловчилар иш ҳажмига, даромадга ёки бошқа солиқ объектига нисбати тушунилади.	Мазкур ишда.

Навбатдаги вазифа солиқ юкини ҳисоблашдан иборатдир. Бу бўйича ҳам олимларимиз ўртасида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, Т.Тошмуродов солиқ юкини барча солиқлар ва тўловлар йиғиндисининг даромадга нисбати<sup>1</sup> билан белгиланишини кўрсатиб ўтадилар.

Профессор Қ.Яҳёев эса солиқ юкига кенгроқ қарайди. Унинг таъкидлашича: «Солиқ юки фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Мамлакат миқёсида ҳамма тўланган солиқ ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди»<sup>2</sup>. Микроиқтисодий даражасида солиқ юки нафақат даромадга, балки фойдага нисбатан олинади ҳам кўрсатиб ўтилган.

Бироқ айрим олимларимиз ва амалиётчиларимиз солиқни ким тўласа шунга нисбатан унинг юкини ҳисоблашни тавсия қиладилар. Масалан, Ш.К.Гатаулин: «Солиқни ким тўлайди? Уни етиштирувчи ҳам, истеъмолчи ҳам тўлайди»<sup>3</sup>, деб хулоса қилади ва ушбу масалани ёри-

<sup>1</sup> Тошмуродов Т. Солиқлар изоҳли луғат. — Тошкент: «Меҳнат», 2003. — 116-бет.

<sup>2</sup> Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. — Тошкент: «Ғ.Фулум», 2000. — 16-бет.

<sup>3</sup> Гатаулин Ш.К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. — Тошкент: УзР ДСҚ, 1996. — 30-35-бет.

тиш жараёнида солиқ юкини ким тўласа шунга мос равишда тақсимлаш лозимлигини уқтиради.

Мамлакатимизда солиқ амалиёти ва назарияси билан шуғулланган, солиққа доир кўплаб асарлар ёзган Д.И. Шаулов ва У.Т.Канлар солиқ юки даражасини макроиктисодиёт даражасида аниқлаш лозимлигини уқтиради. Хусусан, уларнинг таъкидлашича «Солиқлар миллий даромадни давлат тасарруфига олишнинг энг муҳим воситасига айлангани сабабли, улар макроиктисодиётни тартибга солишда борган сари муҳимроқ роль ўйнамоқдаки, ЯИМ умумий ҳажмида солиқ тушумлари салмогининг кўпайиши бунинг кўрсаткичи ҳисобланади»<sup>1</sup>. Бундай қарашлардан кўриниб турибдики, солиқ юкини аниқлашга олимларимиз ҳам, амалиётчиларимиз ҳам етарли даражада аҳамият бераётган эмас. Бунинг устига бирорта меъёрий ҳужжатда солиқ юкининг меъёри ёки мезони хусусида ҳам гап юритилган эмас.

Солиқ юкини ҳисоблашда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланган солиқлар миқдорини таққослаш борасида иқтисодий адабиётларда турли кўрсаткичлар қўлланилади.

Улардан бири корхона даромадидир. Ушбу кўрсаткич қуйидаги сабабларга кўра солиқ юкини тўлиқ ифода этмайди, деб ўйлаймиз. Чунки биринчидан, даромад хорижий давлатлар корхоналарида ҳам, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарда ҳам солиқларни тўлашнинг ягона манбаи ҳисобланмайди. Иккинчидан, бу кўрсаткичдан фойдаланиш солиқ юки қийматининг ортишига ва бемаъни натижаларга олиб келиши мумкин, яъни ушбу усулдан фойдаланилганда солиқ юки 100 фоиздан ошиб кетиши табиий.

Бундан ташқари солиқ юкини ҳисоблашда айрим адабиётларда қўшилган қиймат<sup>2</sup> кўрсаткичидан ҳам фойдаланиш тавсия қилинади. Бир қараганда ушбу кўрсаткич энг мақбул кўрсаткичга ўхшайди. Лекин шунини таъкидлаш

---

<sup>1</sup> Солиқ қонунчилиги асослари. Ўқув қўлланма / Тузувчилар Д.И. Шаулов, У.Т.Кан. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999. — 228-бет.

<sup>2</sup> Пансков В.Г. Налоги и налогообложение в Российской Федерации. — М.: «Мир книги», 2000. — 64-бет.; Кирова Е.А. Определения налогового бремя // «Финансы», 1998, 9-сон. — 32-бет.

керакки, қатор солиқлар, хусусан, мол-мулк солиғи кенг кўламли солиқ базасига эга. Ушбу кўрсаткични ва у билан боғлиқ кўрсаткични қўшилган қийматга киритиб бўлмайди.

Солиқ юкини ҳисоблаш бўйича айрим олимлар фақат тушум кўрсаткичидан фойдаланишни тавсия қилади. Ушбу кўрсаткичдан фойдаланишни асослаш учун услубий ёндашувларни, яъни қайси тушумдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш керак бўлади. Масалан, В.Г.Пансков каби қатор россиялик олимлар бундай кўрсаткич сифатида сотилган маҳсулот миқдорини ҳамда бошқа сотишдан тушган тушумлардан фойдаланишни таклиф этади<sup>1</sup>.

Фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини ҳисоблаш учун солиқ тўловчининг қайси тур солиқ тўловчи эканлигини белгилаб олиш муҳимдир. Мамлакатимиздаги солиққа тортиш амалиётидан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини ҳисоблаш учун солиқ тўловчиларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш тавсия этилади:

- умумбелгиланган тартибдаги солиқ тўловчилар;
- ялпи даромаддан солиқ тўловчилар;
- ягона ер солиғи тўловчилар;
- соддалаштирилган солиқ тизимига ўтган солиқ тўловчилар.

Солиқ юкини аниқ ҳисоблаш учун бундан ташқари, ушбу гуруҳлардаги солиқ тўловчилар тўлайдиган солиқлар ва мажбурий ажратмалар ҳамда йиғимлар турлари ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу таҳлилни яна давом эттириш мумкин эди. Аммо турли олимлар турлича талқин қилганки, уларнинг кўпи назарий жиҳатдан қараб чиққан. Бироқ амалиётда ҳар бир кўрсаткич ўлчанадиган ва уларнинг манбалари қаерлардadir ифодаланадиган бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан, бухгалтерия ҳисоби талабларидан келиб чиқиб ушбу категорияни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашнинг тақомиллашган вариантини тавсия қилмоқдамиз.

Тадқиқотлар натижасида, солиқ юкини аниқлаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ,

<sup>1</sup> Пансков В.Г. Налоговое бремя Российской налоговой системы // «Финансы», 1998, 11-сон. — 19-бет.

деган ҳулосага келинди. Хўжалик юритувчи субъектларда солиқ юкини аниқлаш учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум, маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси ва ҳисобот даврининг соф фойдасига нисбати сифатида олишни тавсия қиламиз. У ҳолда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

1. Солиқ юкининг (**Сю.ст**) маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум (**Ст**)га нисбатан миқдорини қуйидаги формула орқали ифодалашни тавсия қиламиз:

$$\text{Сю.ст} = \frac{С + МТ}{Ст};$$

бунда:

**С** — барча солиқларнинг суммаси;

**МТ** — барча мажбурий тўловлар.

2. Солиқ юкининг (**Сю.яф**) маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (**Яф**)га нисбатан миқдори:

$$\text{Сю.яф} = \frac{С + МТ}{Яф}.$$

3. Солиқ юкининг (**Сю.яф**) маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг соф фойдаси (**Сф**)га нисбатан миқдори:

$$\text{Сю.яф} = \frac{С + МТ}{Сф}.$$

Солиқ юкини аниқлашда шуларни инобатга олиш лозимки, айрим хўжалик юритувчи субъектлар солиқларни ягона солиқ тўлаш тартиби бўйича тўласалар, айримлари солиқларни умумий тартибда тўлайдилар. Бу ҳолларда солиқ юкини аниқлашда ҳам ўзига хос хусусиятлар келиб чиқади.

Агар хўжалик юритувчи субъект солиқни ягона солиқ тўлаш тартиби бўйича тўлайдиган бўлса, бу ҳолда барча солиқ ва тўловларнинг миқдори (**СТм**) қуйидагича аниқланади:

$$СТм = Дс + Нфа + Йфа + Мфа.$$

Агар хўжалик юритувчи субъект солиқни умумбелгиланган тартибдаги солиқ тўловчи бўлса, солиқлар суммаси қуйидагилардан таркиб топади:

— даромад (фойда) солиғи (**Дс**) солиқ тўлангунга қадар фойдадан;

— мол-мулк солиғи (**Ммс**), мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматидан;

— инфратузилмани ривожлантириш солиғи (**Итрс**), соф фойдага нисбатан;

— Нафақа фондига ажратма (**Нфа**), ялпи тушумга нисбатан;

— Йўл фондига ажратма (**Йфа**), ялпи тушумга нисбатан;

— қўшилган қиймат солиғи (**Ққс**), бажарилган ишлар, хизматларга нисбатан.

Бу ҳолда барча солиқ ва тўловларнинг миқдори (**СТм**) қуйидагича аниқланади:

$$СТм = Дс + Ммс + Итрс + Нфа + Йфа + Ққс.$$

Хўжалик юритувчи субъект солиқни ягона солиқ тўлаш тартиби бўйича тўлайдиган бўлса, маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум (**Ст**)га нисбатан солиқ юки миқдорини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$Сю.ст = \frac{Яст}{Ст}.$$

Солиқ юкининг (**Сю.яф**) маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (**Яф**)га нисбатан миқдорини аниқлаш лозим бўлса қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Сю.яф = \frac{Яст}{Яф}.$$

Солиқ юкининг (**Сю.яф**) маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф фойдаси (**Сф**)га нисбатан миқдори қуйидагича аниқланади:



$$\text{Сю.сф} = \frac{\text{Яст}}{\text{Сф}}$$

Худди шу кўрсаткич, хўжалик юритувчи субъект солиқни умумий тўлаш тартиби бўйича тўлайдиган бўлса, яъни солиқ юки маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум (Ст)га нисбатан қуйидагича аниқланади:

$$\text{Сю.ст} = \frac{\text{Дс} + \text{Ммс} + \text{Итрс} + \text{Нфа} + \text{Йфа} + \text{Ққс}}{\text{Ст}}$$

Солиқ юкининг (Сю.яф) маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (Яф)га нисбатан миқдори қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Сю.яф} = \frac{\text{Дс} + \text{Ммс} + \text{Итрс} + \text{Нфа} + \text{Йфа} + \text{Ққс}}{\text{Яф}}$$

Солиқ юкининг (Сю.яф) маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг соф фойдаси (Сф)га нисбатан миқдорини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\text{Сю.сф} = \frac{\text{Дс} + \text{Ммс} + \text{Итрс} + \text{Нфа} + \text{Йфа} + \text{Ққс}}{\text{Сф}}$$

Шундай қилиб, солиқ юкини аниқлаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда албатта барча солиқ ва тўловларни инobatга олиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

## **8.2. КОРХОНАЛАРДА СОЛИҚ ЮКИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

Корхоналарда солиқ юкини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш жараёнида аниқланган барча кўрсаткичлар амалий маълумотларни қўллаган ҳолда ўрганилади. Солиқ юкини таҳлил қилганда шу нарсани инobatга олиш лозимки, уни фақат фирма ёки корхона нуқтаи

назаридан эмас, балки давлат, корхона ва жамоа нуқтаи назаридан ҳам қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Солиқ юкини таҳлил қилиш учун Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган 6 та корхона олинди. Уларнинг учтаси солиқни ягона солиқ тўлаш тартиби бўйича тўлайдиган хўжалик юритувчи субъект, яна учтаси солиқни умумбелгиланган тартиб бўйича тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлардир. Уларнинг номларини шартли равишда Ф1, Ф2, Ф3, Ф4, Ф5, Ф6 деб олдик. Ф1, Ф2, Ф3 фирмалар солиқни ягона солиқ тўлаш тартиби бўйича тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар. Ф4, Ф5, Ф6 фирмалар эса солиқни умумбелгиланган тартиб бўйича тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлардир.

Солиқни ягона солиқ тўлаш тартиби бўйича тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектларда солиқ юкини аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (17-жадвал).

17-жадвал

**Ягона солиқ тўлаш тартиби бўйича тўлайдиган Ф1, Ф2, Ф3 фирмаларда солиқ юкини аниқлашнинг 2005 йил натижалари бўйича ҳисоб-китоби ва қиёсий таҳлили**

Т / р	Солиқ тўланадиган кўрсаткичлар	Фирмаларнинг номи		
		Ф1	Ф2	Ф3
1	Ягона солиқ тўлови (Яст), ялпи тушумга нисбатан, минг сўм	44787,5	33758,0	46719,7
2	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	306453,9	226451,4	308501,6
	Шу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, %	14,61	14,91	15,14
3	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	246532,4	158354,6	231365,2
	Шу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, %	18,17	21,32	20,19

Т / р	Солиқ тўланадиган кўрсаткичлар	Фирмаларнинг номи		
		Ф1	Ф2	Ф3
4	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинадиган соф фойда, минг сўм	24546,4	18392,7	32744,8
	Шу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, %	182,6	183,5	142,7
5	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи тушум, минг сўм	389456,2	293546,9	406257,5
	Шу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, %	11,5	11,5	11,5

Манба: Ўрганилаётган солиқни ягона солиқ тўлаш тартиби бўйича тўлаётган 3 та фирманинг молиявий ҳисоботи ва солиқ ҳисоби маълумотларидан фойдаланилган ҳолда муаллифнинг ҳисоб-китоби.

Мазкур жадвал маълумотларининг кўрсатишича, таҳлил қилинаётган корхоналарда солиқ юки маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи тушум бўйича ҳаммасида бир хил, яъни 11,5%ни ташкил қилади. Бу дегани солиқни ягона солиқ тўлаш тартиби бўйича тўлайдиган барча хўжалик юритувчи субъектларда солиқ юки, яъни барча солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ялпи тушумдаги улуши 11,5%ни ташкил қилади деганидир. Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумга нисбатан солиқ юки таҳлил қилинаётган объектларда ўзгариб боради. Унинг миқдори Ф1 фирмада 14,61%ни ташкил қилса, Ф3 фирмада 15,14%ни ташкил қилади. Бу ерда солиқ ва мажбурий тўловлар бир хил миқдорда (ставкада) бир хил объектдан ҳисобланмоқда, ammo уларнинг маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумга нисбатан даражаси турлича. Бунга сабаб, ҳисобланган солиқ суммаси Ф3 фирмада солиқ объектининг бошқа фирмаларга нисбатан кўплиги туфайли кўп бўлган. Бундан кўриниб турибдики, солиқ

объекти қанча кўп бўлса, бир хил солиқ ставкаси билан давлат бюджетига кўпроқ солиқ тушумини таъминлаш мумкин экан.

Таҳлил қилинаётган объектларда солиқ юки маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинган ялпи фойдага (даромадга) нисбатан мос равишда 18,17; 21,32; 20,19%ни ташкил қилади. Бу ерда ҳам шу қонуният исботланмоқдаки, бир хил солиқ ставкаси билан солиқ объекти юқори бўлган фирмада давлат бюджетига тўланадиган солиқ суммаси ҳам кўп бўлади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, фирмаларнинг маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойдаси (даромади) қанча кўп бўлса, солиқ суммаси ҳам, мос равишда, шунча кўп бўлар экан. Демак, амалиётда ҳар бир фаолият кўрсатаётган фирмаларнинг яшовчанлигини таъминлашдан фақат мулк эгалари эмас, балки давлат ҳам катта манфаатдордирлар.

Мазкур хулосани солиқ юкининг маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинадиган соф фойда мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бунда Ф1 фирмада унинг миқдори 182,6%ни ташкил қилган бир пайтда, Ф3 фирмада 142,7%ни ташкил қилмоқда.

Таҳлил жараёнида солиқ юкини аниқлаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш хулосани ойдинлаштириш учун асос бўлар экан. Демак, солиқ юкини таҳлил қилганда, битта кўрсаткич билан чекланиб қолмасдан, кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан.

Биз умбу солиқ юкини ҳисоблашни ягона солиқ тўлаш тартиби бўйича тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар мисолида кўриб чиқдик. Аммо шундай хўжалик юритувчи субъектлар ҳам борки, улар солиқни умумий тўлаш тартиби бўйича тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлардир. Бундай корхоналарда солиқларни тўлаш тартиби ҳам, солиқ солинадиган объекти ҳам турлича. Шундай хўжалик юритувчи субъектларда аҳволнинг қандайлигини билиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (*18-жадвал*).

**Солиқни умумий тўлаш тартиби бўйича тўлайдиган Ф1,  
Ф2, Ф3 фирмаларида солиқ юкини аниқлашнинг  
2005 йил натижалари бўйича ҳисоб-китоби ва қиёсий  
таҳлили**

Т / р	Солиқ тўланадиган кўрсаткичлар	Фирмаларнинг номи		
		Ф4	Ф5	Ф6
1	Даромад (фойда) солиғи (Дс), солиқ тўлангунга қадар фойладан	1880,6	3220,6	5468,8
2	Мол-мулк солиғи (Ммс), мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматидан	342,5	547,9	995,8
3	Экология солиғи (Эс), таннархдан	221,5	348,9	613,3
4	Инфратузилмани ривожлантириш солиғи (Итрс), соф фойдага нисбатан	25,2	43,1	73,0
5	Нафақа фондига ажратма (Нфа) ялли тушумга нисбатан	1216,4	2319,3	3985,8
6	Йўл (Йфа) ва мактаб (Мф) фондига ажратма, ялли тушумга нисбатан	4865,6	9277,2	15943,0
7	Кўшилган қиймат солиғи (Ққс), бажарилган ишлар, хизматларга нисбатан (ялли тушум)	48662,5	92786,9	159460,4
8	Жами	57214,3	108543,9	186539,3
<b>Солиқ объектини ифодаловчи кўрсаткичлар</b>				
9	Солиқ тўлангунга қадар фойда, минг сўм	608,4	1040,6	1763,9
10	Таннарх, минг сўм	22150,3	34890,4	61330,5
11	Мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	85641,0	136987,3	248963,2

Т / р	Солиқ тўланадиган курсаткичлар	Фирмаларнинг номи		
		Ф4	Ф5	Ф6
<b>Солиқ юкни ифодаловчи курсаткичлар</b>				
12	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	221834,5	386552,3	664287,9
13	Шу курсаткичга нисбатан солиқ юки, %	25,79	28,08	28,08
14	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	200388,3	351665,7	601962,5
15	Шу курсаткичга нисбатан солиқ юки, %	28,55	30,86	30,11
16	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф фойда, минг сўм	419,8	718,0	1217,1
17	Шу курсаткичга нисбатан солиқ юки, марта	136,3	151,2	153,3
18	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи тушум, минг сўм	243280,7	463862,7	797145,5
19	Шу курсаткичга нисбатан солиқ юки, %	23,52	23,40	23,40

Манба: Ўрганилаётган солиқни умумий тўлаш тартиби бўйича тўлаётган 3 та фирманинг молиявий ҳисоботи ва солиқ ҳисоби маълумотларидан фойдаланилган ҳолда муаллифнинг ҳисоб-китоби.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, таҳлил қилинаётган 3 та фирма ҳам 7 тур солиқ ва мажбурий тўловларни бир хил ставкада тўламоқда. Бу ерда, солиқни ягона солиқ тўлаш тартиби бўйича тўлаётган фирмалардан фарқли ўлароқ, барча солиқларнинг юки маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи тушумга нисбатан турлича. Масалан, Ф4 да солиқ юки 23,52%ни ташкил қилган бўлса, Ф5 ва Ф6 да эса

ушбу кўрсаткич 23,40%га тенг. Бунда солиқ юкининг энг юқори кўрсаткичи Ф4 фирмага тўғри келмоқда. Ушбу фирмада маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинган ялпи тушум Ф5 га нисбатан 52,4%ни ( $243\ 280,7 \times 100 : 463\ 862,7$ ) ташкил қилса, Ф6 га нисбатан атиги 30,5%га тенгдир ( $243\ 280,7 \times 100 : 797\ 145,5$ ). Худди шундай ҳолатни бошқа кўрсаткичлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур фирмаларда солиқ юки маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумга нисбатан, мос равишда қуйидагилардан иборат, яъни Ф4 фирмада — 25,79%, Ф5 фирмада — 28,98%, Ф6 фирмада — 28,08%га тенг. Бунинг сабаби Ф4 фирмада маҳсулотларнинг таннархи бошқа фирмаларникига нисбатан юқори. Шунинг натижасида унинг маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушуми миқдори камайган. Натижада шу кўрсаткич бўйича солиқ юки бошқа фирмаларникига нисбатан кам бўлган. Юқорида таъкидланганидек, фирмаларнинг фаолияти қанча катта бўлса, шунга мос равишда, солиқ юки ҳам ошиб бормоқда. Бироқ, унинг фойдаси ва рентабеллиги ҳам шунга мос равишда кўпдир. Буни шу таққосланадиган жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин. Масалан, харажатларнинг рентабеллиги Ф4 фирмада 1,90%га тенг ( $419,8 \times 100 : 22\ 150,3$ ), Ф5 фирмада 2,08%га тенг ( $718,0 \times 100 : 34\ 890,4$ ). Ушбу кўрсаткичнинг миқдори Ф6 фирмада 1,98%га тенг ( $1\ 217,1 \times 100 : 61\ 330,5$ ). Кўриниб турибдики, фирмаларда оборот қанча кўп бўлса, рентабеллик даражаси ҳам шунга мос равишда кўп бўлмоқда. Бу давлат бюджети ва бошқа жағфармаларга ҳам тушумларни кўпайтирар экан.

Солиқ таҳлили молиявий таҳлилнинг таркибий қисмидир. Аммо ҳозирги пайтда айрим адабиётларда солиқ таҳлили алоҳида иқтисодий таҳлилнинг мустақил шакли бўлиши лозим деган қарашлар ҳам мавжуд. Бироқ, бизнинг фикримизча солиқ таҳлили иқтисодий таҳлил таркибида тақомиллашмоғи ва ривож топмоғи лозим. Молиявий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири ўрганилаётган объектга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг аниқ таъсирларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Аммо солиқ юки таҳлили ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўллари

мамлакатимиз олимлари ва хорижий олимларнинг ҳам солиққа бағишланган иқтисодий адабиётларида<sup>1</sup>, хусусан, иқтисодий таҳлилга бағишланган адабиётларда<sup>2</sup> ҳам қараб

<sup>1</sup> Тошмуродов Т. Солиқлар изоҳли луғат. — Тошкент: «Меҳнат», 2003. — 116-бет.; Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. — Тошкент: «Ф.Фулом», 2000. — 16-бет.; Гаутаалин Ш.К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Уқув қўлланма. — Тошкент: ЎЗР ДСҚ, 1996. — 30-35-бет.; Солиқ қонунчилиги асослари. Уқув қўлланма / Тузувчилар Д.И.Шаулов, У.Т.Кан. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999. — 228-бет.; Пансков В.Г. Налоги и налогообложение в Российской Федерации. — М.: «Мир книги», 2000. — 64-бет.; Кирова Е.А. Определения налогового бремя // «Финансы», 1998, 9-сон. — 32-бет.; Пансков В.Г. Налоговое бремя Российской налоговой системы // «Финансы», 1998, 11-сон. — 19-бет.; Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. — Тошкент: «Ф.Фулом», 2000; Горский И. Налоги: История и современность. В кн.: Налоговое планирование для руководителя и бухгалтера. Т.1. — М., 1997; Солиқлар ва солиққа тортиш. — Тошкент: ЎЗР ДСҚ, 1996. — 286-бет.; Пардаев А., Азимов Б. Корхоналар фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш. — Тошкент: ZAR-QALAM, 2005. — 8-бет.

<sup>2</sup> Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000; Баханов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. — М.: «Финансы и статистика», 2000. — 416-бет.; Басовский Л.Е. Теория экономического анализа. Учебное пособие. — М.: «ИНФРА-М», 2001. — 222-бет.; Савицкая Г.В. Народнoхозяйственная деятельность предприятия. Учебное пособие. — Минск: ООО «Новое знание», 2000. — 688-бет.; Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. — М.: «ИНФРА-М», 2002. — 333-бет.; Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. — М.: «ИНФРА-М», 2000. — 208-бет.; Палий В.Ф. Новая бухгалтерская отчетность: содержание методики анализа. — М.: «Контроллинг», 1991. — 64-бет.; Акрамов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. — Тошкент, 2000. — 169-бет.; Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. — Тошкент: «Молия», 2003. — 224-бет.; Волжил И.О., Эргашбоев В.В. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998. — 254-бет.; Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. — Тошкент: «Консаудитинформ-Нашр» нашриёти, 2005. — 346-бет.; Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Меҳнат», 1995. — 60-бет.; Вахабов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. Дарслик. — Тошкент: «Шарқ», 2002. — 224-бет.; Вахабов А.В., Иброҳимов А.Т., Якубов У.К. Бошқа тармоқларда иқтисодий таҳлилнинг хусусиятлари. Уқув қўлланма. — Тошкент: ТМИ, 2004. — 148-бет.; Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Бошқарув таҳлили. — Тошкент: ТДИУ, 2004. — 140-бет.; Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. — Тошкент: ТДИУ, 2004. — 91-бет.; Вахабов А., Иброҳимов А., Ҳакимов Б. Иқтисодий таҳлил



чиқилмаган. Буларни инобатга олиб солиқ юкига таъсир қилувчи омилларни, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари қўллаган ҳолда ишлаб чиқдик ва амалиётга тавсия қилмоқдамиз. Солиқ юки, умуман олганда, энг аввало, маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумнинг миқдорига боғлиқ. Чунки солиқ солинадиган объектларнинг кўп қисми айнан шу кўрсаткичнинг миқдори билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Масалан, маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойданинг миқдори ўша биринчи кўрсаткичга боғлиқ. Бир хил таннарх билан соф тушум қанча кўпайса, ялпи фойда ҳам шунча кўпаяди ва аксинча. Қолган солиқ тўлангунча фойданинг ҳам, соф фойданинг ҳам миқдори шу кўрсаткичга боғлиқдир.

Шу туфайли солиқ юкининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлашда маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумнинг миқдорини олиш мақсадга мувофиқдир. У ҳолда солиқ юкига таъсир қилувчи омиллар билан боғлиқ кўрсаткични қуйидагича аниқлашни тавсия қиламиз.

$$C_{ю} = \frac{C_c}{M_{ст}};$$

---

назарияси. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ТМИ, 2003. — 176-бет.; Ибрагимов А.Т., Раҳимов М.Ю. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ТМИ, 2004. — 104-бет.; Аҳмаджонов Х.И., Раҳимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Ўқув қўлланма. — Тошкент: ТМИ, 2004. — 160-бет.; Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. — Тошкент: «Меҳнат», 2001. — 320-бет.; Пардаев М.Қ. Молиявий таҳлил методологияси. — Самарқанд: СамКИ, 1996. — 155-бет.; Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999. — 356-бет.; Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 1-қисм. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001. — 176-бет.; Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 2-қисм. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001. — 256-бет.; Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. — Тошкент: «Меҳнат», 2004. — 556-бет.; Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003. — 256-бет.; ва ҳ.к.

бунда:

**Сю** — солиқ юки;

**Сс** — солиқ суммаси;

**Мст** — маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум.

Ушбу формулага асосланадиган бўлсак, солиқ юкининг ўзгаришига ( $\Delta$ Сю) иккита омил таъсир қилади. Биринчиси, солиқ суммасининг ўзгариши (**Сс**) бўлса, иккинчиси, маҳсулотни сотишдан тушган соф тушумдир (**Мст**). Ушбу формуладан фойдаланиб солиқ юкининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаймиз.

1. Солиқ юкининг ўзгаришига солиқ суммасининг таъсирини аниқлаш учун қайта ҳисоблаш усулидан фойдаланишни тавсия қиламиз. У ҳолда солиқ юкининг солиқ суммаси эвазига ўзгарганлигини аниқлаш учун қайта ҳисобланган солиқ суммасидан (**Сс.ҳ** : **Мст.п**) режадаги солиқ юкини (**Сю.п**) айириш кифоя:

$$\Delta\text{Сю.сс} = \frac{\text{Сс.ҳ}}{\text{Мст.п}} - \frac{\text{Сс.п}}{\text{Мст.п}}$$

2. Солиқ юкининг ўзгаришига маҳсулотни сотишдан тушган соф тушумнинг таъсирини аниқлаш учун солиқ юкининг ҳақиқий миқдоридан (**Сю.ҳ**) қайта ҳисобланган солиқ юкининг суммасини (**Сс.ҳ** : **Мст.п**) айириш кифоя:

$$\Delta\text{Сю.мст} = \frac{\text{Сс.ҳ}}{\text{Мст.ҳ}} - \frac{\text{Сс.ҳ}}{\text{Мст.п}}$$

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий ҳажмига тенг бўлиши лозим. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta\text{Сю} = \Delta\text{Сю.Сс} \pm \Delta\text{Сю.Мст.}$$

Ушбу формулани амалиётга қўллаш усулини юқорида келтирилган фирмаларнинг бирининг мисолида кўриб чиқамиз (19-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўрииб турибдики, солиқ юки ҳисобот йилида таҳлил қилинаётган фирмада

**Солиқ юки ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини Ф6 фирманинг 2005 йилги маълумотлари асосида аниқлаш ҳисоб-китоби**

Т/р	Курсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Қайта ҳисобланган	Фарқи (+, -)	Шу жумладан	
						Сс эвазига	Мст эвазига
1	Солиқ суммаси, минг сўм	164387,2	186539,3	186539,3	+22152,1	х	х
2	Маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум, минг сўм	576797,2	664287,9	576797,2	+87490,7	х	х
3	Солиқ юки, %	28,5	28,08	32,34	0,42	3,84	4,26

Манба: 18-жадвал маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

бир йил давомида 0,42% бандга камайган. Ушбу ҳолат қуйидаги омиллар эвазига содир бўлган:

1. Ҳисобот йилида солиқ суммасининг 22 152,1 минг сўмга кўпайиши эвазига солиқ юки 3,84% бандга ошган (32,34 – 28,5).

2. Маҳсулотни сотишдан тушган соф тушумнинг шу таҳлил даврида 87 490,7 минг сўмга ошганлиги солиқ юкини 4,26% бандга камайтирган (28,08 – 32,34).

Барча омиллар таъсири юқорида таъкидланганидек, натижа кўрсаткичининг умумий фарқига тенг бўлади.

$$-0,42 = 3,84 - 4,26.$$

Таҳлил натижаларидан кўришиб турибдики, солиқ суммасининг кўпайиши солиқ юкини кўпайтирар экан. Маҳсулотни сотишдан тушган соф тушумнинг кўпайиши эса солиқ юкини камайтирар экан. Ушбу ҳолат кўрсатиб турибдики, корхоналарнинг маҳсулотни сотишдан келадиган соф тушумининг кўпайиши нафақат шу корхона ёки фирма учун, балки давлат ва жамият учун ҳам катта манфаат беради. Маҳсулотни сотишдан келадиган соф тушум кўпайишининг давлатга тегадиган нафи шундаки, у қанча ошиб борса, солиқ юки камайган ҳолда унинг суммаси мос равишда кўпайиб боради. Маҳсулотни сотишдан келадиган соф тушумнинг кўпайишининг жамиятга фойдаси шундаки, умумий яратилган ялпи ички маҳсулот ошиб боради, ички бозоримиз товарларга тўйиниб боради ва ниҳоят шу корхонада ишлаётган ходимларнинг фаровонлиги ҳам ошиб боради.

## 9-боб. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

### 9.1. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Давлатнинг пайдо бўлиши ва унинг ўз зиммасидаги вазибаларни бажариш мажбурияти жамиятда солиқлар ва солиқ муносабатларининг шаклланишига олиб келди. Модомики солиққа тортиш ва солиққа оид муносабатлар мавжуд экан, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, моҳияти ва мазмунини ҳамда солиқ қонунчилиги асосларини ўрганиш ҳар бир солиқ тўловчи учун муҳимдир.

Бу, **биринчидан**, солиқ тўловчи жисмоний шахсларга давлат билан муносабатларини тартибга солиш мақсадида, **иккинчидан**, ўз даромадларидан давлатга ажратилган тўловларни қандай мақсадларга ишлатилганини билиш учун зарурдир.

Мамлакатимизда давлат бюджети даромадларининг қарийб 20 фоизи жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқларга тўғри келади. Эркин иқтисодиёт шароитида бу тур солиқларнинг давлат бюджетига улуши ортиб боради. Давлат бюджетига ундирилган маблағлар эса фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, таълим, соғлиқни сақлаш каби муҳим йўналишларга сарфланади.

2003 йилда аҳолининг номинал пул даромадлари ўтган йилга нисбатан 23,9 фоизга ўсиб, 6438,3 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан мажбурий тўловлар ва бадаллар 488,5 млрд. сўмни ташкил этган<sup>1</sup>.

Аҳоли даромадларининг ўсиб бориши даромадлар бир қисмини иқтисодиётга инвестиция қилиш имкониятини беради. Бу эса жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ объектининг кўпайишига ва бюджетга маз-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси. — Тошкент, 2004. — 49-50-бет.

кур тур солиқлардан тушумларнинг ортишига олиб келади. 2003 йилда аҳоли даромадининг 8,4 фоизи иқтисодий ётнинг турли секторларига инвестиция қилинган<sup>1</sup>.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқларнинг хусусияти шундан иборатки, солиқ тўғридан-тўғри жисмоний шахснинг даромадидан ундирилади.

Шу сабабли ҳам мазкур тур солиқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти муҳим бўлиб, уни чуқур ўрганиш ҳар бир солиқ тўловчи учун алоҳида аҳамият касб этади.

## 9.2. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАДИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ТЎЛОВЧИЛАР ВА СОЛИҚ ОБЪЕКТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 12-18-боблари жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиққа оид муносабатларни тартибга солишга бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 44-моддасига мувофиқ «Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ тўловчилар» ҳисобланади.

**«Молия йили»** деганда — йилнинг 1 январидан 31 декабригача бўлган давр тушунилади.

**«Жисмоний шахслар»** — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 16-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 45-моддасига кўра, жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти ҳам бўлиши мумкин.

**Резидент** — доимий яшаб турган ёки молиявий йилда бошланадиган ёки тугайдиган 12 ойгача бўлган исталган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси. — Тошкент, 2004. — 51-бет.

давр мобайнида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда турган жисмоний шахсдир.

**Норезидент** — Ўзбекистон ҳудудида 183 кундан камроқ турган жисмоний шахсдир.

Солиқ кодекси мазкур моддасига мувофиқ, резидент жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек ундан ташқарида олган даромадлари бўйича солиқ тўловчи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган жисмоний шахслар республика ҳудудидаги фаолиятидан олинган даромадлар бўйича солиқ тўлайдилар. Жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ тўловчиларини қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин (17-чизма):




17-чизма. Жисмоний шахслар жами даромадларига солинадиган солиқ тўловчилари.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 46-моддасига кўра, жисмоний шахсларнинг даромадини солиққа тортишда уларнинг республикадан ташқарида тўлаган солиқлари суммаси ҳам халқаро битимларга мувофиқ инobatга олинади. Бундай ҳолатда жисмоний шахснинг тўлаган солиқ суммаси тўланиши лозим бўлган солиқ миқдоридан белгиланган тартибда чегирилади. Лекин, ҳисобга

олинадиган солиқ миқдори жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан ошмаслиги лозим.

Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ объекти бўлиб жами йиллик даромад ва Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги талаблари асосида белгиланган чегирмалар ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ объектини чизма шаклида қуйидаги шаклда ифодалаш мумкин (18-чизма):




**18-чизма. Жисмоний шахслар жами даромадларига олинадиган солиқ объектлари.**

Солиққа тортиш учун аниқланадиган жами йиллик даромад таркибига Солиқ кодексининг 48-моддасига мувофиқ жисмоний шахс олинми мумкин бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради.

Жисмоний шахслар жами даромадлари таркибини қуйидаги тарзда чизма шаклида ифодалаш мумкин (19-чизма):





*19-чизма. Жисмоний шахслар жами даромадлари таркиби.*

Бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний шахсларнинг даромади миқдори чекланмайди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, жисмоний шахслар қонунда белгиланган тартибда фаолият юритиб, чекланмаган миқдорда даромад олиши мумкин. Юқоридagi чизмадан кўринмоқдаки, жисмоний шахслар даромадларининг шаклланиш манбалари асосан уч гуруҳдан иборат. Бу гуруҳлар таркиби ўз навбатида бир неча манбаларни ўз ичига олади. Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинadиган даромадлари таркибини схемали тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин (*20-чизма*).

Чизмадан кўриниб турибдики, мазкур даромад манбаи 8 тани ташкил этади. Бунда жисмоний шахсларнинг даромадига юридик шахсларнинг ходимлари ўзлари тўлаши лозим бўлган тўловлар учун юридик шахс томонидан тўлаб берган маблағлар ҳам киради.

Масалан, юридик шахслар томонидан ходимлар учун коммунал хизматларга, квартирада яшашга тўловлар, давлат пенсиясига қўшимча, йўл чипталари қиймати, овқатланиш учун тўланadиган қўшимча ҳақ, газета ва журналларга обуна бўлиш қиймати, туристик йўлланмалар, спорт секциялари абонементларига тўланган ҳақ ва шунга ўхшаш тўловлардир.



**20-чизма. Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида оладиган даромадлари таркибининг шаклланиш манбалари.**

Жисмоний шахсларнинг меҳнат дафтарчаси юритиладиган корхона, муассаса ва ташкилот унинг асосий иш жойи ҳисобланади.

Жисмоний шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида оладиган даромадларига жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадларидан солиқ белгиланган тартибда ушланади. Бунда иш ҳақидан солиқ олиш мақсадлари учун иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб бориши бўйича жамланиб боради.

Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича оладиган даромадларидан олинадиган солиқ ставкалари Олий Мажлис томонидан белгиланган миқдорларда ун-

дирилади. Солиқ кодексининг 55-моддасига мувофиқ, 2006 йил учун белгиланган солиқ ставкалари миқдорини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (20-жадвал):

20-жадвал

**Жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солиш учун белгиланган солиқ ставкалари**

Жами даромад миқдори, сўм	Солиқ суммаси, сўм
Энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдоригача	Даромад суммасининг 13%
Энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдоридан (+1 сўм) ўн баробари миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдоридан олинанинган солиқ + беш баробаридан ошган сумманинг 21%
Энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан юқори миқдор	Энг кам иш ҳақининг ўн баробар миқдоридан олинанинган солиқ + ўн баробаридан ошган сумманинг 31%

Солиқ қонунчилиги зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари учун, шунингдек табиий иқлим шароитлари ёмон жойларда ишлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловлар бўйича имтиёзли даромад солиғи ставкаларини белгилаш ваколатини Вазирлар Маҳкамасига беради.

Мазкур ваколатдан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган, ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатига кирадиган ўта хавфли, ўта оғир, зарарли ва оғир меҳнат шароитларидаги ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг даромадларига белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинадиган даромадга қаралади, бунда фуқароларнинг юқорида айтилган тоифалари учун ушланадиган даромад солиғининг ставкаси 25 фоиздан ошмаслиги керак.

Оғир меҳнат шароитларига эга бўлган жойларда ишлаш учун коэффицентлар (туман коэффицентлари, юксак тоғлик, чўл, сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун)

билан қонун ҳужжатларида иш ҳақиға ҳисоблаб ёзиладиган ва тўланадиган суммалардан ҳамда кўрсатилган жойларда иш стажи учун устамалар суммаларидан 15 фоизлик ставка бўйича солиқ ундирилади.

1999 йил 17 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўта хавфли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадларига имтиёзли солиқ солини тўғрисида»ги қарорига асосан 1999 йил 1 апрелдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган, ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимларда ишловчилар кўрсатилган ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадларига солинадиган солиқ солиш даражаси 20 фоиздан юқори бўлмаслиги белгилаб қўйилган.

Мазкур турдаги солиқлар жисмоний шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш тўлов манбаида ундирилади.

Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадининг асосий қисмини ташкил этади. Жисмоний шахсларнинг жами даромадлари 2004 йилда 7 634,4 млрд. сўмни ташкил этган.

Бу манбалардан даромад олиш 2003 йилга нисбатан 1 196,1 млрд. сўмга кўпайган<sup>1</sup>.


Бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний шахслар даромад яратишда шахсан иштирок этиши ёки унда ўзи иштирок этмай, яъни ўзининг мулки билан қатнашиши эвазига даромад яратишда иштирок этиши мумкин. Бундай йўл билан даромад олиш солиқ қонунчилигида мулкий даромадлар олиш деб юритилади. Мазкур тартибда олинган даромадлар ҳам жисмоний шахслар жами даромадининг манбаларидан бири ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибини қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин (*21-чизма*):

Фоизлардан олинадиган даромадлар таркибига жисмоний шахслар томонидан таъсисчи сифатида корхона-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил статистик ахборотномаси. — Тошкент, 2005. — 60-бет.



**21-чизма. Жисмоний шахсларнинг мулкый даромадлари таркиби.**

ларга қўйган маблағлари, молиявий институтларга қўйилган маблағлари учун олинган даромадлардир.

Дивидендлар шаклидаги даромадлар бўлиб жисмоний шахсларнинг сотиб олган акциялари учун акциядорлик жамиятлари (компаниялари)дан олган дивидендлари ҳисобланади.

Жисмоний шахслар томонидан ўз тасарруфидаги мол-мулклардан фойдалангани учун юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ҳақ мол-мулк ижарасидан олинадиган даромадлардир.

Бозор иқтисодиёти жисмоний шахсларга юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб даромад олиш имкониятини берди. Бу турдаги тадбиркорликларга сартарошлик, қассобчилик, савдо-сотиқ, хунармандлик, косиблик, ишлар, хизматлар кўрсатиш ва бошқа шу каби фаолиятларни киритиш мумкин.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадлар манбалари бўлиб товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан келиб тушадиган тушумлар ҳисобла-

нади. Солиққа тортишда қонунчилик билан белгиланган меъёрларда жами тушумлардан чегирилади.

Мазкур турдаги жами тушумлардан чегириладиган харажатлар меъёри Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **9.3. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ШАКЛИДА ОЛАДИГАН ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар республика ҳудудидаги манбалардан меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида ёки унга тенглаштирилган даромадларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида оладиган даромадлари таркибига уларнинг меҳнат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича оладиган даромадлари киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларга қуйидагилар киради:

а) ходимларга сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати билан бундай товарларни (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш нархи ёки уларнинг таннархи ўртасидаги манфий фарқ;

б) юридик шахслар (иш берувчи) томонидан ходимларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган чиқимларини қоплаш учун қилинган харажатлар;

в) ходим иш берувчига тўлаши керак бўлган, ammo иш берувчининг қарори билан ҳисобдан чиқарилган қарз суммалари;

г) иш берувчи ўз ходимларининг ҳаёти ёки соғлигини ихтиёрий суғурталаш бадалларини тўлаш учун қилган харажатлари;

д) иш берувчининг жисмоний шахсдан ушлаб қолиниши керак бўлган тўловлар юзасидан харажатлари суммаси;

е) иш берувчининг ўз ходимларининг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошқа харажатлари.

Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 55-моддасига мувофиқ солиққа тортилади. Солиқни ҳисоблаш ва ундириш масъулияти ходимга иш ҳақи ҳисоблаган корхона зиммасига юклатилади.

#### **9.4. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МУЛКИЙ ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ**

Бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний шахсларнинг мулк объектларига эгалик қилиш ва ундан фойдаланишига кенг йўл очиб берилган.

Ўзбекистонда қонун йўли билан рухсат этилган тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишда мулкдорларга ўз мол-мулкларидан фойдаланишда, хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва унинг натижаларини тақсимлашда тўла эркинлик берилган.

Жисмоний шахсларнинг мулкый даромадларига ўз мулкни ижарага қўйишдан олган даромадлари, фоизлар ва дивидендлар киради. Жумладан, акциялар бўйича дивидендлар ва банк фоизлари киради.

Жисмоний шахсларга тўланган дивидендлар ва фоизларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган ставкалар бўйича тўлов манбаида солиқ солинади.

Норезидент жисмоний шахсларнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги манбадан олинган даромадларига уларни тўлаш манбаида чегирмаларсиз, қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади *(21-жадвал)*.

Тўлов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки ундан ташқарида амалга оширилганидан қатъи назар, солиқ тўлов манбаида ундирилади.

2006 йил 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизлар тўлов манбаидан 10 фоизли ставка бўйича солиққа тортилади.

**Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига кўра  
тўлов манбаидан олинган даромадларга солинадиган  
солиқ ставкалари**

Дивидендлар ва фоизлардан	10%
Таваккалчилик сугуртаси бўйича тўланган сугурта мукофотлари	10%
Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасидаги транспорт, телекоммуникация ва алоқа хизматларидан тушган даромадлар	6%
Роялти, ижара даромадлари, кўрсатилган хизматлардан тушган даромад, амалий маслаҳатлар учун тўланган ҳақлар	20%

**9.5. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИДАН  
ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ҲИСОБИ**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига кўра молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган республика фуқаролари, резидентлар ва норезидентлар жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўловчилар бўлиб ҳисобланади. Бунда фуқаро, норезидентнинг жами йиллик даромади солиқ солинадиган даромад солиғининг объекти бўлиб ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан олинadиган даромад солиғи бўйича маълумотлар хўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия ҳисобида 6411-«Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича бюджетга қарздорлик» счётида олиб борилади.

Жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан олинadиган даромад солиғининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини мисоллар ёрдамида қараб чиқамиз.

1. Савдо компаниясида сотувчиларга 200 000 сўм ва маъмурият ходимларга 32 000 сўм миқдоридан иш ҳақи ҳисобланди:



Дебет	9410-«Сотин харажатлари» счёти	200000 сўм
	9420-«Маъмурий харажатлар» счёти	32000 сўм
Кредит	6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашмишлар» счёти	232000 сўм

2. Компания ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақи ҳисобидан 21 000 сўм миқдорда даромад солиғи ушланди. Бу ҳўжалик жараёни бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс этирилади:

Дебет	6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашмишлар» счёти	21000 сўм
Кредит	6411-«Бюджетга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича қарз» счёти	21000 сўм

3. Компания томонидан ишчи ва хизматчилар иш ҳақларидан ушлаб қолинган солиқлар суммаси бюджетга тўлов топшириқномаси билан ўтказиб берилганда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қайд этилади:

Дебет	6411-«Бюджетга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича қарз» счёти	21000 сўм
Кредит	5110-«Ҳисоб-китоб» счёти	21000 сўм

## 9.6. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ЖАМИ ДАРОМАДЛАРИНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2001 йил 7 декабрдаги 321-11-сонли қарорига мувофиқ республикамиз фуқаролари 2003 йилги даромадларидан давлат солиқ хизмати органларига жами даромадлари тўғрисида декларация топширишни жорий этиш назарда тутилган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2002 йил 5 сентябрда «Жисмоний шахслар жами даромадларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

<sup>1</sup> Ушбу параграф Ж.Исроилов билан ҳамкорликда ёзилди.

Президентимиз Фармони эълон қилинди. Фармонда жами даромадларни декларациялашни жорий этишнинг қонуний асосларини яратиш бўйича ҳукмат ва тегишли вазирлик, идоралар томонидан амалга оширилиши зарур вазифалар белгилаб берилди. Хусусан:

- «Жисмоний шахслар жами даромадларини декларациялаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини инлаб чиқиш;
- жисмоний шахслар жами даромадларини декларациялаш тизимини жорий этишнинг 2002-2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларининг аниқ дастурини ишлаб чиқиш;
- жисмоний шахслар жами даромадларини декларациялаш бўйича хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва шулар асосида декларациялаш механизминини ишлаб чиқиш;
- фуқароларнинг жами даромадларни декларациялаш тўғрисидаги онгини шакллантириш ҳамда уларни декларациялаш тизимига ўтишга тайёрлаш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган даромадлар (даромадлар манбалари) тўғрисидаги декларациялар ва декларациялаш билан боғлиқ бошқа ахборотларни қайта ишлаш билан боғлиқ марказ ташкил этиш;
- солиқ органларига ахборотларни электрон воситалар орқали тақдим этиш ва солиқ назоратини ташкил этиш бўйича дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ IX сессиясида юртбошимиз томонидан ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш, давлатимиз иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги бундан буёнги устувор йўналишлар белгилаб берилдики, бу устувор йўналишлар ҳар бир соҳа хизматчилари учун дастур бўлмоғи зарур.

Дастуриламал устувор йўналишлардан бири бу — ислохотларни амалга оширишда инсон омили ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш борасидаги ишларни давом эттиришдир. Режалаштириладётган ва амалга ошириладётган ҳар бир ишимизда инсон омили ва фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш асосий мақсадларимиздан бири бўлмоқда. «Жисмоний шахслар жами даромадларини декларациялаш тўғри-

сида»ги қонун айнан фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига эътибор берилаётганидан далолатдир.

Аmmo, бу бўйича айрим фикрларимиз мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 63-моддасида оила давлат ва жамият муҳофазасида бўлини белгилаб қўйилган. Бу қоида юртбошимиз томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки кунидан ҳозиргача устувор йўналиш сифатида таъкидланиб келинмоқда. Шунинг учун фуқароларнинг жами даромадларидан солиқни ҳисоблаш пайтида ижтимоий характердаги харажатлар чегирилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу мақсадда давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсатдан келиб чиқиб, «Жисмоний шахслар жами даромадларини декларациялаш тўғрисида»ги қонунда «Ижтимоий чегирмалар» тўғрисидаги моддалар алоҳида ўрин олишини мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Мазкур моддаларда фуқароларнинг жами даромадларини декларациялашда солиққа тортиладиган даромадлар базасидан чегириладиган харажатлар таркиби акс эттирилиши лозим.

Фикримизча, фуқароларнинг жами даромадларини декларациялашда чегирилиши таклиф этилаётган ижтимоий харажатларга:

- бюджет муассасаларига хайрия мақсадларида қилинган харажатлар;

- ўзи (турмуш ўртоғи) ва фарзандларининг 25 ёшга етгунича мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим муассасалари, ўрта-махсус ва олий ўқув юртлирида таълим олишлари учун қилинган харажатлар;

- ўзи (турмуш ўртоғи) ва фарзандларининг ўқиши учун ўргатувчи (репетитор)ларга тўланган харажатлар;

- ўзи (турмуш ўртоғи) ва фарзандларини (18 ёшга етгунча) даволаш учун ва дори-дармон олиш учун кетган харажатлар;

- оиладаги ҳар бир фарзанд учун чегирма;

- талабаларга ижарага берилган уй-жойлар учун чегирма;

- кам таъминланган оилалар учун давлат томонидан бериладиган нафақалар кабиларни киритиш мумкин.

Фуқаролик жамияти қуриш асосий мақсадимиз экан, давлат ўз вазифасини босқичма-босқич фуқаролар ва жа-

моат ташкилотларига бериб бориши лозим. Юқорида таъкидланган ижтимоий харажатларнинг асосий қисми ҳозирда бюджет маблағлари томонидан амалга оширилади. Фуқаролар жами даромадларидан декларация қабул қилиш пайтида таъкидланган ижтимоий чегирмаларни ҳисобга олиш йўли билан давлат:

**Биринчидан, ўз ижтимоий харажатларини қилишнинг бир қисмини фуқаролар зиммасига ўтказиб, уларга харажатларни мақсадли ва тежамли ишлатилишини назорат қилиш вазифасини юклайди. Чунки фуқарода ажратган маблағини самарали ишлатилишини назорат қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади;**

**иккинчидан, маблағларни бюджетга йиғиш, уни тарқатиш билан боғлиқ ортиқча харажатларни камайтиради;**

**учинчидан эса, энг асосийси, юртбошимиз таъкидлаётганидек, солиқларнинг ишлатилиши бўйича фуқаролик назорати ўрнатилади.**

Ижтимоий чегирмалар таркибига қанақа харажатлар киритилиши мумкинлигини асослаш учун қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Бюджет муассасаларига хайрия мақсадларида қилинган харажатлар.** Мазкур турдаги харажатларга фуқаролар томонидан мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим муассасалари, қариялар, ногиронлар уйлари, тиббий муассасалари ва шу каби бюджетдан маблағ билан таъминланадиган муассасаларга пул шаклида қилинган хайрия маблағларини киритиш мақсадга мувофиқдир.

**Фуқароларнинг ўзи (турмуш ўртоғи) ёки фарзандларининг 25 ёшга етгунича мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим муассасалари, ўрта-махсус ва олий ўқув юртлирида таълим олишлари учун қилинган харажатлар.**

Бу харажатларга фуқаро ўзи ёки фарзандларининг 25 ёшга етгунича Ўзбекистон Республикасида жойлашган, қонун билан белгиланган тартибда махсус рухсатномаларга эга бўлган мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим муассасалари, ўрта-махсус ва олий ўқув юртлирида таълим олишлари учун қилинган харажатларни киритиш керак. Чунки хилма-хил мулк шакли Конституциямизда эътироф этилган. Шунинг учун таъкидланган фаолият турлари билан шуғулланиш қонунларимизда рухсат этилган.

Фарзандларни қаерда ва қайси ўқув муассасасида ўқитиш ҳуқуқи ота-оналарга берилган. Бундан ташқари, бу омил таълим тизимида рақобат пайдо бўлишига ва таълим сифатининг ортиб боришига ҳамда баркамол авлод тарбияланишдек муҳим вазифани амалга оширишга хизмат қилади.

**Фуқароларнинг ўзи (турмуш ўртоғи) ва фарзандларини ўқитиш учун ўргатувчи (репетитор)ларга тўланган харажатлар ҳам жами даромадни декларациялашда чегирилиши муҳимдир.** Маълумки, олий ўқув юртига қабул қилишнинг тест тизимининг амалга киритилиши муносабати билан жуда кўплаб фуқаролар ҳозирда ўргатувчилар орқали имтиҳонларга тайёрланмоқдалар. Бу ўз самарасини амалиётда берди. Шунинг учун бундан буён ҳам бу тажриба давом этади. Лекин, ҳозирда мазкур амалиёт билан шуғулланаётган фуқаролар даромадларини тўлиқ солиққа тортиш имконияти йўқ. Сабаби, бундан солиқ тўловчи фуқаро ҳам, ўргатувчи ҳам манфаатдор эмас. Декларациялан пайтида фуқароларнинг даромадидан репетитор учун қилинган харажатларни чегириш эвазига репетиторлик учун олинган даромадларнинг миқдори аниқланиб, ушбу даромадни солиққа тортиш механизмининг яратилиш мақсадига мувофиқдир.

**Фуқароларнинг ўзи, турмуш ўртоғи ва фарзандларини (18 ёшга етгунча) даволаш ва дори-дармон олиш учун кетган харажатлар бўйича ижтимоий чегирилган бериш ҳам икки томонлама, яъни давлатга ҳам, фуқарога ҳам фойда келтиради.**

Жами даромадларни декларациялашда мазкур турдаги харажатларни фуқаролар даромадидан чегириш билан **биринчидан**, фуқароларга бундай хизмат турларини танлаб олиш имконияти берилади, **иккинчидан**, фуқароларнинг тиббий хизматни танлаш имконияти туфайли бозор иқтисодиётининг асосий талаби бўлган муҳити шаклланади, тиббий хизмат сифати ортади, **учинчидан**, мазкур хизмат бўйича назорат сифати ортиб, бундан давлат ҳам, фуқаролар ҳам ютади, **тўртинчидан**, хусусий амалиёт билан шуғулланаётган тиббиёт ходимлари даромадини солиққа тўлиқ тортиш имконияти яратилади. Чунки фуқаро ўзига кўрсатилган хизмат харажати тасдиқловчи ҳужжат олиши зарур бўлади, акс ҳолда у мазкур имтиёздан фойдалана олмайди.

**Оиладаги ҳар бир фарзанд учун чегирма ҳам фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш учун зарур бўлган чегирмадир.** Ҳозирда бу чегирма ижтимоий таъминот органлари орқали фуқарога етиб бориши лозим. Бу ўз-ўзидан маълумки, ортиқча харажат талаб қилади ва кўпчилик ҳолларда суиистеъмомликка олиб келмоқда.

**Талабаларга ижарага берилган уй-жойлар учун чегирма.** Баркамол авлодни тарбиялаш — давлатнинг энг муҳим вазифаларидан. Иқтисодий жиҳатдан юксак ривожланган мамлакатлар қаторига кўтарилиш, давлатимизнинг келажаги ана шу вазифанинг қанчалик тез ва сифатли бажарилишига боғлиқдир. Бунга Япония иқтисодиётини ислоҳ қилиш тажрибаси яққол намунадир. Шу сабабли фикримизча, мазкур харажатларни фуқаролар жами даромадини солиққа тортишда чегирини юртбошимиз томонидан қўйилган вазифанинг бажарилишига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз. Бу чегирма ривожланган мамлакатлар — Англия, Голландия амалиётида кенг қўлланилиб, ўзини оқлаган усулдир.

**Кам таъминланган оилалар учун давлат томонидан бериладиган нафақалар миқдорини жами даромадларни декларациялашда солиқ базасидан чегирини.** Республика мустақиллигининг дастлабки кунларидан юртбошимизнинг сиёсати фуқароларнинг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялашга қаратилгандир. Бу борада олиб борилган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтиришга эҳтиёж йўқ, деб ўйлаймиз. Гап фуқаролар жами даромадларини декларациялашда кам таъминланган оилалар учун давлат томонидан белгиланадиган нафақа миқдорини солиқ базасидан чегирининг зарурлиги тўғрисида.

Маълумки, ҳозирда кам таъминланган оилалар учун нафақа белгиланган бўлиб, бу нафақалар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан фуқароларга берилади. Амалдаги нафақани белгилаш учун фуқароларнинг кўплаб вақти сарф этилади. Баъзан эса нафақа белгилаш учун нотўғри маълумотлар тақдим этилади ва бунинг натижасида билмаган ҳолда маълумот берган, даромадлари манбаидан беҳабар нафақа ҳисоблаган фуқароларни ҳам жавобгарликка тортиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Фуқаролар ва маҳаллалар раҳбарларининг ортиқча вақти ҳамда маблағи сарф этилмоқда.

Фуқаролар жами даромадларини декларациялаш пайтида эса оиланинг жами даромади, бир киши учун тўғри келадиган даромадлар декларацияда яққол кўриниб туради. Мазкур тартибда эса оила кам таъминланганлиги фуқаронинг декларациясидан кўриниб туради ва агарда нотўғри маълумот берса, у ҳолда фақат ўзи жавобгар бўлади.

Фуқаролар жами даромадларини декларациялашда солиқ базасидан чегирилиши таклиф этилаётган ижтимоий харажатлар «Жисмоний шахслар жами даромадларини декларациялаш тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топиши ва Солиқ кодекси тегишли моддаларига ўзгартириш киритиш орқали амалга оширилиши мумкин. Фикримизча, бундан ҳам давлатга, ҳам фуқароларга фойда бўлади.

## 10-боб. СОЛИҚ НАЗОРАТИ, УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

### 10.1. СОЛИҚ НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Режали иқтисодиёт даврида иқтисодиётда асосан бир турдаги мулкчилик — давлат мулки ҳукмрон эди. Шу сабабли назорат ҳам давлатнинг турли органлари томонидан олиб борилар эди. Лекин, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашуви тақиқланади. Давлат янги молиявий механизмлар орқали қонуларда белгиланган тартиблардагина тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириши мумкин.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётини шакллантириш билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмайдиган, улар фаолиятининг ривожланишига омил бўладиган ва шу билан бир вақтда уларнинг қонуний фаолият юритишларини назорат қиладиган солиқ назорати тизими шаклланди.

**Солиқ назорати** — давлат молиявий назоратининг ажралмас ва муҳим йўналишидан биридир. Солиқ назоратини тўғри таъминлаш туфайли давлат ва маҳаллий бюджетнинг даромад қисми тўлдирилиши бу назоратнинг муҳимлигини белгилайди. Бундан ташқари, солиқ назорати назорат объектининг сон жиҳатидан кўплиги сабабли ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонун 2-моддасида **Солиқ назоратига** «Солиқ назорати солиққа тортиладиган субъектлар ва объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат» деб таъриф берилган.

Солиқ назорати молиявий-хўжалик назорати турига киради. Ушбу назорат тури давлат молиявий назорати билан хусусий ва умумий жиҳатдан яқиндир. Лекин, солиқ назорати ўзининг объекти, мазмуни, усул ва услуби, на-



зорат қиладиган шахслар ва идоралар турига қараб давлат молиявий назоратидан фарқ қилади. Бундан ташқари, солиқ назорати давлат бюджети даромад қисмини тўлдириш билан боғлиқ махсус вазифани назорат қилиши билан ҳам бошқа назоратлардан фарқ қилади.

**Солиқ назоратининг объекти** — солиқ ва йиғимларни ундириш ҳамда ушбу мажбуриятларни бажармаган солиқ тўловчиларни жавобгарликка тортиш билан боғлиқ муносабатлар мажмуидир.

**Солиқ назоратининг субъектлари** — давлат солиқ хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, божхона органлари ҳисобланади.

Солиқ назоратини олиб боришдан кўзланган асосий мақсад солиққа тортишнинг такомиллашган тизимини ташкил этиш, солиқ тўловчилар, банклар ва бошқа солиққа оид муносабатлар қатнашувчилари ўртасида солиқ қонунчилигини бузишга йўл қўймайдиган солиқ интизомини яратишдир. Бундан ташқари, назоратнинг алоҳида вазифалари ҳам мавжуд бўлиб, бундан кўзланган мақсад солиққа оид муносабатларнинг алоҳида соҳаларини тартибга солиш бўлиб ҳисобланади. Масалан, нақд пул соҳасидаги камчиликларни тартибга солиш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишни тартибга солиш кабилардир.

Ҳар қандай назоратнинг ўз вазифалари бўлиб, улар асосида назоратнинг мақсади белгилаб олинади.

**Солиқ назоратининг вазифалари** қўйидагилардан иборатдир:

- солиқ ва йиғимларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланиши ҳамда бюджет (бюджетдан ташқари фондларга) ўз муддатларида тўланишини таъминлаш;
- солиқ ва йиғимлар тўғрисидаги қонунларни бузувчиларга жазонинг муқаррарлигини таъминлаш;
- солиқ қонунчилиги бузилишининг олдини олиш, солиқ тўловчиларнинг солиқ ва йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки тўлиқ бажармаганлиги натижасида давлатга етказилган зарарни ундиришдир.

Назоратни амалга оширишда унинг мазмунини аниқлаб олиш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади. Шу тўғрисида солиқ назоратининг мазмуни сифатида:

- юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ ва йиғимлар тўғрисидаги қонунлар бажарилишини текшириш;
- солиқ органларида ҳисобда туриш ва бу билан боғлиқ мажбуриятларни текшириш;
- бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш, солиқ ҳисоботларини тўғри ва белгиланган муддатларда тақдим этиш, улардаги маълумотларнинг асослилигини текшириш;
- солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига оид процессуал қонун нормалари талабларига риоя этишини текшириш;
- банкларнинг солиқ қонунчилиги ижроси бўйича мажбуриятларини бажаришини текшириш;
- аҳоли билан ҳисоб-китобларда назорат-касса машиналарининг тўғри қўлланишини текшириш;
- солиқ ва йиғимлар тўғрисидаги қонунлар бузилишининг олдини олиш;
- муддати ўтган дебитор ва кредиторлик қарзларини текшириш;
- яширин солиқ объектларини аниқлаш;
- солиқ қонунчилигини бузувчиларни аниқлаш ва уларни жавобгарликка тортиш;
- солиқ тўловчилар томонидан солиқ ва йиғимлар тўғрисидаги мажбуриятларни бажармаслик ёки етарли даражада бажармаслик оқибатида давлатга етказилган зарарни ундириш кабилардир.

Солиқ назорати бу — назоратни амалга оширишнинг аниқ ҳаракат усули бўлиб, ривожланган мамлакатларда солиқ назоратини ташкил этишда турли усуллардан фойдаланилади. Солиқ назоратини ташкил этишда аудит амалиётидан фойдаланиш назоратнинг тўлақонли ўтказилиши ва ҳуқуқий таъминлашга хизмат қилади.

Лекин, мамлакатимиз солиқ назорати амалиётини аудит амалиётидан фойдаланилмайди. Мамлакатимизда солиқ назоратини ташкил этишда асосан ҳужжатли, бир марталик, назорат тартибидаги, таҳлилий текширувлар усуллари кенг қўлланилади. Шу сабабли ишда мазкур масалаларни тадқиқ қилишга асосий эътибор қаратилади.

Солиқ тўловчи субъект молиявий-ҳўжалик фаолияти назоратини унинг амалга оширилишига кўра таҳлилий,

ҳужжатли, қисқа муддатли ва бир марталик назоратларга бўлиш мумкин (22-чизма):



22-чизма.

**Таҳлилий назорат** — назорат субъекти фаолиятини унинг фаолиятига аралашувсиз, давлат солиқ идораларида солиқ туловчи иштирокида унинг тақдим этган ҳисоботларини арифметик текшириш ва молиявий таҳлил этишдир.

**Ҳужжатли назоратда** ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳўжалик-молиявий фаолиятининг солиқ ва бошқа мажбурий ажратмалар билан боғлиқ барча соҳалари тўлиқ текширилади.

**Қисқа муддатли текшириш** — ҳўжалик юритувчи субъектнинг айрим тармоқчалари ёки хусусий талбиркор фаолиятини бир суткадан ортиқ бўлмаган муддатга аниқ мавзу бўйича текширишдир.

**Бир марталик текширувда (рейд текшируви)** якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи талбиркорлар томонидан солиқ қонунчилиги бажарилиши назоратдан ўтказилади.

Ҳужжатли солиқ назоратини ташкил этиш тартибига кўра жорий ва ҳақиқий назоратларга бўлиш мумкин (23-чизма).



23-чизма. Ҳужжатли солиқ назоратини ташкил этилиши бўйича гуруҳлаш.

Жорий назорат асосан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- ҳужжатларга кўз югуртириш, мантиқан ва арифметик текширувдан ўтказиш;
- ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бериш;
- ҳужжатларни ҳўжалик жараёнида тузилиши зарур бўлган бошқа ҳужжатлар билан солиштириб кўриш;
- ҳужжатлар асосида корхона фаолиятини иқтисодий таҳлил этиш.

Ҳақиқий солиқ назоратини амалга оширишда эса:

- солиқ тўловчиларнинг ҳисобда туришини бевосита текшириш;
- ҳужжатларни ўрганиш;
- аниқланган ҳолатлар бўйича тушунтиришлар олиш;
- гувоҳларни сўроқ қилиш;
- ҳудудлар ва предметларни кўрувдан ўтказиш;
- саноқдан ўтказиш;
- мутахассисларни жалб этиш;
- экспертиза ўтказиш;
- солиқ тўловчи харажатларини даромадлари билан солиштириш каби усуллар қўлланилади.

Солиқ назоратининг самараси унинг тартиб ва усулларини тўғри танлаш билан боғлиқдир. Чунки қисқа муддат ва кўп куч сарф этилмасдан кутилган натижага эришиш учун назоратнинг бир-бирига уйғун усулларини текширув пайтида танлай олиш зарур бўлади.

## **10.2. СОЛИҚҚА ДОИР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА УЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ЙЎЛЛАРИ<sup>1</sup>**

Иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизда кўпмулкчиликка асосланган иқтисодиёт вужудга келди. Мамлакатда давлат мулки билан бир қаторда хусусий, аралаш, шахсий, умумий мулклар пайдо бўлди ва улар иқтисодиётда эркин фаолият кўрсатиб, даромад келтириш омиллари сифатида тан олинди.

Бозор муносабатлари таъкидланган мулкларнинг тад-

---

<sup>1</sup> Ушбу параграф Қ.Иброҳимов билан биргаликда ёзилган.

биркорлик фаолиятида фаол иштирок этишини ва мулкларнинг даромад келтириш манбаи сифатида намоён бўлишини тақозо қилади. Кишилик жамияти ва жаҳон тажрибаси эса ҳар қандай қонуний даромад қонунчилик асосида давлатнинг зарурий харажатларини қоплаш учун солиққа тортилиши лозимлигини тақозо қилади.

Солиққа оид мажбуриятлар ва ҳуқуқлар мажмуаси солиқ тўловчилар ва давлат ўртасидаги муносабатларни юзага келтиради. Солиқ муносабатлари мамлакатимизда қатор қонунлар билан тартибга солинади. Солиқ тўловчилар томонидан мазкур қонунлар билан белгиланган нормаларга амал қилмаслик эса солиққа оид ҳуқуқбузарлик ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини ҳам юзага келтиради.

Солиққа доир ҳуқуқбузарликлар ушбу соҳадаги иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши билан юзага кела бошлади. Бу, ўз навбатида, унга қарши курашиш, унинг олдини олиш ва бартараф этишни қонунчилик институти орқали амалга ошириш лозимлигини тақозо қилади. Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилигини бузганлиги учун маъмурий, жиноий ва молиявий жавобгарлик тизими шаклланган. Лекин, бу турдаги ҳуқуқбузарлик ва уларнинг турлари меъёрий ҳужжатлар ва қонунларимизда тўлиқ ўз аксини топмаган. Таъкидланган ҳужжатларда фақат содир этилган ҳолатлар учун жавобгарлик нормалари белгиланган, холос. Қонунларда белгиланган нормалар эса икки-уч гуруҳларга бўлинган бўлиб, уларни қай ҳолатларда қўллаш юзасидан назарий ва амалий қўлланмалар кам. Содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни белгилаш учун эса аниқланган ҳуқуқбузарлик қандай ҳолатда содир этилгани ва унинг ижтимоий хавфлилик даражаси муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 132-моддаси солиқ муносабатлари субъектларининг жавобгарлигини белгиловчи ҳуқуқий нормадир. Мазкур моддага мувофиқ солиқ тўловчилар солиқ қонунчилигини бузганликлари учун Солиқ кодексига мувофиқ молиявий ва бошқа қонунларда белгиланган нормаларга асосан эса маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Солиққа доир ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгилаш учун ушбу тушунчага таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, солиққа оид

ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин.


*Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик — содир этилган ҳуқуқбузарлик учун солиқ тўловчига молиявий санкциялар қўллаш ҳамда ҳуқуқбузар шахс ёхуд ҳуқуқбузарлик субъектлари мансабдор шахсларини маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортишидир.*

Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик солиқ қонунчилигини турли шаклда бузиш йўллари орқали содир этилади. Бу турдаги ҳуқуқбузарликлар солиқларни нотўғри ҳисоблаш, уларни ўз муддатида ва тўлиқ бюджетга тўламаслик, яъни солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаши каби ҳаракатлари орқали содир этилади. Бу турдаги ҳуқуқбузарликлар моҳиятини очишда уларни таснифлаб олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Содир этилган ҳуқуқбузарликларни унинг иқтисодий мазмуни бўйича қуйидаги уч турга бўлиш мумкин:

- солиқлар ва бошқа тўловларни ҳисоблашга доир;
- солиқ ва бошқа тўловларни ундириш ҳамда бюджетга тўлашга доир;
- банкларнинг солиқ тўловчилар маблағларининг бюджетга белгиланган тартибда ўтказилишига доир сабаблар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар.

Таъкидланган ҳуқуқбузарликлар янада чуқурроқ таҳлил қилинса, уларнинг турли шаклда содир этилганлигига гувоҳ бўламиз. Солиқ ва бошқа тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни уларни содир этиш йўналиши бўйича қуйидагача таснифлаш мумкин (24-чизма):



24-чизма. Солиқларни ҳисоблаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни таснифлаш.

Таъкидланган ҳуқуқбузарликларнинг ҳар бирини со-  
дир этиш характериға кўра ҳам бир неча турларға бўлиш  
мумкин.

Жумладан, солиқ базасини яшириш ёхуд солиқ объект-  
тини камайтириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар:

- солиқ солиш базасини яшириш;
- солиққа тортиладиган даромадни камайтириш;
- солиққа тортиладиган бошқа объектларни яшириш.

Солиқ объекти ҳисобини юритиш тартибини бузиш-  
га оид ҳуқуқбузарликлар:

- солиқ объектини ҳисобга олмаслик;
- солиқ объектининг ҳисобини юритмаслик натижаси-  
да даромадларни камайтириш;
- солиқ объекти бўйича ҳисоб-китоб ишларини белги-  
ланган тартибда юритмаслик натижасида даромадни ка-  
майтириш ёки яшириш.

Солиқ органларига ҳисоботлар тақдим этиш тартиби-  
ни бузиш орқали ҳуқуқбузарлик содир этиш:

- солиқ органларига ҳисоб-китоб ва ҳисоботларни  
тақдим этмаслик;
- солиққа оид ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни белги-  
ланган муддатдан кеч ҳамда ўзгартирилган шаклларда тақ-  
дим этиш.

Солиқлар тўлаш тартибини бузиш билан боғлиқ  
ҳуқуқбузарликлар эса:


- солиқ тўловчининг солиқларни тўлаш юзасидан бе-  
рилган топшириқларни ёхуд солиқ органининг қонуний тўлов  
талабномасини бажармаслик;
- солиқ ва тўловларни тўлаш муддатини кечиктириш  
билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларға ажратиш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонун-  
чилигида савдо ва хизмат кўрсатиш қодаларини бузиш,  
тадбиркорлик фаолияти билан ноқонуний фаолият кўрса-  
тиш, нақд пул обороти бўйича белгиланган тартибларни  
бузиш, ноқонуний акциз маркасиз алкоголь, тамаки маҳ-  
сулотлари ишлаб чиқариш, сотиш каби ҳуқуқбузарликлар  
ҳам солиққа доир ҳуқуқбузарлик таркибига киритилган.

Чунки мазкур ҳуқуқбузарликларни содир этишдан  
мақсад назорат қилинмайдиган даромад олиш бўлиб, унинг  
натижасида давлат бюджетига катта зарар етказилади.

Худди шунингдек, бу турдаги ҳуқуқбузарликлар бозор иқтисодиётининг асосий талаби бўлган истеъмол бозоридаги қонуний рақобатга путур етказди.


Солиқ тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун ҳўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг мансабдор шахслари, фуқаролар ва якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар ҳуқуқбузарлик субъектлари бўлиши мумкин. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик субъектларининг умумий таснифини қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (25-чизма):



**25-чизма. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик субъектларининг умумий таснифи.**

Таъкидланган субъектларнинг ҳар бири ўз навбатида бир қатор ташкилий-ҳуқуқий шаклдан иборатлиги сабабли уларни ҳам гуруҳлаб олиш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларни ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўйича қуйидаги чизма ёрдамида таснифлаш мумкин (26-чизма):



**26-чизма. Хўжалик юритувчи субъектлар бўйича ҳуқуқбузарлик субъектларининг таснифи.**



Жисмоний шахслар, резидентлар солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланган тартиб ва муддатларда солиқ органларига ҳисоботлар тақдим этиб боришлари зарур. Жумладан:

- фуқаролар ўтган йил учун жорий йилнинг 1 апрелигача;

- ажнабий жисмоний шахслар — резидентлар республикага келган кунидан бошлаб бир ой муддат ичида тахминий даромади тўғрисида, календарь йилининг ичида фаолиятини тўхтатиб, республикадан кетмоқчи бўлса — республикадан кетишидан бир ой олдин, доимий фаолият юритаётган бўлса — ўтган йил учун жорий йилнинг 1 апрелигача;

- якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқаролар йил якуни бўйича кейинги йилнинг 15 январигача белгиланган тартибда давлат солиқ органларига ҳисобот топширишлари зарур.

Жисмоний шахслар, резидентлар ушбу солиқ тури бўйича ҳисобланган солиқларни ўз муддатида тўламаганда, солиқлар бўйича белгиланган муддатларда ҳисоботларни топширмаганларида ёки умуман топширмаганларида ҳуқуқбузарлик субъекти сифатида намоён бўладилар.

Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти фуқароларга хўжалик юритувчи субъект сифатида рўйхатдан ўтмасдан ўз мулкини ишлатиб, қўшимча даромад олиш имкониятини берди. Тадбиркорлик субъектининг бу тури юридик шахс ҳуқуқий мақомига эга бўлмай, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолият билан шуғулланувчи ёки юридик шахс ҳам бўлиши мумкин.

Якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролар қонунлар асосида давлат ва солиқ органларида рўйхатдан ўтмаганда, белгиланган миқдорда ва муддатда солиқларни бюджетга тўламаганда ҳамда давлат солиқ хизмати органларига белгиланган муддатда ва тартибда ҳисоботлар тақдим этмаганда ёки солиққа доир муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга зид фаолият юритганда солиққа доир ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланади.

Банклар солиққа доир ҳуқуқбузарликлар субъекти сифатида икки хил вазиятда намоён бўладилар.

Биринчидан, банклар солиқ тўловчилар сифатида

ҳуқуқбузарликлар субъекти бўлади. Бунда улар Солиқ кодексига мувофиқ белгиланган солиқ ва тўловларни ўз фаолиятлари натижасида олган даромадлари ҳисобидан бюджетга тўловчи сифатида намоён бўлади. Улар мазкур солиқ ва тўловларни ҳисоблаш, тўлаш ва белгиланган тартибда ҳисоботларни топшириш борасидаги мажбуриятларини бажармаганда, кечикиб бажарганда ва тўлиқ бажармаган пайтда ҳуқуқбузарлик субъектлари бўладилар.

Иккинчидан эса, ҳўжалик юритувчи субъектлар маблағларидан солиқ ва бошқа тўловларни давлат солиқ органлари талабномалари асосида давлат бюджетига ундирилишини бажарувчи, яъни солиқ йигувчилар сифатидаги мажбуриятларини етарли тарзда бажармаганда, ҳўжалик юритувчи субъектлар маблағларини амалдаги қонуности ҳужжатлар асосида тақсимлаш тартибини бузганда ҳуқуқбузарлик субъектлари сифатида намоён бўладилар.

Шундай қилиб, солиққа доир ҳуқуқбузарликлар у ёки бу тарзда намоён бўладики, уларни бартараф қилиш бўлган кунда ўта долзарб масаладир.

### **10.3. СОЛИҚ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Бозор муносабатлари шароитида турли мулк шакллари асосланган ҳўжалик субъектлари фаолият кўрсатади. Бу субъектлар фаолияти қонунчиликда белгиланган тартибда давлат томонидан назорат қилиб борилиши зарурдир. Бозор муносабатлари шароитида давлат назорати қонунда белгиланган тартиб ва шаклларда солиқ тўловчилар фаолиятига тўсқинлик қилмасдан олиб борилиши муҳим ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эгадир. Чунки назоратнинг кўплиги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини иш фаолияти натижасида олиши мумкин бўлган даромаддан қолдиради. Бу эса, биринчидан, давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган солиқларнинг камайишига олиб келади. Иккинчидан, солиқ тўловчи даромадининг камайиши ходимлар даромадларининг камайишига ва улар ижтимоий аҳволининг ёмонлашишига сабаб бўла-

ди. Шу сабабли назоратни оптималлаштириш ва солиқ тўловчиларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмайдиган назорат усуллари танлаш муҳим масалалар.

Мамлакатимиз солиқ назорати амалиётида солиқ аудитини кенг жорий этиш муҳим масала ҳисобланади. Солиқ аудитини ташкил этиш учун биринчи навбатда солиқ аудити тушунчасига унинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини очиб берадиган таъриф бериш, иккинчидан, солиқ аудити объект ва субъектларини белгилаб олиш лозим.

Аудит бўйича тадқиқотлар олиб бораётган П.Н.Камышанов, М.М.Тўлахўжаева, Ҳ.Н.Мусаев, Н.Санаев, Б.А.Ҳасанов, Ю.М.Иткин, Б.Ҳамдамов ва Р.Нарзиев<sup>1</sup> каби олимлар асарларида ва «Аудит тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг миллий стандартларида корхоналар фаолиятининг умумий аудити масалалари ўрганилган. Солиқ аудити масалалари ушбу олимлар томонидан тадқиқ этилмаган.

Солиқ аудитини ўрганишда энг аввало ушбу тушунчага иқтисодий таъриф бериш муҳимдир. Аудит бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва миллий стандартлардан келиб чиқиб, солиқ аудитига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

**Солиқ аудити — солиқ тўловчиларнинг қонунчилик нормалари билан белгиланган солиқ ва солиқларга тенглаштирилган тўловлар интизоми ҳамда бошқа мажбуриятлар ижросини назорат қилиш мақсадида, давлат солиқ назорати органлари ёки мулкдорлар томонидан ёлланган аудиторлар томонидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиблар асосида назоратдан ўтказиндир.**

Фикримизча, мазкур таъриф солиқ аудитининг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини очиб беради. Чунки, бу таърифда солиқ аудитининг мақсади, объекти ва субъектлари ҳамда ҳуқуқий мезони қамраб олинган.

<sup>1</sup> Абдуқаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001; Оценка и анализ финансового состояния предприятия. — Тамбов: ТГУ, 2001; Камышанов П.И. Практическое пособие по аудиту. — М.: «ИНФРА-М», 1996; Тўлахўжаева М.М. Аудит финансового состояния предприятия. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996; Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш. — Тошкент, 1996; Мусаев Ҳ.Н. Аудит. — Тошкент: «Шарқ», 2002; Санаев Н., Нарзиев Р. Аудит. — Тошкент: «Шарқ», 2001.

Солиқ аудитини ташкил этишдаги асосий вазифалардан бири бу — солиқ аудити объектларини белгилаб олишдир. Чунки давлат солиқ назоратини амалга оширадиган органлар зиммасига нафақат солиқ қонунчилиги интизомини назорат қилиш, балки савдо қоидаларига риоя этишни, турли мақсадли жамғармаларга ажратмалар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни, валюта қонунчилиги интизомини ва электр энергияси учун тўловларни назорат қилиш каби бир қатор вазифалар ҳам юклатилган. Солиқ аудитининг объектларини солиқ назорати органлари зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги тарзда чизма шаклида ифодалаш мумкин (27-чизма).


Таклиф этилаётган чизмадан фойдаланиб, солиқ аудити объектларига қуйидаги таърифни бериш мумкин.

**Солиқ аудити объекти — қонунчиликка риоя этиш интизومي ва солиқ тўловчиларнинг бошқа мажбуриятлари мажмуасидир.**

Ушбу таъриф солиқ аудити объектларининг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини ўзида тўлиқ ифода этган, деб ўйлаймиз.

Солиқ аудитини ташкил этишдаги муҳим масалалардан яна бири бу — унинг субъектларини белгилаб олишдир.

Солиқ аудитининг субъектлари мамлакатимиз қонунчилиги билан назоратни амалга ошириш вазифаси зиммасига юклатилган давлат органлари ва солиқ тўловчининг топшириғига кўра текширув ўтказиш учун жалб этилган аудиторлик хизмати органлари бўлиши мумкин.



27-чизма. Солиқ аудити объектлари таснифи.


Амалдаги қонунчилик нормаларидан келиб чиқиб, солиқ аудити субъектларини қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин (28-чизма).

Ривожланган мамлакатларда молиявий назорат солиқ тўловчилар молиявий фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка риоя этиш, ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Молиявий назорат бу — пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш, улардан фойдаланиш юзасидан давлат ва маҳаллий ҳокимият субъектлари амалга ошираётган ҳаракатларнинг қонунийлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги устидан мамлакатнинг, унинг айрим минтақаларининг самарали ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган назорат. Ҳозирда амалиётда фойдаланилаётган ҳужжатли ва назорат тартибдаги текширувлар солиқ назоратининг мазмун ва моҳиятига тўлиқ мос келмайди.

Иккинчидан, аудитнинг миллий стандартларидаги каби солиқ назоратининг асосларини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар белгиланмаган.

Республикада аудит фаолиятини тартибга солишга оид бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг «Аудитнинг миллий стандартлари».



28-чизма. Солиқ аудити субъектлари таркиби.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган «Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаганлиги учун ҳўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тўғрисида»ги низомлар шулар жумласидандир.

Солиқ аудитини ўтказишдан кўзланган мақсад солиқ тўловчиларнинг солиқ тўғрисидаги қонунларга амал қилишини назоратдан ўтказиб боришдир. Бу солиқ тўловчиларда солиқ мажбурияти онги ва маданиятини шакллантиришнинг муҳим омилларидандир. Солиқ назорати натижалари бўйича аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учун тегишли жазо чораларини қўллаш ҳар қандай содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш учун жазонинг муқаррарлик тамойилини таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 132-моддасида солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчиларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилиши ва жисмоний шахслар ҳамда юридик шахсларнинг мансабдор шахслари эса шунингдек маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши белгилаб қўйилган. Мамлакатимиз амалдаги қонунчилик институтида амал қилаётган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жавобгарликни қўйидаги икки турга бўлиш мумкин:

- содир этилган ҳуқуқбузарлик учун молиявий жарима ундириш;

- солиқ ва йиғимларни ўз муддатида тўламагани учун устама ҳисоблаш.

Солиққа оид жавобгарликнинг таъкидланган турлари солиқ тўловчиларни солиқ қонунчилиги нормаларига риоя этишга ва ҳисобланган солиқ ва йиғимларни ўз муддатида тўлашга йўналтирувчи норма сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 135-моддасида солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жарима қўллаш нормалари белгиланган. Мазкур модда нормалари амалиётда тўғридан-тўғри қўлланилиб, амалиётчилар томонидан уни қўллашда мавжуд камчиликларни бар-тараф этиш чоралари кўриб борилмоқда.

Лекин, мазкур модда нормалари фақат солиққа оид ҳуқуқбузарликларга тааллуқдир. Чунки Солиқ кодекси

ва унга асосан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар нормалари Солиқ кодексига баён этилган солиқлар ва йиғимларга нисбатан қўлланилиши лозим. Амалиётда эса молиявий жазо чоралари мақсадли фондлар бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун ҳам қўлланилиб келмоқда.

Фикримизча, солиқ ва мажбурий йиғимларга тенглаштирилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик нормалари алоҳида ҳуқуқий ҳужжатда белгиланиши лозим.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Юртбошимиз Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишида қилган маърузасида мамлакатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан модернизация қилиш бўйича устувор вазифаларни белгилаб бериб, иқтисодий ислохотлардаги асосий вазифалардан бири сифатида солиқ ставкаларини пасайтириш, умуман солиқ юкини камайтириш вазифасини қўйган эди.

Мазкур вазифани бажариш борасида кейинги йилларда бир қатор ижобий силжишларга эришилди. Солиқ юкини оптималлаштириш бўйича олиб борилаётган сиёсат натижасида даромад (фойда) солиғи, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкалари пасайтирилди. Натижада корхоналар ҳисобидаги оборот маблағлар миқдори кўпайди. Бу эса:

- нисбатан кам ҳисобланган солиқ миқдорини тезроқ тўлаш;
- бюджетга тўловларни кечиктириш бўйича устама-ларни камайиш;
- корхона оборот маблағларини ошириш;
- маблағлар айланишини тезлаштириш;
- бўш қолган маблағни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга жалб қилиш орқали солиқ базасини кенгайтириш имкониятларини беради.

Шу сабабли, солиқ юкини пасайтириш сиёсатини давом эттириш. Бунда айниқса, йўл жамғармасига ажратма миқдори, қўшилган қиймат солиғи, даромад солиғи ставкаларини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

2. Солиқ сиёсатини фуқароларга тушунтириш, фуқаролар томонидан тўланаётган солиқларни қандай мақсадлар учун сарфланиши, унинг мақсадли сарфланиши бўйича фуқаролик назоратини ўрнатишга эришиш, солиқлар аҳамиятини кенг тарғиб қилиш солиқ тўловчилар ва солиқ тушумларини кўпайишига олиб келади.

Шунинг учун солиқ қонунчилиги борасида ташвиқот ишларини яхшилаш долзарб масаладир. Бу борадаги ишлар амалиётда етарли даражада самарали ташкил этилма-



ган. Натижада фуқароларнинг солиқлар ва солиқ базасини яшириш ҳолатлари ҳамон кўплаб содир этилмоқда. Шу туфайли солиқ қонунчилиги бўйича ташвиқот ишларини яхшилаш мақсадида, участка давлат солиқ инспекторлари томонидан ҳар йили солиқ тўловчи жисмоний шахсларни ҳисобга олиш пайтида солиқ тўловлари, уларни аҳамияти солиқ қонунчилигини бузиш учун белгиланган молиявий, маъмурий ва жиноий жазолар тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган ташвиқот варақасини аҳолига тарқатиш амалиётини жорий этиш вақти етди. Чунки ташвиқот варақасини ҳар бир хонадонда бўлиши, ушбу оила аъзоларини барчасини солиқ ва унинг аҳамияти, солиқларни ишлатилиши, солиқ қонунчилигини бузилиши учун жавобгарлик тўғрисидаги ахборотлар билан яқиндан танишиш имкониятини берар эди. Бу эса солиқ тўловларини ўз муддати ва вақтида тўлаб боришни таъминлашга хизмат қилади.

3. Солиқ назорати амалиётида аудит амалиётидан кенг фойдаланилади. Мамлакатимиз солиқ назоратини ўтказишда аудит стандартлари амалиёти қўлланилмайди, унинг нормалари белгиланмаган. Республикамизда солиқ назоратини амалга оширишда асосан ҳужжатли ва қисқа муддатли текширувлардан фойдаланилмоқда. Лекин бу усуллар биринчидан, ўз мазмунига кўра солиқ назоратини моҳият ва мазмунига тўлиқ мос эмас. Иккинчидан, бу усулларни тартибга солувчи меъёрлар ишлаб чиқилмаган. Бу ўз навбатида ҳуқуқий фуқаровий давлат тамойилларига зид ҳолатлардир.

Шу сабабли ишда солиқ назоратини ташкил этишда аудит стандартларидан фойдаланиш амалиётига ўтиш лозимлиги назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилди. Назоратни ташкил этиш учун солиқ аудити стандартларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги асосланди ва миллий стандартлари лойиҳаси тавсия этилди.

4. Солиқларнинг бозор муносабатлари шароитида катта аҳамиятга эгаллигига қарамасдан уларни таҳлил қилиш усуллари таҳлилга ва солиққа оид адабиётларда ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Натижада, корхоналарнинг молиявий ҳўжалик фаолиятига салбий таъсир қилмасдан солиқни кўпайтиришнинг кўпгина резервлари

(имкониятлари) очилмасдан қолиб кетган. Солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ҳамиша солиқлар суммасининг пасайишига олиб келинади, бюджетга тушумлар камаяди деган хулосага келинган. Ҳақиқатда эса, солиқ ставкаларининг пасайиши корхона фаолиятининг самарадорлигини ошириш, солиқ обектининг кўпайиши эвазига солиқ тушумини кўпайтириши мумкинлиги исботланди.

5. Корхоналар тўлайдиган қўшилган қиймат солиғини таҳлил қилиш усуллари таҳлилга оид адабиётларда старли даражада ёритилмаганлигини инобатга олиб ушбу солиқни таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди. Бунда асосий эътибор мазкур солиқнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларга ва уларни баҳолаш ва ҳисоблаш усулларига қаратилди. Қўшилган қиймат солиғи ўзгаришига меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ омиллар; асосий капиталнинг самарадорлиги билан боғлиқ омиллар; айланма маблағларнинг самарадорлиги билан боғлиқ омиллар таъсирини аниқлаш йўллари ишлаб чиқилди. Ҳар бир гуруҳ омилларнинг моҳиятлилиқ коэффициентини инобатга олган ҳолда омилли таҳлил усулларини такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилди.

6. Жаҳон амалиётида ва бизнинг мамлакатимизда ҳам корхоналар тўлайдиган даромад (фойда) солиғи муҳим аҳамиятга эга. Зеро, хўжалик юритувчи субъектлар қанча кўп даромад қилса солиқнинг миқдори ҳам шунга мос равишда, кўпаяди. Даромадни (фойдани) кўпайтиришдан корхона ҳам, давлат ҳам манфаатдор бўлади. Аммо ушбу солиқ турининг ҳам таҳлили тегишли адабиётларга старли даражада ишлаб чиқилмаган эди. Буларни инобатга олиб корхоналар тўлайдиган даромад (фойда) солиғини таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди. Бунда асосий эътибор мазкур солиқ суммасининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш йўллари иқтисоий таҳлилнинг анъанавий усулларида фойдаланган ҳолда ишлаб чиқили.

7. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар тўлайдиган мол-мулк солиғи ҳам ижтимоий-иқтисоий аҳамиятга эга. Зеро, жамиятнинг бойлиги қанча кўпайса давлат бюджетига тушум ҳам шунча кўпаяди. Жаҳон амалиётида ҳам мол-мулк солиғи бежиз жорий қилинмаган. Аммо ушбу

солиқни таҳлил қилиш усуллари ҳам таҳлилга оид адабиётларда етарли аражада ишлаб чиқилмаган. Буларни инobatга олиб ушбу солиқни таҳлил қилиш усуллари, айниқса унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисобаш йўллари ишлаб чиқдик. Мол-мулк солиғига таъсир қилувчи мол-мулкнинг умумий суммаси, солиққа тортиладиган мол-мулкнинг умумий қиймати, ва ушбу солиқ бўйича белгиланган солиқ ставкасининг таъсирини аниқлаш йўллари кўрсатиб берилди.

8. Ер давлат бойлиги. Уни турли хўжалик юритувчи субъектларга фойдаланиш учун узоқ мудатга бериб қўйилган. Ундан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида ер солиғи жорий қилинган. Аммо ер солиғини таҳлил қилиш усуллари ҳам таҳлилга оид адабиётларга кам ёритилган. Буларни инobatга олиб ер солиғини таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди. Унда асосий эътибор ер солиғи ўзгаришига таъсир қилувчи омилларга қаратилди ва уларни ҳисоблаш йўллари таҳлилнинг анъанавий усулларида фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилди.

Биз тавсия қилган солиқлар таҳлилининг методологияси солиқлар таҳлили назариясини ривожланиши ва амалиётининг такомиллашуви учун асос бўлади, деб ҳисоблаймиз.

9. Мамлакатимизда солиқ юки ва у билан боғлиқ кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари олимлар ва амалиётчилар нашр қилган адабиётларда деярли қаралмаган. Солиқ юкининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ҳам атрофлича очиб берилмаган. Солиқ юкига таъсир қилувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари деярли ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли солиқ юкини таҳлил қилиш билан боғлиқ кўплаб муаммолар назарий, услубий ва амалий жиҳатдан ўз ечимларини кутмоқда.

10. Тадқиқотлар кўрсатдики, солиқ юкининг таърифи етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Ушбу муаммони атрофлича ўрганиб солиқ юкига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Солиқ юки деганда хўжалик юритувчи субъект ёки фуқароларнинг давлат ёки маҳаллий бюджетга ҳамда турли жамғармаларга қатъий белгиланган ставкада ва тартибда тўлайдиган барча солиқлар ва тўловлар йиғиндисининг тўловчилар иш ҳажми-**

**га, даромадга ёки бошқа солиқ объектига нисбати туширилади.**

11. Солиқ юкини ифодалаш ва таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб топилди ва қуйидаги кўрсаткичлар:

— солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушумга нисбати;

— солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдасига нисбати;

— солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобот даврининг соф фойдасига нисбати сифатида олиниши тавсия қилинди.

12. Солиқ юкини аниқлашда ҳўжали юритувчи субъектларнинг солиқларни ягона солиқ тўлаш тартиби бўйича тўлашини ва солиқларни умумий тартибда тўланишини инобатга олган ҳолда ёндошиш лозимлиги асосланди ва уларнинг жами солиқ суммаларини аниқлаш усуллари-дан келиб чиқиладиган хусусиятлари очиб берилди.

13. Солиқ юкини ҳўжалик юритувчи субъектларнинг солиқларни ягона солиқ тўлаш тартиби бўйича ва солиқларни умумий тартибда тўланишини таҳлил қилиш усуллари тавсия қилинди. Солиқ юкига таъсир этувчи омиллар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқилди. Таҳлил натижасида ички имкониятларни аниқлаш йўллари кўрсатиб берилди.

14. Давлат солиқ хизмати органлари зиммасига солиқ ва йиғимлар, мақсадли жамғармаларга ажратмаларни тўғри ҳисоблаш ҳамда ўз вақтида тўланишини назорат қилиш билан бир қаторда қўшимча назорат функциялари ҳам юклатилган. Мазкур функцияларни бажариш оқибатида аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жазо чораси қўллашда Солиқ кодекси нормалари асос сифатида олинмоқда. Лекин Солиқ кодекси нормалар мазкур кодексда баён этилган солиқлар ва йиғимларга таълуқлидир. Шунинг учун мақсадли йиғимлар, савдо қоидалари риоя этмаслик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жазо чораларини қўллашда Солиқ кодекси нормаларини қўллашни мантиқан нотўғри эканлиги асосланди.

Мазкур номувофиқликни бартараф этиш мақсадида, Солиқ кодекси 5-7-моддаларига қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқлиги асосланиб, уларга қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар таклиф этилди.

Тадқиқотлар натижасида қилинган хулосалар ва уларни ечими бўйича берилган таклифларни амалиётда қўллаш бюджетга тушумлар қўпайишига, мамлакат иқтисодиёти-ни соғломлаштиришга ва қонунчиликда мавжуд камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## 1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.

Мулкчилик тўғрисида. 2003 йил 7 май.

Корхоналар тўғрисида. 1993 йил 7 май.

Кооперация тўғрисида. 1993 йил 28 декабрь.

Баҳолаш тўғрисида. 1999 йил 19 август.

Табиий монополиялар тўғрисида (янги таҳрирда). 1999 йил 19 август.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида. 1993 йил 7 май.

Аудиторлик фаолияти тўғрисида (янги таҳрирда). 2000 йил 26 май.

Хўжалик жамиятлари ва ширкатлар тўғрисида. 1992 йил 9 декабрь.

Гаров тўғрисида. 1992 йил 9 декабрь.

Давлат статистикаси тўғрисида. 2002 йил 12 декабрь.

Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида. 2001 йил 29 август.

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида. 1993 йил 7 май.

Фуқаролик кодекси, I қисм. 1995 йил 21 декабрь. II қисм. 1996 йил 29 август.

Банкротлик тўғрисида (янги таҳрирда). 2003 йил 24 апрель.

Меҳнат кодекси. 1995 йил 21 декабрь.

Солиқ кодекси. 1997 йил 24 апрель (кейинги ўзгартиришлар инобатга олинган).

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида. 1996 йил 24 апрель.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида. 1996 йил 30 август.

Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида. 1996 йил 27 декабрь.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тўғрисида. 1997 йил 27 апрель.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида. 1997 йил 25 декабрь.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида. 2000 йил 25 май.

Хусусий корхоналар тўғрисида. 2003 йил 11 декабрь.

Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида. 2000 йил 26 май.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида. 2000 йил 25 май.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида. 1998 йил 24 декабрь.

Инвестиция фаолияти тўғрисида. 1998 йил 24 декабрь.

Реклама тўғрисида. 1998 йил 25 декабрь.

Валютани тартибга солиш тўғрисида (янги таҳрирда). 2003 йил 11 декабрь.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари**

Хусусий тадбиркорлик субъектлари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2003 йил 30 август, ПФ-3305-сон.

Корхона ва ташкилот раҳбарларининг халқ хўжалигидаги ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун жавобгарликларини ошириш борасида чора-тадбирлари тўғрисида. 1995 йил 12 май, ПФ-1154-сон, 1999 йил 19 июль.

Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2003 йил 20 июнь, ПФ-3267-сон.

Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида.

Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида. 2000 йил 21 март, ПФ-2564-сон.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида. 2003 йил 24 март, ПФ-3226-сон.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2004 йил 11 март.

### III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ҳамда савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2002 йил 13 ноябрь, 390-сон.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисобот беришини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида.

Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида.

Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.

Накд пул муаммосини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий химоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2003 йил 2 май.

2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2003 йил 13 февраль, 78-сон.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида. 2003 йил 20 август, 357-сон.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2003 йил 15 август, 355-сон.

Иқтисодиётни кредитлаш механизмининг янада такомиллаштириш тўғрисида.

Ички валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2003 йил 16 июль, 317-сон.

Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари-ни маблағ билан таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш



бўйича чора-тадбирлар тўғрисида. 2001 йил 10 сентябрь, 366-сон.

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларини хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2003 йил 26 август, 368-сон.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан микрокредит бериш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида.

Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2003 йил 28 июль, 330-сон.

Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва алмаштириш курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2003 йил 11 июнь, 260-сон.

Тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низомни (янги таҳрирда) тасдиқлаш тўғрисида. 2003 йил 25 сентябрь, 1074-1-сон.

Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида. 2004 йил 5 февраль.

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари**

Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1992.

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Нутқлар, мақолалар, суҳбатлар. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1993.

Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1993.

Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1994.

Каримов И.А. Иқтисодий ислоҳот: масъулиятли босқич. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1994.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1997.

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1998.

Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1992.

Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1994.

Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.

Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1995.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2000.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1999. — 48-бет.

Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш — фаровонлик пойдевори. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 1-ярмига бағишланган мажлисидаги маърузаси. — «Фидокор», 2000, 48-сон, 1-2-бет.

Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш. — Ўзбекистон: мустақамлашнинг асоси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2000. — 285-бет.

Каримов И.А. Тадбиркорлик субъектлари — юксалиш гарови. — «Фидокор», 1999, 39-сон, 1-2-бет.

Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш — энг муҳим вазифамиз. — «Халқ сўзи», 1999, 39-сон, 1-2-бет.

Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустақамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш — асосий вазифамиз. — «Халқ сўзи», 2004 йил 7 февраль.

Каримов И.А. Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш — тараққиёт омили. — «Халқ сўзи», 2004 йил 31 январь.

Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустақамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. — «Халқ сўзи», 2006 йил 11 февраль.

## У. Китоблар ва монографиялар

Абдукаримов И.Т. Анализ хозяйственной деятельности потребительской кооперации. 2-е изд. — М.: «Экономика», 1989.

Абдукаримов И.Т. ва бошқ. Матлубот кооперацияси хўжалик фаолиятини анализ қилиш. — Тошкент: «Ўқитувчи», 1989.

Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисобни ўқиш ва таҳлил қилиш. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001.

Абдукаримов И.Т. Оценка и анализ финансового состояния предприятия. — Тамбов: «ТГУ», 2001. — 76-бет.

Абдукаримов И.Т. Финансовая отчетность, ее характеристика и подготовка к анализу. — Тамбов: «ТГУ», 2002. — 85-бет.

Абдукаримов И.Т. Оборотные активы предприятия, методы их анализа. — Тамбов: «ТГУ», 2001. — 92-бет.

Абдукаримов И.Т. ва бошқ. Молиявий менежмент. — Самарқанд: «СамДУ», 2001. — 78-бет.

Абдукаримов В.И. Вопросы оценки эффективности многоотраслевой хозяйственной деятельности потребительской кооперации в условиях АСОД. — Ташкент: «Меҳнат», 1990.

Абдуллаев Р.А. ва бошқ. Иқтисодий аҳборотларни ЭҲМда ишлатишни автоматлаштириш. — Тошкент: «Ўқитувчи», 1990.

Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. — Тошкент: «Меҳнат», 2001.

Абдуллаев Ё. Статистиканинг умумий назарияси. — Тошкент: «Ўқитувчи», 1993, 1996, 2002.

Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. — Тошкент: «Меҳнат», 1997.

Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. — Тошкент: «Меҳнат», 1998.

Актуальные проблемы учета, аудита и совершенствования финансово-кредитной системы в условиях развития рыночных отношений / Материалы международной НПК. — Самарканд, 1994.

- Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. — Тошкент: «Молия», 2003. — 244-бет.
- Акрамов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. — Ташкент: «ТГЭУ», 2000.
- Амалий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. — Тошкент: «Шарқ», 1996.
- Анализ экономики. Страна, рынок, фирма. — М.: «Международные отношения», 1999.
- Анализ хозяйственной деятельности в промышленности. — Минск: «Высэйшая школа», 1995.
- Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. — М.: «Финансы и статистика», 2000.
- Беркинов Б.Б., Жўрабосов И., Кулабов М. ва бошқ. Кичик корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш асослари. — Тошкент: «Ўқитувчи», 1999. — 262-бет.
- Волжин И.О., Эргашбоев В.П. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998.
- Гусев В.В., Подпорин Ю.В. Налогообложение доходов малых предприятий. — М.: «Бухгалтерский учет», 2000. — 160-бет.
- Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. — Тошкент: «Молия», 2000. — 256-бет.
- Жабриев А.Н., Зугуров И.Р. Менежмент асослари. — Самарқанд: «Зарафшон», 2001.
- Жўраев А.С. ва бошқ. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Ўқув қўлланма. — Тошкент: «Шарқ», 2003. — 256-бет.
- Исроилов Ж.И. ва бошқ. Менежмент стратегияси. Ўқув қўлланма. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
- Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқиш ва сотишни таҳлил қилиш усуллари. — Самарқанд: «СВТИТП», 2004.
- Иброҳимов А.Т. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Меҳнат», 1995.
- Ибрагимов А.К. ва бошқ. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1999.
- Ибрагимов А.К. ва бошқ. Қўшма корхоналарда бухгалтерия ҳисоби. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1994.
- Исроилов Б.И. Юридик шахслар тўлайдиган даромад (фойда) солиғи таҳлили. — Тошкент: ЎзР ДСҚ РАММ, 2000.

- Исроилов Б.И. Солиқларнинг молиявий ҳисоби. — Тошкент: ЎзР ДСҚ РАММ, 2001.
- Исроилов Б.И. Корхоналарда солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби. — Тошкент: ЎзР ДСҚ РАММ, 2002.
- Исроилов Б.И. 21-БҲМС. Ўзбек тилидаги нашри. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2002.
- Исроилов Б.И. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.
- Ковалев В.В. Финансовый анализ: управление капиталом, выбор инвестиций, анализ отчетности. — М.: «Финансы и статистика», 1996.
- Каракоз И.И., Самборский В.И. Теория экономического анализа. — Киев: «Выща школа», 1989.
- Крейнина М.Н. Анализ финансового состояния и инвестиционной привлекательности акционерных обществ в промышленности, строительстве и торговле. — М., 1994.
- Кравченко Л.И. Анализ финансового состояния предприятия. — Минск: «Экаунт», 1994.
- Кудбиев Д.К. Проблемы анализа использования основных фондов в торговле. — Ташкент: «Ўзбекистон», 1990.
- Курс анализа хозяйственной деятельности. — М.: «Экономика», 1984.
- Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство. — М.: ИНФРА-М, 1997. — 320-бет.
- Майданчик Б.И. и др. Анализ и обоснование управленческих решений. — М.: «Финансы и статистика», 1991.
- Макконел К., Брю С. Экономикс. — Бишкек: «Туркистон», 1998. — 139-бет.
- Мусаев Ҳ.Н. Аудит. — Тошкент: «Шарқ», 2002.
- Микроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане / Под ред. Муллажанова Ф.М. — Ташкент: Издательский дом «Мир экономики и права», 1998 — 383-бет.
- Муравьев А.И. Теория экономического анализа: проблемы и решения. — М.: «Финансы и статистика», 1988.
- Маликов Т. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми? ЎзР ДСҚ Солиқ академияси. — Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. — 32-бет.
- Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. — Тошкент: «Академия», 2002. — 204-бет.

- Основы теории переходной экономики / Под ред. Киселевой Е. — Киров, 1996. — 320-бет.
- Пардаев М.К., Курбонов З.Н. Анализ показателей эффективности и интенсификации в кооперативной торговле. — Ташкент: «Ўқитувчи», 1990.
- Пардаев М.К., Ҳайдаров Ш.У. Кооператив савдо корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш. — Тошкент: РУМК, 1990.
- Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999.
- Пардаев М.К. Лойиҳа таҳлили. — Самарқанд, 2001 — 172-бет.
- Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. — Самарқанд: «Зарафшон», 2001.
- Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. I-II-қисм. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001.
- Пардаев М.К. ва бошқ. Корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003.
- Пардаев М.К. ва бошқ. Иқтисодий таҳлил. — Тошкент: «Меҳнат», 2004.
- Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. — Тошкент, 2002.
- Петров В.В., Ковалев В.В. Как читать баланс. 2-е изд. — М.: «Финансы и статистика», 1994.
- Проблемы экономического роста и структурной политики в Узбекистане / Под ред. Абдурашидова Б.А. — Ташкент, 1995. — 165-бет.
- Раевский В.А. Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятий (объединений). Учебник. — М.: «Финансы и статистика», 1988.
- Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория, практика. — М.: ТЕИС, 2000. — 231-бет.
- Русак Н.А., Русак В.А. Основы финансового анализа. — Минск: «Меркаванне», 1995.
- Санаев Н., Нарзиев Р. Аудит. — Тошкент: «Шарқ», 2001.
- Серегин А.С. Эффективность малого бизнеса. — М.: «Экономика», 1990. — 282-бет.
- Совицкая Г.В. Теория анализа хозяйственной деятельности. — Минск: ИСЗ, 1996.

Совицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. — Минск: «Экоперспектива», 1997, 2000.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асослари. — Тошкент: Консаудитинформ, 2003.

Теория экономического анализа. — М.: «Прогресс», 1998.

Теория анализа хозяйственной деятельности. — Минск: «Вышэйшая школа», 1989.

Тухлиев Н.Т., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. — Ташкент: «Ўқитувчи», 2000. — 368-бет.

Тухлиев Н.И. Узбекистон Республикаси иқтисодиёти. — Тошкент: Узбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 1998. — 213-бет.

Тулахужаева М.М. Аудит финансового состояния предприятия. — Ташкент: Издательский дом «Мир экономики и права», 1996. — 192-бет.

Тулахўжаева М.М. Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш. — Тошкент, 1996.

Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение. — М.: ИНФРА-М, 2002. — 576-бет.

Уразов К.Б. Инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортилиши. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003. — 168-бет.

Худойбердиев У.Х., Пардаев М.К., Қурбонов З.Н. Солиқлар учёти ва таҳлили. — Самарқанд: СамКИ, 1995.

Йўлдошев М., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи. — Тошкент: «Молия», 2000.Б— 212-бет.

Чжен В. Хусусийлаштириш асослари. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998. — 221-бет.

Чжен В. Система поддержки предпринимательства в Узбекистане. — Ташкент, 1995. — 163-бет.

Чемберлин Э. Теория монополистической конкуренции (Реориентация теория стоимости) // Пер. с англ. / Под ред. Ю.Я.Ольсевича. — М.: «Экономика», 1996. — 28-бет.

Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. — М.: «Финансы и статистика», 2003.

Шеремет А.Д. Методика финансового анализа предприятия. — М.: ИПО «МП», 1996.

Шоалимов А.Х. Саноат корхоналари фаолиятининг таҳлили. — Тошкент: «Меҳнат», 1992.

Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. — Тошкент: «Ўқитувчи», 2001.

Шодисв Х.А. Интенсивлаш ва самарадорликнинг ўзаро алоқадорлиги. — Тошкент: «Ўзбекистон», 1991.

Шумпетер Й. Теория экономического развития. — М.: «Прогресс», 1982. — 321-бет.

Шаулов Д.И., Кан У.Т. Солиқ қонунчилиги асослари. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999. — 528-бет.

Экономика предприятия / Пер. с нем. — М., 1999.

Эргашев Х.Х. Учет денежных средств, расчетных и кредитных операций. — М.: «Дошков И.К.», 2000. — 239-бет.

Эрхард Л. Благосостояние для всех. — М.: «Начало-Пресс», 1991. — 165-168-бет.

Юданов А.Ю. Конкуренция: теория и практика. — М.: «Акалис», 1996. — 272-бет.

Гулямов С.С., Догиль Л.Ф. и др. Предпринимательство и малый бизнес. — Ташкент, 1996. — 313-бет.

Фуломов С.С., Ахмедов Д.Қ., Боев Х.М. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари асослари. — Тошкент, 1996. — 144-бет.

Ҳасанов Н., Нажбитдинов С. Корхона молиявий ҳисоботини баҳолаш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999. — 244-бет.

Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. — Тошкент: «Молия», 2003. — 248-бет.

Ҳасанов Н.Х., Хайдаров Ш.У., Югай Л.П. Корхоналарда иш ҳақи. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003. — 288-бет.

Ҳасанов Н.Х., Югай Л.П. Финансовое оздоровление предприятия: методы анализа и оценки. — Ташкент: Издательский дом «Мир экономики и право», 2001. — 192-бет.

Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. — Тошкент: «Ф.Фулом», 2000. — 163-бет.

## **VI. Илмий мақолалар ва брошюралар**

Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998.



Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Қ. Раҳбарнинг бизнес тили. — «Бозор, пул ва кредит», 1999, 1-сон.

Абдукаримов И.Т. Менежерга молиявий ҳисобот шакллари. — «Бозор, пул ва кредит», 1999, 2-сон.

Абдукаримов И.Т. Пардаев М.Қ. Бухгалтерия баланси ва унинг таркиби. — «Бозор, пул ва кредит», 1999, 3-сон.

Абдукаримов И.Т. Менежер бухгалтерия балансини қандай таҳлил қилиши керак. — «Бозор, пул ва кредит», 1999, 4-сон.

Абдукаримов И.Т. Менежерга корхона ликвидлиги ва тўлов қобилияти ҳақида. — «Бозор, пул ва кредит», 1999, 5-сон.

Абдукаримов И.Т. Менежерга корхона молиявий барқарорлиги ва иқтисодий бақувватлиги ҳақида. — «Бозор, пул ва кредит», 1999, 6-сон.

Абдукаримов И.Т. Менежерга пул маблағлари оқими тўғрисида. — «Бозор, пул ва кредит», 1999, 7-8-сон.

Абдукаримов И.Т. Менежерга молиявий натижалар ва иқтисодий самарадорлик тўғрисида. — «Бозор, пул ва кредит», 1999, 9-сон.

Абдукаримов И.Т. Менежерга корхонанинг айланма маблағлари тўғрисида. — «Бозор, пул ва кредит», 1999, 10-сон.

Абдукаримов И.Т. Менежерга дебитор ва кредитор қарзлар тўғрисида. — «Бозор, пул ва кредит», 1999, 11-сон.

Абдукаримов И.Т. Менежерга асосий воситалар ҳолати ва уларни қўллаш самарадорлигини баҳолаш ҳақида. — «Бозор, пул ва кредит», 2000, 3-сон.

Абатуров В., Саматов Р. Финансовая поддержка малого и среднего бизнеса: мировой опыт. — «Экономическое обозрение», 2000, 10-сон, 13-21-бет.

Азимов Р. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга эътибор. — «Халқ сўзи», 2001, 223-сон.

Азимов Р. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга эътибор. — «Мулқдор», 2001, 43-сон.

Бажан А. Взаимодействие в зоне риска: малые предприятия. — «Деловой мир», 1991, 5-сон, 5-бет.

Бутаков Д.Д. Основы мирового налогового кодекса. — «Финансы», 1996, 8-сон.

Горский И.В. Налоговая политика и экономический рост. — «Финансы», 1999, 1-сон.

Горский И.В. Экономический рост и налоги. — «Налоговое обозрение», 1999, 1-2-сон.

Ибрагимов А.К. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув ҳисоби муаммолари. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2001, 6-сон, 24-25-бет.

Ибрагимов А.К. Жаҳон ҳисоб стандартларини ўзлаштириш. — «Бозор, пул ва кредит», 1999, 9-сон, 51-53-бет.

Исроилов Б.И. Таҳлил ютуқлар гарови. — «Иқтисод ва ҳисобот», 1998, 4-сон.

Исроилов Б.И. Акциядорлик жамияти — тараққиёт омили. — «Ҳаёт ва қонун», 1998, 5-сон.

Исроилов Б.И. Акциядорлик жамиятларининг шаклланиши ва ривожланиши. — «Саховат», 1999, 3-сон.

Исроилов Б.И. Солиқ тизими кеча, бугун. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 1999, 7-сон.

Исроилов Б.И. Солиқ маданиятини ошириш. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 199, 9-сон.

Исроилов Б.И. Ҳиссадорлик жамиятларида харажатлар самарадорлиги. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 1999, 8-сон.

Исроилов Б.И. Даромад солиғи ҳам корхонага, ҳам бюджетга фойдали бўлсин. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2000, 10-сон.

Исроилов Б.И. Тўловларнинг тўлиқ ундирилиши. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2001, 4-5-сон.

Исроилов Б.И. Аудиторлик текшируви ва жавобгарлик. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2002, 3-сон.

Исроилов Б.И. Солиқ ҳуқуқбузарлик турлари. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2002, 12-сон.

Исроилов Б.И. Факторный анализ результатов деятельности п/п. — «Экономический вестник Узбекистана», 2002, 10-11-сон.

Исроилов Б.И. Аниқлашни осонлаштирилган усули. — «Солиқ тўловчининг журнали», 2002, 9-сон.

Исроилов Б.И. Меҳнат ҳақидан олинadиган даромад солиғининг бухгалтерия ҳисоби. — «Солиқ тўловчининг журнали», 2002, 12-сон.

Исроилов Б.И. Молиявий ҳуқуқбузарликлар ёхуд хўжалик юритувчи субъектларда давлат назоратини такомиллаштириш. — «Ҳаёт ва қонун», 2002, 3-сон.

Исроилов Б.И. Мол-мулк солигини кўпайтириш йўллари. — «Ҳаёт ва қонун», 2003, 6-сон.

Исроилов Б.И. Мол-мулк солиғи, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар. — «Ҳаёт ва қонун», 2004, 1-сон.

Исроилов Б.И. Назорат ва таҳлил. — «Солиқ тўловчининг журнали», 2004, 3-сон.

Исамиддинова Д., Сирожиддинов Н. Условия функционирования малых предприятий в постсоветских странах (на примере Узбекистана и Россия). — «Экономическое обозрение», 1998, 1-сон, 45-52-бет.

Исмоилов У.К. Кичик ва ўрта бизнес ҳуқуқий ҳимояда. — «Мулқдор», 2001, 46-сон.

Исроилов Ж.И. Кичик ва ўрта бизнеснинг аҳволи ва уни ривожлантириш йўллари. «Кичик ва ўрта бизнесда менежмент муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. — Самарқанд, 2002, 72-73 бет.

Исроилов Ж.И. Тадбиркорлар: уларни ўқитиш ва тайёрлашга бугун катта эҳтиёж сезилмоқда. — «Халқ сўзи», 128-сон.

Исроилов Ж.И. Қиёсий таҳлил коэффициентидан фойдаланиш. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2001, 12-сон, 42-43-бет.

Исроилов Ж.И. Қиёсий таҳлилда келтириш коэффициенти дан фойдаланиш. — «Солиқ тўловчининг журнали», 2003, 2-сон, 65-67-бет.

Исроилов Ж.И. Проблемы информационного обеспечения финансового анализа в соответствии с НСБУ. — «Экономический вестник Узбекистана», 2002, 10-11-сон, 31-32-бет.

Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинликлари кафолатлари. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2003, 1-2-сон, 35-37-бет.

Исроилов Ж.И. Даромадларни декларациялаш бўйича мулоҳаза ва таклифлар. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2003, 4-сон, 52-53-бет.

Йўлдошев Ю., Мухсинов Ф. Кичик бизнес — бозор таянчи. — «Мулқдор», 2001, 4(326)-сон, 5-бет.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш устувор ва-

зифа. — «Тошкент ҳақиқати», 2001 йил 21 ноябрь, 92-сон, 3-бет.

Курманбаева Ф., Пугач И., Абдуллаев Р. и др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы. — «Экономическое обозрение», 2000, 6-сон, 4-22-бет; 8-сон, 41-52-бет.

Лалкака Р. Механизмы поддержки малых и средних предприятий в экономиках переходного периода. — «Экономическое обозрение», 1998, 1-сон, 34-44-бет.

Лалкака Р. Механизмы поддержки малых и средних предприятий в экономиках переходного периода. — «Экономическое обозрение», 1998, 8-сон, 24-33-бет.

Мадрахимов К. Кичик бизнес фаолиятидаги барқарорлик-иқтисодий ривожланишида муҳим мезон. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2001, 4-сон, 5-бет.

Намозов О. ва бошқ. Ўзбекистон ислохотларнинг биринчи босқичида. 1991-1994 й. — «Бозор, пул ва кредит», 1997, 1-сон, 50-54-бет.

Омонов О. Қишлоқда тадбиркорлик субъектлари: ривожланиш йўли уфқлари. — «Мулқдор», 1999 йил 21 май, 2-бет.

Пардаев М.К. Эффективность труда в торговле и методика ее определения. — «Бухгалтерский учет», 1978, 9-сон.

Рихсимбоева О. Кичик ва ўрта бизнес ривожланишидаги асосий муаммолар. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2001, 4-сон, 5-6-бет.

Рихсимбоева О. Кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишлари. — «Бозор, пул ва кредит», 2001, 5-сон, 48-бет.

Саидова Г., Ҳақимова М., Абдуганиева Ю. и др. Малый бизнес и человеческое развитие. — «Экономическое обозрение», 2001, 3-сон, 4-9-бет; 4-сон, 3-7-бет.

Саидова Г., Абдуганиева Ю., Голишев В. Кичик бизнес инсон ўлчовида. — «Инсон тараққиёти», 2001, 33-52-бет.

Салаев С. Кичик бизнес субъектларини барқарор ва мутаносиб равишда ривожлантириш. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2001, 6-сон, 32-бет.

Салаев С. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муҳим вазифа. — «Халқ сўзи», 2001 йил 2 июнь, 108-сон, 1-бет.

Салаев С. Иқтисодийётнинг муҳим тармоғи. — «Иқтисод ва ҳисобот», 1998, 1-сон, 67-68-бет.

Санакулова В. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2001, 9-сон, 47-бет.

Ходиев Б.Ю. Хусусий тадбиркорлик субъектлари ва давлат. — «Фан ва турмуш», 1999, 4-сон, 12-бет.

Ходиев Б.Ю. Внешние факторы предпринимательской деятельности. — «Рынок и кредит», 1999, 6-сон, 42-бет.

Ходиев Б.Ю. Эркин бозор ва тадбиркорлик субъектлари. — «Фан ва турмуш», 2000, 2-сон, 31-бет.

Ходиев Б.Ю. Стратегия развития малого бизнеса. — «Деловой партнер Узбекистана», 2000, 18-сон, 5-бет.

Эшов М. Кичик ва ўрта бизнес ривожланишидаги асосий ўзгаришлар. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2002, 5-6-сон, 12-15-бет.

Эшов М. Кичик ва ўрта бизнеснинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. — «Бозор, пул ва кредит», 2002, 5-сон, 24-22-бет.

Эшов М. Қишлода кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари. — «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи», 2002, 3-сон, 8-7-бет.

Эшов М. Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари. — «Иқтисодийёт ва таълим», 2002, 2-сон, 22-бет.

Эшов М.П., Эшов О.П. Кичик ва ўрта бизнес ривожланишининг минтақавий муаммолари. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 2002, 8-сон, 16-17-бет.

Фофуров У. Кичик корхоналар самарадорлигини қандай ошириш мумкин. — «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», 1999, 1-2-сон, 17-21-бет.

Фофуров У. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари. — «Иқтисод ва ҳисобот», 1997, 11-12-сон, 16-18-бет.

Ҳақимова М. Кичик бизнес ва инсон тараққиёти. — «Экономическое обозрение», 2001, 4-сон, 61-бет.

Хикматов О. и др. Стратегия и тактика структурных преобразований в национальной экономике Республики Узбекистан. — «Экономический Вестник Узбекистана», 1999, 10-сон, 4-11-бет.

## **VII. Диссертация ва авторефератлар**

Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудит ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ва автореферат. — Тошкент: Банк-молия академияси, 2002.

Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ва автореферат. — Тошкент: Банк-молия академияси, 2002.

Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ва автореферат. — Тошкент: Банк-молия академияси, 2004.

Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиғи ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ва автореферат. — Тошкент: Банк-молия академияси, 2003.

Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ва автореферат. — Тошкент: Банк-молия академияси, 2004.

## **VIII. Статистик тўпламлар**

Республика Узбекистан: за годы независимости (1991-1996 гг.). — Ташкент, 1997 г.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1997 йилдаги асосий кўрсаткичлари. — Тошкент, 1998, 96-бет.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1998 йилдаги асосий кўрсаткичлари. — Тошкент, 1999, 106-бет.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1999 йилдаги асосий кўрсаткичлари. — Тошкент, 2000, 83-бет.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2000 йилдаги асосий кўрсаткичлари. — Тошкент, 2001, 92-бет.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг  
2001 йилдаги асосий кўрсаткичлари. — Тошкент, 2002,  
112-бет.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг  
2002 йилдаги асосий кўрсаткичлари. — Тошкент, 2003,  
112-бет.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг  
2003 йилдаги асосий кўрсаткичлари. — Тошкент, 2004.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг  
2004 йилдаги асосий кўрсаткичлари. — Тошкент, 2005.

# **ИЛОВАЛАР**



**200\_\_ йил 1 январдаги ҳолат бўйича қишлоқ  
хўжалиги аҳамиятига молик бўлмаган ерлар  
учун тўланадиган ер солиғи  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Кўрсаткичлар	Ер участ- касининг жойлан- ган жойи	Ўлчов бир- лиги	Ҳажми
А	1	2	3
1.			
(ер участкаси берилишига асос ҳужжат) кўра ер участкасининг умумий майдони			
2. Ҳақиқатда фойдаланилаётган ер участкасининг умумий майдони			
(майдонни аниқлаштиришга асос ҳужжат)			
3. Солиқ солинмайдиган ер май- дони, жами _____			
шу жумладан объектлар бўйича:			
4. Солиқ солинадиган ер майдони:			
меъёр доирасида			
меъёрдан ортиқча			
5. 1 га учун ер солиғи суммаси:			
меъёр доирасида			
меъёрдан ортиқча			
6. Солиқнинг умумий суммаси			
шу жумладан:			
меъёр доирасида			
меъёрдан ортиқча			
7. Тўлаш муддатлари бўйича солиқ суммаси:			
I чорак учун — 15 февралгача			
II чорак учун — 15 майгача			
III чорак учун — 15 августгача			
IV чорак учун — 15 ноябргача			


200\_\_ йил 1 январдаги ҳолат бўйича қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ерлар учун туланидиган ер солиғи  
**ҲИСОБ-КИТОБИ**

Ер турлари	Майдони, га		1 га учун солиқ ставкаси, сўм		Жами солиқ суммаси, шу жумладан:	
	меъёр доирасида	меъёрдан ортиқча	меъёр доирасида	меъёрдан ортиқча	бюджетга	жамғармага 5% деҳқон хўжаликлари учун
А	1	2	3	4	5	6
1. Суғориладиган жамоат қишлоқ хўжалиги ерлари:						
1 класс (0-10 балл)						
2 класс (11-20 балл)						
3 класс (21-30 балл)						
4 класс (31-40 балл)						
5 класс (41-50 балл)						
6 класс (51-60 балл)						
7 класс (61-70 балл)						
8 класс (71-80 балл)						
9 класс (81-90 балл)						
10 класс (91-100 балл)						
Баҳоланмаган ерлар						
<b>ЖАМИ</b>						
2. Лалмикор экинзорлар, қуриқ ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар:						
Текислик зонада (ёғинлар билан таъминланмаган)						

Ер турлари	Майдони, га		1 га учун солиқ ставкаси, сўм		Жами солиқ суммаси, шу жумладан:	
	меъёр доирасида	меъёрдан ортиқча	меъёр доирасида	меъёрдан ортиқча	бюджетга	жамгармага 5% деҳқон хўжаликлари учун
А	1	2	3	4	5	6
Текислик-тепаликларда иборат зонада (ёгинлар билан ярим таъминланган)						
Тоғолди ва тоғли зоналарда (ёгинлар билан таъминланган)						
<b>ЖАМИ</b>						
3. Суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар:						
«Чўл» минтақасида						
«Адир» минтақасида						
«Тоғ» минтақасида						
<b>ЖАМИ</b>						
4. Ўрмон хўжалиги корхоналарининг мол ўтлатиш учун фойдаланилмайдиган суғорилмайдиган пичанзорлари ва яйловлари						
5. Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, йўллар остида жойлашган ерлар						
6. Жамоат иморатлари ва ҳовлилари						
7. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар						
8. Солиқ солинадиган ерлар бўйича жами						

Ер турлари	Майдони, га		1 га учун солиқ ставкаси, сўм		Жами со- лиқ сум- маси, шу жумладан:	
	меъёр дои- раси- да	меъ- ёрдан ор- тиқча	меъёр дои- раси- да	меъ- ёрдан ор- тиқча	бюд- жет- га	жам- гар- мага 5% деҳ- қон хужа- лик- лари учун
А	1	2	3	4	5	6
9. Солиқ солинмайдиган ерлар:						
1) томорқа ерлар ва полизлар						
2) ўрмонлар ва бошқа						
3) маданият, маориф, соғлиқни сақлаш объектилари, аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари, қабристонлар, ихотазорлар						
4) янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив яхшиланиш жараёнида бўлган мавжуд суғориладиган ерлар						
5) илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги аҳамиятига молик ерлар						
6) мева бермайдиган боғлар ва узумзорлар						
10. Солиқ солинмайдиган жами ер						
11. БАРЧА ЕРЛАР						

2005 йилда жами тушумлар таркибида солиқ турларининг улуши (фоизда)



## 2004-2005 йилларда Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилган ҳужжатли текширишлар натижалари

№	Хувидаш номи	Ушбу йилда текширилган соми			Қончибушиш ҳалатлари амалдан чиқариб ташланган соми			Даромадларини ва солиқ объектларини ашириш ҳолатлари						Қўшимча ҳисобланган солиқлар ва маъмурий жаримлар суммаси (млн сум)			Шу аҳдизан қўзғинилган қўшимча даромадлар (млн сум)			Қўзғинилган жиноий ишлар соми				
		2004 й.		фарқи	2004 й.		фарқи	2004 й.		2005 й.		фарқи	2004 й.		2005 й.	фарқи	2004 й.		2005 й.	фарқи	2004 й.		2005 й.	фарқи
		1	2		3	4		5	6	7	8		9	10			11	12			13	14		
1	Қорақалпоғистон	2433	2140	-143	1868	1709	-159	482	470	-12	266,8	774,9	508,1	9864,8	1473,9	-6430,9	9136,1	2247,4	6788,7	32	29	3		
2	Андижон	1197	3743	1454	4567	2983	-1584	483	201	-282	2199,0	619,3	-1579,7	12504,0	8422,4	-4081,6	7460,9	4911,6	-2549,3	86	100	14		
3	Бухоро	3938	3588	-180	3310	2071	-1139	755	254	-61	8111,9	10703,6	2591,7	57256,1	27055,2	-30200,9	17067,9	23540,9	-14523,0	38	53	15		
4	Жиззах	2394	1639	-756	2583	1360	-1223	123	92	-81	783,5	218,5	-565,0	5444,9	5620,7	175,8	2965,4	2417,2	548,2	36	39	3		
5	Қашқадар	2697	2334	-363	2280	1881	-399	240	215	-25	6907,0	403,5	-6503,5	14495,2	7342,5	-7152,7	8189,2	2871,4	-5317,8	42	30	-3		
6	Наҳий	2153	1741	-412	1806	1467	-339	212	129	-83	194,5	143,1	-51,4	3144,6	6651,5	3506,9	1208,5	2539,8	1231,3	32	28	-4		
7	Норинган	2403	1793	-610	2153	1633	-520	311	192	-119	1470,5	1331,7	-147,8	4630,7	3710,0	-920,7	2904,5	2396,5	-508,0	58	54	-4		
8	Самарқанд	2802	2344	-458	2450	2058	-392	659	486	-163	4314,1	4070,0	-244,1	10958,9	6740,5	-3318,4	5684,5	4602,6	-1201,9	105	133	28		
9	Сурдар	3493	2502	-991	2941	2132	-809	280	131	-149	681,1	688,0	6,9	3549,8	2220,5	-1329,3	2086,0	1123,0	-963,0	18	23	5		
10	Сурхондар	2416	1732	-684	1944	1366	-578	404	373	-21	523,4	925,5	402,1	10106,2	9433,9	-672,3	8406,6	7659,1	-747,5	50	76	26		
11	Тошкент	2996	2080	-916	2480	1745	-735	345	258	-87	3189,8	1715,3	-1474,5	20900,2	24245,0	3344,8	11857,6	14370,7	7477,1	56	82	26		
12	Фарғона	3936	2682	-1254	2728	2094	-634	741	167	-174	20754,6	22986,2	2231,6	32458,6	42115,0	9656,4	37221,7	37921,0	10199,3	68	153	85		
13	Ушсув	4764	3114	-1650	2879	2533	-346	725	343	-382	424,0	313,0	-111,0	12515,0	4913,0	-7602,0	9424,0	2849,0	-6575,0	48	26	-22		
14	Тошкент ш.	5646	5220	-416	4789	4222	-547	786	411	-375	28384,5	22273,7	-6110,8	64575,0	39286,9	-25288,1	36134,3	24820,0	-11312,3	266	189	-77		
	Жами	40448	36661	-10787	39768	30154	-9614	6196	3072	-2224	78713,7	67166,3	-11547,4	261504,0	191243,0	-70261,0	170543,2	138412,2	-32131,0	935	1024	89		

## Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган солиқ тўловчилар сони тўғрисида маълумот

Т / Р	Худудлар номи	Юридик шахслар сони		Мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони		Ер солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони		Якка тартибдаги тадбиркорлар сони	
		2005 йилнинг 1 январь ҳолатига	2006 йилнинг 1 январь ҳолатига	2005 йилнинг 1 январь ҳолатига	2006 йилнинг 1 январь ҳолатига	2005 йилнинг 1 январь ҳолатига	2006 йилнинг 1 январь ҳолатига	2005 йилнинг 1 январь ҳолатига	2006 йилнинг 1 январь ҳолатига
A	I	2	3	5	6	5	6	8	9
1	Қорақалпоғистон	15341	16918	232995	232926	221726	221465	2700	3092
2	Андижон	21063	21643	419902	429828	412798	414844	12978	13870
3	Бухоро	21968	24498	282144	284623	277091	278885	6637	6516
4	Жиззах	20328	17762	153981	155157	129276	130283	4061	4032
5	Қашқадарё	41105	44038	385825	389389	372369	376093	9182	10779
6	Навоий	11681	11500	157803	158087	124487	124848	5071	5074
7	Наманган	17793	18969	372553	376495	361586	365212	8029	9787
8	Самарқанд	28021	22718	454781	456387	458539	459420	12517	13572
9	Сурхондарё	16675	17799	286140	288006	293647	293452	6671	7765
10	Сирдарё	12795	13621	116790	118645	96300	101816	2620	2641
11	Тошкент	22766	21439	495463	496254	401317	402238	7499	8640
12	Фарғона	26864	26472	533041	536013	542669	549490	8714	9447
13	Хоразм	16841	23054	222671	227364	228154	232756	4568	4675
14	Тошкент ш.	28888	28676	544078	546459	155954	159158	13155	13654
	Республика бўйича	302129	309107	4658167	4695633	4075913	4109960	104402	113544

# МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>1-боб. СОЛИҚЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ, СОЛИҚҚА ДОИР МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ</b> .....	6
1.1. Солиқларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти ва мазмуни .....	6
1.2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиққа доир муносабатларнинг шаклланиш тарихи .....	9
1.3. Солиқлар ҳисобининг аҳамияти .....	17
1.4. Солиқлар таҳлилининг вазифалари ва унда қўлланиладиган маълумотлар .....	20
<b>2-боб. ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ МАЗМУНИ, ҲИСОБЛАШ ЙЎЛЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАРИ</b> .....	32
2.1. Қўшилган қиймат солиғининг мазмуни ва унинг солиқ тизимидаги ўрни .....	32
2.2. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари .....	39
2.3. Импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш усуллари .....	47
2.4. Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар .....	59
<b>3-боб. ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ ВА АКЦИЗ СОЛИҚЛАРИНИНГ ҲИСОБИ ҲАМДА ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b> .....	63



3.1. Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоби .....	63
3.2. Акциз солиғининг ҳисоби .....	67
3.3. Жисмоний шахслар транспорт воситалари- га ёқилғи ишлатилганлик учун ундириладиган со- лиқларнинг ҳисоби .....	70
3.4. Қўшилган қиймат солиғи таҳлилини тако- миллаштириш .....	73

**4-боб. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИНГ МАЗМУ-  
НИ, ОБЪЕКТИ, СУБЪЕКТЛАРИ ВА ҲИСОБЛАШ  
ЙЎЛЛАРИ** .....

4.1. Мол-мулк солиғининг мазмуни, объекти ва субъектлари .....	90
4.2. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш йўллари .....	101
4.3. Мол-мулкни солиққа тортишни такомил- лаштириш .....	118

**5-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ МИЛ-  
ЛИЙ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА МОЛ-МУЛК  
СОЛИҒИНИНГ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИ ТА-  
КОМИЛЛАШТИРИШ** .....

5.1. Мол-мулк солиғининг ҳисоби .....	121
5.2. Мол-мулк солиғига таъсир қилувчи омил- ларни таҳлил қилиш усуллари .....	122

**6-боб. ЕР СОЛИҒИНИНГ МАЗМУНИ,  
ҲИСОБЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ** .....

6.1. Ер солиғининг мазмуни, объекти, субъект- лари, солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш йўл- лари .....	130
6.2. Ер солиғи бўйича белгиланган имтиёзлар ва уларнинг амалиётда қўлланилиши .....	137
6.3. Ер солиғининг ҳисоби ва уни такомиллаш- тириш .....	149

6.4. Ер солигига таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш усуллари .....	150
--	-----

<b>7-боб. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИ</b> .....	157
---	-----

7.1. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғининг ҳисоби .....	157
---	-----

7.2. Ялпи даромад солиғининг ҳисоби .....	162
---	-----

7.3. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғининг омилли таҳлили .....	164
---	-----

7.4. Ялпи даромад солиғини таҳлил қилиш усуллари .....	171
--	-----

<b>8-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА СОЛИҚ ЮКИНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ</b> .....	175
--	-----

8.1. Корхоналарда солиқ юки ва уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари .....	175
--	-----

8.2. Корхоналарда солиқ юкини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш йўллари .....	185
--	-----

<b>9-боб. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b> .....	197
--	-----

9.1. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти .....	197
---	-----

9.2. Жисмоний шахсларнинг даромадига олинадиган солиқни тўловчилар ва солиқ объектлари .....	198
--	-----

9.3. Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида оладиган даромадларини солиққа тортиш ...	206
--	-----

9.4. Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини солиққа тортиш .....	207
--	-----

9.5. Жисмоний шахслар даромадларидан оли-  
надиган солиқ ҳисоби ..... 208

9.6. Жисмоний шахслар жами даромадларини  
декларациялашни такомиллаштириш ..... 209

**10-баб. СОЛИҚ НАЗОРАТИ, УНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 216**

10.1. Солиқ назоратини ташкил этиш тамойил-  
лари ..... 216

10.2. Солиққа доир ҳуқуқбузарликлар ва улар-  
ни таснифлаш йўллари ..... 220

10.3. Солиқ назоратини такомиллаштириш йўл-  
лари ..... 226

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР ..... 232**

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ..... 238**

**ИЛОВАЛАР ..... 256**









**Юридическая грамотность -  
это не мечта, это НОРМА**

**ООО «Норма Намкор»  
представляет Вашему вниманию»**

**Информационно-правовая система  
«NORMA-Законодательство РУз»**

*Официальная информация государственных органов власти и управления, в т.ч. Кабинета Министров РУз, ГНК РУз, Министерства юстиции РУз, Министерства финансов.*

*Включение документов в систему осуществляется с официального текста. Нормативные акты помещаются в базу вместе с разъяснениями по их применению и методическими рекомендациями специалистов налоговых, таможенных и финансовых органов.*

*А также бесплатная подписка на электронное издание газеты "НТВ-СБХ" на русском и узбекском языках, "Календарь налогоплательщика" выделен в отдельный раздел.*

**Электронно-справочная система  
«Практическая бухгалтерия»**

*Методические разъяснения по учету хозяйственных операций с конкретными примерами.*

*Хозяйственные ситуации с бухгалтерскими проводками в старом и новом (НСБУ № 21) Плане счетов.*

*Полный набор первичных и отчетных документов, необходимых бухгалтеру.*

*Выходы по ссылкам из разъяснений и рекомендаций в тексты нормативно-правовых актов.*

*Типовые формы хозяйственных договоров.*

**Это пособие упростит и ускорит каждодневную работу руководителя предприятия и бухгалтера, аудитора и юрисконсульта**

**Электронно-справочная система  
«Практическое налогообложение»**

*Полная, постоянно обновляемая информация о порядке исчисления и уплаты всех видов налогов, сборов, обязательных отчислений в бюджет и внебюджетные фонды.*

*Последние сведения о новых налоговых и таможенных льготах, а также об их изменениях.*

*Необходимые знания о санкциях, применяемых к нарушителям законодательства.*

*Многочисленные примеры из судебной практики по вопросам финансово-хозяйственной деятельности.*

*Вся информация сопровождается анализом ситуаций из бухгалтерской практики, конкретными расчетами, примерами заполнения форм финансовой отчетности и ссылками на положения нормативно-правовых актов.*

**700011, г. Ташкент, ул. Абая, 4**

**Тел.: служба продаж (371) 144-89-25, 135-11-07  
отдел обслуживания (371) 144-89-29, 144-43-56**

**E-mail: [norma@uzlaw.org](mailto:norma@uzlaw.org)  
Web: <http://www.uzlaw.org>**

«БУХГАЛТЕР КУТУБХОНАСИ»

**СОЛИҚЛАР ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИ:  
МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

**Б. И. ИСРОИЛОВ**

Чиқариш учун масъул	Мелибаев М.
Мусахҳиҳ	Раҳимбекова З.
Компьютерда саҳифаловчи	Киселева Н.
Муқова тайёрловчиси	Мирзамухамедов А.

2006 йил 27 мартда босишга рухсат этилди.

Ҳажми 17,0 б.т. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.

Адади 600 нусха. Буюртма № 46.

«Ўзбекистон» НМИУ, Ташкент ш., Навоий кўч., 30.

*«КО'НИ NUR» босмахонаси, Ташкент ш., Муқимий кўч., 178.*